

84(0)

Д-88

Жан Пол Сартр
Агата Кристи
Стивен Кинг
Артур Конан Дойл
Морис Леблан


ДУНЁ
ЭЪТИРОФ
ЭТГАН

ДЕТЕКТИВ ҲИКОЯЛАР

**Kitob shu yerda ko'rsatilgan muddatdan
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart**

Ilgarigi berilmalar miqdori _____

--	--



**ДУНЁ
ЭЪТИРОФ
ЭТГАН**

**Жан Пол Сартр
Агата Кристи
Стивен Кинг
Артур Конан Дойл
Морис Леблан**

ДЕТЕКТИВ ҲИКОЯЛАР

**«Навоий университети»
нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент - 2018**

УЎК: 821(100)
КБК: 84(0)
Д-88


Дунё эътироф этган детектив ҳикоялар / Жан Пол Сартр, Артур Конан Дойл, Стивен Кинг, Морис Леблан, Агата Кристи – Тошкент: «Навоий университети» нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – 208 б.

ISBN 978-9943-52-115-9

Эътиборингизга ҳавола этилаётган китоб дунё эътироф этган ёзувчилар – Артур Конан Дойл, Стивен Кинг, Морис Леблан, Жан Пол Сартр, Агата Кристи қаламига мансуб детектив ҳикояларни ўз ичига олган.

Ёзувчиларнинг ўзбек тилида тўплам ҳолида нашр этилаётган мазкур ҳикоялари ҳам бошқалари каби жозибадор, ўқувчи кўнглига яқин, шунинг билан бирга сир-синоатга бой.

Қолаверса, Шерлок Холмс, Эркюл Пуаро номини эшитмаган, билмаган одам топилмаса керак. Ҳар қандай мушкул вазиятда ҳам топқир, билимдон, ўз касбининг устаси, камбағалларга беминнат ёрдам қўлини чўзадиган, танти ва чексиз ақлий қобилиятга эга қаҳрамонлар билан мутолаа орқали мулоқот китобхонга фақат ва фақат завқ бағишлайди.



ISBN 978-9943-52-115-9

© «Дунё эътироф этган детектив ҳикоялар», «Навоий университети» нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018.

ДЕВОР

Бизни деворлари оппоқ чорси хонага итариб-туртиб киритишди. Уткир ёруғлик кўзни қамаштирди. Зум ўтмай стол ортида қандайдир қоғозларни титиб ўтирган кишилик кийимидаги тўрт нусхани кўрдим. Бошқа қамоққа олинганлар бир оз нарироқда тиқилишиб туришарди. Биз хонани кесиб ўтиб, уларга қўшилдик. Бу одамларнинг кўпини билардим, қолганлари, чамаси, муҳожирлар эди. Менинг олдимда иккита бир-бирига ўхшаган оқ-сарикдан келган киши турарди, булар французлар бўлса керак, деб ўйладим. Бўйи пастроғи дам-бадам шимини кўтариб қўяр – тиззалари қалтираётгани кўриниб турарди.

Бу даҳмаза уч соатчадан буён давом этар, бошим қотган, қулоқларим шанғиллар эди. Аммо хона иссиққина, танага ёқар, биз уззукун совуқда қолиб изиллаган эдик. Соқчилар қамоққа олинганларни бирма-бир стол ёнига олиб боришарди. Кишилик кийимидаги тўрт нусха ҳар бир одамдан исми билан касб-корини сўрарди. Улар шу саволлардан нарига ўтишмас, лекин гоҳида «Ўқ-дорилар ўғирлашда қатнашганмисан?» ёхуд «Ўнинчида эрталаб

қаерда, нима иш билан машғул эдинг?» деб сўраб қўйишарди. Жавобларни эса ҳатто эшитишмас ёки эшитмаганга олишар, бўшлиққа тикилиб, жим қолишар, кейин ёзишга тушишарди. Томдан «Ҳақиқатан байналмилал бригадада хизмат қилганмисиз?» деб сўрашди. Бўйин товлашнинг маънисини қолмаган – улар курткасидаги ҳужжатларини топиб ўқишган эди. Хуандан эса ҳеч нарсани сўрашмади, фақат у отини айтиши биланоқ тез-тез алланималарни ёзишга тушишди.

– Ўзингиз биласиз-ку, мен эмас, акам анархист. Аммо у бу ерда эмас. Менинг сиёсат билан ишим йўқ, ҳеч қандай партияга аъзо эмасман. – Улар индамай ўтириб ёзишарди. Хуаннинг жағи тинмасди. – Менинг ҳеч бир айбим йўқ. Бошқаларнинг жатига қолишни истамайман. – Унинг лаблари титрарди. Соқчи оғзингни юм деб, уни бир чеккага итариб олиб борди.

Навбат менга келди.

– Сиз Пабло Иббиетамисиз?

Мен «Ҳа», дедим. Нусха қоғозларга қаради-да, сўради:

– Рамон Грис қаерга яширинган?

– Билмайман.

– Сиз уни олтинчидан ўн тўққизинчигача яширгансиз.

– Ундаймас.

Улар нималарнидир ёзишди, кейин соқчилар мени хонадан олиб чиқишди.

Йўлакда иккита қоровул ўртасида Том билан Хуан турарди. Бизни олиб кетишди. Том соқчиларнинг бировидан сўради:

– Бу ёғига нима бўлади?

– Қайси маънода? – деди соқчи.

– Бизни сўроқ қилишдими ёки суд?

– Суд.

– Хўп. Энди нима қилишади бизни?

Соқчи қуруққина жавоб берди:

– Хукм камерада эълон қилинади.

Улар камера деб атаган жой илгариги касалхонанинг ертўласи эди. Бу ердаги совуққа чидаб бўлмас, ҳар томондан аёз шамол ғўрилларди. Тун бўйи азбаройи совуқдан тишлар такиллаб чиқар, кундузлари ҳам бундан тузук эмасди. Бундан аввал мен беш кун архиепископликнинг ёлғизхонасида ўтирган эдим, уни ўрта асрлардан қолган тош ўра деса ҳам бўларди. Қамокқа олинганлар шунчалик кўп эдики, уларни дуч келган ерга тиқиб ташлашарди. Мен-ку ўша ўрасидан хафа эмасман, жиллақурса, у ерда совқотганим йўқ, фақат ёлғиз эдим, ёлғизлик эса одамни ҳолдан тойдиради. Манави ертўлада ҳар қалай ён-веримда одамлар бор. Рост, Хуан оғзини очмас, қаттиқ кўрқар, ҳар на қилса-да, жуда мурғак, гапирадиган гапи ҳам йўқ ҳисоби эди. Томнинг эса, аксинча, жағи тинмас, бунинг устига испанчани сувдай ичарди.

Ертўлада битта узун ўриндиқ ва тўртта бўйра бор эди. Эшик орқамиздан ёпилгач, биз ўтириб, бир муддат жим қолдик. Аввал Том тилга кирди:

– Тамом. Кунимиз битди.

– Балки, – дедим мен. – Лекин йигитчага тегишмас дейман.

– Акаси жангари бўлсаям, укасининг бунга алоқаси йўқ.

Мен Хуанга қарадим: у, чамаси, эшитмасди. Том гапини давом эттирди:

– Сарагосада уларнинг нималар қилаётганини биласанми? Одамларни йўлга ётқизиб, устидан юк

машина юргизишяпти. Марокашлик бир қочоқ бор эди, бизга ўша гапириб берди. Айтишларича, шунақа қилиб ўқ-дорини тежашармиш.

– Бензинни тежашмас эканми?

Том жиғимга тегди. Нима қилади буларни гапириб?

– Зобитлар бўлса йўл чеккасида қўлларини чўнтакка тиқиб, сигарет тутатиб айланиб юришармиш. Ўша шўрликларни дарров асфаласофилинга жўнатишади деб ўйлайсанми? Ҳеч-да! Абгорлар соатлаб бақириб ётишармиш. Марокашлик оғриқнинг зўридан мен аввалига оғзимни ҳам очолмадим, дейди.

– Ишончим комилки, улар бу ерда ундай қилишмайди, – дедим мен. – Бошқасини билмайман-у, лекин уларнинг ўқ-дорилари етарли.

Ертўлага тўртта тешик ва чап томондаги шифтдан очилган туйнукдан ёруғлик тушиб турар, ундан нақ осмон кўринарди. Бу туйнукдан илгари ертўлага кўмир туширилган чоғи, шундоқ тагида кўмир хокаси тўдаланиб ётарди. Чамаси, у билан ҳарбий касалхонани иситиш мўлжалланган. Кейин уруш бошланиб, касаллар бошқа жойга кўчирилган-у, кўмир шундоқ қолиб кетган. Афтидан, туйнукни беркитиш ёдларидан кўтарилган, вақти-вақти билан тепадан ёмғир томчилари томарди. Кутилмаганда Том ёмон қақшаб ғўлдиради:

– Куриб кетсин! Ҳамма ёғим титраб кетяпти. Шу етмай турувди!

У ўрнидан туриб машқ қилишга тушди. Кўйлаги ҳар кўтарилганда жун босган оппоқ кўкраги кўришиб кетарди. Кейин у чалқанча ётиб, оёқларини кўтариб қайчидек айлантира бошлади – унинг семиз думбаси дирилларди. Умуман, Том – зуваласи пишиқ йигит, лекин барибир семизроқ. Мен беихтиёр ўқ ва милтиқ найзаси бу лаққа юмшоқ гўштга ёғни кесгандай осон ва енгил кириб боришини

тасаввур қилдим. У қотма йигит бўлганида, эҳтимол, бундай ўйламаган бўлардим. Мен совқотмаган бўлсам-да, қўл-оёғимни сезмасдим. Баъзида бир нимами йўқотгандай бўлар, курткамни қидириб, аланг-жаланг қилар ва шу заҳоти уни менга қайтариб беришмаганини эслар эдим. Бундан ғашлигим ортарди. Улар бизнинг кийим-кечакларимизни олиб қўйишиб, бўз иштонлар беришди – бу ерда касаллар айна ёз чоғлари шундай иштонларда юришган. Том ўрнидан туриб, рўпарамга ўтирди.

– Қалай, исидингми?

– Қайда дейсан, қуриб кетсин. Нафасим тиқилгани қолди.

Соат саккизларда камерага комендант билан иккита фалангачи аскар кирди. Комендантнинг қўлида рўйхат бор эди. У соқчидан сўради:

– Бу учовининг фамилияси нима?

Соқчи айтди:

– Стейнбок, Иббиета, Мирбал.

Комендант ойнагини тақиб, рўйхатга боқди.

– Стейнбок... Стейнбок... А-ҳа, мана бор. У отишга ҳукм қилинган. Ҳукм эртага эртаминан ижро этилади.

У рўйхатга яна бир қур кўз ташлади:

– Қолган иккови ҳам.

– Бўлиши мумкинмас, – дея ҳиқиллади Хуан. – Хатолик бу.

Комендант унга ҳайрон бўлиб қаради:

– Исми шарифинг?

– Хуан Мирбал.

– Ҳаммаси тўғри. Отув!

– Лекин мен ҳеч нарса қилганим йўқ, – дея гапидан қолмади Хуан.

Комендант елкасини қисди-да, бизга ўгирилди:

– Сизлар баскмисизлар?

– Йўқ.

Комендантнинг авзойи бузуқ эди.

– Лекин менга бу ерда учта баск бор дейишувди. Уларни қидириб юришдан бошқа ишим йўқми? Сизларга руҳоний керакми?

Биз индамадик. Комендант:

– Ҳозир олдингизга белгиялик врач киради, – деди. – У сиз билан эрталабгача бирга бўлади.

У қўлини чаккасига қўйиб, сўнг чиқиб кетди.

– Айтмовдимми сенга? – деди Том. – Хасислик қилишмапти.

– Рост, – дедим мен. – Аммо болапақирга жабр-да. Аблахлар!

Гарчи йигитчани жиним суймай турган бўлса-да, бу гапни адолат юзасидан айтдим. Болакайнинг юзи ғоятда ингичка, ўлим кўрқинчи башарасини ёмон ўзгартириб юборганди. Уч кун бурун у хипчагина ўсмир эди, уни ёқтирмасликнинг иложи йўқ эди, лекин ҳозир у жуда қаримсиқ бўлиб қолган, мабодо энди уни шу ҳолда қўйиб юборсалар ҳам, у умр бўйи шундай қаримсиқ ва пажмурдалигича қоларди, деб хаёлимдан ўтказдим. Умуман, болакайга одамнинг раҳми келади, аммо ачиниш нафратимни кўзғар, у ёғини айтсам, боланинг ўзи ҳам кўзимга балодек кўринарди.

Хуан бошқа миқ этмади, унинг ранг-рўйи қумдай оқарди, қўллари, башарасининг ҳам туси ўчди. У кўзлари соққадай бўлиб яна ерга чўкди. Бир жойга тикилди-қолди. Том меҳрибон одам эди, у болакайнинг қўлини тутмоқчи бўлди, аммо у жаҳл билан қўлини тортиб олди, юзи аламдан буришиб кетди.

– Унга тегма, – дедим Томга. – Кўрмаяпсанми, хўрлиги келиб турибди.

Том истар-истамай рози бўлди, у негадир болакайни юпатгиси келган, шундай қилганда, ўз аҳволини ҳам бир оз бўлса-да енгиллатган бўлармиди балки. Ҳар иккови ҳам жуда ғашимга тегишаётган эди. Илгари мен ҳеч ўлим тўғрисида ўйламагандим, фурсатим бўлмаганди, лекин ҳозир мени нима кутаётганини ўйламай иложим йўқ эди.

– Менга қара, – деди Том, – сен улардан биронтасини нариги дунёга жўнатдингми?

Мен жавоб бермадим. Том августдан бери олти-тасини отиб ташлаганини ўраб чирмай бошлади. Аниқ, у ҳозир юзага келган вазият ҳақида ўзига ҳисоб бермасди, у буни истамаётганини равшан кўриб турардим. Ўзим ҳам рўй берган ҳолни тузук-қуруқ англай олмас, бироқ мен ўлим оғир бўлармикин-а, деб ўйлаган ва қайноқ ўқлар баданимни дўлдай тешиб ўтаётганини ҳис қилгандим. Шунга қарамасдан бу сезгиларнинг унча аҳамияти йўқ эди. Ҳали бунинг ташвишини чекмаса ҳам бўлар, аҳволни аниқлаштириб олишим учун олдинда бир кеча бор эди. Тўсатдан Том жим бўлиб қолди. Унга кўз қиримни ташладим, рангида ранг қолмабди. Аҳволи ғоятда ночор эди, шунда мен «Ана бошланди!» деб ўйладим. Қоронғи тушиб келарди, туйнукдан хира ёруғ оқиб кирар, кўмир уюмини ёритар, хона саҳнига доғ-дуғ бўлиб ясланарди. Туйнук узра кўзимга юлдуз ташланди, кеча совуқ, осмон тиниқ эди.

Эшик очилиб, ертўлага икки соқчи кирди. Уларнинг ортидан Белгия ҳарбий кийимидаги оқ-сарикдан келган кимса кўринди. Биз билан саломлашгач:

– Мен врачман. Манави ноҳуш аҳволларда сизлар билан бирга бўламан, – деди.

Унинг товуши зиёлиларники сингари ёқимли эди. Ундан сўрадим:

– Бунинг нима фойдаси бор?

– Камина хизматингизда бўламан. Охирги дақиқаларни осонлаштиришга ҳаракат қиламан.

– Лекин нега бу ерга келдингиз? Госпиталда ярадор тўлиб ётибди-ку.

– Мени айнан шу ерга жўнатишди, – деб жавоб берди у ноаниқроқ қилиб. Кейин шоша-пиша қўшимча қилди: – Чекасизми? Сигаретим, ҳатто сигарам ҳам бор. – У бизга инглиз сигарети ва Гавана сигарасини узатди, биз рад этдик. Мен унга тикилиб қарадим, у ўзини ноқулай сизди. Унга шундай дедим:

– Сиз бу ерга раҳм-шафқат кўрсатиш учун келмагансиз. Мен сизни танидим. Мени қўлга олишган куни сизни казарма ҳовлисида кўрганман. Сиз фалангачи аскарлар билан бирга турардингиз.

Унга бор гапни тўкиб солмоқчи эдим, лекин ўзимга ҳайрон қолдим, бундай қилиб ўтирмадим: бирдан белгияликка умуман қизиқмай қўйдим. Илгарилари мен бировга тирғилсам, уни осонликча қўлдан чиқармасдим. Ҳозир эса бутунлай гапиргим келмай қолди. Елкамни қисдим-да, юзимни бошқа ёққа ўгирдим. Бир неча дақиқадан сўнг мундай бошимни кўтариб қарасам, белгиялик мени қизиқсиниб кузатяпти. Кўриқчилар бўйраларга ўтиришди. Найнов Педро зерикиб ўзини қаерга қўйишни билмас, наригиси эса ухлаб қолмаслик учун дам-бадам бошини у ёқдан бу ёққа бурар эди.

– Чироқ олиб келайми? – кутилмаганда сўради Педро.

Белгиялик бошини силкитди, мен шунда унинг зиёлилиги алдамчи, тўнқадан фарқи йўқ экан, деб ўйладим. Лекин ҳар ҳолда шафқатсиз дажжол ҳам эмасди. Унинг совуқ кўк кўзларига қараб, ҳавойироқ одам, ҳар қандай пасткашликка боради, деб ўйла-

дим. Педро тезда керосин чироқ кўтарганча қайтиб келди ва узун ўриндиқнинг четига ўрнатди. Чироқ хира ёритар, лекин, ҳар қалай, ҳечдан кўра яхшироқ эди. Кечагина биз зимистон қоронғида ўтирган эдик. Мен шипга тушиб турган чироқ шуъласи гардишига узоқ термулиб қолдим. Худди сеҳрлангандай ундан кўзимни узолмасдим. Тўсатдан бари ғойиб бўлди, шуъла доираси сўнди. Кўтариб бўлмас оғир юк остида қолгандай мен қаттиқ қалтираб кўзимни очдим. Йўқ, бу кўркүв, ўлим шарпаси эмас эди. Бунинг нималигини англаб бўлмасди. Икки юзим ўт бўлиб ёнар, бошим оғриқдан ёрилай дер эди.

Жунжикиб ўртоқларимга боқдим. Том кафтларига юзини яширганча ўтирар, кўзим унинг жингала пахмоқ сочинигина илғарди. Болакай Хуан тобора ночорлашиб борарди: оғзи ярим очиқ, бурун катаклари пир-пир учарди. Белгиялик яқин келиб, унинг елкасига қўлини кўйди: чамаси, у болага далда беришни истарди, лекин кўз қорачиқлари муз парчаларидек йилтирарди. Унинг қўли аста пастга сирғалди ва боланинг билагига тўхтади. Хуан қимирламади. Белгиялик унинг билагини уч бармоғи билан қисди, унинг нигоҳи қотиб қолганга ўхшарди, шунда у мени кўрмаслик учун орқасини ўгирди. Мен бир оз олдинга энкайдим, шунда у соатини чиқариб, қўлини кўйиб юбормасдан бир неча сония унга қараб қолганини кўрдим. Кейин у ўзини четга олди, шунда Хуаннинг қўли ҳолсиз пастга осилиб қолди. Белгиялик деворга суянди, кейин худди муҳим бир нарсани эслагандай ён дафтарини чиқариб, унга ниманидир ёзди. «Аблаҳ! – қаҳрим келди менинг. – Қани менинг томиримни кўрсин-чи, башарасига айлантириб соламан». У, ҳар қалай, менинг олдимга келмади, аммо бошимни кўтарганимда, менга қараб турганини

кўрдим. Мен кўзимни олиб қочмадим. У қандайдир ҳиссиз бир овоз билан менга сўз қотди:

– Совқотмаяпсизми бу ерда?

Унинг ўзи жуда совқотган, башараси кўкариб кетган эди.

– Йўқ, совқотмадим, – деб жавоб бердим.

Бироқ ҳамон у менга қаттиқ тикилиб турарди. Бирдан гап нимадалигини тушуниб қолдим. Кўлим билан юзимни сидирдим: уни шилимшиқ тер босган эди. Зах совуқ ертўлада қишнинг қоқ ўртаси ҳар ёқдан ғўриллаб турган елвизакда мендан тинмай тер қуйилиб келаётганини қаранг. Сочларимни ушлаб кўрдим: жикқа ҳўл. Кўйлагимни ҳам тамомила тер босиб, баданимга ёпишиб қолган эди. Бир соатдан бери тер аъзойи баданимдан қуйилиб келар, мен эса уни сезмасдим. Белгиялик махлуқ бўлса, буни кўриб-билиб турган экан. Юзимдан оқиб тушаётган терни кўриб, мана, кўркув одамни қандай аҳволга солади, жон ширин, деб ўйлаётгандир, ҳойнаҳой. У ўзини шу тобда рисоладаги одамдай сезаётган ва рисоладаги одамлар каби совқотаётганидан мамнун ҳам бўлса керак. Мен унинг олдига бориб, башарасига туширгим келди. Лекин у томонга ҳали бир қадам ҳам қўймай туриб, юрагимдаги алам ва уят йўқолди-да, тамомила фарқсиз бир ҳолда узун ўриндиққа ўтириб қолдим. Мен яна рўмолчамни чиқариб, у билан бўйинларимни артишга тушдим. Энди мен сочларимдан оқиб тушаётган терни аниқ сездим ва бундан кўнглим ниҳоятда хира бўлди. Кейин оқиб тушаётган терни артмай қўя қолдим, рўмолча сиқса бўладиган даражада ҳўл эди. Аммо тер сира тўхтамасди. Бўксаларим ҳам терга ботди, иштоним ўриндиққа ёпишиб қолди. Кутилмаганда болакай Хуан тилга кирди:

– Сиз врачмисиз?

– Врач, – деб жавоб берди белгиялик.

– Айтинг-чи... оғрийдими... узоқ чўзиладими?

– Оҳ, бу... анов... Йўқ, тез ўтиб кетади, – деб жавоб қилди белгиялик оталарча оҳангда. Шу тобда у гўё ҳақ тўлаб даволанишга келган касални юпатарди.

– Мен эшитгандимки... менга айтишувди... баъзан... биринчи ўқ ёғдирилганда ҳеч нарса бўлмайди деб.

Белгиялик бошини чайқади.

– Дастлаб отилган ўқлар одамнинг жон жойига тегмаса, шундай бўлади.

– Унда милтиқларни яна ўқлаб, яна бошқатдан мўлжалга олишадими?

Хуан бир оз жим қолиб, кейин овози хириллаб сўради:

– Бунга вақт керакдир?

Жисмоний азоб уни қийнар ва кўрқитарди: унинг ёшида шундай бўлиши табиий. Мен бўлсам, бундай нарсаларни ўйламасдим, оғриқ олдида кўрққанимдан терга ботаётганим йўқ эди. Ўрнимдан туриб, кўмир уюми олдига бордим. Том сесканиб, менга норози боқди: оёқ кийимим юрганда ғижирлар, бу унинг ғашига тегарди. Наҳотки менинг ҳам башарам шундай оқариб-кўкариб кетган бўлса, деб ўйладим.

Осмон ажойиб эди, мен ўтирган бурчакка ёруғлик тушмасди, шундоқ тепага қарашим билан Катта Айиқ юлдуз туркумини кўрдим. Аммо энди бари бошқача эди: илгари архиепископликнинг ёлғизхонасида ўтирганимда истаган пайтда осмон парчасини кўра олар ва бу ҳар сафар менда турли хотираларни уйғотар эди. Эрталаб ҳаво енгил, осмон ложувард бўлганда мен Атлантика океани қумлоқ соҳилларини хаёлимдан ўтказардим. Туш маҳали қуёш тиккага келганда Севилиядаги қовоқхона эсимга тушарди – у ерда мансанило ичкилигини ичиб, хамса ва зайтун меваларидан ердим. Тушдан сўнг кун уфққа оғган-

да, сояда ўтирар ва шунда майдоннинг қоқ ярмини қоплаган қуюқ сояни эслардим, худди шу пайтнинг ўзида майдоннинг қолган қоқ ярми қуёш нурларида ярақларди, шу тариқа тирноқча осмон парчасида акс этган ерни томоша қилиб, жуда маъюс тортардим. Бироқ энди осмонга қандай хоҳласам, шундай қарардим: у мутлақо ҳеч нарсани эсимга солмасди. Менга шу кўпроқ ёқарди. Ўз жойимга қайтиб, Том билан ёнма-ён ўтирдим. Ҳеч ким сўз қотмади.

Андак фурсатдан сўнг у шивирлаб сўзлашга тушди. У жим ўтиришга сира ўрганмаганди: товуш чиқариб сўйлабгина ўзининг кимлигини англари. Гарчи у бошқа томонга боқиб турган эса-да, афтидан менга сўйларди. Ҳеч шак-шубҳа йўқки, у мени шу алфозда терга ботган ва ранги қум оқарган ҳолда кўришдан, чамаси, юраги безилларди. Энди биз бир-биримизга жуда ўхшардик ва ҳар бировимиз бошқа бировимиз учун бамисоли ойна эдик. У тирик белгияликка қаради.

– Сен бу нарсаларни тушунасанми? – деб сўради у. – Мен тушунмайман.

Мен ҳам секин шипшиб сўйладим. Мен ҳам белгияликка қарадим.

– Нима деяпсан?

– Ҳали замон бошимизга қаттол бир савдо тушади.

Томдан ғалати бир ниманинг ҳиди анқиётганини сездим. Ҳидларни одатдагига қараганда нозикроқ сезадиган бўлиб қолибман. Мен киноя қилдим:

– Майли. Тезда тушуниб қоласан.

Лекин у ҳамон ўзининг айтганидан қолмасди.

– Йўқ, бунга одамнинг ақли бовар қилмайди. Мен охиригача матонатли бўлишим керак, лекин нима бўлганда ҳам, билишим керакки... Демак, шундай, кўп ўтмай бизни ташқарига олиб чиқишади. Бу га-

зандалар рўпарамизда саф тортишади. Нима дейсан, улар неча киши бўларкин?

– Билмадим, балки бешта, балки саккизта. Ундан кўп бўлмас.

– Майли. Саккизта бўлақолсин. Уларга «Мўлжал!» деб қичқиришади, ўзимга қаратилган саккизта милтиқ оғзини кўраман. Мен девор томонга сурилмоқчи бўламан, елкам билан унга суянаман, жон-жаҳдим билан ёпишаман, у эса тунги босинқираш чоғида бўлгани каби мени итариб ташлайди. Буларнинг барини мен кўз ўнгимга келтира оламан. Билсайдинг, қанчалар аниқ бу суврат!

– Биламан, – дедим. – Мен буни сендан кам тасаввур қилмайман.

– Бунинг оғриғига чидаш қийин. Ахир, улар башарангнинг абжағини чиқариш учун кўзинг ва оғзингни пойлаб отишади. – Унинг овози қаҳрли эшитилди. – Мен жароҳатларимни ҳис қилиб турибман, мана бир соатки, бошим оғрияпти, бўйним азоб беряпти. Бу ҳақиқий оғриқ эмас, аммо ундан баттарроқ, бу мен эртага эрталаб ҳис қиладиган оғриқ. Хўш, ундан кейин нима бўлади?

Унинг нима демоқчи бўлаётганини жуда яхши тушуниб турардим, лекин буни пайқаб қолишини сира истамас эдим. Мен ҳам бутун аъзойи бада нимда шундай оғриқни сезардим, мен уни худди чандиқ ва тиртиқлар каби ўз жисмимда олиб юрардим. Ҳеч уларга ўрганолмасдим, лекин ўртоғимдан фарқли ўлароқ, уларга ортиқча аҳамият бермасдим.

– Кейинми? – дедим мен баралла овозда. – Кейин сени қурт-қумурсқалар талайди.

Сўнгра у худди ўзи билан ўзи гаплашгандай сўйлади, лекин белгияликдан кўзини сира узмасди. Белгиялик эса ҳеч нимани эшитмаётгандай эди. У нега бу ерда ўтирганини мен тушунардим: фикр-

ларимиз уни қизиқтирмасди, ҳали ҳаётни тарк этмаган бўлса-да, аммо талваса ичида тўлғанаётган жисмимизни кузатгани келганди.

– Бу худди тунги кўрқинчли тушга ўхшайди, – деб давом этарди Том. – Бир нарсани ўйлашга уринасан, назарингда, бу кўлингдан келадигандай, бир дақиқадан сўнг ниманидир тушунгандай бўласан, ундан сўнг ҳаммаси тарқалиб, йўқолиб кетади. Мен ўзимга ўзим «Кейинми? Кейин ҳеч нима бўлмайди», дейман. Лекин бунинг маънисини тушунмайман. Гоҳ мундай тушунгандай бўламан... лекин шунда яна ҳаммаси қочиб кетади-да, кейин мен оғриқми, ўқлар, милтиқларнинг бирваракай отилишими шуларни ўйлашга тушаман. Сенга қасам ичиб айтишим мумкин, мен моддий дунёга ишонаман, амин бўл, менинг ақли-ҳушим жойида, лекин шунга қарамай, бунинг учини учига тўғри келтиролмайман. Мен ўз лошимни кўраман: бунинг қийин жойи йўқ, лекин уни, ҳар қалай, мен ўзим кўряпман: ўлик танага қараган ҳам ўзимнинг кўзларим. Мен ўзимдан бошқа ҳеч нарсани кўрмайман ва ҳеч нарсани эшитмайман, ҳаёт эса бошқалар учун давом этаверади, деб ишонтирмоқчи бўламан. Лекин биз бундай фикрлар учун яратилмаганмиз. Биласанми, алланиманидир кутиб тун бўйи мижжа қоқмай чиққан пайтларим бўлган. Аммо бизни бутунлай бошқа бир нарса кутяпти, Пабло. У устимизга орқадан бостириб келмоқда, шунинг учун унга шай туришнинг ҳеч иложи йўқ.

– Жим бўл, – дедим унга. – Балки руҳонийни чақирсак, изҳори дил қиларсан?

У индамади. У башорат қилишни, отимни айтиб чақиришни ва босиқ ғўнғирлаб гапиришни яхши кўришини аллақачон пайқагандим. Буларнинг ҳеч бирини мен кўтаролмасдим, аммо нима ҳам қилиш мумкин – ирландларнинг бари шунақа. Ундан пе-

шоб иси анқиётгандай туюлди. Гапнинг очиғини айтсам, Томни унчалик ҳам ёқтиравермасдим ва энди ҳам бирга ўламиз-ку деб, унга муносабатимни ўзгартирмоқчи эмасдим. Бирга ўлишнинг ўзи мен учун етарли эмасди. Мен ҳаммаси бошқача кечиши мумкин бўлган одамларни билардим. Мисол учун, Рамон Грис. Аммо Хуан билан Томнинг ёнида ўзимни ёлғиз сезмоқдайдим. Дарвоқе, шу тобдаги аҳволдан ҳам норози эмасдим: агар Рамон бу ерда бўлганда, чўкиб қолган бўлармидим. Ваҳоланки, ҳозир мен ўзимни дадил тутаётган ва охиригача шундай қолмоқни ният қилгандим. Том паришон ҳолда сўзларни чайнарди. Бир нарса кундек аён эди: у, қандай бўлмасин, ўйламаслик учунгина нуқул гапирарди. Энди ундан пешоби чатоқ қариядай шиптир ҳиди тараларди. Лекин, умуман олганда, унинг гапларига кўшилардим, у нима деган бўлса, афтидан, буларни мен ҳам айтишим мумкин эди: зўрлик оқибатида ўлиш – ғайритабиий нарса. Эртага ўлишимни билган дақиқадан бошлаб атрофдаги барча нарсалар менга ғайритабиий бўлиб туюла бошлади: кўмир уюми дейсизми, узун ўриндиқ ва ё Педронинг наҳс башараси дейсизми – ҳаммаси. Гарчи энди тун бўйи фақатгина бир нарса ҳақида ўйлашимиз, бирга дир-дир титрашиб, бирга қора терга ботишимизни обдан тушунсам-да, буларни ўйлагим келмасди. Унга кўз қиримни ташладим ва илк дафъа у менга ғалати кўринди: юзига ўлим шарпаси ўтирганди. Шунда ғурурим дарз кетди: йигирма тўрт соатдан бери мен Том билан бирга унинг ёнида турибман, гап-сўзини тинглаб, ўзим ҳам бир нималар деб... ва шунча вақт орасида ишончим комил эдики, биз у билан бутунлай бошқа-бошқа одамлармиз. Мана, энди маълум бўлдики, биз бир-биримизга баайни эгизаклардай ўхшаб

қолибмиз. Бунинг сабаби эса эртага бирга ўлишимиз. Том менинг кўлимдан ушлаб, кўзлари қайларгадир бошқа ёқларга қараганча, деди:

– Мен ўзимдан ўзим сўрайман, Пабло... мен ўз-ўзимдан дам сайин сўрайман: наҳотки биз изсиз йўқолиб кетсак?

Кўлимни бўшатдим-да, аччиқ билан дедим:

– Оёғинг тагига бир қара, чўчқа.

Унинг оёғи тагида кўлмак ҳосил бўлган, иштонидан томчилар ширилларди.

– Нима бу? – ғўлдиради у ўзини йўқотиб.

– Иштонингга бажариб қўйибсан, – дедим мен.

– Ёлғон! – дея қичқирди у қутуриб. – Ёлғон! Мен сезаётганим йўқ!

Белгиялик мунофиқларга ачингандек бўлиб, ёнимизга келди.

– Мазангиз қочяптими?

Том жавоб бермади. Белгиялик индамай кўлмакка қараб турарди.

– Билмайман, нега бундай бўлди... – Томнинг овози қаҳрли янгради. – Лекин мен кўрқмайман. Қасам ичаманки, кўрқмайман!

Белгиялик миқ этмасди. Том ўрнидан туриб бўшангани бурчак томонга кетди. Кейин иштонини тўғрилаганча қайтиб келди, ўриндиққа ўтирди-да, бошқа лом-мим деб оғиз очмади. Белгиялик ёзув-чизуви билан машғул бўлди.

Биз унга қараб ўтирардик. Учовимиз. Ахир, у тирик эди-да!

Унинг ҳаракатлари тирик одамнинг ҳаракатлари, тирик одамнинг ташвишлари эди: бу ертўлада у худди тирикларга ўхшаб, совуқдан қалт-қалт титрар, соғлом диркиллаб турган жисми тириклиги боис унга сўзсиз бўйсунарди. Биз эса ўз жисмимиз-

ни у қадар ҳис қилмай қўйгандик, ҳис қилганда ҳам, у каби эмасдик. Мен иштонимнинг паст қисмини пайпаслаб кўришни истардим, лекин бунга журъат этолмасдим. Мен белгияликка тикилиб қарайман: у ўз мушакларининг эгаси, кучли оёқлари ерда уни маҳкам тутиб туради, унга эртанги кун ҳақида ўйлашига ҳеч нарса халақит бермайди. Биз уч қони сўриб олинган шарпа – бутунлай бошқа бир томонда жойлашганмиз, биз унга қаттиқ термулиб ўтириб, бамисоли унинг қонини ичамиз – қонхўрлар каби. Ана у болапақир Хуаннинг олдига борди. Болакайнинг бошини нега силамоқчи бўлди – айтиш қийин; балки буни касб-кори талабига кўра қилгандир, балки кўнглида раҳм-шафқат уйғонгандир. Агар шундай бўлса, бу тун бўйи фақат бир мартагина рўй берди, холос. У Хуаннинг бошини силаб, елкасига қоқиб қўйди, болакай ундан кўзини узмас ва бунга қаршилик кўрсатмасди, аммо у кутилмаганда белгияликнинг қўлидан маҳкам тутиб, ваҳшиёна алфозда тикилиб қолди. Болакай унинг қўлини ўз кафтлари орасига олиб сиқди, бунинг ажабланарли жойи йўқ эди: туссиз оташкурак орасидаги оппоқ, юмшоқ қўл. Мен нима рўй беришини дарров тушундим. Чама-си, Том ҳам фаҳмлади, аммо белгиялик буни миннатдорлик изҳоригина деб англаб, ҳамон оталарча табассум қилиб турарди. Кутилмаганда болакай бу юмшоқ дўмбоққина қўлни оғзига олиб борди-да, уни тишламоқчи бўлди. Белгиялик қўлини кескин тортиб олди ва қоқиниб кетиб, деворга урилди. Бир зум у бизга даҳшат тўла кўзлари билан боқиб турди: мана, ниҳоят у биз ўзига ўхшамаган, тамомила бошқача одамлар эканимизни англади. Мен хахлаб кулиб юбордим, соқчилардан бири дафъатан сакраб ўрнидан туриб кетди. Иккинчи соқчи эса ҳамон ухлаб ётар, ярим юмуқ қовоқлари орасидан

кўзининг оқи кўзга чалинарди. Мен ўзимни ҳорғин ва ўта оғир ҳаяжонга ботган ҳолда сезардим. Ҳали тонг қоронғисида нима рўй беришини, ўлимни ўйлагим келмасди. Барибир ўлимни ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди, сўзлар қуруқ ва ҳеч нарсани англамасди. Лекин бутунлай бошқа бир нарса ҳақида ўйлайман деганимда, шу заҳоти менга қараб ўқталган милтиқларнинг оғзини кўрдим. Йигирма мартача ўзимнинг отилаётганимни тасаввур қилдим, биргал ҳатто бу ростдан ҳам рўй бераётгандай туюлди: афтидан, кўзим илиниб қолган бўлса керак. Девор томонга судрашар, мен эса қаршилик кўрсатар ва раҳм қилинлар, деб бақирардим. Шунда шошиб кўзимни очдим ва белгияликка қарадим: тагин уйқумда бақириб юборган бўлсам-а, деб кўрқардим. Аммо белгиялик мўйловчаларини хотиржам силар, ҳеч нарсани сезмаганга ўхшарди. Агар истасам, андак мизғиб олишим мумкин эди: икки кундан буён кўз юммаганман, асабларим таранг тортилган эди. Аммо қолган икки соат умримни зое кетказгим келмасди: улар мени тонг саҳарда туртиб-суртиб уйғотишади, уйқуси чала карахт одамни ташқарига олиб чиқишади, кўз очиб юмгунча асфаласофилинга жўнатишади, мен эса ҳатто оғзимни очишга ҳам улгуролмайман. Бунни хоҳламасдим, худди ҳайвондай жонимни олишларини истамасдим – мен аввал гап нимадалигини билишим керак. Ундан ташқари, мен босинқирашни ёмон кўрардим. Ўрнимдан турдим, орқа-олдимга юрдим, фикрларимни чалғитишга уриндим, ўтган воқеаларни хотирлашга уриндим. Шунда миямда паришон хотиралар ғувиллаб айланди. Уларнинг яхшилари ҳам, ёмонлари ҳам бор эди. Ҳар қалай, ҳозирги аҳволимга довуру менга шундоқ туюларди. Ҳар турли ҳодисалар ёдимга тушди, таниш башаралар кўз ўнгимдан липиллаб ўтди. Ва-

ленсиядаги якшанба бозорида буқа шохига илиб итқитиб юборган ёшгина новилеронинг чехраси кўз ўнгимда гавдаланди, амакиларимдан бирининг юзини кўрдим, Рамон Гриснинг қиёфаси нигоҳимдан ўтди. Йигирма олтинчи йилда уч ой иш тополмай сарсон юрганимни, очликдан ўлар ҳолга келганимни эсладим.

Бир кеча Гранададаги кўча ўриндиғида ётиб ухлаганим ёдимга тушди: уч кундан буён туз тотмаган эдим, алам ичида ўртанар, сира ўлгим келмасди. Шуларни эслаб, жилмайиб кўйдим. Мен юҳо суллоҳ каби омад, хотинлар, эрк ортидан югургандим қанчалар. Нима бўлди? Испаниянинг халоскори бўлишни истардим, Пи-и-Маргал қошида сажда қилардим, анархистларга бориб кўшилдим, одамлар орасида нутқлар айтдим; мен буларни худди ўлим йўқдай ўта жиддий адо этдим. Шу дақиқаларда эса бутун ҳаётим икки кафтимда яққол тургандай эди, шунда мен, «Булар ҳаммаси қанчалар разил ёлғон!» деб ўйладим. Менинг ҳаётим сариқ чақалик ҳам эмас экан, зеро, у олдиндан қурбонликка келтирилган эди. Ўзимдан тинмай сўраганим сўраган эди: мана шундай ўлиб кетишимни билсайдим, кўчаларда дайдиб юрармидим, хотинлар орқасидан санғирмидим, йўқ, унда мен ҳатто жимжилоғимни ҳам қимирлатиб кўймасдим. Энди ҳаёт тугади, қопдай оғзи боғланди, лекин ҳали ҳаммаси тугамаган, поёнига етиб улгурмаганди. Барибир, бу ҳаёт асли гўзал, деб айтгим келарди. Лекин машқни, ишнинг қораламасини ҳали қандай баҳолаб бўлади, ахир, мен ҳеч нарсани тушунганим йўқ, ваҳоланки, келажагимга гаров бўлоладиган ишларни бажаряпман, деб хомхаёл қилибман. Жуда кўп нарсалар боис афсус, надомат, армон қилишим мумкин эди, мисол учун мансанилонни айтай ёки Кадисдан унча узоқ бўлмаган кичкина

кўрфазчадаги чўмилишларим қандай соз эди, лекин ўлим буларнинг мафтункорлигига барҳам берди, шунинг учун ҳеч нарсага афсус-надомат қилмасдим.

Кутилмаганда белгияликнинг калласига ўткир бир фикр келиб қолди.

– Биродарларим, – деди у, – мен ўзимга бир мажбурият олмоқчиман, рост, агар маъмурият қарши бўлмаса, – сизларнинг азиз кишингизга айтадиган бирон гапингиз бўлса, уларга етказиб қўйишим мумкин...

Том тўнғиллади:

– Менинг ҳеч кимим йўқ.

Мен индамасдим. Том бир зум жим турди-да, сўнг қизиқсиниб сўради:

– Нима, сенинг Кончега айтадиган гапинг йўқми?

– Йўқ.

Бундай гап-сўзларга сира тоқатим йўқ эди. Бироқ айб ўзимда: яқинда унга Конче ҳақида гапириб бергандим, афсус, тилимни тийсам бўларкан. Мен бир йилни Конче билан бирга ўтказдим. Ҳали куни кеча у билан беш дақиқа кўришиш учун қўлларимни болта тагига қўйишга ҳам тайёр эдим. Шунинг учун ҳам уни Томга гапириб бергандим, ҳеч юрагимга сиғдиролмагандим. Лекин энди уни кўришни истамасдим, унга нима ҳам дердим. Ҳатто уни кучоқлагим ҳам келмасди: ҳозир жисмимдан ўзим ижирғанардим, чунки у бўздай оқарган ва шилимшиқ эди, унинг баданидан ҳам ижирғанмасдим, деб ишонч-ла айтолмайман. Менинг ўлимимни эшитиб Конче кўз ёши қилади, бир неча ойлаб ҳаётдан озурда бўлиб юради. Лекин ҳар не деманг, ўладиган одам – Мен. Унинг мулойим боқадиган чиройли кўзларини эсладим: термилиб боққанда худди нигоҳидан менга бир нарсалар сизиб ўтаётгандай бўларди. Лекин энди бари тугади: агар ҳозир мени кўрганда-

ми, унинг нигоҳи ўзида қолган, бу нигоҳ сира менга етиб келмаган бўларди. Мен ёлғиз эдим.

Том ҳам ёлғиз эди-ю, лекин унинг ёлғизлиги бошқачароқ эди. Том чўк тушиб ўтирди-да, ажабсинган илжайиш билан тикилиб, ўриндиқни томоша қила бошлади. У худди бир нимани бузиб юборишдан кўрққандай кўлини оҳиста унга қўйди, кейин кўлини тортиб олиб, қалтираб кетди. Томнинг ўрнида бўлганимда мен ўриндиқни эрмак қилиб ўтирмасдим, бунинг бари яна ўша ирландча комедиянинг нақ ўзи. Бироқ мен ҳам нарсалар аллақандай ғалати бўлиб кўринаётганига эътибор бердим: улар одатдагидан бошқача жимирлаб пирпираб кўринарди. Ўриндиққами, чироққами, кўмир уюмигами қаранган заҳотим бир нарса аниқ туюларди: мен энди бу оламда бўлмайман. Рост, ўлимимни аниқ тасаввур қилолмасдим, лекин у ҳамма ёқда ва, айниқса, нарсаларда кўзимга ташланарди, нарсалар мендан узоқлашиб бораётгандай, мендан олисроқда туришни истагандай эди – лекин улар буни худди одамлар каби ўлим тўшагида ётган киши хузурида шивирлашиб сўйлагандай жимгина адо этар эди. Том ўриндиқ узра ҳозиргина ўз ўлимини сийпаб кўрганини мен тушунардим. Агар мана шу дақиқаларда менга, энди сени ўлдирмаймиз, бемалол хоҳлаган жойингга кетавер, деб эълон қилганларида ҳам, бу мени ҳозирги лоқайдлигимдан чиқаролмасди: сен мангуликка қолиш умидини йўқотдинг, бу ёғига бир неча йил кутасанми ё бир неча соатми – бунинг нима фарқи бор?! Энди ҳеч нарса эътиборимни тортмас, ҳеч нарса менинг хотиржамлигимга путур етказолмасди. Аммо бу жуда қалтис хотиржамлик эди, бунинг айбдори эса жисмим: кўзларим кўрар, қулоқларим эшитар, лекин бу мен эмасдим – жисмим бир зайлда қалтирар ва тер босарди, энди уни таний олмасдим. У энди менга

эмас, кимгадир тегишли эди ва унинг нимага айланганини билиш учун дам сайин пайпаслардим. Ҳали ҳам вақти-вақти билан ҳар қалай уни ҳис этардим: мен қайгадир сирғаниб кетаётгандай, худди шўнғиган тайёра каби зувиллаб учаётган бўлардим, юрагим қинидан чиқиб кетгудай тасирлаб ураётганини сезиб қолардим. Бундан кўнглим жойига тушмасди: жисмим билан боғлиқ ҳамма нарса менга аллақандай ёпишқоқ, шилимшиқ, бетайин бўлиб туюларди. Аммо, умуман олганда, жисмим ўзини тек, осойишта тутарди, фақат мени ғалати бир оғирлик босган эди, кўксимга ғалати бир илон ёмон чирмашиб олгандай, назаримда, бутун аъзойи баданимни улкан бир қурт ўраб олаётгандай эди. Мен иштонимни пайпаслаб кўриб, унинг ҳўллигини пайқадим, лекин бу терданми, пешобданми, билолмадим, ҳар эҳтимолга қарши, кўмир уюми устига бўшаниб олдим.

Белгиялик чўнтагидан соатини чиқариб қаради ва «Уч ярим», деди хотиржам овозда.

Аблаҳ! У атай шундай қилди! Том илкис сакраб турди – биз хаёллар билан чалғиб, вақт ўтаётганини унутибмиз, тун қалқиб турган қоронғилиги билан бизни чирмаб олган ва тун қачон бошланганини сира эслолмасдим.

Болапақир Хуан ҳиқиллай бошлади. У қўлларини қисирлатар ва қичқирарди:

– Улишни истамайман, ўлишни истамайман!

У қўлларини олдинга чўзганча ертўла ичини кесиб ўтди-да, бўйра устига қулади ва уввос солиб йиғлаб юборди. Том кўз олди хиралашган кўйи унга қаради: болакайни сира юпатгиси келмаётгани сезилиб турарди. Бунинг хожати ҳам йўқ эди: болакай биздан қаттиқроқ шовқин-сурон кўтараётган бўлса-да, лекин унинг азоби енгилроқ эди. У оғир касалдан иситма тутиб қутулаётган беморга ўхшарди. Бизнинг аҳволимиз анча оғирроқ эди.

У йиғлар, ўзига ачиниб кетаётгани кўриниб турар, лекин ўлимнинг ўзи нималиги ҳақида ўйла-масди. Бир сония ичи, бир оний сония ичи мен ҳам ҳозир йиғлаб юборадигандай, ўз-ўзимга жуда ачи-ниб кетгандай туюлдим. Лекин аксинча бўлди: бо-лакайга қараб, унинг титраган ориқ елкаларини кўрдим-да, ўзимни шафқатсиз бўлиб кетгандай сез-дим – мен энди на ўзим ва на бошқага раҳм қилишга қодир эдим. Ўзимга ўзим «Сен тик туриб ўлишинг керак!» дедим.

Том ўрнидан туриб очик туйнук олдига борди-да, оқариб келаётган осмонга қарай бошлади. Мен эса ўзимга ўзим такрорладим: тик туриб ўлиш, тик туриб ўлиш – бошқа ҳеч нарса хаёлимга келмасди. Аммо белгиялик бизга вақтни эслатиб кўйгандан бери мен унинг оқиб ўтаётганини ҳис қилар, ҳақиқа-тан у томчи эди ва томчига айланиб оқиб борарди. Ҳали кун ёришмаган эди. Том сўз қотди:

– Эшитяпсанми?

– Ҳа.

Ташқаридан қадам товуши келарди.

– Тонг қоронғисида нима қилиб санғиб юришиб-ди! Бизни, ахир, қоронғида олиб чиқиб отишмас.

Бир дамдан сўнг жимлик чўқди. Мен Томга ши-вирладим:

– Кун ёришяпти.

Педро оғзини катта очиб, ҳомуза тортганча ўрни-дан турди, чироқни ўчириб шеригига ўгирилди:

– Итдай совқотдим.

Ертўлага нимтатир ёруғлик тушди. Биз узоқда милтиқ овозларини эшитдик.

– Бошланди, – дедим Томга. – Менимча, орқа то-монда отишяпти.

Том белгияликдан сигарет сўради. Менинг на ич-ким ва на чекким келарди. Шу дамдан эътиборан улар бетўхтов отишга тушди.

– Тушундингми? – деди Том.

У яна нимадир демоқчи бўлди-ю, лекин жимиб қолди ва эшик томонга қаради. Эшик очилиб, тўртта аскар билан лейтенант кирди.

Том оғзидан сигаретини тушириб юборди.

– Стейнбок?

Том бесас қотиб турарди. Педро у томонга ишора қилди.

– Хуан Мирбал?

– Бўйрада ётган ўша.

– Тур ўрнингдан! – қичқирди лейтенант.

Хуан қимир этмади. Иккита аскар унинг қўлтиғидан тутиб оёққа қўйди. Аскарлар қўйиб юборган эди, Хуан яна йиқилди. Аскарлар талмовсираб туришарди.

– Бунақаси бўлиб туради, – деди лейтенант. – Кўтариб олиб боришга тўғри келади, майли, ҳаммаси жойида.

У Томга ўгирилиб қаради:

– Чиқ.

Том чиқди, икки аскар икки ёнига турди. Бошқа иккитаси Хуанни қўлтиқ ва билакларидан тутганча олиб чиқишди. Хуаннинг ҳуши ўзида эди, кўзлари катта-катта очилган, юзидан кўз ёшлари оқиб тушарди. Мен ҳам эшик томон юрганимда лейтенант тўхтатди:

– Иббиета сизмисиз?

– Ҳа.

– Кутиб туринг. Сизга келишади.

У чиқиб кетди. Белгиялик ва икки соқчи унга эргашди. Ёлғиз ўзим қолдим. Нима бўлаётгани менга қоронғи эди, ўзимга қолса, барини бирваракай тугатиб қўя қолишларини истардим. Ўқ овози аниқ эшитиларди, милтиқлар маълум вақт оралаб отиларди. Ҳар сафар милтиқ овозидан титраб кетардим. Увил-

лагим, сочларимни юлгим келарди. Лекин тишларимни маҳкам босдим, қўлларимни чўнтагимга тикдим: дадил бўлиш керак! Бир соатдан сўнг мени олиб кетишга келишди ва биринчи қаватдаги кичкина хонага олиб киришди, бу ер сигара тутунига тўлган, шундай дим эдики, бўғилиб нафасим тикилди. Иккита зобит юмшоқ ўриндиқларга чўкиб, сигара бурқситишар, тиззалари устида қоғозлар ёйилган эди.

– Исми шарифинг Иббиетами?

– Ҳа.

– Рамон Грис қаерга яширинган?

– Билмайман.

Мени сўроқ қилаётгани семиз пакана киши эди. Унинг кўзлари ойнак остидан менга ўқдай қадаларди.

– Яқинроқ кел, – деди у менга.

Яқин бордим. У ўрнидан туриб, худди жаҳаннамга қулатиб юборадигандай менга ўқрайиб қаради, кўлимни қайира бошлади. Мени қийнаш учунгина шундай қилмади, унга шунчаки эрмак керак эди: ўзининг ҳукмдорлигини кўрсатиб қўймоқчийди. У башарасини менга тақади, димоғимга балчиқ ҳиди урилди. Бу бир дақиқача давом этди, мен кулгидан ўзимни базўр тиярдим. Ҳали замон ўладиган одамни кўрқитиш учун бошқа кучлироқ бир нарса керак, шунинг учун унинг дўқ-пўписаси зое кетди. Кейин у мени қаттиқ итариб юборди-да, яна жойига ўтирди.

– Ё сен, ё у, – деди у. – Агар унинг қаердалигини айтсанг, ҳаётингни сақлаб қоламиз.

Баланд кўнжли этик кийган ва бўйинбоғ таққан манави нусхалар ҳам эртадир, кечдир, барибир ўлади. Рост, балки мендан пича кейинроқдир, лекин унча кўп эмас. Улар олдидаги қоғозлардан қандай-

дир исмларни тортиб чиқаришар, қамоққа тикиш ёки отиб ташлаш учун одамларни қув-қувга оларди, Испаниянинг келажаги ва бошқа кўп нарсалар хусусида уларнинг ўз қарашлари бор эди. Уларнинг ғайрати жиғимга тегар, кулгили кўринарди, улар восвос бўлиб қолганга ўхшар, мен уларнинг ўрнида бўлишни сира истамасдим.

Одамнинг кулгисини қистатадиган семиз пакана нусха таёқчаси билан қўнжигга ура-ура кўзини менадан узмай қарарди. Унинг барча хатти-ҳаракатлари аниқ ҳисобга олинган, ўзини жуда қаҳрли махлуқ қилиб кўрсатмоқчи бўларди.

– Хўп, нима, тушундингми?

– Грис ҳозир қаердалигини билмайман, – дея жавоб бердим мен. – Эҳтимол Мадриддадир.

Иккинчи зобит эринибгина қўлини кўтарди. Бу эринчоқлик ҳам аввалдан ҳисобга олинган эди. Мен уларнинг олдиндан пишитиб қўйилган барча усулларини аниқ кўриб турар ва шундай аҳмоқона нарсалардан ҳам роҳат қиладиган одамлар борлигидан ажабланардим.

– Биз сизга ўйлаб кўриш учун чорак соат вақт берамиз, – деди у. – Буни кирхонага олиб боринглар, чорак соатдан сўнг олиб келинглар. Агар бош тортса, дарҳол отиб ташланглар.

Аблаҳлар, нима қилишни билишади: мен бир кеча кутдим, кейин ертўлада яна бир соат ўтирдим, Хуан билан Томни бу пайт ичида отишди, энди эса мени кирхонага қамаб қўйишмоқчи – шак-шубҳа йўқки, буни улар кеча маслаҳатлашиб қўйишган. Бунинг асаблари бу қисти-бастиларга дош бермайдди, таслим бўлади, деб ўйлашган. Лекин чакки ўйлашибди. Мен, албатта, Грис қаерга яширинганини билардим. У шаҳардан тўрт чақирим наридаги ама-

килариникида беркинган эди. Агар мени қийноққа солишмаса (афтидан, улар бундай қилишмоқчи эмасди), ҳеч қачон унинг қаерга яширинганини айтмайман, буни жуда яхши билардим. Буларнинг бари менга кундай равшан эди, бунга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас, умуман, бу мени заррача ҳам қизиқтирмасди. Шундай бўлса ҳам, барибир нега ўзимни бундай тутяпман, нега бошқача эмас, деб тушуниб олишни хоҳлардим. Нега мен Рамон Грисни чақиб бериш ўрнига ўлиб кетишни афзал билапман? Нега? Ахир, энди Рамонни яхши кўрмасдим. Унга бўлган дўстлигим кеча тонг қоронғисида тугади, Кончега муҳаббатим ҳам, яшаш истагим ҳам тамом бўлди. Рост, мен уни доим хурмат қилиб келганман. У мард, матонатли одам. Лекин фақат шунинг ўзи деб унинг ўрнига ўлишга рози бўлганим йўқ: мен учун унинг ҳаёти ўз ҳаётимдан қимматлироқ эди – ҳар қандай ҳаёт сариқ чақага арзимайди. Одамни деворга тақаб қўйишиб, то жони чиққунча тариллатиб отишса: бу ким бўлмасин, менми, Рамонми, ёки бошқа бир кишими – бир қарашда ҳаммаси баробар. Мен яхши билардим: у Испанияга кўпроқ керак эди, лекин энди мен Испанияга ҳам, анархизмга ҳам тупурардим: энди ҳеч нарсанинг маъноси қолмаган эди. Бироқ шу ерда эканман, Рамон Грисни ушлаб бериб, ўз жонимни қутқаришим мумкин, аммо мен бундай қилмайман. Эшакдай қайсарлигим ўзимга ғалати бўлиб кўринарди. «Э, одам деган шунчалик аҳмоқ бўладими!» – дердим ўзимга ўзим. Ҳатто кўнглим озгина ёришгандай бўлди. Яна келишиб мени ўша хонага олиб кетишди. Оёғим остидан каламуш липиллаб ўтди. Бундан ажабландим. Мен фаланга аскарларидан бирига шипшидим:

– Қара, каламуш.

Соқчи индамади. Унинг қовоғи солинган, ҳамма нарсани жиддий қабул қиларди. Менинг хахолаб кулгим қистади, аммо ўзимни тутдим, агар бир кулишни бошласам, кейин ўзимни тўхтатолмайман, деб чўчидим. Фаланга аскар мўйлов қўйган эди.

– Мўйловингни қириб ташла, бетамиз, – дедим унга.

Одам ҳали ҳаётлиги чоғида башарасининг жун босишига йўл қўйиши жуда кулгили туюларди. У безоргина қилиб орқамга тепди, мен жим бўлдим.

– Хўш, – деди семиз пакана, – ўйлаб кўрдингми?

Мен худди ноёб ҳашаротга қарагандай унга қизиқсиниб кўз солдим-да, жавоб бердим:

– Ҳа, биладан унинг қаердалигини. У қабристонга яширинган, мақбара ёки қоровулхонада бўлиши керак.

Мен уларни бир боплагим келди. Сакраб туриб, апил-тапил қурол-яроғларини олиши, чаққон-чаққон буйруқлар беришини бир томоша қилай дедим. Улар ҳақиқатан ҳам жойларидан сакраб туриб кетишди.

– Кетдик. Молес, лейтенант Лопесдан ўн бешта одам олинг.

– Агар тўғри айтган бўлсанг, – деди пакана, – сўзимнинг устидан чиқаман. Агар бизни лақиллатаётган бўлсанг, жонингдан умидингни узавер.

Улар тасир-тусир қилиб хонадан чиқиб кетишди, мен эса соқчилар назоратида хотиржамгина ўтирдим. Вақт-бевақт иршайиб қўярдим: уларнинг қабристон томонга лўкиллаб бораётганини кўз ўнгимга келтирар ва бундан кулгим қистарди. Бу ишни жуда қойил қилгандай эдим. Уларнинг мақбаралар эшигини очаётгани, мазор тошларини кўтараётгани шундоққина кўз ўнгимда жонланарди.

Буларнинг барини бегона кўз билан кўраётгандай эдим: қайсар маҳбус, ўзини қаҳрамон қилиб кўрсатмоқчи бўлган қайсар маҳбус, басавлат мўйловдор фаланга ҳарбийлари, гўристонда қабрлар оралаб изғиб юрган аскар кийимидаги кишилар, – ҳақиқатан ҳам, бундан қизиқроқ манзарани ўйлаб топиш мумкинми?! Ярим соатдан сўнг семиз зобит қайтиб келди. Ҳозир мени отиб ташлашга буюради, деб ўйладим. Бошқалари, чамаси, гўристонда қолишган, шекилли. Аммо зобит менга диққат билан разм солди. У сира лақиллатилган зотга ўхшамасди.

– Уни катта ҳовлига, бошқаларнинг олдига олиб боринглар, – деди у. – Ишини жанг тугагандан сўнг трибунал ҳал қилади.

Уни яхши тушунмадимми, деган хаёлда сўрадим:

– Нима, ахир мени отишмайдими?

– Ҳар ҳолда ҳозир эмас. Ундан кейин бунинг менга алоқаси йўқ.

Мен ҳамон ҳеч нарсани тушунмасдим.

– Лекин нимага?

У индамай елкасини қисди, аскарлар мени олиб кетишди. Катта ҳовлида юзларча қамоққа олинганлар, чоллар, болалар тўдалашиб турарди. Ҳеч нарсага ақлим етмай ўртадаги кўкатзор атрофида кезиб юрдим. Тушда бизни ошхонага олиб боришди. Икки-уч одам мен билан тиллашишга уринди. Афтидан, таниш-билишлар бўлса керак, лекин уларга жавоб бермадим: мен энди қаердалигимиз, ўзим кимлигимни англамасдим. Кечга яқин ҳовлига ўндан ортиқ янги қамоққа олинганларни киритишди. Улар орасида новвой Гарсияни танидим. У менга қараб қичқирди:

– Омадинг бор экан! Сени тирик кўраман деб ўйламовдим.

– Улар мени отишга ҳукм қилишди, – деб жавоб бердим унга, – кейин қайтаришди. Неғалигини тушунмайман.

– Мени соат иккида қўлга олишди, – деди Гарсия.

– Нимага?

Гарсия сиёсат билан шуғулланмасди.

– Ҳеч ақлим етмайди, – жавоб берди Гарсия, – уларга ўхшаб ўйламайдиганларнинг ҳаммасини тутишяпти.

У овозини пасайтирди:

– Грис қўлга тушди.

Мен сесканиб кетдим:

– Қачон?

– Бугун эрталаб. Тентаклик қилиб қўйди. Чоршанба куни укаси билан уришиб, уникидан кетиб қолди. Уни яшираман деганлар кўпчилик эди, бироқ у ҳеч кимни зарба остига қўйгиси келмади. У менга «Иббиетаникида беркинсам бўларди, лекин уни қамашган бўлишса, унда қабристонда яширина қоламан», деди.

– Қабристонда дейсанми?

– Ҳа. Бемаъни бир иш. Бугун эрталаб анавилар қабристонга бостириб боришди. Уни қоровулнинг кулбасида босишди. Грис ўқ отиб қаршилик кўрсатди, уни отиб ташлашди.

– Қабристонда-я!

Кўз ўнгим хиралашиб бошим чайқалиб кетди, ерга қуладим. Мен ўзимни тўхтатолмай хахолаб кулар, кўзларимдан ёш дарё бўлиб оқарди.

Иброҳим Гафуров таржимаси

ТИЛСИМЛИ ШАХМАТ

Кўпинча биз Пуаро билан Соходаги мўъжазгина ресторанчада овқатланардик. Бир киши кечқурун биз у ерда эски қадрдонимиз – инспектор Жепни кўриб қолдик. Столимизда бўш ўрин бўлгани сабабли у бизнинг ёнимизга келиб ўтирди.

– Биз томонларга бормай кўйдингиз, – деб ундан ўпкалади Пуаро. – Сарик ёсуман ишидан кейин ҳеч кўришмадик сиз билан, ўшандан бери, мана, дарров бир ой ҳам ўтиб кетибди.

– Мен шимолга бориб келдим. Ўзингизнинг ишларингиз қалай? Катта тўртлик иш кўрсатиб ётибдими? Пуаро бармоғи билан уни яниб кўйди.

– Сиз бекорга менинг устимдан куляпсиз. Катта тўртликнинг мавжудлиги аниқ.

– Ў-ў, мен бунга шубҳа қилмайман. Лекин улар, сиз таърифлаганчалик, дунёнинг устуни ҳам эмас-да.

– Дўстим, сиз қаттиқ янглишасиз. Ҳозирги пайтда бутун дунёга ёвузлик уруғини ўта фаоллик билан сочаётган шу Катта тўртлик бўлади.

Уларнинг мақсади нимага қаратилгани ҳеч кимга маълум эмас, лекин шу пайтгача бундай ўта жиноий ташкилот дунёда бўлмаган. Бу ташкилотга Хитойнинг энг йирик заковат соҳиби бошчилик қилади, унинг таркибида америкалик миллионер ва франциялик олима бор, ташкилотнинг тўртинчи рақамли аъзоси масаласига келсак...

Жеп унинг сўзини бўлиб деди:

– Биладан, биладан. Ҳозир сиз фақат ўша тўртинчи рақам ҳақида ўйлаяпсиз. Эҳтиёт бўлинг, месье Пуаро, тағин у бутун эс-хушингизни олиб кўймасин.

Келинг, яхшиси, бошқа бирон нарса устида гаплашайлик. Сизни шахмат қизиқтирадими?

– Ҳа, ўйнаганман.

– Сиз кеча юз берган воқеа ҳақида ўқидингизми? Дунёга машҳур бўлган икки шахматчи ўртасида бўлган матчни айтяпман, улардан бири ўйин чоғида ўлиб қолган.

– Ҳа, кўрувдим бу ҳақдаги мақолани. Биринчи шахматчи – рус чемпиони доктор Саваронов, иккинчиси – юрак хуружи касалидан ўлгани – америкалик истеъдодли йигит Гилмор Уилсон.

– Жуда тўғри. Бир неча йил бурун Саваронов Рубинштейн билан ўйнаб уни ютган ва рус чемпиони бўлган. Уилсонни эса иккинчи Капабланка деб айтишарди.

– Жуда аломат ҳодиса, – деди Пуаро ўйчанлик билан. – Янглишмасам, бу иш билан сиз шуғулланяпсиз шекилли?

Жеп ийманиб кулиб қўйди.

– Жуда тўғри топдингиз, месье Пуаро. Лекин мен калаванинг учини тополмай қийналяпман. Уилсон соппа-соғ одам эди – унда ҳеч қачон ҳеч қандай юрак хасталиги бўлмаган. Унинг ўлими сабабини изоҳлаб бўлмаяпти.

– Уни доктор Саваронов, йўлимга ғов бўлмасин деб гумдон қилган, демоқчимисиз? – дедим мен дангалига.

– Бунга ишониш қийин, – деб қуруққина жавоб қилди Жеп. – Битта одамнинг, ҳатто у рус бўлганида ҳам, бошқа бир одамни, фақат шахматда ютқазиб қўймаслик учун ўлдиришига кўзим етмайди. Умуман олганда, менимча, бунинг акси бўлганда ҳақиқатга яқинроқ бўларди. Чунки доктор Савароновни Ласкердан кейин дунёда иккинчи ўринга қўйишади.

Пуаро ўйчанлик билан бош ирғаб қўйди.

– Ҳўш, унда ғоячангиз нимадан иборат? – деб сўради у. – Нима мақсадда у Уилсонни заҳарлаган? Меним-

ча, сиз уни айнан заҳарланган, деб фараз қиялпсиз, шундай эмасми?

– Шак-шубҳасиз. Бу ўринда юрак хуружи дарди юракнинг уришдан тўхтаганини билдиради, холос. Бу врачнинг расмий хулосаси, аммо у мен билан қилган суҳбатида, бундай хулоса уни қониқтирмаслигини айтди.

– Мурдани қачон ёришмоқчи?

– Бугун кечқурун. Уилсон фавқулодда ўлган. У соп-па-соғ бўлган, дона суриб туриб бирдан жони узилиб йиқилган.

– Бунақа тез таъсир қиладиган заҳарлар жуда кам учрайди, – деди Пуаро.

– Биламан. Эҳтимол, жасад ёрилганда масала ойдинлашар. Лекин мен бир нарсага ҳеч тушунолма-япман: кимга керак экан Гилмор Уилсонни гумдон қилиш? У камтарин, беозор йигит эди. Қўшма Штатлардан яқинда келган эди. Унинг биронта ҳам душмани бўлмаса керак бу дунёда.

– Ҳа, жуда ақл бовар қилмайдиган ҳодиса, – дедим мен.

– Нега энди? – деди Пуаро жилмайиб. – Кўриб турибман, Жепнинг ўз тахминлари борга ўхшайди.

– Бор, месье Пуаро. Менинг тахминимча, заҳар Уилсонга эмас, бошқа одамга мўлжалланган.

– Савароновгами?

– Ҳа. Саваронов инқилоб арафасида большевикларга қарши курашган экан. Бир пайтлар уни ҳалок бўлган деб ҳам ҳисоблашган. Лекин, аслида, у ўлимдан жон сақлаб қочиб қолган ва уч йилгача Сибирнинг энг хилват гўшаларида бениҳоя оғир шароитда кун кечирган. У жуда кўп азоб чеккани сабабли соч-соқоли оқариб, таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетган ва мункиллаган чол бўлиб қолган. Айтишларича, ёр-дўстлари, таниш-билишлари

ҳам уни зўрға танишибди. У ногирон, уйдан жуда кам чиқади, Вестминстерда жияни Соня Давилова ва бир рус хизматкори билан туради. Бу беллашувда қатнашишни у сира-сира хоҳламаган ва таклифни бир неча марта рад этган, лекин газеталар Савароновнинг бу ўжарлигини спортчи учун ярашмаган қилиқ, деб шов-шув кўтарганларидан кейин у рози бўлибди. Иккинчи томондан, Гилмор Уилсон ҳам чинакам янкиларга хос тихирлик билан уни беллашувга чақиравериб, ахири ниятига етибди. Биласизми, месье Пуаро, нима учун Саваронов мусобақадан бош товлаган? Нимагаки, у омма эътиборини ўзига қаратишни истамаган. Тағин бирон киши пайимга тушмасин деб кўрққан. Менинг фикрим шу – Гилмор Уилсонни адашиб заҳарлаб қўйишган.

– Айтинг-чи, Савароновнинг ўлимини тиловчи биронта ғаразгўй шахс борми?

– Бундай шахс фақат унинг жияни бўлиши мумкин. Саваронов яқинда жуда катта бойликка меросхўр бўлган. Буни унга мадам Бону мерос қилиб қолдирган. Эски тузум пайтида Бонунинг эри қанд заводининг хўжайини бўлган экан. Айтишларича, бир вақтлар Бону билан Саваронов бир-бирларини севишган ва Бону жазманининг ўлгани ҳақидаги хабарга ҳеч қачон ишонмаган.

– Матч қаерда бўлибди?

– Савароновнинг квартирасида. Сизга айтувдим – у ногирон.

– Анча одам йиғилибдимми?

– Ўн-ўн иккита. Балки ундан ҳам кўпроқдир.

Пуаро афтини маънодор буриштирди.

– Шўрингиз қурисин, Жеп, олдингизда жуда оғир вазифа турипти.

– Уилсоннинг заҳарлангани аниқ аён бўлгани ҳамоно ишим юришиб кетиши муқаррар.

– Агар сизнинг, Саваронов қурбон бўлиши керак эди, деган тахминингиз тўғри бўлиб чиқса, унда қотил яна бир марта уриниб кўриши эҳтимолдан холи эмас – сиз бу ҳақда ўйлаб кўрмадингизми?

– Гапингиз тўғри. Ҳозир Савароновнинг квартирасини иккита одамимиз кузатиб турипти.

– Бу тадбирингиз, турган гапки, докторникига бомба қўлтиқлаб кирмоқчи бўлганларни чўчитиб юборади, – деди Пуаро илтифотсиз истехзо билан.

– Сиз бу масалага жиддий қизиқиб қолган кўри-насиз, месье Пуаро, – деди Жеп кўз қисиб қўяркан.

– Ўликхонага бориб Уилсонни врачлар қўлига тушмасидан олдин бир кўздан кечиришни хоҳламайсизми? Ким билсин, эҳтимол, унинг галстугига қадалган тўғнағичи сал қийшайиб қолгандир-у, бу нарса сирни очишда хизмат қилувчи бебаҳо далил бўлар.

– Азизим Жеп, боядан бери қўлим қичиб сизнинг тўғнағичингизни тўғрилаб қўйгим келяпти. Ижозат берасизми? О! Мана бу бошқа гап. Ҳа, албатта, қани, кетдик ўликхонага.

Бу янги жумбоқ Пуаронинг бутун эътиборини тортиб олгани яққол кўзга ташланиб турарди. Кейинги пайтларда у фақат Катта тўртлик устида бош қотираётган эди, мана, унинг бошқа нарсага қизиқиб қолганини кўриб мен хурсанд бўлдим.

Ўзим бўлсам америкалик бахти қаро йигитнинг қотиб қолган жасадини ва буришган башарасини кўриб, шўрликка қаттиқ ачиндим. Пуаро мурдани диққат билан кўздан кечирди. Унинг баданида, агар чап қўлидаги кичкина чандиқ ҳисобга олинмаса, ҳеч қандай қийноқ изи йўқ эди.

– Доктор буни кесилган эмас, куйган деб айтяпти, – деди Жеп.

Кейин Пуаро столга териб кўйилган нарсаларга эътиборини қаратди (уларни констебль мурданинг чўнтакларидан олган эди). Буларнинг бари унча аҳамиятга эга бўлмаган нарсалар эди – рўмолча, калитлар, ҳамён ва бу ишга дахли бўлмаган бир неча мактуб. Аммо сал нарироқда алоҳида турган нарса Пуаронинг диққатини ўзига тортди.

– Шахмат донаси-ку! – деб юборди у. – Оқ фил. Нима, бу ҳам унинг чўнтагидан чиқдими?

– Йўқ. уни мурда маҳкам сиқимлаб олган экан. Биз унинг бармоқларини зўрға очиб олдик. Кези келганда, уни доктор Савароновга қайтариб бериш керак бўлади. Бу унинг фил суягидан ясалган жуда бежирим шахмат доналаридан бири.

– Ижозатингиз билан, буни эгасига мен қайтариб берсам. Унинг ҳузурига кириш учун яхши баҳона бўларди.

– Аҳ-ҳа! – деб чинқириб юборди Жеп. – Сиз бу иш билан шуғуланмоқчисиз – топдимми?

– Ҳа. Сиз жуда усталик билан менда бу ишга қизиқиш уйғотдингиз.

– Жуда яхши-да. Сал бўлса ҳам фикрингизни чалғитдим. Мана, капитан Гастингс ҳам розига ўхшайдилар.

– Янглишмадингиз, – дедим мен унинг гапини тасдиқлаб.

Пуаро мурда томонга ўгирилди.

– Бунинг тўғрисида менга айтадиган бошқа гапингиз йўқми? – деб сўради у.

– Йўқ шекилли...

– Ҳатто унинг чапақай эканлиги ҳақида ҳам ҳеч нима демайсизми?

– О, сиз сеҳргарсиз, месье Пуаро. Қаёқдан билдингиз? У чиндан ҳам чапақай бўлган. Ҳолбуки, кўраётган ишимизга бунинг ҳеч қандай дахли йўқ.

– Ҳа, мутлақо даҳли йўқ, – деб Пуаро шоша-пиша Жепнинг фикрини маъқуллади, чунки унинг тараддудлана бошлаганини пайқаган эди. – Бу менинг кичкинагина ҳазилим, вассалом. Биласиз-ку, мен сизни калака қилишни яхши кўраман!

Биз мана шу дўстона ҳазил-хузул гаплар билан хайрлашдик.

Эртаси куни эрталаб биз Вестминстерга, доктор Савароновникига йўл олдик. Эшикни бизга хизматкор очди, унинг юзи худди ўликникидек ифодасиз эди. Пуаро унга Жепнинг мухтасар тавсия ёзилган ташрифномани кўрсатди, шундан сўнг бизни ажойиб гулдор матолар ва ғаройиб экзотик буюмлар билан безатилган шифти паст, узун хонага бошлаб киришди. Бу хонанинг деворларига антиқа иконалар осилган, ерга эса ҳайратомуз эроний гиламлар тўшалган эди. Столда самовар турарди.

Мен бир иконани томоша қила бошладим: у мени ўзига маҳлиё қилиб қўйган эди. Кейин орқамга ўгирилиб, Пуаронинг ерда ястаниб ётганини кўрдим. Тўғри, гилам ғоятда гўзал эди, аммо уни бу қадар синчковлик билан кўздан кечиришнинг ҳеч ҳожати йўқ эди менимча.

– Наҳотки у сизни шунчалик ром қилиб қўйган бўлса? – деб сўрадим мен.

– А? О! Гиламми? Дарҳақиқат, бу жуда чиройли буюм, лекин нечун шундай ноёб гиламнинг қоқ ўртасига мих қоқиб тешибдийкинлар, ҳайронман? Йўқ, Гастингс, – деди Пуаро менинг унга томон юра бошлаганимни кўриб, – ҳозир мих йўқ. Лекин тешиги қолган.

Шу пайт шарпа эшитилиб, мен орқамга ўгирилдим, Пуаро эпчиллик билан сакраб ўрнидан туриб кетди. Остонада турган қиз бизга шубҳа билан боқарди. Бу ўрта бўйли, кўҳликкина, аммо маъюс чехрали қизнинг кўзлари кўк, калта кесилган сочи тим қора

эди. У гапира бошлаганида овози жарангдор ва салобатли экани, талаффузи эса мутлақо инглизчага ўхшамаслиги маълум бўлди.

– Тоғам сизларни қабул қила олмасалар керак. У ногирон.

– Афсус, афсус. Балки ўзингиз тоғангизнинг ўрнига менга ёрдам қиларсиз? Сиз мадемуазель Давилова-сиз – шундай эмасми?

– Ҳа, мен Соня Давиловаман. Нимани билмоқчийдингиз?

– Мен ўтган куни юз берган кўнгилсиз ҳодиса – месье Гилмор Уилсоннинг ўлими ҳақида маълумот йиғяпман. Бу ҳақда сиз нима дея оласиз?

Қизнинг кўзлари катта-катта очилди.

– У шахмат ўйнаётганида юрак хуружи дардидан вафот этди.

– Лекин полиция бунинг юрак хуружи эканлигига ишонмаяпти, ойимқиз.

– Вой, демак, рост экан! – деб чинқириб юборди ваҳимага тушган қиз ўзини орқага ташлаб. – Иван тўғри айтган экан.

– Иван деганингиз ким? Нима учун сиз, у тўғри айтган экан, деяпсиз?

– Иван ҳали сизларга эшик очди. Унинг айтишича, гўё Гилмор Уилсон ўз ажали билан ўлмаганмиш, балки уни адашиб заҳарлаб қўйишганмиш.

– Адашиб?

– Ҳа, заҳар менинг тоғам учун мўлжалланган экан. Соня бояги шубҳаларини унутиб, энди бемалол очикчасига гапирарди.

– Нега бундай деяпсиз, мадемуазель? Ким заҳарламоқчи экан доктор Савароновни?

Қиз бош чайқаб, деди:

– Билмайман. Мен тоғамнинг фаолиятидан гофилман. У менга ишонмайди. Бу табиий ҳол, меним-

ча. Негаки тоғам мени деярли билмайди. Бу ерда, Лондонда учрашмасимиздан олдин у мени фақат гўдак чоғимда кўрган. Лекин шуни аниқ биламанки, у нимадандир кўрқади. Айтинг-чи, месье, – деб у Пуарога яқин келди ва овозини пасайтириб сўради: – Сиз «Катта тўртлик» деб юритилувчи жамият ҳақида ҳеч эшитганмисиз?

Пуаро худди бошидан қайноқ сув қуйиб юборгандай бир сапчиб тушди.

– Нега сиз... сиз нима биласиз Катта тўртлик ҳақида, мадемуазель?

– Демак, шундай ташкилот бор! Мен бунинг дароғини эшитган эдим, кейин бу ҳақда тоғамдан сўровдим... ё тавба, умрим бино бўлиб бунчалик қаттиқ ваҳимага тушган одамни кўрмаганман. Тоғамнинг ранги докадек оқариб, бутун вужуди дағ-дағ қалтирай бошлади. У ўшалардан кўрқади, месье, жудаям кўрқади, ишончим комил. Улар америкаликни, Уилсонни айтяпман, янглишиб ўлдириб қўйишган.

– Катта тўртлик, – деб ғўлдиради Пуаро. – Яна Катта тўртлик! Қандай ҳайратомуз уйғунлик! Мадемуазель, тоғангизнинг ҳаёти ҳали ҳам хавф остида. Мен уни ҳимоя қилишим керак. Шу боис сиз менга ўша куни кечқурун бўлган воқеаларни, имкон қадар, муфассалроқ сўзлаб беришингиз керак. Сиз менга шахмат тахтасини, икки ўйинчи ўтирган столни – ҳамма-ҳаммасини кўрсатинг!

Соня деворга яқин бориб, сирти ғоят бежирим столчани ғичирлатиб чиқарди, столча устидаги шахмат тахтаси кумуш ва қора рангли квадратлар билан безатилган эди.

– Бунинг бир неча ҳафта бурун тоғамга совға қилиб юборишган ва навбатдаги матчни шу тахтада ўйнашни илтимос қилишган эди. Бу столча мана бу ерда – хонанинг ўртасида турган эди.

Пуаро столни, менинг назаримда, жуда-жуда синчиклаб кўздан кечирди. Лекин менга қолса, терговни бутунлай бошқача усулда олиб борган бўлардим. У берган саволларнинг кўпчилиги мутлақо бефойдадек бўлиб туюлди менга, у энг зарурий ва муҳим саволларни деярли бермади. Фаҳмимча, кутилмаганда Катта тўртликнинг эсга олиниши Пуарони каловлатиб қўйган эди.

Пуаро столни ва у турган ерни диққат билан кўздан кечиргач, шахмат доналарини кўрсатишни илтимос қилди. Соня Давилова қутига солинган доналарни кўтариб келди. Пуаро бир-иккита донани қўлида айлантириб кўрди-да, паришонхотирлик билан тўнғиллаб қўйди:

– Чиройли доналар.

Лекин қандай ичимликлар ичилгани ёки матчда кимлар қатнашгани ҳақида бир оғиз ҳам сўрамади.

Мен маънодор йўталиб қўйдим.

– Назаримда, сиз Пуаро...

У такаббурлик билан сўзимни бўлди:

– Йўқ, у ҳақда ўйламанг, дўстим. Бунини менга қўйиб беринг.

– Мадемуазель, наҳотки тоғангизни кўриш менга насиб этмаса?

Соня хиёлгина жилмайиб қўйди.

– Тоғам сизни қабул қилади, ҳа. Биласизми, даставвал сиз билан мен гаплашиб олишим лозим эди... сиз билан ҳам, ташриф буюрган бошқа нотаниш кишилар билан ҳам.

У ичкарига кириб кетди. Қўшни хонадан ғўнғир-ғўнғир овозлар эшитилди, бир дақиқадан сўнг қиз қайтиб чиқиб, бизни қўл ишораси билан ичкарига таклиф қилди.

Кушеткада баланд бўйли, қотмадан келган, қошлари бароқ, соқоли оппоқ – хуллас, зодагонсифат

одам ётарди. Унинг сўлғин чехраси кўп қийинчиликлар ва муҳтожликларни бошидан кечирганлигидан далолат берарди. Доктор Саваронов обрў-эътиборли шахс кўринарди. Калласининг ғайриоддий шаклда эканлиги диққатимни тортди. Буюк шахматчи улкан заковат соҳиби бўлмоғи шарт. Мен унинг дунёда иккинчи ўриндаги шахматчи эканлигига осонгина ишондим.

Пуаро унга таъзим қилиб, деди:

– Доктор, сиз билан ёлғиз гаплашиб олишим мумкинми?

Саваронов жияни томонга ўгирилди.

– Бизни холи қолдир, Соня.

Қиз итоаткорлик билан чиқиб кетди.

– Кулоғим сизда, сэр.

– Доктор Саваронов, сиз яқинда жуда катта меросга эга бўлибсиз. Кечирасиз-у, мабодо ўлиб-нетиб қолгудек бўлсангиз, у бойлик кимга қолади?

– Мен жияним Соня Давилова номига васиятнома ёзиб қўйганман. Сиз ўйлайсизки...

– Мен ҳеч нима ўйламайман, аммо сиз жиянингизни ёш болалик чоғидан бери кўрмагансиз. Бунақа ролни ҳар қандай одам ҳам осонгина ижро этиши мумкин.

Саваронов ҳанг-манг бўлиб қолди. Пуаро эса пинагини бузмай гапини давом эттирди.

– Бу ҳақда етар. Мен сизни огоҳлантириб қўйдим, холос. Энди сиз менга ўша куни кечқурун ўйналган партияни таърифлаб беришингизни истардим.

– Партияни? Сиз нимани назарда тутяпсиз?

– Мен ўзим шахмат ўйнашни билмайман. Лекин, билишимча, ўйинни бошлашнинг ҳамма шахматчилар учун одат бўлиб қолган бир қанча турлари бўлар экан – масалан, гамбит. Шунақа дейишади шекилли?

Доктор Саваронов жилмайиб қўйди.

– Нима демоқчи бўлганингизни тушундим. Уилсон Рюи Лопес ўйинини қўлади – бу ўйиннинг ибтидоси анча бехатар бошланади, кўп турнирларда шахматчилар шу усулни қўллашади.

– Нечта юриш қилган эдинглар фалокат юз бергунга қадар?

– Учинчи ё тўртинчи юришда Уилсон бирдан столга мук тушдию ўлди.

Пуаро ўрнидан турди ва гўё мутлақо аҳамиятсиз бўлган охирги саволини берди: лекин бу саволнинг жуда катта аҳамиятга молик эканлиги менга аён эди.

– У бирон нима еганмиди ё ичганмиди?

– Содали сув омухта қилинган виски ичувди шекилли.

– Миннатдорман, доктор Саваронов. Сизни бошқа безовта қилмайман.

Иван бизни дам олиш хонасида кутиб турган эди. Пуаро остонада тўхтаб, ундан сўради:

– Сиз билмайсизми, тагингиздаги квартирада ким туради?

– Парламент аъзоси сэр Чарлз Кингесл, сэр. Лекин, билишимча, ҳозир бу квартира ижарага қўйилмоқчи.

– Раҳмат.

Биз кўчага чиқдик, осмонда қиш қуёши чарақлаб турарди.

– Биласизми, Пуаро, – дедим мен ортиқ чидаб туrolмай, – менимча, бугун сиз сал айнидингиз. Берган саволларингиз жуда бемулоҳаза бўлди.

– Сиз шундай деб ўйлайсизми, Гастингс? – Пуаро менга таажжуб билан боқди. – Хўш, ўзингиз нималарни сўраган бўлардингиз?

Мен Пуарога ўз сўроқларим таркибини баён қилдим. У гапларимни, назаримда, анча эътибор билан

тинглади. Менинг бу баёним то уйга етиб боргунимизча давом этди.

– Жуда соз, ғоят пухта ўйланган саволлар, Гастингс, – деди Пуаро эшикни очиб зинадан кўтарилар экан. – Лекин, таассуфки, мутлақо кераги йўқ уларнинг.

– Кераги йўқ? – дедим мен ҳанг-манг бўлиб. – Агар у заҳарланганида борми...

– Аҳа! – деб чинқириб юборди Пуаро столда ётган хатга қўл чўзаркан. – Бу Жепдан. Ўзим ҳам шундай ўйловдим.

У хатни менга узатди. Хат қисқа ва лўнда эди. Мурдадан ҳеч қандай заҳар топилмаган, ўлимнинг сабаби мавҳумлигича қолган.

– Ана, кўрдингизми, – деди Пуаро, – сиз бермоқчи бўлган саволларнинг ҳеч кераги бўлмас эди.

– Сиз бунга сезганмидингиз?

– Сезгандим.

– Қандай қилиб?

Пуаро кўлини чўнтагига тикиб оқ фил донасини олди.

– Ие, уни доктор Савароновга қайтариб бериш эсингиздан чиқибдими? – деб сўрадим мен.

– Янглишдингиз, дўстим. Кечаги фил ҳали ҳам менинг чап чўнтагимда ётипти. Мен унинг бу адашини боя мадемуазель Давилова менга лутфан кўрсатган пайтда шахмат доналари солинган қутидан олдим.

– Мен ҳеч нимага тушунмадим. Ахир нега уни олдингиз?

– Мен бу иккита филни солиштириб кўрмоқчиман.

У фил доналарини столга ёнма-ён қўйди.

– Кўриниши бир хил. Лекин сиртига қараб хулоса чиқармайлик. Илтимос, менинг жажжи торозчамни олиб келсангиз.

Пуаро иккита донани ниҳоятда синчковлик билан тортиб кўрди, сўнг менга ўгирилиб, қувноқ чехра билан деди:

– Мен ҳақ чиқдим. Кўряпсизми, мен ҳақман. Ҳа, Эркюль Пуарони алдаб бўлмайди.

У телефон томон отилиб, шошқалоқлик билан рақамларни терди.

– Жепмисиз? Эркюль Пуаро гапиряпти. Хизматкорни, Иванни кўздан қочирманг. Зинҳор унинг қочиб кетишига йўл қўйманг. Ҳа, ҳа, шунақа.

У гўшакни илиб менга ўгирилди.

– Сиз ҳалиям тушунмадингизми, Гастингс? Ҳозир тушунтираман. Уилсон заҳардан эмас, электр токидан ўлган. Манави иккита донадан бирининг ичига металл стержен ўрнатилган. Матч ўйналадиган стол олдиндан тайёрланиб, столнинг белгиланган ерига ўрнатилган. Фил кумуш катаклардан бирига қўйилиши билан Уилсоннинг баданидан ток ўтган-у шу заҳоти у жон берган. Унинг қўлида куюк изи қолган – чап қўлида, чунки у чапақай бўлган. «Махсус» стол, аслида, найрангли қурилма. Лекин мен кўздан кечирган стол – аввалгисининг мутлақо бехатар нусхаси, қотиллик юз бергандан сўнг столни дарҳол ўзгартириб қўйишган. Ҳамма найранг пастдаги квартирадан бошқарилган, эсингизда бўлса, у ижарага қўйилар экан. Аммо жинойтчилардан, йўқ деганда, биттаси Савароновнинг квартирасида бўлган. Бу – унинг жияни – Катта тўртликнинг айғоқчиси.

– Иван-чи?

– Иван, менинг гумоним бўйича, ўша машҳур «тўртинчи рақам»нинг ўзи.

– Нима?

– Ҳа. Бу одам – моҳир актёр. У ҳар қандай ролни ижро этишга қодир.

– Во ажаб, – дедим мен. – Ҳаммаси тўғри чиқяпти. Саваронов ўзига қарши қандайдир фитна уюштирилаётганини сезган, шунинг учун матчда қатнашишдан бош товлаган.

Пуаро менга қараб қўйди, лекин ҳеч нима демади. Кейин у шахт орқасига бурилди-да, хона ичида у ёқдан бу ёққа юра бошлади.

– Сизда мабодо шахмат ҳақидаги китоблар йўқми, топ ати? – деб сўраб қолди у бирдан.

– Қаердадир бор эди.

Мен у китобни қидира-қидира ахири топдим ва Пуарога олиб келиб бердим. У роҳат курсига ўтириб олиб, китобни диққат билан ўргана бошлади.

Тахминан чорак соатлардан кейин телефон жиринглади. Мен гўшакни кўтардим. Жеп кўнғироқ қилаётган эди. Иван каттакон тугун кўтариб уйдан отилиб чиқибди-ю кўчада уни кутиб турган таксига ўтириб жўнаб қолибди. Қув-қув бошланибди. Иван таъқиб этувчиларни чалғитиб «сочиб» юборишга уринган. Ниҳоят, таъқибдан қочиб қутулдим, деб ўйлаган бўлса керак, тўғри Хэмпстеддаги каттакон эгасиз уйга йўл олган. Уй қуршаб олинбди.

Мен бунини Пуарога айтдим. У менга худди гап нима ҳақда бораётганини тушунмаётгандай қаради, сўнг китобни менга узатди.

– Мана, кўринг, дўстим. Бу Рюи Лопеснинг ўйинни бошлаш усули. 1. с4 е5. 2. Аснф3 Асб. Филв5. Энди қоралар бир неча турдаги ҳимоя йўлларидан бирини танлашлари лозим эди. Бироқ оқларнинг учинчи юриши – Филв5 Гилмор Уилсонни ўлдирган. Ҳа, атиги учинчи юришдаёқ у ўлган – наҳотки ҳалиям тушунмаган бўлсангиз?

Мен унинг нима демоқчи бўлганига тушунолмаётганимни айтдим.

– Фараз қилинг, Гастингс, сиз мана бу курсида ўтирибсиз ва кўча эшикнинг очилиб ёпилганини эшитдингиз – нима деб ўйлаган бўлардингиз?

– Кимдир уйдан чиқди, деб ўйласам керак.

– Тўғри, лекин ҳар қандай медалнинг орқа томони ҳам бор. Кимдир уйдан чиққан ёхуд кирган бўлиши мумкин, аммо бу мутлақо бир-бирига зид ҳол, Гастингс. Агар сиз нотўғри хулосага келсангиз, бир оздан кейин, албатта, қандайдир кичкинагина тафовут пайдо бўладию сизнинг нотўғри фикр юритганингиз кўринади-қолади.

– Бу билан нима демоқчисиз, Пуаро?

Пуаро ирғиб ўрнидан туриб кетди.

– Айтмоқчиманки, мен ғирт аҳмоқ эканман. Қани, тезроқ бўлинг, кетдик Вестминстерга. Эҳтимол, ҳали улгурармиз.

Биз кўчага отилиб чиқиб такси тутдик. Пуаро мен берган саволларнинг биттасига ҳам жавоб қайтармади. Биз етиб бориб, зинадан югуриб чиқдик. Кўнғироқни босдик. Лекин ҳеч ким эшикни очмади. Мен ичкарига қулоқ солиб, у ердан кимнингдир инграётган овозини эшитдим.

Эшикбонда квартиранинг иккинчи калити бор экан, биз унга нима сабабдан Савароновникга кирмоқчи эканлигимизни зўрға тушунтирдик. Ниҳоят, эшикбон рози бўлди.

Пуаро хонага ўқдек отилиб кирди. Димоғимизга хлороформ ҳиди гуп тиб урилди. Ерда оёқ-қўли боғланган, оғзига латта тиқилган Соня Давилова ётарди. Хлороформга бўктирилган пахта унинг оғзи билан бурнини беркитган эди. Пуаро пахтани юлқиб олиб, аzza-баzza қизни ҳушига келтира бошлади. Салдан кейин врач етиб келди. Пуаро қизни

унинг ихтиёрига қолдириб, мени бир чеккага бошлади. Доктор Саваронов ҳеч ерда йўқ эди.

– Нима гап ўзи, Пуаро? – деб сўрадим мен ҳангманг бўлиб.

– Гап шундаки, мен иккита бир-бирига ўхшаш хулосадан нотўғриси таниламан. Эсингиздами, Соня Давилованинг ролини ижро этиш осон, чунки тоғаси уни жуда кўп йиллардан бери кўрмаган, деб айтган эдим?

– Ҳа.

– Ана ўша хулосамнинг тескариси тўғри чиқди. Айтмоқчиманки, тоғанинг ролини ижро этиш ҳам ҳеч қийин эмас.

– Нима?

– Саваронов чиндан ҳам инқилоб пайтида ҳалок бўлган. Ўзини энг оғир муҳтожликларни бошидан кечирган қилиб кўрсатган, жудаям ўзгариб кетганлиги сабабли ҳатто ошна-оғайнилари ҳам таниёлмай қолган, жуда катта бойликка меросхўр бўлган одам...

– Хўш? Ким экан у?

– «Тўртинчи рақам». Соня унга Катта тўртлик ҳақида эшитганини айтганида, у бекорга чиқиб кетмаган. Эҳ, у яна кўлимдан чиқиб кетди. Бу жумбоқни ахири ечишимни у сезган, шунинг учун бегуноҳ Иванни хўжакўрсинга сохта топшириқ билан жўнатган ва ўзи қизнинг оёқ-қўлини боғлаб қочиб қолган. Аминманки, бу орада у мадам Бонунинг омонатидан катта бир қисмини пулга айлантиришга улгурган.

– Унда Савароновни ўлдирмоқчи бўлганлар ким экан?

– Уни ҳеч ким ўлдирмоқчи бўлган эмас. Айнан Уилсон эди режадаги қурбон.

– Нега ахир?

- Дўстим, биласиз, Саваронов дунёда иккинчи ўриндаги шахматчи ҳисобланган. Тахминларга кўра, «тўртинчи рақам» шахмат ўйинининг «ш» ҳарфини ҳам билмайди. Турган гапки, у ўз ўйини билан ҳеч кимни лақиллата олмасди. Шунинг учун у матчдан бош товлашга уриниб кўрган. Бу нияти пучга чиққач, Уилсоннинг тақдири ҳал қилинган. Уилсон «буюк Саваронов»нинг ҳатто ўйин қондасидан ҳам беҳабар эканлигини кўрмаслиги керак эди. У Рюи Лопес ўйинининг муқаддимасини маъқул кўриб, шу усул билан ўйнамоқчи бўлган. Лекин «тўртинчи рақам» уни учинчи юришдаёқ ўлимга рўпара қилган – бу билан у навбатдаги дона суришдан, яъни ҳимояга ўтиш масаласини ҳал қилишдан қутулиб қолган.

- Азизим Пуаро, – деб эътироз билдирмоқчи бўлдим мен, – ахир у тентак эмас-ку! Мен сизнинг далилларингизга тушундим, улар тўғри бўлса керак, албатта, лекин фақат ўзининг машъум ролини бундан кейин ҳам ижро этиш мақсадидагина одам ўлдириш – бунга ақлим бовар қилмайди! Бошқа иложини топиш ҳам мумкин эди-ку. Масалан, врач шахмат ўйнашни унга ман этиб кўйганини, ўйнаса қаттиқ ҳаяжонланиши ва касал бўлиб қолишини айтса бўларди-ку.

Пуаро пешонасини тириштирди.

- Тўғри, Гастингс, – деди у, – бошқа йўллар ҳам бор, лекин улар у қадар ишончли эмас. Қолаверса, сиз одам ўлдирилишини хоҳламаганингиздан шундай қарорга келяпсиз, тўғрими? Аммо «тўртинчи рақам»нинг мулоҳазаси тамомила бошқача. Мен ўзимни унинг ўрнига кўйиб кўряпман, лекин сиз бундай қилолмайсиз. Мен унинг фикрини ўқияпман. У гроссмейстерлик ролини ижро этишдан ҳузур қилади Аминманки, бу ролни пухта ўрганиш учун у шахмат турнирларига бориб ўйинларни кузатган. У қовоқ солиб ўтиради, ўзини ўйинни режалаштираётгандай қилиб кўрсата-

ди, аммо ичида кулиб ўтиради. У фақат иккита юришни билади – ундан кейингисининг кераги йўқ. У, яъни «тўртинчи рақам» мамнун, чунки ҳозир юз берадиган воқеани – рўпарасидаги рақибни, у тузган режага кўра, ўзини ўзи ўлдиришини олдиндан билади... Ҳа, ҳа, Гастингс, мен унинг психологиясини тушуна бошладим.

Мен елкамни қисиб қўйдим.

– Сиз ҳақсиз албатта, лекин ҳайронман, нега у бундай хатарли ишга журъат этдийкин?

– Хатарли иш?! – деди Пуаро тўнғиллаб. – Бунинг нимаси хатарли? Нима, Жеп унинг бу жумбоғини еча олармиди? Йўқ. Агар «тўртинчи рақам» кичкинагина бир хатога йўл қўймаганида ҳеч қандай хатар юз бермаган бўларди.

– У қандай хато экан? – деб сўрадим мен, гарчи эшитадиганим жавобни олдиндан билсам ҳам.

– Мон ами, у Эркюль Пуаронинг миясидаги майдамайда, одмигина хужайраларини ҳисобга олмаган.

Пуаронинг фазилатлари кўп, лекин камтарлик бу фазилатлар сафига кирмайди.

Қодир Мирмухамедов
таржимаси

ГҮШТҚИЙМАЛАГИЧ

Полиция зобити Хантон кир ювиш корхонасига етиб келганида «тез ёрдам» машинаси дарвоза олдидан огоҳлантирувчи товушсиз, милтиловчи чироғини ёқмаган ҳолда оҳистагина кўзғалаётган эди. Бу ёмон аломат, албатта. Ичкарида ҳамма идорага тўпланган, кўпчилик йиғлаб ўтирарди. Кир ювиш залининг ўзида эса ҳеч ким кўринмас, фақат зал охирида ўзиювар баҳайбат машиналар ҳануз ишлаб турарди. Бу манзара Хантонга умуман ёқмади. Одатда, оломон идорада эмас, балки бахтсиз ҳодиса юз берган жойда тўпланиши керак. «Инсон» деб аталувчи мавжудотнинг табиати азалдан шундай: қурбоннинг қолдиқларини томоша қилишдек туғма эҳтиёжга эга. Демакки, бу ўринда аҳвол анча чатоқ. Хантоннинг кўнгли озиб, қайт қилгиси келди: жиддий, ўта жиддий ҳодисаларга дуч келганида ҳамиша шундай бўлади. Падарқусур шу хизматига мана ўн тўрт йил бўлибдики, кўприклару кўчалар, ниҳоятда юксак бинолар пойидаги йўлкалардан бус-бутун ёки бурда-бурда жасадларни йиғиштириб юришга ўрганиб қолганига қарамай, Хантон бу расво одатини ҳануз тарк этолмайди. Гўё ошқозонида миттигина бир иблис ўтирибди-ю, ўлимга рўпара келганида вужудининг авра-астарини ағдариб ташлайди. Оқ кўйлакли эркак Хантонга кўзи тушгач, хиёл тараддуд билан унга пешвоз чиқди. Бўйни борлиги заррача сезилмайдиган буқанинг ўзгинаси, бурни ва юзларидаги майда қон томирлари ёрилиб ётгани эса унинг қон босими юқорилиги ёки ичкиликка муккасидан кетганини кўрсатарди. У оғиз жуфтлаб

нимадир дейишга қайта-қайта чоғланиб кўрди ва, ниҳоят, Хантоннинг ўзи савол бериб, уни бу мушкулотдан халос қилди.

– Корхона соҳиби сизми? Янглишмасам, мистер Гартли бўлсангиз керак?

– Йўқ... Мен... саркор Стэннерман... Э Худо, қанчалик даҳшат-а бу?..

Хантон кўйин дафтарчасини олди.

– Марҳамат қилиб, бу бахтсиз ҳодиса қаерда юз берганини кўрсатсангиз. Ва қай тариқа содир бўлганини сўзлаб берсангиз.

Стэннернинг ранги янада оқариб кетди, ҳар қалай, бурни ва юзларидаги қизил доғлар тагин ҳам аниқроқ кўриниб, баайни норга ўхшаб қолди.

– Э... ҳалиги... шартмикан-а шу-а?..

Хантон бир қошини чимирди.

– Начора. Менга телефон қилишганда бу ниҳоятда жиддий ҳодиса деб тайинлашганди.

– Жиддий ҳам гапми... – Стэннер қайт қилиб юбормаслик учун ўзини аранг тутиб турарди. – Миссис Фраули ҳалок бўлди! О, қандай даҳшат-а!.. Аксига олиб, шу тобда Билл Гартли йўқлигини айтмайсизми...

– Қани, гапиринг-чи, аслида нима бўлди ўзи?

– Юринг... Яхшиси, кўрсата қолай, – деди Стэннер.

Кейин Хантонни кўлда ишлатиладиган пресслар, кўйлак тахловчи қурилмалар ёнидан олиб ўтиб, охири кирювгич машина олдида тўхтади. Титраётган кўли билан пешонасидаги терни сидириб ташлади.

– У ёғига энди... ўзингиз борсангиз. Ўша нарсага... қайтиб қарай олмайман, тушунинг, ахир. Кўрсам, кўнглим... Иложим йўқ, хуллас. Маъзур тutasиз энди. Бу одамдан сал жирканган кўйи Хантон у ёғига ўзи йўл олди. Қанақа одам булар ўзи? Шалоғи чиқиб кетган асбоб-ускуналар билан ишлашади, со-

ликларга чап беришга уринишади, мана шу қувурларнинг бари бўйича қайноқ буғ юборишади, зарурий ҳимоя воситалари бўлмаган ҳолда зарарли кимёвий моддаларни қўллашади ва охир-оқибатда, қарабсизки, эртами-кечми, албатта бирон кор-ҳол рўй беради. Кимдир жароҳатланади ёки ўлади. Улар эса, кўрингки, бу нарсага қарай олмас эмишлар. Кўнгиллари нозикмиш... Э ўргулдим ўша кўнгилларингдан!..

Хантон таққа тўхтаб қолди. Одамхўр машина ҳануз ишлаб турарди. Уни ўчириб қўйишни ҳеч ким хаёлига келтирмабди. Хантон яқинроқ бориб қараганди, унга таниш кўринди: «Хадли-Уотсон» фирмасининг ички кийим, чойшаб, ёстиқ жилди каби енгил буюмларни ювиб, қуришиб, дазмолловчи, б-рақамли андозадаги яримавтомат қурилма. Номининг узундан-узоқлиги ҳам майли-я, беўхшов, бесўнақайлигини қаранг-а!.. Қайноқ буғ ва намлик ичида ишловчи одамлар эса унга муносиброқ ном топишибди: «Гўштқиймалагич»... Хантон бу манзарага худди сеҳрлангандек бир муддат карахтланиб қараб қўйди. Кейин эса полицияда бенуқсон хизмат қилган ўн тўрт йиллик даври мобайнида рўй бермаган ҳодиса содир бўлди – у оғзини ёпиш учун қўлини олиб борди-ю, улгуролмади – қайт қилиб юборди.

* * *

– Нега ҳеч нима емадинг? – деб сўради Жексон. Уйга кириб кетишган аёлларнинг идиш-товоқларни шарақлатишлари, болаларни тергаб туришлари эшитиларди. Жон Хантон билан Марк Жексон боғда, курсиларда ором олиб ўтиришар, ўртадаги барбюкедан эса хушбўй ҳид таралар эди. Хантон лаб учида кулиб қўйган бўлди: у чиндан ҳам туз тотмаганди.

– Бугун жуда эзилиб кетдим, – дея жавоб қилди кейин. – Бунақаси ҳеч бўлмаган.

– Йўл ҳалокати рўй бердими?

– Йўқ, бир корхонада бахтсиз ҳодиса.

– Кўп қон тўкилдими? Хантон дарҳол жавоб бермади. Юзи изтиробдан буришиб кетди. Ёнидаги кўчма музлатгичдан пиво олиб, шиша қопқоғини очди-ю, нақ ярмигача нафас олмай симирди.

– Сизларнинг коллежингизда кир ювиш корхоналари иши ўқитилмаса керак, ҳойнаҳой.

Жексон лабини қимтиди:

– Нега энди, мен ўзим яхши танишман бу соҳа билан. Талабалик пайтим бир йили ёзда кир ювиш корхонасида ишлаганман.

– У ҳолда ич кийим, чойшаб, ёстиқ жилди ва дастурхон сингари енгил буюмларни ювиш, қуритиш ҳамда дазмоллаш учун мўлжалланган тезкор, яри-мавтомат деб номланувчи машинани билсанг керак. Жексон бош ирғади:

– Билганда қандоқ. Асосан чойшаб ва дастурхонни ювиб, қуритиб, дазмоллаб беради. Узун ҳамда катта машина.

– Тўппа-тўғри, – деди Хантон. – «Блю риббон» корхонасида мана шу машина Адел Фраули деган аёлни ичига тортиб кетди.

Жексоннинг ранги оқарди.

– Йўғ-е, бундай бўлиши мумкин эмас, Хантон! Техник жиҳатдан мумкин эмас, ахир! Чунки унда сақлагич қурилма, хавфсизлик мосламаси бор. Ювилган кирни қуритиш учун машинага солаётган аёл бехосдан қўлини тикса, мослама шу заҳотиёқ ишга тушиб, машинани ўчириб қўяди. Ҳар қалай, буни яхши эслайман.

– У ёғини сўрасанг, шунга доир қонун ҳам бор, – дея бош ирғади Хантон. – Аммо, шунга қарамай, бахт-

сизлик рўй берди. У кўзларини ҳорғингина юмди, фикрий нигоҳи рўпарасида эса яна олтинчи рақамли андозадаги «Хадли-Уотсон» тезкор қуритгичи намоён бўлди. Узунлиги ўттиз, баландлиги олти фут келадиган, тўғри бурчакли маҳобатли машина. Қуритиладиган кир узлуксиз узатилиб турувчи томонида, тепада сақлагич мосламаси бор. Конвейернинг ҳўл ва ғижим чойшаблар қўйиладиган тасмасини машинанинг асосий қисми бўлган ўн олти баҳайбат цилиндр айланиб ҳаракатга келтиради. Айтайлик, чойшаб аввалига юқоридаги саккиз цилиндр устидан, кейин эса пастдаги саккиз цилиндр остидан ўтади, гўёки қовурилган икки бўлак нон ўртасига қўйилган дудланган чўчка гўштининг бир парраги деяверинг. Цилиндрлардаги буғ ҳарорати эса Фаренгейт бўйича нақ 300 даражага етиши мумкин. Конвейер тасмасига ёйилган матонинг ҳар бир квадрат фут сатҳига 200 фунтга яқин босим тушади, яъни чойшаб-пойшаб демагани қуриши у ёқда турсин, энг майда ғижимига-ча ёзилиб кетади. Бироқ миссис Фраулини қурилма қандайдир тарзда ана шу ерга тортиб кетган. Пўлат қисмлар, шунингдек, тошпахта қопламали цилиндрлар янги бўялган омбордек қип-қизил, машинадан ўрлаётган буғ эса кўнгилни оздирар даражада қон ҳидини анқитарди. Машина миссис Фраулининг оқ блузкаси, жинси шими, ҳатто сийнабанди ва бошқа хил ич кийимларининг майда парчаларини анча нарига, ўттиз футлар масофага итқитиб ташлаган, аммо қонга бўялган йирикрок лахтакларни саранжом-саришталик билан дазмоллаб, тахлаб қўйганди. Лекин энг даҳшатлиси бу ҳам эмас ҳали...

– Биласанми, машина ҳамма нарсани текислашга, дазмоллашга уриниб кўрган, – Хантоннинг кўнгли беҳузур бўлиб, овози бўғиқ чиқди. – Бироқ инсон... чойшаб эмас-ку, ахир, Марк. Хуллас, миссис Фраули

қолдиқларини... – Фавқулодда фожиадан довди-
раб қолган саркор Стэннер сингари унинг ҳам тили
айланмасди. – Қисқаси, уни ишхонасидан саватга
солиб олиб чиқиб кетишди... – дея оҳиста сўзини
яқунлади у.

Жексон ҳуштак чалиб юборди:

– Хўш, энди кимнинг пўстагини қоқишади? Кир-
хона эгасини айблашадими ё давлат назорат хизма-
тиними?

– Ҳозирча бундан беҳабарман, – деди Хантон.
Мудҳиш манзара эса ҳануз кўз олдидан кетмасди.
Машина – «гўштқиймалагич» тарақлаб, вишиллаб,
ҳуштак чалиб, конвейер тасмасини бетиним айлан-
тирар, яшил рангга бўялган ёнларидан қип-қизил
қон оқиб турар, инсоннинг куйган эти юракларни
орзиқтириб юборувчи хунук ҳид таратарди... – Ҳам-
ма гап хавфсизлик мосламаси деб аталган падар-
лаънат қурилма учун жавобгар одамга, қолаверса,
рўй берган фожианинг аниқ тафсилотларига боғлиқ
бу ёғи.

– Хўш, энди, мабодо бошқарувчи айбдор бўлган
тақдирда ҳам бу ғалвадан силлиққина қутулиб
чиқиб кетса нима бўлади, деб ўйлайсан?

Хантон аччиқ кулимсиради:

– Бир аёл ҳалок бўлди, Марк. Башарти Гартли би-
лан Стэннер ҳавфсизлик қоидалари, шу йиртқич
дазмолни жорий таъмирлаш ва рисоладаги ҳолат-
да сақлаб туриш чоралари юзасидан маблағ чеги-
риб қолишга уринишган бўлишса, турмага тики-
лишлари турган гап. Шаҳар маъмуриятида бирон
таниш-билишлари бор-йўқлигидан қатъи назар,
уларга ҳеч ким ёрдам қилолмайди.

– Хавфсизлик ҳисоботидан тежаб-тергашган деб
ўйлаяпсанми?

Хантон «Блю риббон» биносини кўз олдига кел-
тирди – нимқоронғи йўлаклару хоналар, доимо

хўл ва сирпанчиқ пол, тўкилиб тушай деб турган асбоб-ускуналар...

– Шунақага ўхшайди, – деди у оҳистагина. Улар ўринларидан туриб, уйга йўл олишди.

– Бу ишдан мени хабардор қилиб тур, Жонни, – деди Жексон. – Воқеаларнинг кейинги ривожига жуда қизиқтиради, албатта.

* * *

Бироқ Хантон «гўштқиймалагич» машина тўғрисида янглишган эди. Сув билан кир ювувчи бу мослама том маънода сувдан қуруқ чиқа олди. Яримавтомат-дазмоллагич қурилмани бир-биридан мустақил равишда олти нафар давлат нозири ипидан-игнасигача синчиклаб текшириб чиқди. Ва бари механизм мутлақо тўғри ишляпти, деган фикрни айтди. Дастлабки тергов эса ўлим бахтсиз ҳодиса сифатида юз берган, деган хулосага келди. Бу гапларни эшитиб ларзага тушган Хантон охири нозирлардан бири Рожер Мартинни астойдил қийин-қистовга олди. Аммо Мартин тушмагур ҳам унча-бунча қармоққа илинадиган анойи балиқлардан эмас экан. Уни тилидан тутишга уриниш ҳеч бир наф бермади. Хантон савол устига савол ёғдирар, у эса шарикли ручкасини ўйнаганича, пинагини бузмай ўтирарди.

– Ҳеч гап йўқ денг? Демак, машина мутлақо тўппа-тўғри ишляпти?

– Айни ҳақиқат, – дея жавоб қилди Мартин. – Бу фожиада ҳамма гап хавфсизлик мосламасига бориб тақалади. Уни ниҳоятда синчиклаб текшириб чиқишди ва жуда яхши ишчи ҳолатда эканлигини аниқлашди. Тирғаладиган ҳеч нимаси йўқ унинг. Миссис Жиллианнинг гувоҳлик кўрсатмасини ўзин-

гиз эшитдингиз-ку, ахир! Миссис Фраули кўлини машина ичига керагидан ортиқ чуқурроқ тиқиб юборган кўринади, бўлак ҳеч бир изоҳ йўқ. Тўғри, буни ҳеч ким кўрмаган, чунки ҳамма ўз иши билан овора эди. Аёл қичқириб юборган. Машина кафтни ямлаб ташлагач, кейинги лаҳзадаёқ бутун кўлни то елкагача тортиб кетган. Фраули машинани шунчаки ўчириб қўйиш ўрнига кўлини суғуриб олишга зўр бериб уринаверган. Ваҳимадан ўзини йўқотиб қўйгани тушунарли. Тўғри, бошқа бир аёл, миссис Кин машинани ўчиришга уринганини айтди, бироқ, чамаси, ҳаяжонда тугмачаларни адаштириб юборган ёки кечиккан...

– У ҳолда ҳамма бало ўша лаънати хавфсизлик мосламасида экан-да! Демак, тўғри ишлаётган бўлиши мутлақо мумкин эмас, – деди Хантон қатъийлик билан. – Мабодо аёл кўлини унинг тагига эмас, балки устига қўйган демасак...

– Бундай бўлиши умуман мумкин эмас. Чунки мослама устида зангламайдиган пўлатдан ишланган қопқоқ бор. Мосламанинг ўзи ҳам бузилмаган ва моторга уланган. Пастга тушган заҳотиёқ моторни ўчирган бўларди.

– У ҳолда фожиага нима сабабчи деб ўйлайсиз?

– Ўйлаб ўйимга етолмаяпман. Ҳамкасбларим билан фикрлашиб кўриб, миссис Фраули фақат бир ҳолда – конвейер устига йиқилиб тушган тақдирдагина ҳалок бўлиши мумкин эди, деган хулосага келдик. Ҳолбуки, фожиа бошланганида аёл полда турган ва бунга атрофдаги ҳамкасбларининг бари гувоҳ.

– Бундан чиқди, амалда рўй бериши ҳеч қанақасига мумкин бўлмаган, ақлга сиғмайдиган бир тасодиф бу... – деди Хантон.

– Энди, жуда ҳам унчалик эмас-ов... Шунчаки, ас-лида нима бўлганини тушуниб ета олмаяпмиз, холос...

– Мартин бир муддат жим қолиб, яна давом этди:

– Биласизми, Хантон, модомики, бу ҳодисани ўзингизга шунчалик яқин олаётган экансиз, келинг, бир гап айтай. Фақат бировга чурқ этиб оғиз очмай-сиз. Барибир, инкор қиламан ҳаммасини... Очиғи, бу машина менга ёқмади. У... худди, устимиздан кулаётгандай туюлаяпти. Кейинги беш йил мобайнида бу хил қурилмалардан анча-бунчасини кўришимга тўғри келган. Айримлари шу қадар хароб аҳволдаки, ҳатто тизгинсиз итни ҳам ёнига йўлатмаган бўлардим. Аммо на чора, штат қонунлари бундай нарсаларга панжа орасидан қарайди... Қолаверса, бу дазмоллар бор-йўғи машина, холос... Бироқ буниси... қандайдир арвоҳнинг ўзгинаси. Нима учун-лигини билмайман-у, унинг ёнида шундай бир ҳиссиёт уйғонди менда. Башарти нимагадир тирғалиш мумкин бўлганда ёхуд ақалли майда бир носозликни топа олганимда ҳам машинани ўша заҳотиёқ тўхтатишни буюрардим. Аллақандай васвасанинг ўзи-я, тўғримасми?

– Биласизми, мен ҳам айнан шу ҳолатдаман, – дея иқрор бўлди Хантон.

– Милтонда рўй берган бир воқеани айтиб берай, – деди нозир Мартин. Кейин кўзойнагини олиб, нимчасининг этаги билан арта бошлади. – Бунга икки йиллар бўлди. Қандайдир йигитлар эски музлатгични орқа ҳовлига олиб чиқиб ташлашган экан. Кейин бир аёл телефон қилиб, ити йўқолиб қолганини айтди. Музлатгич эшиги ўз-ўзидан ёпилиб, жонивор бўғилиб ўлган. Биз бу ҳодиса тўғрисида полицияга хабар бердик, улар текшириш учун ўз одамини юборишди. У йигит ҳам юмшоқ кўнгил

бўлган чоғи, ит бояқишга жуда ачинган кўринади. Унинг жасадини музлатгич билан бирга ўз «пикап»-ига ортиб, эртасига эрталаб шаҳар ахлатхонасига элтиб ташлаган. Ўша куннинг ўзидаёқ ахлатхона яқинида яшайдиган бир аёл сим қоқиб, ўғли йўқолиб қолганини хабар қилди...

– О Худо!.. – деб юборди Хантон.

– Хуллас, ахлатхонада ётган музлатгич ичидан боланинг мурдасини топишди. Ўзиям ширингина экан, онасининг айтишича, мулойим табиатли, ито-аткор бўлган. Аммо нимагадир ахлатхонада ётган музлатгичнинг ичига кирган... Биз бу ҳодисани бахтсиз тасодифга йўйиб кўя қолдик... Аммо воқеа шу билан тугаган, деб ўйлаяпсизми?

– Йўғ-е... Наҳотки?

– У ёғига нималар бўлганини эшитинг. Фожианинг эртаси куни ахлатхона ишчиси мудҳиш музлатгичнинг эшигини олиб ташлашга уриниб кўрган. Шаҳар маъмуриятининг ахлатхонадаги нарсаларни сақлаш тартибига оид 58-рақамли фармойишида шундай кўрсатма бор. – Мартин суҳбатдошига маъноли қараб қўйди. – Хуллас десангиз, ишчи музлатгич эшигини очганида ичида олтита куш ўлиб ётганини кўрган. Яна айтишича, уларнинг ўлигини олиб ташлаётганида эшик ўз-ўзидан ёпилиб, қўлини қисиб қолган. Бечора оғриқдан дод деб юборибди. Назаримда, «Блю риббон»даги «гўштқиймалагич» машина ҳам шу хил одамхўр қурилмага ўхшаб кетаяпти. Ва бу воқеа менга мутлақо ёқмаяпти, Хантон. Улар шаҳар суди биносининг кимсасиз вестибюлида бир-бирларига қараганча индамай туришарди. Бу ердан олти ҳудуд нарида эса «Хадли-Уотсон» фирмасининг 6-рақамли андозадаги яримавтомат машинаси буғ пуркаб, шақир-шуқур қилганча, ювилган кирларни дазмоллаш билан овора эди.

Орадан бир ҳафта ўтди ва кирхонадаги бахтсиз воқеа аста-секин унутила бошлади, Хантон ҳам полициянинг бир хилидаги зерикарли ишларига кўмилиб кетганди. Фақат, бир қўл қарта ўйнаб, пиво ичиш учун хотини билан бирга Марк Жексоннинг уйига киргандагина бу воқеа яна ёдига тушди. Жексон саломлашар-саломлашмас сўз бошлади:

– Биласанми, Жонни, нима гап? Кирхонадаги ўша машинага ёвуз руҳлар жойлашиб олган бўлиши мумкин, деб ҳеч хаёлингга келтирмаганмисан?

– Нима-нима? – Хантон кўзларини пирпиратди.

– «Блю риббон»даги тезкор дазмоллагич бор-у, ўшани айтаяпман. Бу ўринда аллақандай алоқа мавжудлиги яққол сезилиб турибди.

– Қанақа яна алоқа? – Хантон сергак тортди.

Жексон унга кечки рўзномани узатиб, иккинчи саҳифада босилган бир хабарни нуқиб кўрсатди. Унда ёзилишича, «Блю риббон» кирхонасида бахтсиз ҳодиса юз берган. Яримавтомат дазмоллагич машина ювилган кирларни узатиб турган олти нафар аёлни буғда куйдириб юборибди. Соат 15:45да содир бўлган бу фожиага қозонхонада буғ босими кескин ошиб кетгани сабаб қилиб кўрсатилган эди. Аёллардан бири, миссис Аннет Жиллиан иккинчи даражали куйиш билан шаҳар касалхонасига жўнатилган.

– Ғалати тасодиф... – деди Хантон ўйланиб туриб ва шу лаҳзада нозир Мартиннинг кимсасиз суд биносида мудҳиш оҳангда янграган «Машина эмас, нақ арвоҳнинг ўзгинаси!» деган гапи ярқ этиб хаёлида жонланиб кетди. Ва кетма-кет эски музлатгич ичида ҳалок бўлган ит, болакай ва қушлар ҳақидаги ҳикояни эслади. Шу оқшом у қартани ҳам хаёли паришон ҳолда ўйнади.

Палатага Хантон кириб келганида миссис Жиллиан ёстиқларга суянганича, «Экран сирлари»ни ўқиб ётарди. Унинг бир қўли батамом чирмаб ташланган, бўйнининг бир қисми ҳам ўралган эди. Хонада тўртта чорпоя бўлиб, аёлнинг ягона қўшниси – чеҳраси оқарган ёшгина бир жувон қаттиқ ухлаб ётарди. Мовий коржома-хизмат кийимидаги кишини кўрган миссис Жиллиан хиёл тараддудланиб, кейин журъатсизгина жилмайди:

– Мабодо миссис Черникованинг олдига келган бўлсангиз, ҳозир суҳбатлаша олмайсиз. Яқинда дори беришувди, ухлаб ётибди...

– Йўқ. Мен сизни кўргани келдим, миссис Жиллиан. – Аёл чеҳрасидаги табассум шу заҳоти сўнди. – Норасмий ташриф деганларидек. Шунчаки, кирхонада нима бўлганига қизиқиб қолдим. – У қўлини чўзди: – Жон Хантон. Самимийлик, очикқўнгиллик ўз натижасини берди. Миссис Жиллианнинг юзи табассумдан ёришиб кетди ва у куймаган қўлини чўзганича, журъатсизгина сўрашди.

– Миршабга ёрдам беришга ҳамиша тайёрман, мистер Хантон. Сўрайверинг... Эй Худо! Ўғлим мактабда яна бир балони бошладим деган хавотирда кўрқиб кетдим, очиғи.

– Нима воқеа юз берганини батафсил сўзлаб берсангиз.

– Биз чойшабларни дазмол қилаётгандик, машина бирданига буғ пуркаб юборса бўладими! Менга ҳар қалай шундай туюлди. Ҳозир уйга қайтаман, итларни сайр қилдираман деган хаёл билан турсам, ногаҳонда худди бомба портлагандек гумбурлаб кетди. Ҳаммаёқ қайноқ буғ, яна илондек вишиллашини айтмайсизми... даҳшат! – Жилмайишга уринган

лаблар беихтиёр аянчли титраб кетди. – Дазмол... худди аждарходек пишқирарди. Шунда Алберта-миз – анув, Алберта Кинни айтаяпман – туйқусдан «Портлаш! Портлаш!» деб қичқириб юборди-ю, ҳамма югургилаб, бақир-чақир бошланиб кетди. Женни Жейсон мен куйдим деб дод сола бошлади. Мен ҳам беихтиёр ўша томонга югурдим-у, кейин йиқилиб тушдим. Ўзим ҳам қаттиқ куйиб қолганимни ўшанда сезмаган эканман. Худога шукрки, жонимиз омон қолди, чунки бундан баттари бўлиши ҳам мумкин эди-да. Қайноқ буғ бўлса, ҳарорати нақ уч юз даражага боради...

– Рўзномада буғ узатиш қувури шикастланган деб ёзишибди. Бу нима дегани?

– Биласизми, бошимиз тепасидан ўтган қувурлардан буғ қайишқоқ резинаичакка ва ундан машинага узатилади. Жо, яъни мистер Стэннер қозондан қўшимча буғ отилган, деб тахмин қилди. Оқибатда эса босим кўтарилиб кетиб, қувурлар дош беролмаган.

Хантон у ёғига нимани сўрашни билолмади. Хайрлашишга чоғланиб турувди ҳамки, аёл хушламайгина қўшимча қилиб қолди:

– Авваллари машинада бунақа воқеа ҳеч қачон рўй бермаганди. Фақат кейинги пайтларда шунақа бўлаяпти. Гоҳ қайноқ буғ отилади, гоҳ анави даҳшат – миссис Фраулининг мудҳиш ўлими, руҳини Худо ёрлақанган бўлсин. Хуллас, майда-чуйда ҳар хил тасодифлар бир-бирига уланиб кетаяпти. Бир гал Эссининг этагини занжир ўраб кетди. Бу ҳам фожиага олиб бориши мумкин эди, аммо қиз чаққонлик қилиб, кўйлагини ечиб ташлашга улгурди. Гоҳ қандайдир болт бўшаб кетадими-ей, гоҳ яна аллаббалолар юз берадими-ей. Таъмирчи устамиз Херб Дайментнинг ҳам она сути оғзига келди! Ишонасизми, баъ-

зан чойшаб теп-текис ёйилгани ҳолда... цилиндрлар орасига тиқилиб қолади. Жоржнинг айтишича, буларнинг барига кир ювиш машиналарига оқартирувчи кукун ҳаддан зиёд кўп солинаётгани сабаб эмиш, бироқ авваллари бу хил балойи ногаҳонийлар мутлақо юз бермасди-ку! Ҳозир эса қизларимиз бу машинада ишлашдан юрак олдириб қўйишган. Эссининг айтишича, дазмол ичига Адел Фраули танасининг парчалари тиқилиб қолган ва шу боис ҳам бу машинада ишлаш фалокатга олиб келади... Гўё унга қарғиш теккандек. Э, нимасини суриштирасиз, бу бехосият машина атрофидаги балою кулфатларнинг бари Шерри қўлини кесиб олган кундан бошланган аслида.

– Қанақа Шерри? – сўради Хантон.

– Шерри Квелетт-да! Ширингина қиз, мактабдан тўғри бизга ишга келувди. Ўзи жуда тиришқоқ, аммо сал укув етишмайди. Ҳозирги думбул қизларни биласиз-ку, энди...

– Хўш, у бармоғини қандай қилиб кесиб олди? Нима бўлганди ўзи?

– Айтарли ҳеч нима. Биласизми, кирювгичда конвейер тасмасини ушлаб турувчи махсус тутқичлар бор. Машинага қалин ва оғир матони солмоқчи бўлганимиз учун ҳам Шерри ана шуларни жиндак бўшаштириш билан овора эди. Қиз бояқиш, хаёли бирон йигитга кетиб қолдими, бармоғини кесиб олди. Жуда чуқур кесилганди ўзиям, ҳаммаёққа қон сачраб кетган. – Миссис Жиллианнинг чехрасида туйқусдан саросима пайдо бўлди. – Кейин эса... айнан шу воқеадан сўнг... болтлар ўз-ўзидан чиқиб кета бошлади. Яна бир ҳафтача ўтиб... Адел бечора... Гўё машина қон таъмини кўриб, ёқтириб қолди-ю, одам ямлашга ўтиб олгандай... Э, нималар деяп-

ман ўзи... Биз аёлларнинг миямизда доим бемаъни фикрлар ғужғон ўйнаб юради-да, а, зобит Хинтон?

– Хантон, – дея беихтиёр тўғрилади Жон ва бир нуқтага тикилганича қолди.

* * *

Тақдир ўйинини қарангки, у ўша куннинг ўзидаёқ Марк Жексон билан икковларининг уйдан унга узоқ бўлмаган мўъжазгина кирхона-автоматда учрашиб қолди ва айнан шу ерда полициячи ҳамда инглиз адабиёти профессори ўртасида ўта антиқа бир суҳбат бўлиб ўтди. Улар пластик оромкурсиларда ёнма-ён ўтиришар, келтирган кийимлари эса ойнатўсиқ ортида, тирқишига ташланган танга туфайли ҳаракатга келувчи кир ювиш машиналарининг барабанларида айланарди. Жексоннинг тиззаларида Милтоннинг сайланма асарларидан иборат китобча ётар, аммо у буюк шоирни ҳам унутган кўйи Хантоннинг миссис Жиллиан ҳақидаги ҳикоясини диққат билан эшитарди. Ниҳоят, у жим қолганида Жексон сўз бошлади:

– Ёдингда бўлса, бу одамхўр машинага ёвуз рух жойлашиб олмаганмикан, деб айтгандим сенга. Ярми ҳазил эди ўша гапимнинг... аммо фақат ярми. Ҳозир, шу тобда яна шу ҳақда ўйлаяпман.

– Э, кўйсанг-чи, – деди Хантон ишонқирамай. – Фирт бемаънилик-ку бу, ахир... – Жексон ойнавандарча ортида кийимлар қандай айланишини кузатарди. – Жоду қилинган дегани – ёмон сўз. Қолаверса, унчалик аниқ ҳам эмас. Аниқроғи, машинага ёвуз рухлар жойлашиб олган кўринади. Дунёда иблисларни истаган ерга жойлаштириш усуллари талайгина. Уларни ўша ердан ҳайдаб чиқариш усул-

лари ҳам айнан шунча. Ақалли Фрезернинг «Олтин шох» асарини олиб кўрайлик, унда шу хил кўплаб мисоллар келтирилган. Друидлар тўғрисидаги эртакларда ҳам, ацтеклар фольклорида ҳам айнан шу манзарани кўрамиз. Бу хил воқеа-ҳодисалар жуда кўҳна замонлардан, Қадимги Миср давридан бошлаб эслаб ўтилади. Ва амалда уларнинг барини жуда бўлмаганда битта умумий ва мажбурий шарт бирлаштириб туради. Иблисни жонсиз буюмга жойлаштириш учун қиз боланинг қони керак. – Жексон Хантонга қараб қўйди. – Миссис Жиллианнинг айтишига кўра, жамики фалокатлар ўша Шерри Квелетт қўлини кесиб олганидан кейин бошланибди, тўғрими шу гап?

– Етар энди, ҳазил ҳам эви билан-да, – деди Хантон.

– Аммо бир ўйлаб кўргин: бу қиз бошланғич шартга жудаям мос келаяпти, – жилмайди Жексон.

– Ҳозироқ ҳамма ишимни йиғиштираман-у, тўғри уйига бориб, ўзидан сўрай қоламан, – Хантон ҳам зўраки илжайди. – Ҳалитданоқ ғалати манзарани кўз олдимга келтираяпман... «Ассалому алайкум, миссис Квелетт, полиция зобити Жон Хантон бўлман. Шу десангиз, кичик бир тадқиқот ўтказиб, дазмоллагич машинага иблислар жойлашиб олмадимикан, деган муаммони ҳал этаяпман. Яна шуни ҳам билмоқчи эдимки, сиз қиз боламисиз ё...» Хўш, бу ёғига нима деб ўйлайсан: мени жиннихонага тиқиб қўйишларидан аввал Сандра ҳамда болаларим билан хайрлашиб қолишга улгурармиканман-а? – Бемалол гаров ўйнашим мумкинки, ҳозирги аҳволда ҳам тўғри ўша ёққа қараб кетаяпсан, – деди Жексон тамомила жиддийлик билан. – Гапларим ҳазил эмас мутлақо, Жонни. Ўша лаънати машинани ҳали

бир марта ҳам кўрмаганман, аммо шунга қарамай, у юрагимга кўрқув солаяпти.

– Дарвоқе, – деб қолди Хантон, – модомики гап очилган экан, бошқа мажбурий шартлар ҳақида ҳам сўзлаб бера қолмайсанми?

Жексон елкасини қисди.

– Энди, ҳаммасини дабдурустдан эслай олиш осонмас. Бунинг учун китоб кўриш керак. Масалан, жодугарларнинг илми амалини кўриб чиқайлик. Англо-саксларда уни қабр тупроғи ёки бақа кўзини аралаштириб тайёрлашган. Европадаги илми амал воситаларида «шуҳрат кўли» ёхуд, оддийроқ айтганда, мурданинг кўли кўп тилга олинади. Жинлар базмида ичиладиган, рўё кўрсатувчи галлюциноген моддалардан бири унинг ўрнига ўтиши мумкин ҳозирги пайтда. Бу одатда белладонна ёки псилоцибин ҳосиласи, аммо бошқа модда бўлиши ҳам мумкин.

– Нима бало, Марк, эсингни еб қўйдингми? Мана шу нарсаларнинг бари «Блю риббон» дазмол-автоматига тушиб қолган бўлиши мумкин, деб жиддий ўйлаяпсанми ўзи? Бошимни гаровга қўйиб айта оламанки, беш юз мил теварак-атрофда биронта туп белладонна йўқ! Қолаверса, кимдир аллақайси Фредди амакининг кўлини узиб олиб, ўша лаънати дазмолга тикмагандир-ку, ахир?

– «Мабодо етти юзта маймун ёзув машинасида етти юз йил ёзишга мажбур қилинса...»

– Биладан, биладан. «Улардан бири, албатта, Шекспир асарларининг тўпламини ёза олади», – дея тўнғиллади Хантон. – Жин урсин сени, Марк! Тур энди ўрнингдан, кўчанинг нариги томонидаги дорихонага ўтиб, пулни кир ювиш машинаси учун майдалаб, йигирма центлик қилиб кел.

Жорж Стэннер «гўштқиймалагич»да, ақл бовар қилмайдиган ўта ғалати шароитда бир кўлидан жудо бўлди. Душанба куни эрталаб соат еттида кирхонада Стэннер ҳамда асбоб-ускуналарни таъмирловчи уста Херб Дайментдан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Улар йилига икки марта профилактика ишларини ўтказишар – фабрика-кирхонани одатдаги вақтда, соат 7.30 да очишдан аввал «гўштқиймалагич» подшипникларини мойлаб чиқишарди. Даймент машинанинг нариги чеккасида туриб, тўртта ёрдамчи подшипникни мойлар экан, кейинги вақтларда бу механизмга хизмат кўрсатиш унга қанчалик ёқмай қолгани тўғрисида ўйлаб турганида қурилма... тўсатдан ишлаб кетди. У моторни ўчириш учун уни тўсиб турган матотасмаларни энди кўтараман девди ҳамки, тасмалар... ногаҳонда бир титраб, жонланиб кетди-ю, қўлларида ўз-ўзидан ўрмалаб, кафтлари терисини сидирганича, машина ичига торта бошладди. Бироқ, одамхўр қурилма қўлларини ямлаб юборишидан бир лаҳза аввал Даймент бир силтаниб, бу тузоқдан чиқиб кета олди.

– Жин урсин, бу нимаси? – дея бақириб юборди у. – Ўчирсангиз-чи, ахир бу лаънати машинани! Ана шу сонияда Жорж Стэннер қичқириб юборди. Бу – юракларни музлатиб юбуровчи мудҳиш чинқирик, бир зумда бутун бинони тўлдирган, кир ювиш автоматларининг металл башараларидан, буғда ишловчи прессларнинг юҳодек очилган жағларидан, баҳайбат қуритгичларнинг бўм-бўш кўзларидан акс-садо бўлиб қайтаётган даҳшатли фарёд эди. Стэннер оғзини катта очиб нафас олгач, яна бор овозда бақирди:

– Ё Худо! Мени тортиб кетаяпти! Тортиб... Шу пайт барабанлар остидан буғ отилди. Гилдиракчалар шақир-шуқур қилиб айланар, гўё биною қурилмалар тўсатдан жонланиб кетгандек, шу пайтгача уларда яшириниб келган махфий ҳаёт энди ўзини баралла ошкор этиб, ташқарига отилиб чиққандек эди.

Даймент жонҳолатда ҳозиргина Стэннер турган жойга отилди. Биринчи барабан мудҳиш тусда қонга бўялиб бўлган эди. Даймент ожизликдан инграб юборди, томоғи бўғилиб, нафаси етмай қолди. «Гўштқиймалагич» эса ҳануз тўхтовсиз чинқирар, шарақлар, вишиллар эди. Ташқаридан қараган одамга Стэннер шунчаки машина устига энгашиб тургандек кўринарди, тўғри, сал ғалатироқ букилгандек туюлиши мумкин. Бироқ унинг бўрдек оқарган чехраси, косасидан чиқиб кетаёзган кўзлари, узлуксиз даҳшатли чинқириқдан қийшайиб кетган оғзини ҳеч нимадан беҳабар одам ҳам кўрмай қололмасди. Стэннернинг қўли хавфсизлик мосламаси билан биринчи барабан остида ғойиб бўлган, енги нақ елкасигача узилиб тушган, қўлнинг юқори қисми ғайритабиий равишда қийшайиб, қон тизиллаб отиларди.

– Ўчир... тезроқ! – дея хириллади у. Шу лаҳзадаёқ елка суяги қирс этиб синди. Даймент тугмачани бор кучи билан урди. «Гўштқиймалагич» эса ҳеч нима бўлмагандай, тақирлаш, ўкириш, айланишда давом этарди. Даймент ўз кўзларига ишонолмай, тугмачани устма-уст ура бошлади. Ҳеч қандай фойдаси бўлмади... Стэннернинг қўл териси чўзилиб, ғалати тарзда ярақлай бошлади. Мана ҳозир у бардош беролмай узилади – барабанлар ҳануз айланиб ётибди-да. Лекин шуниси ажабланарлики, Стэннер ҳушини йўқотмади ва ҳамон қичқирмоқда эди. Шу

ўринда Даймент нима учундир мультфильмдан бир лавҳани – асфальт қиладиган машина бир одамни янчиб, юпқа япроққа айлантириб кетганини эслади.

– Сақлагичларга... югур!.. – дея чинқирди Стэннер.

Унинг боши энгашиб борар, машина одамни ўз қаърига тортиб, ямлаб ташлашдан бир зум ҳам тўхтамасди. Даймент ўгирилиб, бойлерхонага отилди. Стэннернинг қичқириқлари уни гўё ёвуз руҳлардек таъқиб этарди. Ҳавони қон ва буғнинг аралашган ҳиди тутиб кетган. Чап томондаги деворда учта баҳайбат, кулранг жавон турар, кирхонадаги жамики электр тизимларининг сақлагич воситалари шу ерда жамланган эди. Даймент эшикларнинг барини бирин-кетин очиб, узун-узун сопол цилиндрларнинг ҳаммасини олдинма-кейин суғуриб олиб, елкаси оша итқита бошлади. Дастлаб юқориги ёруғлик, сўнгра ҳаво ҳайдовчи компрессор ўчди. Охирида худди ўлаётиб уф тортгандек бойлернинг ўзи ҳам тўхтади. «Гўштқиймалагич» эса ҳануз айланиб ётарди. Стэннернинг қичқириқлари энди пасайган, узук-юлуқ инграши эшитиларди, холос.

Шу пайт Дайментнинг кўзи деворда, ойнаванд жавон ичида осиб қўйилган ўт ўчириш болтасига тушиб қолди. У оҳиста сўкинганча, болтани шарт олди-ю, бойлерхонадан отилиб чиқди. Машина Стэннернинг қўлини нақ елкасига қадар ямлаб бўлганди. Яна бир лаҳзадан кейин боши билан беўхшов бурилган бўйнини ҳам ютиб юбориши шубҳасиз.

– Тўхтатишнинг иложи йўқ сира! – деди Даймент ҳам хириллаб ва болтани баланд кўтарди. – Э Худо! Бу нимаси ўзи, Жорж! Йўқ, мен бундай қилолмайман, қўлим бормайди! Машина шаштини жиндак камайтирди. Тасма енг ва эт парчаларини, Стэннернинг бармоғини туфлаб ташлади... Саркор яна

бақириб юборди – юракларни орзиқтирувчи муд-
ҳиш овозда чинқирди. Ва Даймент қарамай туриб,
болтани бор кучи билан туширди. Кейин яна. Ва
яна. Стэннер бир томонга қулаб тушди. У ҳушидан
кетган эди. Юзлари кўкарган, елка остидан чопил-
ган қўлидан қон шариллаб отилади... Машина яна
бир бор шарақлаб, қурбонидан қолган ҳамма нарса-
ни очкўзлик билан ютди ва... шу заҳотиёқ ўчди-қол-
ди. Хўнграб йиғлаётган Даймент эса камарини ечиб,
қонни тўхтатишга уннай бошлади.

* * *

Хантон телефон орқали нозир Рожер Мартин
билан гаплашарди. Жексон эса уч ёшли Пэттининг
кўнгли учун копток ўйнар экан, уни кўз қири билан
кузатиб турарди.

– Нима-нима, у сақлагич воситаларнинг бари-
ни олиб ташлаганми? – дея қайта сўради Хантон.
– Ахир бу ҳолда электр қуввати батамом узилиши
керак-ку, ахир, тўғримасми?.. Дазмолни ҳам ўчир-
ганми?.. Ў, шундайми ҳали, қизиқ, жуда қизиқ...
Нима? Йўқ, шунчаки, норасмий тарзда. – Хантон
хўмрайиб, Жексонга қараб қўйди. – Ўша музлатгич-
ни ҳеч унута олмаяпман-да, Рожер... Ҳа, ҳа, мен ҳам
шу фикрдаман. Бўпти, ҳозир-а? – У гўшакни қўйиб,
Жексонга ўгирилди: – Ва ниҳоят, қизимиз билан та-
нишиш пайти ҳам келди, Марк.

* * *

Шеррининг ўз уйи бор экан. Хантон полиция ни-
шонини кўрсатган заҳотиёқ икковларини дарҳол
ичкарига таклиф этганига ҳамда ўзини тутишда-

ги журъатсизлигига қараганда қиз бу шинамгина ошёнга яқиндагина эга бўлган кўринади. Кейин у чиройли суратни эслатувчи, дид билан безатилган меҳмонхонада, уларнинг рўпарасидаги оромкурсининг бир чеккасига омонатгина ўтириб, бутун вужуди кулоққа айланди.

– Мен полиция зобити Хантон бўламан, бу киши ёрдамчим, мистер Жексон. Кирхонада рўй берган воқеага қизиқиб келувдик. – Қоп-қора сочли, истараси иссиқ ва тортинчоқ бу қизнинг олдида у сал ўнғайсизланарди.

– Даҳшат, умуман даҳшат... – дея сўз бошлади Шерри Квелетт. – Аслида-ку, бу мен ишлаган биринчи жой. Мистер Гартли амаким бўладилар. Ишим ўзимга ёқарди, чунки шу туфайли алоҳида уй олиш, меҳмон кутиш имконига эгаман... Бироқ эндиликда... назаримда, бу ер, «Блю риббон»... яхши жой эмас.

– Хавфсизлик техникаси бўйича тафтиш гуруҳи дазмолхонани вақтинча, текширув ишлари тугагунига қадар ёпиб қўйди, – деди Хантон. – Бундан хабардормисиз?

– Ҳа, – қиз ўтирган ерида безовта бўлди. – Энди бу ёғига нима қилиш кераклигини ўйлаб ўйимга етолмаяпман...

– Миссис Квелетт, – дея унинг сўзини бўлди Жексон. – Агар янглишмасам, сизнинг бошингиздан ҳам шу дазмол-машинага боғлиқ бир воқеа бўлиб ўтган. Эшитишимча, ўшанда тутқичлар кўлингизни жароҳатлаган экан, тўғрими?

– Ҳа, бармоғимни кесиб олгандим. – Ногоҳ қизнинг чеҳраси тундлашди. – Аммо бу фақат бошланиши экан, холос... – Унинг Жексонга тикилган нигоҳи маъюс эди. – Ўшандан буён, баъзан шундай туюладики, бошқа қизларнинг ҳаммаси мени... тўсатдан

ёмон кўриб қолишгандек... гўё нимададир айбдорман-у...

– Миссис Квелетт, – оҳиста сўз бошлади Жексон, – мен ҳозир сизга ниҳоятда оғир бир савол беришга мажбурман. У сизга ёқмаслиги турган гап. У бошдан-оёқ сизнинг шахсий ҳаётингизга дахлдор ва фақат дастлабки қарашдагина мавзуимизга ҳеч бир алоқаси йўқдек туюлади, аммо сизни ишонтириб айтаманки, аслида бундай эмас мутлақо. Суҳбатимизни ёзиб олаётганимиз йўқ, шу боис ҳам кўркмасдан, дадил жавоб бераверинг.

Энди қизнинг чеҳрасидаги маъюслик кўркув билан алмашинди:

– Мен... бирон гуноҳ... қилиб қўйдимми?!

Жексон жилмайиб, бош чайқади ва Шерри шу лаҳзадаёқ яна бўшашди. Бу ерга Марк билан келганим қанчалик яхши бўлди-я, деб ўйларди Хантон.

– Яна бир нарсани қўшимча қилишим керак, – деди Жексон. – Бу саволга жавобингиз мана шу кўркамгина уйни сақлаб қолишингизга, ишга қайтишингизга ва, умуман, фабрика-кирхонадаги аҳвол яна аввалгидек яхшиланиб кетишига ёрдам бериши мумкин.

– Ундай бўлса, ҳар қандай саволингизга жавоб беришга тайёрман, – деди у.

– Шерри, сиз... ҳали қиз боламисиз?

Бояқиш бу гапдан довдираб, ўзини мутлоқ йўқотиб қўйди. Гўё тавба-тазарру қилиш учун руҳоний ҳузурига келди-ю, руҳоний унинг юзига тарсаки тортиб юборгандек. Кейин бошини кўтариб, хонани бу тўғрида бошқача ўйлаш ҳам мумкинлигига сира-сира ишонгиси келмаган бир қиёфада кўздан кечириб чиқди. Сўнгра оддийгина қилиб, қисқа жавоб берди:

– Мен ўзимни бўлажак эрим учун асраяпман.

Хантон билан Жексон индамайгина бир-бирларига қараб кўйишди. Ана шу ўринда, аллақайси бир лаҳзада Хантон бу гапларнинг бари ҳақиқат эканини, иблис чиндан ҳам жонсиз темирга, «гўштқий-малагич»нинг жамики қисмлари – барабанларию тасмаларига, винтларию тутқичларига жойлашиб олиб, уни ўзининг алоҳида ҳаёти билан яшовчи бир нимага айлантириб кўйганини яққол ҳис этиб, юраги орқасига тортиб кетди.

– Раҳмат, – деди Жексон оҳиста.

* * *

– Хўш, энди нима қиламиз? – деб сўради Хантон машинага чиқишганида саросимали бир қиёфада. – Иблисларни ҳайдаб чиқариш учун руҳонийни излаймизми?

Жексон истехзоли илжайиб кўйди:

– Шу хил руҳонийни топа олган тақдирингда ҳам фойдаси бўлмайди: у сенга бир даста турли китобчаларни бериб, ўқиб чиқишни тавсия этади-ю, ўзи фурсатни ғанимат билиб, жиннихонага телефон қила бошлайди. Биз ўзимиз бажаришимиз керак бу ишни, Жонни.

– Удалай олармиканмиз?

– Шояд. Биласанми, асосий гап нимада? Биз машинага нимадир жойлашиб олганини биламиз, холос. Аммо у айнан нималиги номаълум... – Шу ўринда Хантоннинг нима учундир аъзои бадани музлаб кетди, гўё ўлимнинг номоддий, аммо совуқ кўли танасига теккандек эди. – Зотан, иблислар ниҳоятда кўп. Биз ҳозир Бубастисга дуч келиб турибмизми ё Пангами? Балки Баалгадир? Ёхуд насронийлик динидаги дўзахий кучлар маъбуди бўлган Шай-

тоннинг ўзи бизга қарши турибдими?.. Биз бундан беҳабармиз. Бу иблисни машинага ким ва қандай мақсадда яқин йўлатганини билолганимизда-ку, иш анча осон кўчарди-я. Аммо у тасодифан тушиб қолгани аниқроқ кўринади. Жексон кафти билан сочларини сийпаб кўйди.

– Қиз боланинг қони, бу-ку, тушунарли энди... Аммо шу далилнинг ўзи ҳали ҳеч нимадан дарак бермайди. Биз кимга дуч келганимизни аниқ билишимиз керак.

– Хўш, нима учун? – деб сўради Хантон соддалик билан.

– Нега энди хилма-хил воситаларни тўплаб, иблисларни ҳайдаб чиқаришга уриниб кўрмаслик керак экан?

Жексоннинг чеҳрасини кўланка қоплади.

– Бу талончилару полициячилар ўйини эмас, ахир, Жонни! Худо ҳақи, шундай йўл тутишни ҳатто хаёлингга ҳам келтира кўрма, асло-асло! Иблисни ҳайдаб чиқариш маросими – ниҳоятда хатарли нарса. Сенга тушунарлироқ бўлиши учун ядро реакциясини назорат этаяпман, деб тасаввур қилавер. Биз янглишувимиз мумкин. У ҳолда ҳалок бўламиз. Ҳозирча Иблис шу машина ичида ўтирибди. Худо кўрсатмасин-у, мабодо имконият туғилиб, у...

– Ташқарига чиқиб кетиши мумкинми?

– У эртаю кеч шуни орзу қилиб ётибди-да, ахир...

– Жексоннинг овозида кўрқув бор эди. – Чунки одам ўлдиришни жуда-жуда яхши кўради.

* * *

Эртаси куни оқшом пайти Жексон уйига кириб келганида Хантон хотинини болаларни олиб, киного боришга кўндирди. Икковлари ёлғиз қолганла-

рининг ўзиёқ бир қадар хотиржам қиларди. Бундай ғалати воқеага аралшиб қолганига Хантон ҳануз қийинчилик билан ишонарди.

– Мен машғулотларни қолдириб, кун бўйи хилма-хил мудҳиш китобларни кўриб чиқдим. Уларда қандай кўрқинчли нарсалар тасвирланганини эса сен ҳатто тасаввур ҳам қилолмайсан. Иблисларни қандай чақиришни тушунтириб берувчи ўттизта усулни ёзиб олиб, компьютерга киритдим. У эса натижа чиқариб, қандай умумий мажбурий унсурлар кераклигини кўрсатиб берди. Улар ҳайратомуз даражада кам экан. У Хантонга узатган рўйхатда қуйидагилар белгиланган эди: қиз бола қони, қабр тупроғи, «шухрат қўли», кўршапалак қони, тунда тўпланган йўсин, от туёғи ва бақанинг кўзи. Шунингдек, бошқа унсурлар ҳам бор, аммо улар асосий ҳисобланмас экан.

– От туёғи... – дея ўйланиб қолди Хантон. – Ғалати-я...

– Жуда кўп учрайди. Умуман олганда-ку...

Хантон унинг сўзини бўлди:

– Шу кўрсатмаларда келтирилган айрим унсурларни уларга яқинроқ бўлган ва топилиши осонроқлари билан алмаштириш мумкинмикан-а?

– Айтайлик, тунда йиғилган лишайник йўсин ўрнига ўтмасмикан, демоқчисан-да, тўғрими?

– Топдинг.

– Менимча, уларни бемалол алмаштириш мумкин, – деди Жексон. – Мағия4вий кўрсатмалар кўпинча икки хил маънода келади, яъни шу хил алмаштиришларга бажонидил рухсат беради. Умуман, қора магия – жодугарлик ижодий тафаккур парвози учун ҳамиша кенг имкониятлар яратиб келган.

– Хўш, энди от туёғини «Жел-О» русумли елим билан алмаштириб кўрсак-чи, – дея тахминини ўр-

тага ташлади Хантон. – Ишлаб чиқаришда у жуда кенг тарқалган. Миссис Фраули бояқиш ҳалок бўлган ўша машъум кунда шу хил елим идишини ўзим кўрганман. Дазмол-машина ўрнатилган саҳн остида турган эди. Бундай дейишимга сабаб – желатин от туёғидан олинади-ку, ахир!

Жексон бош ирғади:

– Хўш, яна нима?

– Кўршапалак қони... Корхона биноси жуда кенг. Қоронғи бурчаклару кўшимча хоналар анчагина. Гарчи маъмурият ўла қолганда тан олмаса ҳам, «Блю риббон»да кўршапалаклар яшаши эҳтимоли ниҳоятда юқори. Бинобарин, улардан биронтаси «гўштқиймалагич» ичига учиб кириб қолган бўлиши ҳеч гап эмас.

Жексон ўзини оромкурси суянчиғига ташлаб, толиқишдан қизариб кетган кўзларини ишқалади.

– Ҳа, ҳаммаси ўзаро мос келаяпти... ҳаммаси.

– Чинданми?

– Чиндан. «Шухрат кўли»ни эса, назаримда, рўйхатдан бемалол ўчириб ташласак ҳам бўлади. Миссис Фраули ҳалок бўлгунига қадар дазмол-машинага мурданинг кўлини ҳеч ким атайлаб тиқиб қўймаган. Энди белладоннага келсак, ўлкамизда бундай ўсимлик умуман учрамаслиги ҳаммага аён ҳақиқат.

– Хўш, қабр тупроғи-чи?

– Ўзинг нима ўйлайсан?

– Умуман, бу ўринда қандайдир алоқа мавжуд, – деди Хантон ўйланиб. – Энг яқин қабристон «Плезант хилл». «Блю риббон»дан беш мил масофа нарида жойлашган.

– О'кей, маъкул, – Жексон бош ирғади. – Мен компьютерда ишловчи қиздан рўйхатда кўрсатилган унсурларнинг барини бирламчи ва иккиламчи

гуруҳга ажратиб чиқишини сўрадим – Хеллоуин байрамига тайёргарлик кўраётганимга бечоранинг ишончи комил эди. Хуллас, унсурларни мумкин бўлган барча хил тартибда ажратиб чиқдик. Кейин, умуман ақл бовар қилмас даражадаги ўндан зиёдроқ унсурларни чиқариб ташладим. Қолганларининг бари аниқ тартиб бўйича тақсимланади. Биз ҳозиргина тилга олиб ўтган унсурлар эса ана шу гуруҳлардан бирига киради. Мен бу ўринда ёвуз руҳларни ҳайдаш усулларида бирини кўзда тутаяпман, албатта.

– Хўш, қанақа экан у?

– О, ниҳоятда осон. Жанубий Америкада хилма-хил мистик эътиқод марказлари мавжуд. Кариб денгизи оролларида бўлинмалари ҳам бор. Аммо маросимлари ўзаро ўхшаб кетади. Мен кўриб чиққан китобларда шу эътиқодлар бўйича сиғиниладиган маъбудлар ўрмонда яшовчи қандайдир ёвуз руҳлар деб билинади, африкаликлар Саддат ёки Оти йўқ деб атайдиган руҳ бор-ку, шу сирадан-да. Кўрасан ҳали, ўша руҳ кўз очиб юмгунингча машинамиздан ўқдек отилиб чиқиб кетади.

– Маъкул, бироқ бунинг учун нима қилиш керак?

– Бор-йўғи жиндек табаррук сув билан чўқинтириш пайтида ишлатиладиган ширин кулчадан бир парча. У ёғига «Левит»дан дуо ўқиймиз. Қараб-санки, насронийча сеҳргарликнинг ўзгинаси бўлади-қолади.

– Ишқилиб, баттар бўлмаса гўргайди.

– Нега энди? Аҳвол ҳозиргидан ёмонлашувига бирон сабаб кўрмаяпман, – деди Жексон ўйланиб. – Тўғри, бир нарсани тан олишим керак: рўйхатимизда «шуҳрат кўли» йўқлиги кўнглимни ғаш қилиб турибди. Зотан, у жодугарликнинг энг қувватли унсури ҳисобланади.

- Табаррук сув ҳам таъсир кўрсатолмайдими унга?

- Йўқ, «шуҳрат кўли» чақирувчи иблис Библияни нонушта ўрнига паққос тушириши мумкин! Ҳа, ундан кўрққулик, бошимизга қандай хатар соларкин ҳали. Аслида-ку, жин теккан бу машинани қисмларга ажратиб ташлаган мақбул эди-я!

- Нима, жинни ҳайдаб чиқара олишга ишончинг комил эмасми?

- Унчаликмас. Ҳар қалай, минг эҳтимолнинг бири. Қолаверса, барча қоидаларини адо этаяпмиз.

- Қачон бошлаймиз бўлмаса?

- Қанча тез бўлса, шунча яхши, - деди Жексон. - Фақат, ичкарига қандай кирамиз? Деразани синдирамизми? Хантон илжайиб, киссасига кўл солди ва калитни олиб, Жексоннинг бурни тагида ўйнатди.

- Қаердан топа қолдинг? Гартли бердимиз?

- Йўқ, - Хантон бош чайқади. - Техник назорат хизматининг нозири Мартиндан олдим.

- Нима иш қилмоқчи эканимиздан хабардорми у?

- Пайқаётган кўринади. Ярим ойча аввал менга қизиқарли бир воқеани айтиб берувди.

- «Гўштқиймалагич» ҳақидами?

- Йўқ, - деди Хантон. - Музлатгич ҳақида. Қани, кетдик бўлмаса.

* * *

Адел Фраули ўлган, қабристоннинг сабр-тоқатли ва тиришқоқ хизматчилари бурдалардан тиклаган танаси тобутда ётибди. Бироқ руҳининг бир қисми машинада қолгани эҳтимол, башарти чиндан шундай бўлса, у дод-фарёд кўтариши керак. Гап нимадалигини билиши, уларни огоҳлантириб қўйиши лозим. Миссис Фраулининг ошқозони овқатни яхши

ҳазм қилмас ва шу оддий дарддан қутулиш учун у энг оддий дори ичарди. «Гель E-Z» деб аталувчи бу хабдорининг бир қутичаси исталган дорихонада етмиш тўққиз центга берилади. Тўғри, қутичанинг биқинига глаукома хасталиги бор кишилар «Гель E-Z»ни қабул қилмаслиги керак, чунки унинг таркибидаги фаол қўшимчалар кўз қувватини пасайтиради, деб ёзиб қўйилган. Бироқ, бахтга қарши, Адел Фраули бу огоҳлантиришга эътибор қилмади. У яна бир нарсани унутиб қўйди: Шерри Квелетт бармоғини кесиб олишидан сал аввалроқ Адел шу дори тўла қутичани машина ичига тушириб юборганди. Эндиликда эса у қабрда ётибди ва ошқозонидаги оғриқни йўқотган фаол қўшимча Европанинг кўплаб мамлакатларида «шуҳрат қўли» деган номда машҳур бўлган ўсимлик – белладоннанинг кимёвий ҳосиласи эканидан бутунлай беҳабар. Ногаҳонда «Блю риббон» фабрика-кирхонасидаги чуқур сукунат ичра қулқиллаган мудҳиш товуш эшитилди. Кўршапалак гўё ақлдан озгандек ўзини ишонган бошпанасига урди – қуритгич устидан ўтган симлар орасидаги тирқишга биқиниб, жажжи башарасини кенг қанотлари билан ёпиб олди. Бу товуш калтагина кулишга ўхшарди. Ана шу лаҳзада «гўштқиймалагич» шақир-шуқур қилиб ишлаб кетди – конвейер тасмаси ҳаракатга келди, бўртмалару тишчалар ўзаро тишлашди, форсункаларидан буғ пуфловчи залворли цилиндрлар салмоқ билан айлана бошлади. Машина уларни кутарди.

* * *

Хантон автомобиллар тўхташ жойига келганида тун ярмидан оққан, Ой осмонда оҳиста сузиб юрган

қора булутлар ортига яширинган эди. У машина чирокларини ўчириш баробарида тормозни шу қадар кескин босдики, Жексон олд ойнага урилишига бир баҳя қолди. Хантон моторни ҳам ўчирди ва шунда икковлари бир маромдаги тарақлаш товушини эшитишди.

– «Гўштқиймалагич», – деди Хантон оҳиста.

– Ярим тунда ўз-ўзидан ишлаб ётибди. Улар бир муддат жим ўтиришди, кўрқувнинг темир тирноқлари юракларини беаёв чангаллай бошлаганди.

– Қани, кетдик, – деди Хантон. – Бўладиган ишнинг бўлгани маъқул.

Улар машинадан чиқиб, бинога яқинлашишди – «гўштқиймалагич» товуши қаттиқроқ эшитила бошлади. Хантон қулфни очаркан, беихтиёр машина жонли мавжудотдек товуш чиқараётганини ўйлади. Гўё у қизиб ётган ташна бўғзига ютоқиб ҳаво ютар, ҳуштак чалгандай, истехзоли бир пичирлаш орқали ўзи билан гаплашаётгандек эди.

– Биласанми, нима? – деб қолди Жексон. – Ёнимда полициячи борлиги нима учундир катта далда бераяпти. – У жигарранг сумкасини бир елкасидан бошқасига олди. Сумкада жемдан бўшаган ва табаррук сувга тўлдирилган мўъжаз идиш ҳамда Гидеон Библияси бор эди. Улар ичкари киришди ва Хантон эшик ёнидаги тугмачани босиб, чирокни ёқди. Шифтда флуоресцент лампа бир-икки пирпираб олгач, совуқ зангори ёғду тарата бошлади. Шу лаҳзадаёқ «гўштқиймалагич»нинг товуши ўчди. Цилиндрлар узра буғ пардаси кўринади. Машина мудҳиш сукунат ичига яширинганча, уларни кутиб турарди.

– Ё тавба, намунча турқи совуқ бўлмаса-я, – дея шивирлади Жексон.

– Бўлақол, – деди Хантон. – Унинг телбалиги тутмасидан иш бошлай қолайлик.

Улар «гўштқиймалагич» ёнига яқин келишди. Хавфсизлик дастаси тушириб қўйилганди. Хантон қўлини чўзди:

– Сал нарироқ тур, Марк. Идишни менга бергин-да, нима қилиш кераклигини айт.

– Аммо...

– Кел, қўй, баҳслашма! Жексон сумкани узатди. Хантон уни машина олдидаги чойшаб столига қўйди ва кейин Жексонга Библияни берди.

– Мен дуо ўқийман, – деб тушунтира бошлади Жексон. – Сен эса ишора қилганимда машинага табаррук сув пуркайсан. Сўнгра «Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳ номидан буюраман: бу ердан чиқ, ёвуз руҳ!» дейсан. Тушунарлими?

– А-ҳа.

– Кейин, иккинчи марта ишора қилганимда, ширин кулчани ушатиб, дуони такрорлайсан.

– Дуоларимиз таъсир кўрсатган-кўрсатмаганини қаердан биламиз?

– Кўявер у ёғини. Бу ерда биқиниб ётган махлуқ ташқарига чиқаётганида ҳамма нарсани вайрон қилиб ташлайди. Мабодо биринчи мартада уддалай билмасак, маросимни қайтараверамиз.

– Биласанми, юрагим орқага тортиб кетаяпти, – деди Хантон.

– Очиғи, менинг ҳам тиззаларим қалтираб турибди.

– Башарти анави «шуҳрат қўли»да янглишган бўлсак борми...

– Янглишмадик, – деди Жексон. – Бу ёғига энди ўзинг мадад бер, Парвардигорим! У дуо ўқишга тутинди. Овози бўм-бўш бинони тўлдириб, деворлардан бўғиқ акс-садо бўлиб қайтарди.

- Ўзингиз ясаган санамларга ва суратларга сиғинманглар, ўз ерингизда ўзингиз ўрнатган тош ҳайкалларга сажда қилманглар, фақат менга, Тангрингизга, Парвардигорингизга сажда қилинг... Сукунат ичра сўзлар залворли жаранглар, Хантоннинг эса аъзои бадани музлаб кетаётгандай эди. Флуоресцент лампанинг ёрқин, аммо ўлик ёғдуси остида «гўштқиймалагич» миқ этмай, қилт этмай турар, бироқ унинг назарида захархандалик билан тиржарди.

- ...ўз ерингиздан душманларингизни ҳам ҳайдаб чиқарасиз, чиқмаганлари қиличингиз зарбидан ҳалок бўлғусидир.

Шу пайт Жексон оппоқ чехрасини Библиядан кўтариб, бош ирғади. Хантон конвейернинг узатувчи механизмига табаррук сув пуркади. Шу аснодаёқ машинадан азобга тўла қичқириқ янгради. Сув томчилари теккан жойларда буғ вишиллади ва ҳавога кўтарилиб, ингичка қизил ипларга айланди. «Гўштқиймалагич» бир титради-ю, ўз-ўзидан ишлаб кетди.

- Таъсир қилди! - Жексон кучайиб бораётган шовқин-суронни босиб кетишга уринарди.

- Таъсир қилмай ҳам кўрсин-чи! У яна дуо ўқишга киришди, тарақ-туруқ кучайгани сайин овозини баландлатарди. Кейин Хантонга қараб яна бош ирғади ва у сув пуркади. Ана шу лаҳзада Жексон ваҳима бутун борлиғини қамраб олганини туйқусдан сезиб қолди, даҳшатли хатога йўл қўйилгани, машина уларнинг чақириғини қабул қилганини ва у... кучлироқ эканини яққол ҳис этди.

У тобора баланд овозда ўқир, росманасига қичқира бошлаганди.

Ногоҳ мотордан учқун сачрай бошлади; хона ҳавосини озон ҳиди тутиб кетди, унга қоннинг мис-

ники сингари таъми ҳам қўшилганди. Энди бош мотордан тутун чиқа бошлади. «Гўштқиймалагич» телбавор тезликда айланар – марказий тасмага бармоқ учи теккизилса борми, бутун тана қутурган конвейерга лаҳзанинг қандайдир улуши ичидаёқ тортилиб кетар, кейинги беш сонияда эса қонга ботган бир парча латтага айланарди. Оёқ остидаги бетон пол титрашга тушди. Сўнг тўсатдан бош подшипникдан қирмизи ёғду отилди, муздек ҳавода момақалди роқ ҳиди анқиб кетди. Бироқ «гўштқиймалагич» ҳануз ишлаб турар, тасма ҳаракати тобора тезлашар, винтчалару тишчалар шу қадар шиддат билан айланардики, ҳаракатини кўз илғамасди. Ва ниҳоят, ҳамма нарса кулранг тусдаги яхлит бир нимага айланди, тумандек эриб, шаклини ўзгартира бошлади. Гўё гипноз ҳолатида турган Хантон сесканиб, ортига тисарилди.

– Кетдик, қочамиз! – деб қичқирди у кулоқларни кар қилувчи даҳшатли шовқинни босишга уриниб.

– Озгина қолди-ку, ахир! – дея Жексон ҳам бақирди. – Нега энди...

Шу лаҳза тасвирлаб бўлмас даражада мудҳиш овозда бетон пол тарсиллаб ёрилди. Ёриқ уларнинг оёқлари остига югураркан, таҳдид ила кенгайиб борарди. Чор атрофда эски цемент парча-парча бўлиб, тепага отиларди. Жексон «гўштқиймалагич»га қараб қичқириб юборди. Машина полдан қўзғалишга уринар, шу туришда қатрон кўлмакка ёпишиб қолган оёғини кўчириб олишга ҳаракат қилаётган динозаврни эслатарди. Энди уни умуман машина ёки дазмол деб атаб бўлмасди. У шаклини ўзгартирар, ўткир бурчаклари йўқолиб, эриб борарди. Мана, қардандир 550 вольт кучланишдаги кабел узилиб, шиддат билан айланаётган валлар устига тушди, шу заҳотиёқ зангори учқунлар чақнаб, валлар уни

ғажиб ташлади. Улкан кўзлар янглиғ иккита оловли шар уларга бир лаҳза тикилиб қолди, бу кўзларда очлик, юҳолик акс этарди. Яна бир трос тарсиллаб узилди. Ва барча тушов-бандларидан озод бўлган «гўштқиймалагич» бир тебраниб олди-да, йиртқичларча пишқирган ҳолда тўғри уларга қараб интилди. Хавфсизлик дастаси отилиб чиқиб, ҳавода муаллақ қолди ва Хантон рўпарасида баҳайбат, катта очилган ва буғ пуркаётган ебтўймас жағни кўрди. Улар ўгирилиб, қоча бошлашди, аммо шу заҳотиёқ оёқлари остида яна бир ёриқ пайдо бўлди. Орқадан эса озодликка чиққан ёввойи ҳайвоннинг ўкириши ва тапиллаши эшитиларди, холос. Хантон ёриқдан сакраб ўтди, бироқ Жексон қоқилиб кетиб, юзтубан тушди. Хантон тўхтаб, шеригига ёрдам бериш учун ўгирилди, аммо унга тепадан маҳобатли ва бешакл бир шарпанинг сояси тушди, шу аснода чироқлар ўчди. Чалқанча ётган Жексон устида тоғдай бўлиб турган шарпага тикилар ва чеҳрасида беқиёс даҳшат акс этарди. Ўлимга маҳкум қурбоннинг ваҳимали нигоҳи эди бу. Хантон эса бўйи шифтга тегадиган баҳайбат қора шарпани илғашга улгурди, холос. Ҳар бири футбол тўпидек келадиган электр кўзлар унга қадалган, кенг очилган жағда эса кулранг брезент тил айланади. Хантон бор кучи билан югурди. Ортида эса Жексоннинг жон аччиғида чинқиргани эшитилди-ю, шу заҳоти овози ўчди.

* * *

Эшик кўнғироғи устма-уст жиринглашидан уйғониб кетган Рожер Мартин уйқусираганча ўрнидан турди. Бироқ ташқаридан даҳлизга отилиб кирган Хантонни кўрди-ю, бошидан бир челак совуқ сув қуйилгандек, кўзлари мошдай очилиб кетди. Хан-

тоннинг қиёфаси даҳшатли эди – кўзлари косасидан чиқиб кетгудай, тили айланмас, қўллари Мартиннинг халатини жонҳолатда чангаллаган. Кесилган ёноғидан қон оқади, бутун юзини қандайдир кулранг чанг қоплаган. Сочлари эса... оппоқ оқариб кетганди.

– Ёрдам беринг... Худо ҳақи, ёрдам беринг!

– Машаққат билан бўлса ҳам у ниҳоят тилга кирди. – Марк ўлди... Жексон ҳалок бўлди...

– Ўзингизни тутинг, – деди Мартин. – Ўтиринг, ёки, яхшиси, меҳмонхонага кира қолайлик.

Хантон гандираклаган кўйи, яраланган итдай инграб, унга эргашди. Мартин унга «Жим Бим»дан икки энлик қуйиб берди, аммо Хантон ичиши учун қадаҳни икки қўллаб тутишига тўғри келди. Кейин қадаҳ гиламга тушди, Хантоннинг титраб-қақшаган қўллари эса яна Мартиннинг ёқасига ёпишди.

– «Гўштқиймалагич»... Марк Жексонни ўлдирди! Эй Худо... у... у ташқарига чиқиб кетиши мумкин! Биз бунга йўл қўймаслигимиз керак! Асло, асло... мутлақо!.. О-о-о!.. – У яраланган ҳайвондек чўзиқ инграб юборди. Мартин унга яна қуйиб бермоқчи бўлди, бироқ Хантон унинг қадаҳ тутган қўлини силтаб ташлади.

– Биз бу махлуқни ёқиб ташлашимиз керак! – деб қичқирарди у. – Ташқарига чиқиб кетишга улгурмасидан туриб йўқ қилишимиз шарт! Агарда у озодликка чиқиб кетса борми, о, унда нималар бўлади?! Эй Худо, агар аллақачон чиқиб кетмаган бўлса!.. – Шу пайт Хантоннинг кўзлари ғалати бўлиб кенгайди, қорачиқлари тепага қараб кетди ва у ҳушини йўқотиб, гилам устига худди ўликдек гурсиллаб тушди.

Миссис Мартин ётоқхона эшигида халатининг ёқасини тутганча турарди.

– Бу ким бўлди ўзи, Рож? Ақлидан озмаганми ишқилиб? Менинг назаримда...

– У титраб кетди. – У-ку ақлидан озмаган, – деди Мартин. Кўрқув, даҳшатдан эрининг юзи қийшайиб кетганини аёл энди пайқаб етди. – Эй Худо, бу ёғига ёрдам ўз пайтида етиб келса бўлгани эди...

Мартин телефонга отилди. Бироқ гўшакни тутган кўйи қотиб қолди. Хантон қочиб келган томондан аллақандай ғалати шовқин эшитилиб, уйга яқинлашиб келарди. У тобора кучаяр, баландроқ товушда ва аниқроқ эшитилар, тарақ-туруқ ичида темирнинг бир-бирига урилиб қарсиллашини яққол фарқлаш мумкин эди. Меҳмонхонанинг ярим очик деразасидан тунги шамол эпкини бостириб кирди. Мартин озон ҳидини сезгандай бўлди... ё қон ҳидимикан? У энди бефойда телефонга қўлини қўйганча қотиб турар, шовқин-сурон эса тобора яқинлашиб келарди. Вишиллаган, пишқирган товушлар яққол эшитилар, гўё шаҳар кўчалари бўйлаб буғ пурковчи баҳайбат дазмол бостириб келарди. Хонани қон иси тутиб кетди. Гўшак мажолсиз қўлдан сирпаниб тушди. Телефон барибир ишламасди.

Рустам Обид таржимаси

ЙЎЛОЁҚ

Соат ўндан ўн беш дақиқа ўтган, Херб Тукландер қовоқхонасини ёпишга чоғланиб турган бир пайтда Фолмаутнинг шимолий қисмида жойлашган «Тукис бар»га қимматбаҳо палто кийган ва ранги докадек оқариб кетган бир эркак отилиб кирди. Шу куни ўнинчи январ, аҳолининг аксари қисми Янги йил туфайли бузилган тартиб бўйича яшашга эндигина кўника бошлаган, ташқарида эса ниҳоятда кучли шимоли-ғарбий шамол эсаётган эди. Қорнинг қалинлиги қоронғу тушгунчаёқ олти дюймга етганига қарамай, ҳануз бўралаб ёғарди. Билли Ларриби грейдерда йўл тозалаб ёнимиздан икки марта ўтди, иккинчи мартасида Туки унга пиво олиб чиқиб берди. Онам бир пайтлари буни меҳрибонлик деб атарди, унинг ўзи бу пиводан ўз даврида қанча ичганини эса ёлғиз Худо билади. Билли Тукига фақат асосий шоссе тозаланаётганини, ёндош йўллар эса қатнов учун эрталабгача ёпилганини айтди. Портленд радиоси қор қопламининг қалинлиги яна бир футга ортишини, шамолнинг тезлиги эса соатига қирқ милгача кучайишини башорат қилибди.

Барда Туки икковимиз каминдаги аланга тилларига тикилганча, шамол увиллашини эшитиб ўтирардик.

– Кел, энди йўлоёққа ичайлик, Бут, – деди Туки. – Ёпадиган пайт бўлиб қолди.

У менга, кейин ўзига ичкилик қўйди, шу маҳал эшик очилиб, бошидан қандупа сепилгандай қорга беланган ўша нотаниш кимса кириб келди. Шу лаҳзадаёқ бар ичига қор аралаш шамол ғўриллаб урилди.

– Эшикни ёпинг! – деб ўшқирди унга Туки. – Ё молхонада тарбия кўрганмисиз?

Бу қадар кўрқиб кетган одамни мен шу пайтгача кўрмаган эдим. У менга кун бўйи қичитқи ўт еган отни эслатди. Эркак Тукига кўзларини катта-катта очиб қараганча, «Хотиним... қизим...» деди-ю, гурс этиб қулади.

– Ё авлиё Иосиф! – дея хитоб қилди Туки. – Бут, эшикни ёпгин.

Мен бориб, изғирин шамолдан жунжикканча, эшикни ёпдим. Туки эркакнинг ёнида тиз чўкиб, унинг бошини кўтарди, юзларига шапатилади. Ана шунда йўловчининг аҳволи расволигини кўрдим. Унинг юзлари қизарган, кулранг доғлар пайдо бўлганди. Вудро Вилсон президентлик қилган даврдан бошлаб Мэн штатидаги барча қишларни бошдан кечирган одам эса (камина ўзимни назарда тутаяпман) бу кулранг доғлар совуқ урганининг аниқ белгилари эканини билади.

– Ҳушидан кетди, – дея изоҳ берди Туки. – Қани, брендидан олиб кел-чи.

Мен жавондан шиша олиб, ортимга қайтдим. Туки йўловчининг палтоси тугмаларини ечди. У ўзига келгандек бўлди: кўзлари хиёл очилди, эшитилар-эшитилмас даражада бир нималар деди.

– Қуй жиндек.

– Қанча? – деб сўрадим мен.

– Бренди – нақ бомбанинг ўзи, – жавоб қилди у. – Манави нусха эса бугун роса таъзирини еган кўри-нади.

Қадаҳга брендидан жиндек қуйиб, Тукига қарадим. У бош ирғади.

– Тўғри томоғига қуй.

Мен шундай қилдим. Ичкиликнинг таъсири дарҳол сезилди. Эркакнинг бутун танаси ларзага

келди, йўтал тутди. Юзлари янаям қизариб кетиб, кўзлари йирик-йирик очилди. Мен хавотирга тушдим, аммо Туки уни кап-катта боладек ўтқазиб кўйиб, курагини бир-икки қоқди.

– Эркак брендини қайт қилиб ташлашга уринганди, Туки яна бир бор туширди.

– Мумкин эмас. Қиммат маҳсулот бу.

Эркак ҳануз йўталар, лекин аввалгидек зўриқмас эди. Ана шунда унга синчиклаб разм солдим. Кўри-нишига қараганда катта шаҳардан, қаердандир Бостоннинг жануб томонларидан бўлса керак. Кўл-қоплари қимматбаҳо, аммо юпқа, демак, кўлларида ҳам кулранг доғлар борга ўхшайди, агар бир-икки бармоғидан айрилмаса, омади келган деяверинг. Палтоси қимматбаҳо, камида уч юз долларли эканлиги аниқ. Этикларининг кўнжи эса тўпиғига етар-етмас, жимжилоқларини совуқ олдиргани ҳам эҳтимол.

– Сал енгиллашдим, – деди у бўғиқ овозда.

– Мана бу бошқа гап, – Туки бош ирғади. – Оловга яқинроқ бора оласизми?

– Хотиним билан қизим... ўша ерда қолишди... Бўронга учрадик.

– Улар уйда телевизор кўриб ўтирмаганларини тушуниб турибман ҳар қалай, – жавоб қилди Туки. – Нима бўлганини камин ёнида бемалол гапириб берасиз. Бут, ёрдамлашиб юбор.

Эркак инграниб, ўрнидан кўзғолди, оғриқдан оғзи қийшайиб кетди. У оёғини совуқ олдирмаганмикан, деб яна ўйлаб қолдим. Мэн штатининг жанубий ҳудудини шимоли-шарқий бўронларга қасдма-қасд кесиб ўтишга уринувчи нью-йорклик телбаларни яратаётган пайтида Парвардигор нималарни ҳис этганини фақат тахмин қилиш мумкин. Бу одамнинг хотини билан ёш қизчаси ўзидан кўра иссиқроқ кий-

инишган бўлса шояд, деб умид қилишдан бўлак чора қолмаганди.

Биз уни камин ёнигача олиб бориб, тебранма оромкурсига ўтқаздик. Миссис Туки 1974 йили вафот этгунига қадар доимо шу курсида ўтирарди. Аслида бар ҳам айнан шу аёл туфайли ном чиқарди. Бар ҳақида «Даун ист», «Санди телеграф» нашрларида ва ҳатто «Бостон глоуб»нинг якшанбалик иловасида ёзишди. Чиндан ҳам «Тукис бар» паркет поли, заранг ёғочидан қурилган бари, шифтдаги залворли тўсинлари, тошлардан кўтарилган йирик камини билан кўпроқ тавернага ўхшаб кетарди. «Даун ист»да мақола чиққанидан кейин миссис Туки барга «Тукис инн» ёки «Тукис рест» деган янги ном бермоқчи ҳам бўлди, улар дарҳақиқат ички безакларга кўпроқ мос келарди, бироқ менга эски ном – «Тукис бар» маъқулроқ. Ёзда штатимизни тўлдириб юборадиган сайёҳларнинг дидига мослашиш бир бошқа-ю, қишда қўшниларнинг ўзигагина хизмат кўрсатиб ишлаш – бир бошқа. Кўпинча шундай бўлардики, узундан-узоқ қиш кечаларини фақат Туки икковимиз содали виски ёки пивони эрмак қилганча ўтказардик. Хотиним Виктория 1973 йили вафот этганидан бери фақат Тукининг олди-га келаман, борадиган бошқа жойимнинг ўзи йўқ. Бу ерда эса овозлар, ҳатто иккита овоз – меники ва Тукиники умрим лаҳзаларини санаётган соатнинг чиқиллаган товушини босиб кетарди. Бироқ Туки қовоқхонаси номини «Тукис рест»га ўхшаган бирон нимага алмаштирганида бу ерга балки келмасмидим. Бу албатта бемаъни фикр, лекин ҳақиқат.

Биз йўловчини олов ёнига ўтқаздик ва у янада кучлироқ қалтирай бошлади. У тиззаларини қучоқлаб олган, тиши-тишига тегмас, бурнидан сув оқарди. Назаримда, кўчада яна ўн беш дақиқа бўл-

ганида омон қолмаслигини англаб ета бошлади-ёв. Уни қор эмас, балки суяк-суягидан ўтиб кетувчи, таннинг бор ҳароратини сўриб олувчи изғирин шамол ҳалок қилган бўларди.

– Қаерда йўлдан адашдингиз? – деб сўради ундан Туки.

– Б-б-бу й-й-йердан ж-жануб т-томонга о-олти м-мил масофада.

Туки икковимиз бир-биримизга қарадик ва ногаҳонда юрагим орқага тортиб кетди.

– Аниқ биласизми? – Туки қайта сўради. – Сиз шу қорда олти мил йўлни ўтдингизми?

У бош ирғади.

– Шаҳар бўйлаб ўтаётганимизда одометр¹га қараганман. Айтилгани бўйича юрдим... Хотинимнинг... Камберленддаги синглисини... кўргани кетаётувдик... бу ерда биринчи марта бўлишимиз... ўзи Нью-Жерсиданмиз...

Нью-Жерси. Нью-Йоркликлардан ҳам ўтадиган телбалар мана қаерда яшар экан.

– Олти мил эканига аниқ ишонасизми? – деб сўрашини кўймасди Туки.

– Ҳа, ишонаман. Мен кўрсаткични топдим, уни қор кўмиб ташлаган экан...

Туки унинг елкасидан маҳкам чангаллади. Аланга шуъласида эркак ўзининг ўттиз олти ёшидан ҳам каттароқ кўринарди.

– Сиз ўнгга бурилдингизми?

– Ҳа, ўнгга. Хотиним...

– Кўрсаткични кўрдингизми?

– Кўрсаткични? – У Тукига маънисиз тикилди, кейин бурнини артди. – Кўрдим, албатта. Чунки хотинимнинг синглиси тушунтиргани бўйича юр-

¹ Транспорт воситаси ҳаракатланаётганда ғилдиракнинг революцияларини ҳисоблаш учун мўлжалланган механизм.

дим-да. Унга кўра, Жойтнер-авеню бўйлаб Жерусалемс-Лот орқали 295-сонли шоссега чиқиб олишим керак эди. – У нигоҳини Тукидан олиб, менга қаратди. Кўчада шамол ҳануз увилларди. – Бирон нимада янглишибманми?

– Лот, – Туки уф тортди. – Э Худо!..

– Нима гап ўзи? – Эркакнинг овози баландлашди. – Бирон нарсани нотўғри қилибманми? Тўғри, йўлга қор уюлиб кетган экан, лекин мен... агар олдинда шаҳар бўлса... демак, йўлни тозалашади, деб ўйлаб...

У жим қолди.

– Бут, – Туки менга ўгирилди, – шерифга кўнғироқ қил.

– Бу яхши фикр, – дея маъқуллади нью-жерсилик тентак. – Аммо сизларга нима бўлди ўзи, йигитлар? Худди арвоҳни кўргандек саросимага тушиб қолдингиз.

– Лотда арвоҳ йўқ, мистер. Сиз хотинингиз билан қизингизга машинадан чиқмай ўтиришни тайинлаганмисиз, ишқилиб?

– Бўлмаса-чи! – Унинг овозидан ранжигани сезилмасди. – Ақлимни еб қўймаганман-ку, ҳар қалай. Лекин бу масалада менинг шубҳам бор эди.

– Исмингиз нима ўзи? – деб сўрадим. – Шерифга айтишим керак.

– Ламли, – дея жавоб берди у. – Жералд Ламли.

У Тукига яна нималарнидир тушунтира бошлади, мен эса телефон аппаратига қараб кетдим. Гўшакни кўтаргандим, тик этган садо эшитилмади. Клавиш-ни қайта-қайта босиб кўрдим, ҳеч қандай натижа бўлмади.

Мен камин ёнига қайтганимда Туки Жералд Ламлига яна бир қадах бренди қуйиб узатаётган эди. Ичимлик бу гал тўғри ошқозонга етиб борди.

– Ҳа, жойида йўқ эканми? – деб сўради Туки.

– Телефон ишламаяпти.

– Оббо, жин урсин, – деди Туки ва тагин бир-биримизга қараганча қолдик.

Ташқарида эса шамол қорни деразага келтириб урарди.

Ламли гоҳ Тукига, гоҳ менга қарарди.

– Биронтангизда машина борми? – Унинг овозида яна хавотир уйғонган эди. – Иситгич қурилма двигател ишлаб турган пайтдагина иситади. Бензин бакнинг чорак қисмида қолган, менга эса бир ярим соат керак бўлди... Нега индамайсизлар, ахир? – У ўрнидан туриб, Тукининг ёқасидан чангаллаб олди.

– Мистер, – деди Туки, – қўлингизга эрк берманг.

Ламли бир қўлига, бир Тукига қаради ва панжалари бўшашди.

– Мэн штати... – У худди сўкингандек оҳангда шивирлади. – Шу яқин орадаги ёқилғи қуйиш шохобчаси қаерда? Уларда тортувчи машина бўлиши керак...

– Энг яқин шохобча Фолмаут-Сентреда, – деб жавоб бердим мен. – Бу ердан уч мил масофада.

– Миннатдорман, – деди у киноя билан. Кейин бурилди-да, йўл-йўлакай палтосининг тугмаларини қадаганча, эшик томон йўналди.

– Лекин ишламаётган бўлса керак, – деб қўшимча қилдим.

У ўгирилиб, бизга тикилганча қолди.

– Бу нима деганинг ўзи?

– У сиз қовоққаллага шуни тушунтирмоқчи бўла-яптики, Фолмаут-Сентредаги ёқилғи қуйиш шохобчаси Билли Ларрибига қарашли, Биллининг ўзи эса шу тобда грейдерда йўл тозалаш билан банд. Тушунарлими энди? – Туки сабр-тоқат билан изоҳ берарди. – Ундан кўра, жаҳлдан паққос ёрилиб кетмасингиздан бурун олов ёнига қайтиб, жимгина ўтирганингиз маъқул эмасми?

Ламли ҳеч балони тушуниб етмаган, аммо кўрқиб кетган бир қиёфада ортига қайтди.

– Сиз... ҳеч қанақа ёрдам беролмаймиз... бу ерда машина йўқ... демоқчимисиз?

– Мен ҳеч нарса деяётганим йўқ, – жавоб қилди Туки. – Аксинча, сенинг жағинг тинмаяпти. Агар бирпас тилингни тийиб ўтирсанг, балки бирон чорасини ўйлаб кўрармидик.

– Ўзи қанақа шаҳар у – Жерусалемс-Лот? – деб сўради Ламли. – Нега энди йўлда қор уюлиб кетган? Ҳеч қандай чироқ ҳам кўрмадим.

– Жерусалемс-Лот ёниб кетганига икки йил бўлди, – деб жавоб бердим мен.

– Нима, уни қайта қуришмаганми? – Ламлининг бу гапга ишонгиси келмасди.

– Ҳа, қуришмаган. – Мен Тукига қарадим. – Хўш, нима қиламиз бўлмаса?

– Уларни у ерда қолдириш мумкинмас.

Мен унга яқин бордим. Худди шу лаҳзада Ламли дераза ёнига бориб, тунги қорбўронга назар ташлаётганди.

– Мабодо уларга етиб олишган бўлса-чи? – деб сўрадим мен.

– Мумкин, – дея жавоб қилди Туки. – Бироқ аниғини билмаймиз-ку. Библия жавонда турибди, сенда хоч борми?

Мен қўйнимдан католик черковида табаррук қилинган хочни олиб кўрсатдим. Туғилганимдан буён конгрегационализм руҳида тарбия топганман, бироқ Жерусалемс-Лот атрофида яшовчиларнинг аксарияти эндиликда хоч ё авлиё Кристофер медалонини тақади ёки ёнида тасбеҳ олиб юради. Гап шундаки, икки йил муқаддам, октябрнинг қоронғу тунларидан бирида Лот бошига кулфат тушган. Гоҳи-гоҳида, узундан-узун қиш кечалари Тукининг барида дои-

мий миждозлар йиғилиб қолган кезлари гап айланиб келиб ўша фожиага тақалади. Ва бу шунчаки қуруқ гап эмас асло. Агар билсангиз, Лотда одамлар ғойиб бўла бошлади. Аввалига битта-иккитадан, кейин бутун бошли оилалар дом-дараксиз йўқолиб кетаверди. Мактаблар ёпилди. Шаҳар қарийб бир йил кимсасиз қолди. Тўғри, айримлар, айниқса, бошқа штатлардан келган, ҳозир рўпарамизда ўтирган кимсага ўхшаш телбалар, аксинча, ўша ерга кўчиб боришди, уйлар арзонлигига учишган бўлса керак-да ҳойнаҳой. Бироқ ташландиқ шаҳарда ҳеч ким узоқ яшолмади. Баъзилар Лотда бир-икки ой туриб, жўнаб кетишди. Бошқалар... нима десак экан, ғойиб бўлишди. Кейин эса узоқ давом этган қурғоқчил кузнинг адоғига бориб шаҳарга ўт кетди. Ёнғин Жойнтер-авеню тепасидаги адирликда жойлашган Марстен-Хаусдан бошланган дейишади, аммо буни ҳеч ким аниқ билмайди, то шу пайтгача ҳам. Шаҳар уч кечаю кундуз аланга ичида қолди, бироқ уни ҳеч ким ўчирмади. Кейин қандайдир вақт ҳаёт ўз маромига тушгандек бўлди. Сўнгра ҳаммаси қайтадан бошланди.

«Вампирлар» деган сўз овоз чиқариб айтилганини фақат бир марта эшитганман. Ўша кеча фрипортлик ҳайдовчи Ричи Мессина яхшигина кайф бўлиб қолганди. Жун шим, кўйлак ва чарм этик кийган бу одам нақ тўққиз футли бўй-бастини ғоз тутганича бўкирарди:

– Эй Худо, ҳамма нарсани ўз номи билан аташдан намунча кўрқмасангизлар? Вампирлармиш! Барингиз ана шу ҳақда ўйлаяпсизлар-ку, ахир, тўғримасми? Ё Исо Масиху азиз-авлиёлар! Нима ўзи – кўрқинчли фильмларни кўрган ёш болалармисиз? Жерусалемс-Лотда нималар бўлаётганини биласизларми ўзи? Ё мен гапириб беришимни хоҳлайсизларми? Айтаверайми, а?

– Қани, айтсанг айта қол-чи, – деб жавоб қилди Туки. Ва барда оғир сукунат чўкди. Каминда ўтинлар чирсиллашию ноябр ёмғири томни тарақлатиши эшитиларди, холос. – Қулоғимиз сенда.

– У ерда дайди итларнинг бир неча тўдаси бор, холос, – деди шунда Ричи Мессина. – Биронта одам ҳам йўқ. Қолган бари эса арвоҳлар тўғрисидаги эртакларни яхши кўрувчи кампирларнинг сафсатасидан бўлак нарса эмас. Агар хоҳласангизлар, саксон баксга гаров ўйнаб, ўша ерга боришга ва арвоҳлар уясида бир кеча тунашга тайёрман. Қани, хўш, мен билан ким гаров ўйнайди?

Ҳеч ким гаров ўйнамади. Ричи ўлгудай эзма ва ашаддий пиёниста бўлганидан мабодо ўлиб кетса гўрида биров кўз ёши тўкмасди. Лекин барибир, қоронғи тушганидан кейин уни Жерусалемс-Лотга юборишни ҳеч биримиз хоҳламасдик.

– Жин урсин сизларни! – деди Ричи. – «Шеви» юкхонасидаги милтиқ Фолмаут, Камберленд ёки Жерусалемс-Лотда исталган нарсага бас кела олади. Кетдим ўша ерга!

У эшикни тарақлатиб ёпиб чиқиб кетди ва барда узоқ сукунат чўкди.

– Ричи Мессинани энди бошқа ҳеч ким кўрмайди, – деди руҳоний Ламонт Генри ва чўқиниб қўйди: – Жойи жаннатда бўлсин илоё.

– Кайфи тарқаса, ўзига келиб қолади, – деди Туки, лекин овози ишончсиз эди. – Бар ёпилишига яқин кириб келади-ю, ҳамма нарсани ҳазилга айлантдиришга уринади.

Барибир Ламонт ҳақ бўлиб чиқди: Ричини шундан кейин бошқа ҳеч ким кўрмади. Хотини эрим автомобил учун навбатдаги ҳақни тўлай олмаганидан

Флоридага қочиб кетди, деди-ю, аммо ҳақиқат унинг даҳшат тўла нигоҳида яққол кўриниб турарди. Кўп ўтмай аёл Род-Айлендга кўчиб кетди. Қоронғи тунда Ричининг арвоҳи келиб қолишидан кўрққандир эҳтимол. Яна ўзи билади.

Туки менга тикилар, мен эса кўйлак остидаги хочни ушлаганча унга қараб турардим. Умримда ҳеч қачон шунчалик даҳшатга тушмаганман, ўтган йиллар залвори елкамдан шунчалик босмаганди.

– Биз уларни ўша ерда қолдиролмаймиз, Бут, – дея такрорлади Туки.

– Ҳа, биламан.

Биз яна бирпас бир-биримизга қараб турдик, кейин у елкамдан босиб кўйди:

– Мардлигингга борман-да, Бут.

Шу гапнинг ўзиданоқ дадиллашиб кетдим. Етмишдан ошганингдан сўнг мардмисан, йўқми, ўйламай ҳам кўяр экансан.

Туки Ламлига яқинлашди.

– «Скаут»2 вездеходим бор. Ҳозир олиб келаман.

– Эй Худо, шунча пайт индамай ўтирибсизми? – Ламли Тукига ўқрайиб қаради. – Ўн дақиқани беҳуда ўтказиб, валақлаб ётибсиз-а?!

– Овозингизни ўчиринг, мистер, – деди Туки мулойимлик билан. – Мабодо яна чакагингизни очмоқчи бўлсангиз, бўронда тозаланмаган йўлга ким бурилиб кетганини бир эслаб кўринг.

Ламли нимадир демоқчи бўлди-ю, аммо оғзини юмди. Юзлари қизариб кетди. Туки «Скаут»ни олиб келиш учун гаражга кетди. Мен эса бар пештахтасини айланиб ўтиб, хромланган флягани брендига тўлдириб олдим. Шу шароитда спиртли ичимлик асқотиб қолиши мумкин.

Мэн штатидаги бўрон... Унга ҳеч дуч келганмисиз?

Қалин қор осмонни тўлдириб келиб, машинага худди қумдек шатир-шутур урилади. Олисни ёритувчи чироқни ёқиш бефойда: ёруғлик қор парчаларидан акс этиб қайтиб кўзга урилади, ўн фут масофадан ҳеч нарсани кўриб бўлмайди. Яқинни ёритувчи чироқда эса ўн беш футгача кўринади. Лекин қор ҳам ҳеч гапмас ҳали. Энг расвоси шамолки, унинг увиллашида ер юзининг жамики дарди-ҳасрати, нафрат-дахшати эшитилади. Шамол ўлимни, оқ ажални, балки ўлимдан-да даҳшатлироқ ниманидир келтиради. Эшик-деразалар ёпилган уйда, иссиқ ўринда ётган бўлсангиз ҳам бу ўкиришдан юрак орқага тортиб кетади. Йўлда-ку, шамол энди умуман ақлдан оздиради. Айниқса Жерусалемс-Лот йўлида.

– Тезроқ юрсангизлар ўласизми? – деди Ламли.

– Сиз совқотиб ўлишингизга бир баҳя қолувди, – дея жавоб қилдим мен. – Ёки яна ажал излаб пиёда кетмоқчимисиз?

Энди у менга ўқрайиб қаради, аммо ҳеч нима демади. Биз соатига йигирма беш мил тезликда юрардик. Йўлнинг шу қисмини Ларриби бир соатгина аввал тозалаганига ишониш қийин: қор икки дюйм қалинликда тушган, ёққани-ёққан эди. Чироқлар ёғдусида чир айланаётган қор парчалари кўринарди, холос. Йўлимизда биронта ҳам машина учрамади.

Орадан ўн дақиқалар ўтгач, Ламли бехосдан:

– Ие? У нимаиди? – деб бақириб қолди.

У мен томондаги деразага бармоқ нуқирди. Тўғрига қараб кетаётган одам анча кечикиб ўгирилдим, чоғи. Кўриниши ноаниқ аллақандай шарпа оқлик қаърига сингиб кетганини илғаёлдим, холос.

Яна ким биледи дейсиз, балки бу тасаввурим ўйиндир.

– Нима кўрдингиз? Лосними?

– Эҳтимол, – унинг овози титрарди. – Лекин кўзлари... қип-қизил эди! – Ламли менга қараб қолди. – Нима, лоснинг кўзлари тунда шундай кўринадими? – У мендан тасдиқ ишорасини кутарди.

– Ҳар қанақа кўриниш мумкин, – деб жавоб қилдим шунга ишонишга уриниб. Лосларни кечаси автомобил ичидан туриб кўп бора кузатганман, аммо чироқ ёғдуси улар кўзидан қизил рангда акс этишини кўрмаганман.

Туки миқ этмасликни маъқул кўрди.

Ўн беш дақиқалардан кейин ўнг томондаги қор уюми кескин пасайган жойга етиб келдик: қор тозалагич машиналар чорраҳадан ўтишда «пичоғи»ни доимо кўтаради.

– Назаримда, шу ердан бурилдиг-ов, – Ламлининг овозида ишонч етишмасди. – Тўғри, кўрсаткични кўрмаяпман...

– Шу ер, – дея бош ирғади Туки. Унинг овозини таниб бўлмасди. – Кўрсаткичнинг юқори қисми қор уюмидан чиқиб турибди.

– Ҳа, ҳа, тўғри, – Ламли енгил тин олди. – Мистер Тукландер, мен узр сўрамоқчи эдим. Агар билсангиз, совқотгандим, ҳаяжонлангандим, шулар сабабли ҳам ўзимни телбаларча тутдим. Хуллас, икковингизга миннатдорчилик билдирмоқчиман...

– Хотинингиз билан қизчангизни топмагунимизча Бут икковимизга раҳмат айтишга шошилмай туринг, – Туки унинг сўзини бўлди. Кейин «Скаут»ни тўрт ғилдиракли юритма тартибига ўтказди ва қор уюмини айланиб ўтиб, Лот орқали 295-шоссега чиқадиган Жойтнер-авенюга бурилди. Қор ғилди-

раклар остидан фаввора бўлиб отиларди. Орқа ғилдираклар сирпана бошлади, аммо Туки аллақачондан буён ҳайдовчилик қилиши туфайли машинани бир зумда ўнглаб олди. Бу йўлдан аввал ўтган автомобил – Ламли «Мерседес»нинг излари чироқлар ёғдусида бир кўриниб, бир ғойиб бўларди. Ламли олдинга энгашиб, қор пардасига тикилди.

Шу ўринда Туки гап бошлади:

– Мистер Ламли.

– Лаббай! – У Тукига ўгирилди.

– Маҳаллий аҳоли орасида Жерусалемс-Лот ҳақида ҳар хил гаплар юради. – У хотиржам сўзлар, аммо юзидаги ажинлар чуқурлашиб, кўзлари олма-кесак тера бошлаганди. – Буларнинг бари шунчаки мишмиш бўлиши мумкин, албатта. Агар хотинингиз билан қизчангиз кабинада бўлишса, жуда соз. Биз уларни менинг уйимга олиб кетамиз, эртага бўрон тинганида эса Билли автомобилнингизни судраб келади. Лекин улар кабинада бўлишмаса...

– Бу нима деганингиз? – Ламли унинг гапини шартта кесди. – Кабинада бўлмай қаерда бўлишарди?

– Мабодо улар кабинада бўлишмаса, – дея давом этди Туки жавоб қилмай, – биз Фолмаутга қайтамиз ва бор гапни шерифга айтамиз. Бунақанги бўронда ва яна ярим тунда уларни излашдан фойда йўқ, тўғримасми?

– Биз уларни кабинадан топамиз. Яна қаерда бўлишлари мумкин?

– Яна бир нарса, мистер Ламли, – дея кўшимча қилдим мен. – Башарти бирон кимса учраса, у билан суҳбатлашиш мумкинмас. Ҳатто у гап бошлаган тақдирда ҳам. Тушундингизми?

– Қанақа гаплар юради... дедингиз? – Ламли оҳиста, деярли ҳар бир сўзга урғу бериб сўради.

Унга қандай жавоб қайтаришим ёлғиз Худога аён эди, бироқ Туки мени бу вазиятдан қутқарди:

– Етиб келдик.

Биз катта «Мерседес»нинг ортига тақалиб тўхтагандик. Машина томи ва юкхонасини қалин қор қоплаган, чап томонда йирик уюм тўпланган. Лекин орқа чироқлар ёниқ, чиқинди газ қувуридан тутун чиқиб турарди.

– Бензин тугабди, – деди Ламли беихтиёр.

Туки моторни ўчирмаган ҳолда қўл тормози дастагини юқори кўтарди.

– Бут нима деганини унутманг, мистер Ламли.

– Хўп, хўп? – Ламли фақат хотини билан қизи тўғрисида ўйлар, бунинг учун уни айблаб ҳам бўлмасди.

– Тайёрмисан, Бут? – Туки менга ўгирилди. Нигоҳларимиз тўқнашди.

– Тайёрман шекилли.

Биз кабинадан чиқдик ва шу заҳотиёқ юз-кўзимизга қор аралаш шамол урилди. Ламли сал энгашганча олдинда борар, ҳашамдор палтосининг барлари худди елканлардек ҳаволанар эди. У иккита соя ташлар – бири Туки машинасининг чироқларидан бўлса, иккинчиси «мерседес»нинг орқа чироқларидан эди. Мен унга эргашдим, Туки эса ортимизда келарди. «Мерседес»нинг орқа бамперига яқинлашганимда Туки кўлимдан тутди:

– Ошиқма!

– Жейни! Френси! – деб бақирди Ламли. – Тинчмисизлар? – У ҳайдовчи эшигини очиб, ичкарига бош суқди. – Омонми...

Шу ондаёқ дами ичига тушиб кетди. Шамол оғир эшикни унинг кўлидан юлқиб олиб, ланг очди.

– Ё Худо, Бут! – деди Туки. – Яна ўша аҳвол такрорланганга ўхшайди!

Ламли биз томонга ўгирилди. Чехрасида ҳайрат ва кўрқув акс этар, кўзлари ола-кула эди. Шу заҳоти-ёқ биз тарафга интилди, тойиб кетиб йиқилишига оз қолди. Ёнимдан отилиб ўтиб, Тукига ёпишди.

– Улар кабинада бўлмаслигини сиз қаердан билардингиз? – дея бўкирди жонҳолатда. – Қаерда улар? Нималар бўлаяпти ўзи бу ерда?

Туки унинг қўлларини ёқасидан олиб, очиқ эшикка ёндошди. Икковимиз «мерседес» салонига биргалликда кўз ташладик. Ичкари иссиқ ва шинам, аммо қизил индикатор бензин қарийб тугаганини кўрсатарди. Ҳеч ким йўқ. Ҳайдовчи ёнидаги ўриндиқ остида Барби кўғирчоғи ётибди. Орқа ўриндиқда чанғи учганда кийиладиган болалар камзули кўрилади.

– Френсининг камзули? – Ҳуштакка ўхшаш шивирлаш лаҳзада қичқирди. – Френсининг камзули! – Ламли чеккасига мўйна қопланган капюшонли кичик камзулни кўлида тутганча бизга ўгирилди. Ҳеч балони тушунмаган кўйи, довдираганча менга тикилди. – У машинадан камзулсиз чиқолмасди, мистер Бут. Нега энди... нега... совқотадими-ку, ахир!

– Мистер Ламли...

У камзулни кўлидан тутганча қорбўрон ичра қадам кўйиб қичқирди:

– Френси! Жейни! Қаердасизлар? Қаердасиз-л-а-а-ар? Мен Тукига қўл чўзиб, туришига ёрдамлашдим.

– Тинчмисан?..

– Ҳечқиси йўқ, – деди у. – Биз уни тўхтатишимиз керак, Бут.

Биз унинг ортидан отилдик, аниқроғи, тиззадан ошган қорда аранг оёқ босардик. Лекин у тўхтади ва биз етиб олдик.

– Мистер Ламли... – Туки унинг елкасига қўл кўйдими.

– Шу томонга! – дея бақирди Ламли. – Улар шу ёққа кетишган, қаранглар-а!

Катта ва кичик оёқлар изини қор кўмиб юбораётганини биз ҳам кўриб турардик. Яна беш дақиқадан кейин улар ғойиб бўлиши аниқ.

У бошини эгганча излар бўйлаб юрмоқчи эди, Туки палтосининг баридан тутиб қолди.

– Йўқ, Ламли, йўқ!

Телбавор қиёфадаги Ламли Тукига ўгирилди, кўлини мушт қилиб кўтарди-ю, аммо Тукининг нигоҳидаги нимадир тўхтатиб қолди. У менга қаради ва яна Тукига бурилди.

– У совқотади ахир. – Ламли иккита тентак болакайга гап уқтираётгандек эди гўё. – Наҳотки шуни тушунмасангизлар? Камзулсиз, бор-йўғи етти ёшли қизча бўлса...

– Улар исталган жойда бўлиши мумкин, – деб жавоб қилди Туки. – Излар бўйлаб юриш керакмас. Шамол уларни бирпасда кўмиб ташлайди.

– Нима қил дейсиз бўлмаса? – жонҳолатда қичқирди Ламли. – Полицияга боргунимизча улар музлаб қолади! Френси ҳам, хотиним ҳам!

– Эҳтимол, музлаб бўлишгандир. – Туки Ламлига нигоҳини қадади. – Агар бундан баттарроғи бўлмаса...

– Нималар деяпсиз? – Ламлининг нафаси ичига тушиб кетди. – Очқроқ гапирсангиз-чи, жин ургур! Гапиринг дейман!

– Мистер Ламли, – деди Туки. – Гап шундаки, Лотда...

Ўзим кутмаган ҳолда гапнинг индаллосини ўзим айтиб қўя қолдим.

– Вампирлар, мистер Ламли. Жерусалемс-Лотда вампирлар тиқилиб ётибди. Буни англаб етиш мушкуллигини биламан, албатта...

Унинг кўз ўнгида бирдан кўкариб кетганимдай менга бақрайиб қаради-да, оҳиста шивирлади:

– Ақлдан озибсизлар. Икковингиз ҳам. – Кейин биздан юз ўгириб, кафтларини карнай қилганча қичқирди: – Френси! Жейни!

Сўнг из бўйлаб кетди, палтосининг барлари қор узра судралиб борарди.

Мен Тукига қарадим.

– Нима қиламиз?

– Ортидан борамиз. – Унинг соч толалари қордан пешонасига ёпишиб қолган, қиёфаси ғалати кўри-нарди. – Уни бу ерга ташлаб кетолмайман. Сен-чи?

– Мен ҳам.

Биз унинг ортидан юрдик. Лекин орамиздаги ма-софа тобора узаяр эди. Ламлининг ёшлик қуввати сезилар, қорни баайни грейдердек ёриб борарди. Менда эса артрит хуружи тутиб қолди, оёқларимга қараб яна бироз чиданглар, бирпасга сабр қилин-лар, дея ёлворардим...

Шу тариқа юриб, Тукига тўқнаш келдим. У оёқла-рини керганча турар, боши эгилган, қўллари кўкра-гини ғижимларди.

– Туки, – дедим, – соғ-омонмисан?

– Ҳаммаси жойида, – деди у қўлларини туширар-кан. – Уни кўздан қочирмаслигимиз керак, Бут. Ҳаде-май чарчаб қолади ва жиддийроқ ўйлай бошлайди.

Биз тепалик устига чиқиб, Ламли пастда изларни ахтараётганини кўрдик. Лекин, бояқиш уларни то-пиши амримаҳол эди. У турган жойда кучли шамол эсар ва ҳар қандай изни бир зумда кўмиб юборарди.

Ламли бошини кўтариб, тун қаърига қарата қичқирди:

– Френси! Жейни! Худо ҳаққи, жавоб беринглар!

Унинг овозида саросима, даҳшат, оғриқ сезилар-ди. Унга фақат шамолнинг ўкириши жавоб бўларди.

Шамол уни масхаралаб кулаётгандек ва шундай деяётгандек туюларди: «Улар менинг кўлимда, мистер Нью-Жерси. Сиз эса ҳашаматли машинангиз ва кашмири палтоингиз билан қолаверинг. Уларни мен олдим, изларини йўқотдим, улар эрталабгача иккита музқаймоққа айланишади...»

– Ламли! – дея бақирди Туки шамол увиллашини босишга уриниб. – Вампирларга ишонмасангиз ишонманг. Аммо уларга ҳам ёрдам беролмайсиз. Яхшиси, қайтганимиз маъқул...

Шу аснода Ламлига жавоб беришди. Тун зулмати ичидан кумуш кўнғироқчалардек жаранглаган овоз эшитилди ва менинг бутун аъзои баданим музлаб кетди.

– Жерри... Бу сенмисан, Жерри?

Ламли овоз келган томонга ўгирилди. Шу лаҳзада кичик дарахтзор қоронғулигидан бир аёл арвоҳдек оҳиста сузиб чиқди. Шаҳарлик экани ҳам майли-я, мен кўрган аёллар орасида энг соҳибжамоли эди у. Унга яқинлашиб, қувончимни изҳор қилишни истардим, соғ-омон экан, шодланмай бўладими, ахир! Аёл яшил пуловер кийган, устидан енгсиз ёпинчиқ ташлаган – бунақаси пончо дейилади, чоғи. Шамол ёпинчиқ барларини ўйнар, тўсдай қора сочларни тўзғитарди. Декабр ойида, муз қопламасидан аввал жилға суви мана шундай мавжланади.

Мен аёл томон қадам кўйдим ҳам шекилли, чунки елкамда Тукининг дағал ва қайноқ кўлини сездим. Лекин барибир шу аёлга етишишни хоҳлардим – кўнгилнинг кўчасини қаранглар-а! Қора сочли гўзал дилбар. Яшил пончоси бўйни ва елкаларида ҳилпирайди. Уолтер де ла Мэрнинг шеърларидаги ғаройиб паривашнинг ўзгинаси эди у...

– Жейни! – дея қичқирди Ламли. – Жейни!

Ва кўлларини чўзганча, қор оша у томон интилди.

– Қайт! – дея уни тўхтатишга уринди Туки. – Мумкин эмас, Ламли!

У ҳатто қайрилиб боқмади... аёл эса бизга қаради ва жилмайиб қўйди. Унинг бу кулгусидан бояги эҳтиросларим сўнди-қолди. Лов этиб ёниб кетган ҳисларимга совуқ сув сепилгандек бўлди гўё. Аёлдан қабр совуқлиги келар, кафанга ўранган сўнгаклардек эди кўриниши. Ҳатто шунча масофадан ҳам кўзлари қизиллигини кўрдик. Одамнинг эмас, бўрининг кўзлари эди улар. Аёл илжайганида эса ҳаддан зиёд узун тишлари кўриниб кетди. Хуллас, рўпарамизда инсон эмас, балки шу қутурган бўронда қандайдир тарзда тирилиб қолган мурда турарди гўё.

Туки уни чўқинтирди. Аёл тисланди ва яна илжайиб қўйди. Биз ундан анча узоқда эдик, лекин барибир кўрқиб кетдик.

– Уни тўхтатиш керак! – дея шивирладим. – Тўхтата оламизми?

– Кечикдик, Бут! – деди Туки машъум оҳангда.

Ламли аёлнинг ёнига етиб борганди. Қорга думалаб, ўзи ҳам одамдан кўра арвоҳга ўхшаб кетарди. У аёлга интилди ва бирдан... қичқира бошлади. Мен ҳали-ҳануз босинқираган кезларим шу қичқирикни эшитаман: кап-катта одам кўрқинчли туш кўрган болакайдек бақирарди. Ламли ўзини олиб қочишга уринди, аммо аёлнинг узун, яланғоч ва қордек оппоқ қўллари олдинга чўзилиб, уни ўзига тортди. Мен аёл бошини бир томонга хиёл эгиб, эркакка интилганини кўрдим...

– Бут! – дея хириллади Туки. – Қочмасак бўлмайди энди!

Ва биз югуриб кетдик. Нақ каламушлардек қочиб борардик ўзиям. Ўша тунда ўша ерда бўлмаган одам шундай деб айтар ҳам балки. Ўз изимиз бўйлаб ҳал-лослаб югурар эканмиз, йиқилардик, турардик, сир-

паниб кетган пайтларимиз кўлларимизни ёзиб, мувозанат сақлардик. Оғзи қулоғига етиб ишшайган, кўзлари қизил аёл ортимиздан қувиб келмаяптимикан, деган хавотирда мен дам-бадам ўгирилиб қарардим.

«Скаут»нинг ёнига етганда Туки кўкрагини чангаллаганча икки букилиб қолди.

– Туки! – дея кўрқиб кетдим. – Нима гап?..

– Юрагим, – деб шивирлади у. – Кейинги беш йилдан бери безовта қилади. Мени йўловчи ўрнига ўтқазгин-у, ўзинг ҳайда машинани!

Мен унинг кўлтиғидан олдим-да, автомобилни айланиб ўтиб, кабинага бир амаллаб ўтқаздим. Туки ўзини орқага ташлаб, кўзларини юмди. Юз териси сарғайиб, мумсимон тусга кирди.

Мен «Скаут»ни олд томонидан югурганча айланиб ўтарканман, кичкинтой қизалоқни йиқитиб юборишимга оз қолди. У машина эшиги ёнида турар, сочлари иккита қилиб ўрилган, сариқ кўйлақда эди.

– Мистер, – деди у тиниқ, жарангдор ва тонгги тумандек майин овозда. – Сиз ойимни топишга ёрдам беролмайсизми? У кетиб қолди, мен эса совқотаяпман...

– Қизалоқ, тезроқ кабинага кир. Сенинг ойинг...

Шу лаҳзадаёқ сўзим бўғзимда қолди – қандай қилиб ақлдан озмаганимга ҳайронман ўша тобда. Чунки қизча қор устида эмас, балки ҳеч бир из қолдирмаган кўйи қор узра муаллақ турарди.

Бошини кўтарганча менга тикилиб турган бу гўдак Ламлининг қизи Френси эди. Етти ёшли қизалоқ, беҳисоб тунлар мобайнида шу ёшида қолаверарди энди. Унинг ранги мурданикидек оппоқ, кўзлари чўғдай ёнади. Бўйнида иккита қизил нуқтани кўрдим, худди игна санчилгандек, лекин атрофидаги териси гўё тишлангандек эди.

У менга қўлларини чўзиб жилмайди.

– Мени кўтаринг, мистер, – дея чуғирлади. – Мен сизни ўпмоқчиман. Шунда сиз мени ойижонимнинг олдига олиб бора оласиз.

Қизчани ўпишни истамасдим, лекин ҳеч нарса қилолмадим. Беихтиёр унга қараб энгашдим, қўлларимни чўздим. Қизчанинг оғзи очилаётганини, пушти лаблар ортидаги майда тишларни кўрдим. Унинг даҳанидан ярқироқ ва кумушранг бир нима оқа бошлади – у сўлак эканини даҳшат ичра англаб етдим.

Унинг жажжи қўлчалари бўйнимдан кучди, мен эса бу иш у қадар даҳшатли бўлмаса кераг-ов, дея ўйлай бошлагандим. Шу пайт «Скаут» деразасидан қора ва залворли бир нима отилиб чиқиб, қизчанинг кўкрагига урилди. Шу ондаёқ ғалати ҳидли тутун пайдо бўлди, алланарса ярақлаб кетди ва қизалоқ вишиллаганча ўзини орқага олди. Ғазаб, нафрат, оғриқдан юзи бужмайиб кетди. Қизча ён томонга ўгирилди ва... кўздан ғойиб бўлди. Ҳозиргина қаршимда турганди, бир лаҳзада қор бўрони қаърига сингиб кетди, гўдак қиёфаси элас-элас кўзга ташланарди. Мана энди шамол шу манзарани ҳам чирпирак қилиб айлантириб, очиқ далага олиб кетди.

– Бут! – дея шивирлади Туки. – Тезроқ ўтир!

Мен рулга ўтиришдан аввал ҳамроҳим дўзахи қизчага отган нарсани энгашиб ердан олдим. Бу унинг онасидан қолган Библия эди.

Юқорида айтганларим аллақачонлар рўй берган воқеа. Ҳозир қариб-чуриб қолганман, аммо-лекин ўшанда ҳам ёш эмасдим. Херб Тукландер икки йил муқаддам вафот этди. Осонгина жон берди – ухлад-ю, қайтиб турмади. Бар ишлаб турибди, уни Уотервиллдан келган эр-хотин сотиб олишган. Ажойиб одамлар экан, у ерда ҳеч нимани ўзгартирмасликка

уринишади. Мен барга аҳён-аҳёнда бораман, негаки Тукисиз зерикаман.

Лотда ҳамма нарса ўша-ўша. Юқоридаги воқеанинг эртаси куни эрталаб шериф Ламлининг автомобилини топди. Туки ҳам, мен ҳам унга ҳеч нарса демадик. Нима кераги бор? Вақти-вақти билан бирон йўловчи ёки турист шу атрофларда – Мактаб адирлиги ёки Уйғунлик адирлигидаги қабристон теварагида ғойиб бўлиб туради. Кейин сафархалта, қоғоз муқовали китоб ёки шунга ўхшаш бирон нима топиб олишади, аммо ғойиб бўлганлар танаси ҳеч қачон топилмайди.

Биз Жерусалемс-Лотга борганимиздаги ўша бўронли тун ҳали-ҳануз тушларимга кириб чиқади. Аёлдан ҳам кўра жажжи қизалоқ, унинг менга кўллари чўзиб турган, мен уни кўтармоқчи, у мени ўпмоқчи бўлган пайтдаги кулгуси кўз олдимга келаверади. Лекин ёшим бир жойга бориб, тўримдан гўрим яқин қолди, оламдан ўтсам, тушларим ҳам мен билан бирга кетади.

Йўлингиз тушиб, сиз ҳам Жанубий Мэн бўйлаб саёҳатга чиқиб қоларсиз балки. Хўп ажойиб жойлар. Томоқни хўллаб олиш учун «Тукис бар»га ҳам бирров шўнғиб чиқарсиз, эҳтимол. Яхши бар. Янги эгалари унинг номини ҳам сақлаб қолишди. Ичишга-ку, ичаверинг, аммо кейин менинг маслаҳатимга кириб, йўлингизни шимолга қараб давом эттираверинг. Икки дунёда ҳам Жерусалемс-Лотга томон бурила кўрманг.

Айниқса, қоронғу тушганида.

Қаердадир ўша атрофда жажжи қизалоқ айланиб юрибди. Назаримда, у ҳамон кимнидир ўпишни хоҳлайди.

Рустам Обид таржимаси

ИЗҚУВАРНИНГ ИНҚИРОЗИ

I

Шерлок Холмс уни доимо «Бу Аёл» деб тилга оларди. Уни қандайдир бошқача ном билан аталганини камдан-кам ҳоллардагина эшитиб қолардим. Унинг назарида ўша аёл дунёдаги жамики гўзалларнинг тимсоли эди. Лекин уни Ирэн Адлерга ипсиз боғлаиб қолган, унда кўнгли бор деб бўлмасди. Барча ҳис-туйғулар, айниқса, муҳаббат унинг совуққон, босиқ табиатига, тийрак ақл-заковатига ёт эди. Менинг назаримда, у фикр юритадиган, кузатувчан энг мукаммал машинага ўхшарди: олам аҳли ҳали бунақасини кўрмаган бўлса керак. Аммо у ошиқ сифатида бошвоқсиз қолиши турган гап эди. У нозик ҳис-туйғулар ҳақида ҳар доим заҳарханда билан, камситиш оҳангида гапирарди. Унга қолса, нозик ҳис-туйғулар томоша қилса арзигулик – инсоннинг асл ниятларию интилишларини фош этиб қўядиган ажойиб восита эди, холос. Сир эмаски, ўткир заковат соҳиби исмсиз дардга мубтало бўлса, унинг сайқалланган, батартиб ички дунёси алғов-далғов бўлиб кетади, ўз ақли билан эришган барча ҳақиқатлар чиппакка чиқади. Холмсга ўхшаган инсонлар учун муҳаббат дегани – бу сезгир асбоб устига тушган қум заррасидай ёки ўша асбобнинг маҳобатли кўзгуларининг бири дарз кетгандай бир гапдир. Шунга қарамай, Холмс учун дунёда ягона аёл мавжуд эди: ўша аёл марҳум Ирэн Адлер бўлиб, у кишида шубҳа уйғотадиган даражада ном таратган эди.

Кейинги пайтлари мен Холмс билан ахён ахёнда кўришиб турардим – менинг уйланишим бизни бир-биримиздан узоқлаштириб кўйди. Мен гўё арши аълода юрардим. Албатта, эндигина рўзгор бошлиғи бўлган кишининг бутун диққат-эътиборини оилавий ташвишлар қамраб олади. Айни пайтда, асилзодалар турмушини, у қандай кўринишда бўлмасин, лўлилардан ҳам баттар ёмон кўрадиган Холмс ҳамон Бейкер-стрит кўчасидаги бизнинг уйимизда истиқомат қиларди: атрофида эски китоблар уюлиб ётарди, ҳафта оралатиб кокаинга муккасидан кетарди, гоҳ-гоҳ шуҳратпарастлиги кўзиб қоларди, бангидан кайф сурарди – ёввойи ғайрат-шижоат унинг табиатига хос хусусият эди.

Одатдагидек у бутун борлиғи билан жиноятни текширишга шўнғиб кетган эди. У ўзининг улкан қобилиятини, фавқулодда кузатувчанлик истеъдодини расмий полиция томонидан поёнига етиб бўлмайди деб тан олинган хуфия жиноятларни фош этишга, жилла курса, калаванинг учини топиб олишга сарфларди. Ора-орада мен унинг ишлари ҳақида ҳар хил мишмишлар эшитиб қолардим: гоҳ Треповнинг фожиали ўлими муносабати билан уни Одессага чақириб қолишарди, гоҳ Тринкомалида ака-ука Аткинсонларнинг қотиллари изига тушган бўларди, охири, Голландия қироллиги оиласи томонидан махсус топширилган вазифани қойилмақом қилиб адо этгани тўғрисида шов-шув тарқаларди.

Шунга қарамай, мен кўпчилик ўқувчилар сингаридўстимнинг фаолиятига алоқадор маълумотларни газетада босилган хабарлардан билиб олардим, холос. Лекин жонажон ўртоғимнинг ўзи ҳақида деярли ҳеч нарса билмасдим.

Бир куни кечаси (бу воқеа 1888 йил 20 март куни бўлган эди) мен мижозим ҳузуридан қайтаётиб, –

мен яна хусусий ишлар билан шуғуллана бошлаган эдим, – беихтиёр Бейкер-стрит томон бурилдим. Менга қадрдон бўлиб қолган эшик ёнидан ўтар эканман, қаллиғимга совчи қўйиб юрган пайтларим ва “Қизғиш тусли манза” билан боғлиқ бўлган кўнгилсиз воқеалар бир-бир кўз ўнгимда гавдаланди. Туйқус бутун борлиғимни Холмсни яна бир марта кўриш истаги чулғаб олди: ҳозир унинг теран ақл-идроки қандай масалаларни ҳал этиш билан машғул экан? У яшайдиган уйнинг деразаси ёп-ёруғ эди. Мен юқорига қарадим у новча, озғин гавдани дарров илғаб олдим – унинг қоп-қора сояси икки марта дераза пардасига тушди. У хона бўйлаб тез-тез юрарди, бошини эгиб олибди, қўлларини орқасига чалмаштирган. Унинг кайфиятини, қилиқларини яхши биладиган камина дарров кўп нарсани пайқади: хонанинг у бурчагидан-бу бурчагига бекордан бекорга зув-зув бориб келмасди. Демак, яна бир ишни бошлаб қўйган эди. У гиёҳвандлик натижасида пайдо бўлган саробдан фориғ, энди қандайдир жумбоқнинг ечимини излаш билан овора кўринарди. Мен кўнғироқни жиринглатдим, мени хонага бошлаб киришди: қачонлардир бу хонанинг бир қисми каминанинг ихтиёрида эди.

У мени тантанали гап-сўзлар билан кутиб олмади. Умуман, уни тантанали кайфиятда учратиш амри-маҳол эди. Лекин сездимки, мени кўриб хурсанд бўлди. У деярли сўзсиз суратда хушчақчақлик билан мени ўтиришга таклиф этди, олдимга сигарет қутисини суриб қўйди, сўнг вино сақланадиган ертўлага ишора қилди. Кейин ўрнидан турди-да, ўчоққа орқа ўтирган кўйи менга синчиклаб разм солди.

– Оилавий ҳаёт сизга ёқибди, – деб таъкидлади у. – Менимча, Уотсон, мен сизни охириги марта кўргангидан буён сиз етти ярим қадоқ семирибсиз.

– Етти қадоқ.

– Ростданми? Йўғ-е, сал кўпроқ шекилли. Ишона-веринг, оз-моз кўпроқ. Англашимча, сиз ишляяпсиз, чоғи. Ишга бел боғлаб турганингиз ҳақида менга лом-мим демаган эдингиз.

– Хўш, сиз буни қаёқдан билдингиз?

– Мен аҳволингизни кўриб турибман, мен хуло-са чиқаряпман, холос. Масалан, сиз яқинда паққос ивиб кетганингизни, уйингиздаги оқсоч ўтакетган палпис хотин эканини мен қаёқдан биламан?

– Азизим Холмс, сал ошириб юбордингиз, – дедим мен. – Шубҳасизки, агар бир неча аср илгари яша-ганингизда борми, сизни гулханда куйдиришарди. Тўғри, пайшанба куни шаҳардан ташқарига чиққан эдим ва мен уйга ҳаммаёғим ифлос бўлиб қайтиб келдим. Лекин дарҳол костюмимни алмаштирган-ман, ҳозир уст-бошимда ёмғирнинг излари қол-маган-ку ахир. Энди Мери Жен масаласига келсак, ростдан ҳам унга бир гапни уқтириш жуда қийин: хотиним аллақачон уни огоҳлантириб кўйган – иш-дан бўшатиб юбормоқчи. Шунга қарамай барибир ҳайрон қолдим, буларнинг барини сиз қаёқдан бил-дингиз?

Холмс товушини чиқармасдан кулди-да, узун-у-зун асабий кўлларини силаб-сийпалади.

– Бундан осони йўқ! – деди у. – Кўзларимнинг шаҳодат беришича, чап оёғингиздаги бошмоқнинг ички томонида, айнан нур тушиб турган жойида, деярли паралел равишда олтита тимдаланган чи-зиқ кўриниб турибди. Равшанки, пошнангизда қо-тиб қолган лойни тозалаётган кимса пала-партиш-лиги туфайли бошмоқни тимаб кўйган. Шунинг учун, сиз амин бўлганингиздек, мен кўшалок хулоса чиқардим: Сиз ёғингарчиликда ташқарига чиққан-сиз ва лондонлик оқсочларнинг энг бетамиз нус-

халаридан биттасини уйингизда сақлайсиз. Энди сиз машғул бўлган иш масаласига келсак, агар йодоформ анқиб турган, ўнг қўлининг кўрсаткич бармоғига азот кислотасидан доғ тушган, устига-устак, цилиндрсимон шляпаси дўмпайиб турган, яъни стетоскопини қаёққа яшириб қўйганини яққол сездириб қўйган жентльмен менинг ҳузуримга ташриф буюрсаю, лекин уни шифокорлик оламининг вакили эканини илғаб ололмасам, билингки, қипқизил аҳмоқ бўламан.

Мен ундан қай тарзда муайян бир тўхтама келгани хусусидаги гапларни эшитар эканман, беихтиёр кулиб юбордим.

– Сиз ўз мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашган чоғда ҳамма нарса менга кулгили даражада оддий туюлади – буларнинг барчасини ўзим ҳам осонгина идрок этишим мумкин эди-ку, – деб таъкидладим. – Лекин ҳар сафар янги далил келтирган пайтингизда мен бутунлай эсанкираб қолдим, фақат ўз фикр-мулоҳазаларингизни баён этганингиздан кейингина ўзимга келдим. Ўйлашимча, менинг кўзларим ҳам сизникидан хира эмас.

– Мутлақо тўғри, – деди Холмс папиросини тортиб-тортиб чекар экан, кейин у креслога ястаниб олди. – Сиз кўриб турибсиз, лекин синчиклаб кузатаётганингиз йўқ – буларнинг ўртасида жуда катта тафовут бор. Айтайлик, сиз ушбу хонага олиб чиқадиган зинапояни жуда кўп бора кўрганмисиз?

– Кўп кўрганман.

– Неча марта?

– Хўш, бир неча юз марта кўрганман.

– Жуда яхши. Ўша зинапоянинг нечта поғонаси бор?

– Нечта? Ҳеч эътибор бермаганман.

– Ана кўрдингизми, ҳеч эътибор бермагансиз. Лекин уларни кўргансиз! Ҳамма гап ана шунда. Майли, лекин мен биламанки, зинапоянинг ўн еттита поғонаси бор, чунки мен уларни ҳам кўрганман, ҳам кузатганман. Дарвоқе, сиз менинг касбим билан боғлиқ ҳолда ҳал этиладиган баъзи бир масалаларга қизиқиб юрардингиз, чоғи. Ҳатто каминанинг икки-учта арзимас тажрибаларини қоғозга ҳам тушириб қўйган эдингиз. Шунинг учун, эҳтимол сизни мана бу хат қизиқтириб қўйиши мумкин.

У стол устида ётган қалин, қизғиш почта варақасини олдимга ташлади.

– Ҳозиргина олдим, – деди у. – Товушингизни чиқариб ўқинг-чи.

Хатнинг юборилган вақти ҳам, адреси ҳам кўрсатилмаган эди, имзосиз эди. «Бугун кечаси, ўн бешта кам саккизда, муҳим иш бўйича маслаҳат сўраш учун ҳузурингизга битта жентльмен боради, – дейилган эди хатда. – Яқинда Европадаги қирол оиласига кўрсатган ёрдамнинг натижасида аён бўлдики, сизга фавқулодда муҳим ишларни ҳам ишониб топширса бўлар экан. Кимдан сўраб-суриштирмайлик, сизга ана шундай юксак баҳо беришди. Айтилган пайтда уйда бўлишингиз сўралади. Хавотирланманг. Ҳузурингизга ташриф буюрадиган кимса ниқобдор бўлиши мумкин».

– Ҳақиқатан ҳам хуфия ишга ўхшайди, – дедим. – Ўзингиз нима дейсиз?

– Ҳозирча қўлимда ҳеч қандай маълумот йўқ. Далил-исботсиз назария яратилса, охири бахайр бўлмайди. Киши ўзи билмаган ҳолда фактларни назарияга мослаб чийлай бошлайди, фактларни нотўғри талқин қилади. Аслида эса назарияни фактлар билан асослаш лозим. Лекин хат қойилмақом ёзилибди! Сиз хат хусусида қандай хулосага келишингиз мумкин?

Мен хатни ҳам, хат ёзилган қоғозни ҳам син-
чиклаб кўздан кечирдим.

– Афтидан, ушбу хатни ёзган одам хийла бадавлат
кўринади, – дедим, дўстимнинг иш усулига тақлид
қилишга уриниб. – Бундай қоғознинг бир қутиси
энг камида ярим крон туради. У анча мустаҳкам, қа-
лин.

– Ғалати дейилса, муносиброқ таъриф берилган
бўларди, – деб таъкидлади Холмс – Бу Англияда тай-
ёрланадиган қоғоз эмас. Уни нурга тутиб кўринг-чи.

Мен уни нурга тутдиму ғира-шира белгиларни
пайқаб олдим; катта «Е» ва кичкина «г», кейин «П»
ва катта «Г» кичкина «ш» ҳарфлари билан кўринди.

– Сиз бундан қандай хулоса чиқаришингиз мум-
кин? – деб сўради Холмс.

– Шубҳасизки, бу фабрика эгасининг исми шарифи
бўлса керак, аниқроғи унинг монограммаси¹ ше-
килли.

– Ана, хато қилдингиз! Катта «Г» билан кичкина
«ш» – бу «Геселл-шафт» сўзининг қисқартма кўри-
ниши: немисча сўз, «ширкат» деган маънони англа-
тади. Бу одатий қисқартма сўз бўлиб, худди инглиз-
ларнинг “Ко” белгисига ўхшайди. «П» эса, албатта
«Папиер» демакдир, яъни «қоғоз». Энди «Е» ҳар-
фининг маъзани чақишимиз керак. Қани, чет мам-
лакатларининг жуғрофий маълумотномасини ва-
рақлаб кўрайлик-чи... – у китоб жавонидан сарғиш
муқовали, оғиргина, катта маълумотномани кўлига
олди. – Еглов, Еглунитц... Мана, топдик: Егеристон.
– У ерликлар немисча гаплашишади, Богемида –
Карлсбадга² яқин жой. Валленштейн³ ҳалок бўлган

¹ Монограмма – икки ҳарфли, яъни исм ва фамилиянинг бош
ҳарфларидан иборат расм.

² Карлсбад – Ҳозирги Карлова Вари, Чехиядаги курорт.

³ Валленштейн – XVII асрда яшаб ўтган немис кўмондони.

қадамжо, у ер кўплаб ойна заводларию қоғоз фабрикалари билан донг таратган... Ҳа-ҳа-ҳа, тойчоғим, сиз энди бундан қандай хулоса чиқарасиз? – унинг кўзлари тантанали чақнади, сўнг папиросидан паға-паға кўкимтир тутун буруқситди.

– Қоғоз Богемида тайёрланган, – дедим.

– Худди шундай. Хат ёзган киши эса немис. Сиз дағал жумла тузилганини пайқадингизми: «Кимдан сўраб-суриштирмайлик, сизга ана шундай юксак баҳо беришди». Француз ёки рус бу қадар паришон хат ёзмайди. Фақат немисларгина иш-ҳаракатни ифодаловчи сўзларни шунақа – беписанд оҳангда ишлатаверадилар. Шундай қилиб, энди фақат бир нарсани билишимиз даркор: Богемида тайёрланган қоғозга хат ёзадиган ва асл қиёфасини кўрсатмаслик учун юзига ниқоб тутиб юришни лозим топган бу немисга нима керак? Янглишмасам, ана, ўзи ҳам келиб қолди шекилли. Бизнинг барча гумонларимизни унинг ўзи тарқатиб юборса ажаб эмас.

Биз яқингинадаги йўл четидан эшитилаётган отларнинг дупур-дупурига, арава ғилдиракларининг, ғижирлашига қулоқ солдик. Кўп ўтмай кимдир эшик кўнғроғини зарб билан чалди.

– Товушига қараганда, бир жуфт от кўшилган аравага ўхшайди... – У деразадан пастга мўраллади-да, давом этди: – Ана, айтмадимми, бежиримгина соябонли аравага иккита йўрға кўшилган... ҳар бирининг баҳоси юзу эллик олтин танга туради. Нима бўлганда ҳам пулнинг ҳиди келяпти, Уотсон.

– Холмс, мен сизларни ёлғиз қолдирсам тузук бўлармиди-а?

– Йўқ, йўқ, кетманг! Таржимаи ҳолимни ёзаётган инсон кетиб қолса, қўл-оёғим боғланиб қолади-ку! Сезишимча, қизиқарли ишга ўхшайди. Агар сиз қатнашмасангиз кейин афсус қиласиз.

– Лекин сизнинг мижозингиз...

– Ҳечқиси йўқ, парво қилманг. Менга ҳам, унга ҳам сизнинг ёрдамингиз зарур бўлиб қолиши мумкин... у келяпти. Доктор, мана бу креслога ўтиринг, хаёлларингизни чалғитманг.

Зинапоядан, йўлакдан эшитилган оғир-вазмин қадам товушлари биз ўтирган хона остонасига яқинлашганда тинди-қолди. Кейин эшигимиз қаттиқ-қаттиқ, амирона тақиллатилди.

– Киринг! – деди Холмс.

Хонага бўйи олти қаричу олти дюймдан¹ кам чиқмайдиган, паҳлавон келбат киши кириб келди. У дабдабали кийинган эди, лекин бундай дабдабазлик Англияда рўдаполик ҳисобланарди. Унинг авра-астари қалин пальтосининг енгию олд қисмига қоракўлдан энлик жияк қадалган эди; елкасига ташланган қорамтир-кўкиш плашнинг ҳошиясига шафақ ранг-қизғиш шойи тикилган бўлиб, зарҳал боғич билан бўйнига боғлаб олган эди. Кўнжиси болдирининг ярмигача етган этигининг сиртига қимматбаҳо сарғиш мўйна қопланган – булар унинг бутун қиёфасидан кўриниб турган тўқликка шўхлик аломатларини янада кучайтирарди. У кенг соябонли шляпасини кўлида ушлаб турарди, юзининг юқори қисми қоп-қора ниқоб билан тўсилган эди, ниқоб унинг ёноқларидан пастроққа тушган эди. Афтидан, дубулға пардасини эслатадиган ниқобни у ҳозиргина юзига тутиб олганга ўхшайди. Чунки хонага кирган чоғда ҳам ҳали кўлини пастга тушириб улгурмаган эди. Юзининг қуйи қисмига қараб ҳукм чиқарадиган бўлсак, бу киши кучли ирода кўринарди: қалин, дўрдоқ лаблари ва узун, гирд тушган ияги унинг қатъиятли ҳамда ўжар эканидан далолат бериб турарди.

¹ Дюйм – тахминан 1 метр 90 сантиметрга тўғри келади.

– Сиз менинг хатимни олдингизми? – деб сўради у паст товушда, унинг дағал талаффузидан немис лағжаси яққол сезилиб қоларди. – Мен сизнинг хузурингизга боражагим ҳақида хабар берган эдим. – У гоҳ биримизга, иккинчимизга назар ташларди. Чамаси, у кимга мурожаат этишни билмасди.

– Марҳамат, ўтиринг, – деди Холмс. – Бу киши менинг дўстим, доктор Уотсон. У жуда ҳам меҳрибон, баъзан менинг ишларимга ёрдамлашиб туради. Ким билан гаплашаётганимни билсам бўладими?

– Сиз каминани граф фон Крамм – богемилик аслзода деб ҳисоблашингиз мумкин. Умид қиламанки, мана бу жентльмен, сизнинг дўстингиз, тўла-тўқис ишончли одам бўлса керак – унинг олдида фавқулодда муҳим иш ҳақида гапиришим мумкинми? Агар мумкин аса, мен сиз билан яккама-якка гаплашишни афзал кўрардим.

Мен хонани тарк этиш учун ўрнимдан турдим, лекин Холмс кўлимдан тутиб яна креслога ўтқазиб қўйди.

– Гапингизни ё иккаламизга айтасиз, ёки умуман айтмайсиз. Мен билан юзма-юз қолган пайтда нималарни гапиришингиз мумкин бўлса, бу жентльмен олдида ҳам ўшаларни бемалол айтаверинг.

Граф яғриндор елкаларини қисди.

– Ундай бўлса, аввало, сизлар мен ҳозир айтадиган гапларни икки йилгача сир сақлаймиз деб ваъда беришларингиз керак. Икки йил ўтгандан кейин бу гапларнинг ҳеч қандай аҳамияти қолмайди. Ҳозир эса заррача мубалағасиз айтишим мумкин: бу воқеа шу даражада жиддийки, ҳатто Европанинг тақдирига ҳам таъсир кўрсатиши эҳтимолдан холи эмас.

– Ваъда бераман, – деди Холмс.

– Мен ҳам.

– Юзимга ниқоб тутиб олганим учун маъзур кўрасизлар, – деб сўзида давом этди ғалати меҳмон.
– Менга топшириқ берган шахсинг истаги бўйича, у кафолат берган вакилни сизлар билмаганларинг маъқул. Ростини айтсам, мен у ўзимни таништириш чоғимда айтган унвоним ҳам унчалик тўғри эмас.

– Буни ўзим ҳам пайқадим, – деди Холмс қуруққина оҳангда.

– Вазият бениҳоя қалтис, шу туфайли мислсиз машмаша бошланиб кетмаслиги учун барча чора-тадбирларни кўриш тақозо этилади. Чунки охир-оқибатда Европада ҳукмронлик қилаётган династиялардан биттасининг обрўи тўкилиши мумкин. Очиғини айтганда, бу иш ҳукмрон Ормштейнлар – Богеми қироллари оиласига алоқадор.

– Ўзим ҳам шундай деб ўйлаган эдим, – деб ғулдиради Холмс ва креслога ястаниброқ ўтириб олиб, кўзларини юмди.

Меҳмон очиқ-ойдин ҳайратланганча дангасалиги тутиб, ёнбошлаб олган лоқайд одамга тикилиб қолди: шубҳасизки, бу кишини унга Европадаги изқуварлар орасидаги энг ғайратлиси, зуккоси сифатида таърифлашган эди. Холмс аста кўзларини очди-да, ғўлабирдай мижозига шошмасдан назар солди.

– Агар жаноблари ўз ишлари билан бизни таништирашлар, мен сизга йўл-йўриқ кўрсатишга унчалик қийналмасдим, – деди у.

Меҳмон стулдан сапчиб турди-ю, жазаваси тутиб хонадан уёқдан-буёққа юра бошлади. Кейин юзидаги ниқобини шахд билан сидириб полга улоқтирди.

– Сиз ҳақсиз мен қиролман! – деб ҳитоб қилди у. – Буни яшириб ўтиришимнинг нима кераги бор?

– Дарҳақиқат, нима кераги бор? Жаноби олийлари ҳали гап бошламасдан илгариеқ рўпарамда

Вилгелм Готтсрейх Сигизтунд фон Ормштейн, яъни улуғ княз Кассел-Фелштейгски, яъни Богемининг меросхўр қироли турганларига имон келтирган эдим.

– Лекин биласизми, – деди ғалати меҳмон ва яна жойига ўтирдию оппоқ, кенг пешонасини ишқалаб қўйди, – биласизми, мен бундай ишлар билан шахсан машғул бўлишга одатланмаганман! Шунга қарамай, масала шу даражада қалтиски, мен полицияда хизмат қиладиган жосуслардан бирортасига тақдиримни ишониб топширишни лозим топмадим – чунки мен ишонган айғоқчининг ўзи бошимга чиқиб олиши мумкин. Мен Прагадан атайлаб яширинча келдим, сиздан сўраб келдим.

– Марҳамат, маслаҳат сўрайверинг, – деди Холмс. У яна кўзларини юмиб олди.

– Воқеанинг қисқача мазмуни қуйидагича: бундан беш йилча муқаддам, узоқ вақт Варшавада яшаган пайтимда, ҳаммаёққа донғи кетган Ирэн Адлер деган енгилтак аёл билан танишдим. Ҳеч шубҳасизки, бу исм сизга ҳам таниш бўлса керак?

– Доктор, малол келмаса, менинг рўйхатномамга бир қараб юборсангиз, – деб ғўлдиради Холмс кўзларини очмай.

Бир неча йиллар олдин у одамларга, ҳодисаларга алоқадор фактларни қайд этиб борадиган система жорий қилган эди. Шунинг учун бирор шахс ёки предмет ҳақида дарҳол маълумот бериш унчалик мушкул эди. Мен шу тобда яҳудий руҳонийси билан чуқур сув ҳавзаларида яшайдиган балиқлар ҳақида илмий асар ёзган бир штаб бошлиғининг таржимаи ҳоллари орасидан Ирэн Адлернинг таржимаи ҳолига оид варақларни олдим.

– Кўрсатинг-чи, – деди Холмс. – Ҳм-м. Нью-Жерсида 1858 йили туғилган. Контральто, ҳм-м... Ла Ска-

ла¹, шундай-шундай... Варшавадаги император опера театрида асосий ролларни ижро этган аёл, ҳа-я! Опера сахнасини тарк этган, ўх-хў! Лондонда яшайди... мутлақо тўғри! Жаноби олийлари, каминанинг фаҳмлашича, бу жонон сизни ипсиз боғлаб олган, сиз унга бошқалар олдида обрўйингизни тушириб қўйиши мумкин бўлган хатлар ёзгансиз, энди ўша хатларни қайтариб олмоқчисиз.

– Гапларингиз тўппа-тўғри. Лекин қандай қилай?

– Сиз пинҳоний равишда унга уйланганмисиз?

– Йўқ.

– Ҳеч қандай ҳужжат ёки гувоҳнома ҳам йўқми?

– Йў-ўқ ахир.

– Ундай бўлса, жаноби олийлари, мен сизнинг муддаонгиз нима эканини тушунмадим. Агар ўша жувон сизнинг хатларингиздан товламачилик ёки бошқа мақсадларда фойдаланишни истаса, уларнинг асл нусха эканини қандай қилиб исботлайди?

– Менинг дастхатим таниқли-ку.

– Бекор гап! Қалбаки.

– Хат ёзадиган шахсий қоғозим-чи?

– Ўғирланган.

– Шахсий муҳрим-чи?

– Ясама.

– Фотосуратим-чи?

– Сотиб олинган.

– Лекин биз бирга суратга тушганмиз-ку!

– Ў-ў, шуниси ёмон бўлган экан! Жаноби олийлари ҳақиқатан ҳам жуда катта хатога йўл қўйган эканлар.

– Мен Ирэнни кўрсам – бас, ақлу ҳушимдан айрилиб қолардим.

– Сиз жиддий равишда обрўйингизни тўкиб қўйибсиз.

¹ Ла Скала – Миландаги (Италия) машҳур опера театри.

– Мен у пайтлари бор-йўғи тахт вориси эдим, холос. Ёш эдим. Ҳозир ҳам эндигина ўттизга кирдим.

– Суратни қандай бўлмасин қайтариб олиш зарур.

– Биз ҳаракат қилиб кўрдик, лекин сираям иложи бўлмади.

– Жаноби олийлари чиқимдан қочмаслиги лозим: Суратни сотиб олиш керак.

– Ирэн сотишни истамаяпти.

– Ундай бўлса, ўғирлаш керак.

– Беш марта ўғирлашга уриниб кўрилди. Мен ёлланма қулфбузарларни икки марта ишга солдим, улар унинг уйини ағдар-тўнтар қилиб юборишди. Бир гал, у саёҳатга чиққан пайтда, юклари ҳам бирма-бир тинтув қилинди. Авраб-алдаб уни икки бора тузоққа туширдик. Лекин ҳеч қандай самарага эришганимиз йўқ.

– Ҳеч қандайми?

– Ҳа. Ҳеч қандай. – Холмс кулиб юборди. – Тузуккина жумбоқ экан-ку! – деди у.

– Лекин бу мен учун ҳаёт-мамот масаласи! – деб эътироз билдирди қирол таънаомуз.

– Ҳа, тўғри. Хўш, улар суратни нима қилишмоқчи ўзи?

– Мени хароб қилишади.

– Аммо қай йўсинда?

– Мен яқинда уйланмоқчиман.

– Бу ҳақда эшитдим.

– Клотилда Лотман фон Саксен-Менингенга уйланмоқчиман. Эҳтимол, сиз бу оиланинг қатъий тартиблари мавжуд эканини биларсиз? Клотилда – бу покизалик тимсоли. Менинг ўтмиш ҳаётимга оид озгина гумон туғилса, охири айрилиққа бориб тақалади.

– Ирэн Адлер нима деяпти?

– У, суратни қаллиғингнинг ота-онасига юбораман, деб дағдаға қияпти. Юборишдан ҳам тоймайди, албатта юборади! Сиз уни билмайсиз. У табиатан темирдек мустаҳкам. Ҳа, ҳа, у сиртдан ёқимтой аёлга ўхшайди-ю, лекин юраги тош-метин. Мени бошқа бировга уйлантирмаслик учун кўлидан келадиган ҳамма номаъқулчиликларни қилишга ҳам тайёр.

– У суратни ҳозирча қаллиғингизга жўнатмаганига ишончингиз комилми?

– Ишончим комил.

– Нима учун?

– У суратни мен қаллиғимга расман унаштириладиган кунда жўнатишга сўз берган. Ўша воқеа мана шу келаётган душанба куни рўй беради.

– Ў-ў, ихтиёримизда фақат уч кун муҳлат қолибди-ку! – деди Холмс эснаб. – Шунисига ҳам шукр, чунки мен ҳозир баъзи бир муҳим ишлар билан шуғулланишим лозим. Жаноби олийлари ҳозирча Лондонда қолсалар керак-а?

– Албатта. Сиз мени Лангхем меҳмонхонасидан топишингиз мумкин. У ердан граф фон Крамм исмли зотни сўрайсиз.

– Ундай бўлса, мен сизга хат жўнатаман – ишлар қандай кетаётгани ҳақида хабар қиламан.

– Сиздан ўтиниб-ўтиниб сўрайман. Мен жудаям ҳаяжонланяпман!

– Ҳўш, пул масаласи нима бўлади?

– Ўзингиз биласиз, керагича сарфлайверинг. Сиз кўнглингизнинг кўчасига қараб, эмин-эркин ҳаракат қилишингиз мумкин.

– Бутунлайми?

– Бўлмасам-чи, мен ўша сурат эвазига ўз қироллигим тасарруфидаги ҳар қандай ўлкани инъом этиб юбораман.

– Кундалик харажатлар-чи?

Қирол плашининг қатидан оғиргина ҳамён чиқариб, уни столга ташлади.

– Бу ерда уч юз фунт тилло танга ва етти юз сўм алоҳида маблағ бор, – деди у.

Холмс ён дафтарчасига тилхат ёзди-да, варақни йиртиб қиролга узатди.

– Хонимнинг адресини берасизми? – деб сўради у.

– Брайони-лож, Серпантайн кўчаси, Сент-Жонс-вуд.

Холмс ёзиб олди.

– Яна битта саволим бор, – деди у. – Сураат хонабоп размерда олинганмиди?

– Ҳа, хонабоп.

– Энди хайрли кеч, жаноби олийлари, умид қиламанки, тез орада биз хушxabарнинг шоҳиди бўламиз... Хайрли кеч, Уотсон, – деб қўшиб қўйди у, қирол араваси кўприкни тарақлатиб ўтаётган пайтда. – Марҳамат қилиб, эртага соат учда хузурига ташриф буюрсангиз, мен сиз билан мана шу иш борасида суҳбатлашмоқчиман.

II

Эртаси куни роппа-роса соат учда мен Байкер-стритга бордим, лекин Холмс ҳали қайтмаган экан. Иқтисодчи аёлнинг гапига қараганда, у саккизларда уйдан чиқиб кетган эди. Мен ўчоқ рўпарасига ўтирдим: уни қайтгунча кутишга қарор қилдим. Тергов ишларига ниҳоятда қизиқиб қолдим. Тўғри, бу иш илгари бошқа ўринда ҳикоя қилганим икки мудҳиш жиноят каби ғаройиб ва мавҳум васиятларга эга эмасди. Лекин бу ҳодиса ўзига хос жиҳатлари ва мижознинг юксак мавқеи билан алоҳида ажралиб туради. Майли, дўстим олиб бораётган терговнинг асл моҳиятини бир четга қўйиб турайлик, аммо ва-

зиятни у нечоғли муваффақиятли, моҳирона баҳолай олганига, хулосаларида нечоғли қатъий, рад этиб бўлмас мантиқда амал қилганига тан бермай иложимиз йўқ, ахир! Абжир, мухтасар усуллар ёрдамида энг чалкаш саноатларнинг ҳам авра-астарини ағдариб ташлаётганини кузатиш менга ҳақиқий хузур бағишларди. Мен унинг кетма-кет зафар қозонишига шу даражада кўникиб кетган эдимки, у ҳам инқирозга учраши мумкин эканини хаёлимга сиғдирилмасдим.

Эшик илқис очилиб, чакка соқолли, хурпайган саватсоч, юзлари бўғриққан, одмигина ва бетартиб кийинган ширакайф отбоқар хонага кириб келган пайтда соат тўртларга яқинлашиб қолган эди. Мен дўстимнинг ўз қиёфасини ҳам ўзгартира оладиган беназир қобилият соҳиби эканига илгари сира-сирани кўникма ҳосил қилмаганим учун қаршимда чайқалиб турган кимса ҳақиқатдан-да Холмсми ёки бошқа бировлигини аниқлаш мақсадида унга бошдан-оёқ уч марта синчиклаб разм солишга мажбур бўлдим. У йўл-йўлакай менга бош силкитиб қўйдию индамай ётоқхонасига кириб кетди ва беш дақиқалардан сўнг чиқди: эгнига қора костюм кийиб олибди, кўриниши одатдагидек мулойим эди. Қўлларини чўнтакларига тикқан кўйи оёқларини ловуллаб гулхан ёнаётган ўчоқ томон узатди-да, бир неча дақиқа қиқир-қиқир кулиб ўтирди.

– Мўъжиза! – деб хитоб қилди у, кейин уни йўтал тутди ва яна хахолаб юборди, токи ҳолсизланиб қолгунча кулаверди, охири мажолсизланиб кресло суянчиғига ўзини ташлади.

– Нима гап?

– Кулгили, ҳаддан ташқари кулгили! Ишончим комилки, мен эрталабки вақтимни қандай ўтказ-

ганимни, охири нима қилганимни сиз икки дунёда ҳам ўйлаб тополмайсиз.

– Тасаввур қилолмайман. Менимча, сиз Ирэн Адлернинг одатларини, ёки, эҳтимолки, хонимнинг уйини кузатган бўлсангиз керак.

– Мутлақо тўғри, лекин натижаси мен кутгандан ҳам зиёда бўлди... Яхшиси, бир бошдан гапириб бераман. Соат саккиздан ўтганда мен ишсиз отбоқар қиёфасида уйдан чиқдим. Отга ошно бўлган кишилар ўртасида ўзига хос биродарлик, ғаройибона меҳр-оқибат мавжуд. Ишонмасангиз, отбоқар бўлиб кўринг – бирпасда ўзингизга керакли ҳамма нарсани билиб оласиз. Мен Брайони-ложни ҳеч қийналмасдан топдим. Бу мўъжазгина, муҳташамгина икки қаватли вилла экан; кўча томонда эшиги бор, орқаси чорбоғ. Чорбоғ эшикда отнинг калласидай қулф осифлик. Чап қаноти кенг-мўл меҳмонхона: яхшигина безатилган, деразалари катта-катта – деярли уй баравар келади, эшигига бемаъни инглиз лўкидони қадалган, уни ёш бола ҳам очиши мумкин. Уйнинг кетида диққатга сазовор ҳеч нарса кўринмади, фақат иккинчи қаватдаги айвонга от-арава-лар турадиган бостирманинг томи орқали чиқса бўлар экан. Мен шу бостирманинг тўрт томонини ҳам синчиклаб кўздан кечирдим, лекин эътиборга молик бирон нарсани учратмадим. Мен кўча бўйлаб кетдим ва худди кутганимдай, чорраҳада чорбоғ деворига тақаб сурилган отхонага дуч келдим. Мен отбоқарларга отларни ювиб-тарашда ёрдамлашиб юбордим, бунинг эвазига икки танга пул, бир стакан арақ, икки ўрам тамаки ҳамда Адлер хониму унинг кўни-қўшнилари ҳақида бурнимдан чиққунча маълумотлар олдим. Кўни-қўшнилари мени заррача ҳам қизиқтирмасди, лекин уларнинг таржимаи ҳолларини эшитишга мажбур эдим.

– Сиз Ирэн Адлер ҳақида нималарни билиб олдингиз? – деб сўрадим.

– Асти сўраманг, у шаҳарнинг мана шу қисмида яшайдиган барча эркакларнинг бошини айлан-тириб қўйибди! У ер юзида рўмол ўраб юрадиган аёллар орасида энг зебо санам. Серпантайнлик отбоқарлар бир овоздан шундай дейишяпти. У беозоргина ҳаёт кечиради, баъзан концертларда иштирок этади, ҳар куни соат бешда сайр қилгани отланади ва роппа-роса еттида тушликка етиб келади. Сайр вақтини камдан-кам ҳоллардагина – қўшиқ айтиши лозим бўлган пайтлардагина ўзгартиради, холос. Уни биттаю битта эркак йўқлаб туради – ягона эркак, аммо тез-тез йўқлаб туради. Қорачадан келган, келишган, олифтанамо; ҳар куни унинг хузурига келади, баъзан бир кунда икки марта ташриф буюриши мумкин. Унинг исми шарифи мистер Годфри Нортон, темплик¹. Кўрдингизми, аравакашларнинг ишончини қозониб олсангиз зиён қилмайсиз! Улар ўша эркакни Серпантайн отхонасидан йигирма мартача уйига элтиб қўйишган ва у ҳақида ҳамма маълумотларни билиб олишган. Мен уларнинг гапларини охиригача тингладим-да, яна Брайони-лож атрофида сайр эта бошладим, кейинги қилинадиган ишларнинг режасини туздим. Бу Годфри Нортон, афтидан, ҳамма ишларда асосий вазифани бажараётган шахс шекилли. У ҳуқуқшунос. Бу хунук эшитилади. Хўш, уларни нима боғлаб турибди, қандай сабабга кўра улар тез-тез учрашадилар? Ирэн унга ким бўлади – мижозими? Дўстими? Ўйнашими? Агар Адлер унинг мижози бўлса, равшанки, ўша суратни юз қорачиғидай асраш учун унга бериб қўйгандир. Мабодо ўйнаши бўлса, бермаган бўлиши мумкин.

¹ Темпл – Лондондаги ҳуқуқшуносларнинг маҳкамалари жойлашган қасаба.

Мана шу масалани бир ёқли қилиб олсам, бундан кейин ишни Брайони-ложда давом эттиришим ёки Темплда яшайдиган анави жентльменнинг квартирасига эътиборни қаратишим лозимлиги маълум бўлади. Бу масала хийла қалтис, энди менинг изла-нишларим доираси анча кенгаяди... Уотсон, мана шунақа икир-чикирлар сизнинг жонингизга тегма-са гўргайди деб кўрқаман, лекин сиз вазиятни ба-тафсил билишингиз учун майда-чуйда қийинчили-кларни ҳам очиқ-ойдин айтишим лозим.

– Мен сизнинг ҳикоянгизни диққат билан эшитяпман, – дедим.

– Брайони-ложга бежиримгина соябонли арава келиб тўхтаган пайтда мен ҳамон бу ишни ўзимча тарозига солиб кўриш билан машғул эдим. Арава-дан қандайдир жентльмен сакраб тушди, у ҳавас қиладиган даражада келишган, мўйлови қорача, бургутбурун. Афтидан, бу боя таърифини эшитган-ним кимса эди. Кўринишидан у жуда ҳам шошаётган эди ва ниҳоятда ҳаяжонланарди. У аравакашга кутиб ўтиришни буюрди-да, эшикни очган оқсоч ёнидан чопқиллаб ўтиб кетди, фақат бу уйда ўзини хўжайиндай ҳис этадиган кишигина ана шундай эмин-эркин ҳаракат қилиши мумкин. У ичкарига кирди-ю ярим соатча йўқ бўлиб кетди. Лекин мен меҳмонхона деразасидан унинг хона бўйлаб уёқдан-буёққа юраётганини, бир нималарни қизишиб гапираётганини, кўлларини арра-арра қилаётганини кўриб турардим. Мана, ниҳоят, кўчага чиқди, у янада ташвишлироқ кўринарди. Аравага яқинла-шар экан, чўнтагидан тилла соатини чиқарди-да, унга хавотирланиб назар ташлади. Сўнгра: «Қора қуюндай учиринг! – деб бақирди аравакашга. – Аввал Рижент-стритдаги Гросс ва Хэнк хузурига кириб ўтамиз, кейин Эжвер-роуддаги муққаддас Моника

ибодатхонасига борамиз. Агар манзилга йигирма дақиқа ичида етказиб қўйсангиз, ярим сўлкавой бераман!» Улар шитоб билан кўзғалишди. Мен энди-гина уларнинг орқасидан йўлга тушсаммикан деб ўйлаб турган эдимки, бирдан ўша уй олдига усти очик, мўъжазгина, иккита от қўшилган арава келиб тўхтади. Аравакаш пальтосининг тугмалари ярми қадалмаган эди, бўйинбоғи бадбарак бўлиб бўйнига ўралиб қолибди, отнинг қоринбоғи эса тўқадан чиқиб кетибди. Аравакаш отни тўхтатган заҳотиёқ Ирэн эшикдан отилиб чиқиб, ўзини аравага урди. Мен унинг юзларини аранг кўриб қолдим, лекин шунинг ўзи етарли бўлди: у ниҳоятда ёқимтой аёл экан, бундай офатижон аёлни эркаклар бир марта кўриб қолсалар – бас, кейин бир умр ўша фариштанинг ишқида ўтадилар. «Жон, муқаддас Моника ибодатхонасига ҳайда! – деб қичқирди у. – Агар манзилга йигирма дақиқа ичида етказиб қўйсангиз, ярим сўлкавой бераман!» Бундай қулай вазиятни қўлдан бой бермаслик лозим эди, Уотсон. Мен ҳам яхши бўлар экан деб ўйлай бошладим; орқасидан югурсам тузукми ёки араванинг шотисига осилиб олсам дурустми? Шу пайт бирдан кўчада бир отли извош кўриниб қолди. Аравакаш мендай бадбашара йўловчига икки марта ҳайратланиб қараб қўйди, лекин мен у эътироз билдиргунча ўриндиққа ўрнашиб қолдим. «Муқаддас Моника ибодатхонасига ҳайданг! – дедим. – Агар манзилга йигирма дақиқа ичида етказиб қўйсангиз, ярим сўлкавой бераман!» Соат йигирма беш дақиқаи кам ўн икки эди. Албатта, гап нимада эканини англаб олиш унчалик мушкул эмасди. Менинг извошчим отни қандай учириб кетди. Мен умрим бино қадар катта тезликда юрганганимни сира эслай олмадим. Бирпасдан кейин извош ҳам, бир жуфт от қўшилган арава ҳам ибодатхона

остонасида турарди. Извошчи билан ҳисоб-китоб қилдим-да, зинапояга югуриб чиқдим. Ибодатхонада мен ҳозиргина орқаларидан қувиб келган кимсалардан бошқа бирор жонзот йўқ эди. Айтмоқчи, яна руҳоний бор эди, афтидан, уларга таънаомуз мурожаат қиларди. Учаласи ҳам меҳроб қаршисида туришарди. Мен ён томондаги қўшимча меҳроб атрофида худди бу ерга тасодифан кириб келган йўловчидай бепарволик билан айланиб юра бошладим. Кутилмаганда, мени ҳайратга солиб, учаласи мен томонга ўгирилишди ва Годфри Нортон менга қараб югурди.

«Худога шукр! – деб қичқирди у. – Бизга айнан сиз керак эдингиз. Юринг, кетдик! Юринг!»

«Нима гап ўзи?» – деб сўрадим.

«Юринг, юра қолинг энди, туришингиздан яхши одамга ўхшайсиз-ку, фақат уч дақиқага, холос!»

Мени меҳроб қаршисига деярли судраб олиб боришди ва ҳали ақл-хушимни йиғиб олмасимдан, кулоғимга пичирлаб туришган аллақандай гапларни такрорлай бошладим: ўзим мутлақо билмайдиган кимсалар номидан қасам ичдим, хуллас, келинчак Ирэн Адлер билан куёв Годфри Нортоннинг никоҳдан ўтишларига ёрдам бердим. Буларнинг ҳаммаси бир дақиқада рўй берди: мана, бир томондан жентльмен, иккинчи томондан леди менга ташаккур изҳор эта бошладилар, руҳоний бўлса ўзида йўқ хурсанд – нуқул жилмаяди, холос. Мен эсимни таниганимдан бери бунақа бемаъни ҳолатга тушиб қолмаган эдим. Мана энди ўша ҳолатни эсласам кулгим қистаяпти. Назаримда, келин-куёвлар қандайдир расм-русумларни адо этишмаган шекилли, шунинг учун агар битта гувоҳ бўлмаса, руҳоний никоҳ маросими ўтказишдан бутунлай бош тортаётган эди. Менинг ибодатхонада пайдо бўлиб қолишим куёв-

ни гувоҳ қидириб кўчага қараб югуриш ташвишидан фориғ этди. Келинчак менга бир сўлкавой берди, мен буни ўз саргузаштимдан хотира сифатида соатимнинг занжирига осиб юраман.

– Иш чаппасига кетибди-ку, – дедим мен. – Энди нима бўлади?

– Албатта, мен режаларим хавф остида қолаётганини дарҳол англадим. Афтидан, иш куёв-қаллиқ билан саёҳатга чиқишмоқчи эди, шунинг учун дарҳол, қатъий ҳаракат қилишим лозим эди. Бироқ, улар ибодатхона остонасида ажралишди: йигит Темплга қараб, келинчак ўз уйи томонга жўнади. «Мен одатдагидек соат бешда бомдодда сайр қилгани чиқаман», деди Ирэн хайрлашаётиб. Мен шундан бошқа ҳеч нарса қилмадим, мен ҳам изимга қайтдим. Энди олдиндан ҳозирлаб қўйилган ишга қўл урмоқчиман.

– Қилинадиган иш нимадан иборат?

– Оз-моз совутилган гўшт ва бир стакан пиво, – деб жавоб берди Холмс ва кўнғироқ ипини тортди. – Мен ниҳоятда банд эдим, ҳатто овқатланиш ҳам эсимдан чиқиб қолибди. Эҳтимол, бугун кечаси ташвишларим яна ҳам кўпайиб кетса ажаб эмас. Айтмоқчи, доктор, менга ёрдамлашиб юборсангиз ёмон бўлмасди.

– Жоним билан.

– Ишқилиб, сиз қонунбузарликдан қўрқмайсизми?

– Зиғирчаям қўрқмайман.

– Қамоққа тушиб қолишдан ҳам ҳайиқмайсизми?

– Хайрли иш учун бунгаям тайёрман.

– Ў-ў, хайрли бўлганда қандоқ!

– Ундай бўлса, мен хизматингизга мунтазирман.

– Сизга ишонишим мумкин эканини билардим.

– Лекин сизнинг асл ниятингиз нима ўзи?

– Ҳозир миссис Тернер овқатни олиб келсин, кейин ҳаммасини тушунтириб бераман... Мана ҳозир, – деди у бизнинг иқтисодчимиз тайёрлаб берган камтарона овқатни иштаҳа билан тановул қилар экан, – мен овқат маҳали сиз билан иш хусусида гаплашишга мажбурман, чунки ихтиёримда жуда ҳам кам вақт қолди. Шу тобда озгинаси кам беш бўлди. Икки соатдан кейин биз ўша жойда ҳозир у нозир бўлишимиз лозим. Ирэн хоним боғ сайридан еттида қайтиб келади. Биз уни кутиб олиш учун Брайони-ложга боришимиз керак.

– Кейин нима қиламиз?

– У ёғини менга қўйиб бераверинг. Кейин бўладиган ишларнинг ғамини еб қўйганман. Мен сиздан фақат бир нарса талаб қиламан; ҳар қандай воқеа рўй берса ҳам сиз аралашмайсиз. Тушундингизми?

– Мен холис бўлишим керакми?

– Худди шундай. Ҳеч нарса қилмаслигингиз лозим. Сезишимча, арзимас кўнгилсизлик рўй бериши мумкин, лекин аралашмайсиз. Охири мени уйга олиб кириб кетишади. Орадан беш-олти дақиқа ўтгач, меҳмонхонанинг деразаси очилади. Сиз ана ўша очилган деразага яқинроқ жойда туришингиз даркор.

– Яхши.

– Мен кўлимни мана бундай тарзда юқорига кўтарган пайтим, сизга олдиндан бериб қўйган нарсани хонага ирғитиб юборасиз-да, айнаи замонда: «Ёнғин!» – деб қичқириб соласиз. Гапимни тушундингизми?

– Тушундим.

– Бунда хавфли ҳеч нарса йўқ, – деди у чўнтагидан йўғон сигарета шаклидаги ўрамни олар экан. – Бу одатдаги тутантириқ ракета: икки томонида

мурвати бор – ўз-ўзидан аланга олиб кетиши учун мўлжалланган. Сиз қиладиган ҳамма иш шундан иборат. “Ёнғин!” – деб қичқиришингиз биланоқ ортингиздан чиққан сўзни оломон бирваракайига такрорлай бошлайди. Шундан кейин бамайлихотир кўча адоғига бориб турасиз, мен бир оздан сўнг сизга етиб оламан. Умид қиламанки, ҳамма гапимни тушундингиз-а?

– Мен деразага яқинроқ жойга бориб, ҳеч бир ишга аралашмай туришим лозим. Сизнинг ишорангизни кутаман ва ўша нимарсани зудлик билан деразага қаратиб ирғитаман, айнаи замонда ёнғин чиққани ҳақида шовқин кўтараман, кейин кўчанинг бурилишида сизни пойлаб тураман.

– Мутлақо тўғри.

– Менга ишонишингиз мумкин.

– Жуда соз. Энди мен бугун ўйлашим лозим бўлган янги ўйинга ҳозирлик кўраман.

У меҳмонхонага кириб кетди ва бир неча сониялардан кейин мулойим, содда руҳоний қиёфасида пайдо бўлди. Унинг кенг соябонли қора шляпаси, шалвираган шими, оппоқ бўйинбоғи, жозибалилигини ва умуман қиёфасидан балқиб турган меҳрибон бир ажойибот таърифга сиғмасди. Гап фақат Холмс костюмини алмаштирганида эмас. У ҳар сафар янги вазифани бажараётган пайтда юзларидаги ифодаю хулқ-атворини, ҳатто ички оламини ҳам ўзгартиргандай туюларди. Театр санъати Холмс тимсолида буюк бир актёрдан маҳрум бўлди, илм олами эса – синчков донишмандни йўқотди: у жинойтларни текширадиган мутахассис касбини танлади.

Олтидан ўн беш дақиқа ўтганда биз уйдан чиқдик, кўзланган манзилга борган пайтимизда ўн беш дақиқа бўлган эди. Қоронғи туша бошлади, кўчада фонарлар ёқилди, биз Брайон-лож ёнида сайр этиш

билан машғул бўлдик; уй соҳибларининг қайтишига маҳтал бўлиб турдик. Уй Шерлок Холмснинг қисқача таърифидан кейин қандай тасаввур этган бўлсам – худди шундай эди, лекин бу жойлар мен кутгандан кўра гавжумроқ экан. Аксинча, шаҳар чеккасидаги бу торгина, тинчгина кўчада оломон қайнаб ётарди. Бир бурчакда қандайдир қаланғи-қасанғилар сигарета чекишиб, ҳиринглашиб туришарди, буталарнинг ёнига пичоқ чархлайдиган косиб чархини кўйиб кўйган эди, икки аскар эса хизматкор аёлга гап отиш билан овора эдилар, оғзига сигарета қистириб олишган бир нечта олифта йигитчалар кўча бўйлаб саланглаб юришарди.

– Кўрдингизми, тўй ҳашамлари ишимизни хийла енгиллаштиради, – деди Холмс уй ёнидан ўтаётган чоғимиз. – Энди сурат икки юзи чархланган қуролга айланиб қолади. Эҳтимол, Ирэн суратини мистер Годфри Нортон кўриб қолишини хоҳламас, айти пайтда бизнинг мижозимиз ҳам ўша суратга қиролличанинг назари тушиб қолишини асло истамайди. Энди ҳамма гап биз суратни қаердан топишимизда қолди, холос.

– Дарҳақиқат, қаердан топамиз?

– Албатта, Ирэн уни доимо ўз ёнида олиб юришига ишониб бўлмайди. Хонага осиб кўйишга мўлжалланган суратни аёлларнинг кўйлаги остига яшириб кўйиш амримаҳол. Ирэн биладики, қирол уни бир четга алдаб-сулдаб чақириб туриб тинтув ўтқазишдан ҳам тоймайди. Шу мақсадда икки марта уриниш ҳам содир бўлган. Демак, биз кўнглимизни тўқ қилишимиз мумкин: у суратни ёнида олиб юрмайди.

– Бўлмасам, қаерда сақлайди?

– Ўзининг банкчисига ёки адвокатига бериб кўйган бўлиши мумкин, ё унисада ёки бунисада, лекин қайси биттасида эканини аниқ айтолмайман.

Аёллар табиатан хуфия ишларга мойил бўлишадди ва изларини сирли тилсимларга чулғаб юришни яхши кўришади. Нега энди у ўз тилсимидан бошқа бировни хабардор қилиб қўйиши лозим экан? У ўзига ишонган ҳолда ҳар қандай буюмни сақлаши мумкин. Лекин сирдан воқиф қилинган ишбилармон киши сиёсий ёки бошқа бир тазйиққа дош бера олишига у тўла-тўқис ишониши даргумон. Бундан ташқари, эсингизда бўлса, у тез кунларда суратни ҳаракатга келтиришга аҳд қилган.

Шунинг учун уни истаган пайтда кўлини узатса етадиган жойда сақлайди. Сурат унинг ўз уйида бўлиши керак.

– Лекин қулфбузарлар уйни икки марта ағдар-тўнтар қилиб ташлашган-ку.

– Сафсата! Улар қандай йўсинда излаш лозимлигини билишмаган.

– Сиз қай тарзда излайсиз?

– Мен излайман.

– Ҳеч жаҳонда изламай ҳам топиб бўларканми?

– Мен шундай қиламанки, Ирэннинг ўзи уни менга кўрсатади.

– У бари бир кўрсатмайди.

– Ҳамма гап шундаки, кўрсатмасдан иложи қолмайди... Шошманг, ғилдирак товуши қулоғимга чалиняпти. Бу унинг араваси. Энди менинг кўрсатмаларимни пишиқ-пукта бажарсангиз – бас.

Шу пайт кўча бурилишида соябонли араванинг ён томонидаги фонарлари кўринди ва ҳадемай бежирим арава Брайони-лож остонасига келиб тўхтади. Арава тўхтаган заҳотиёқ бурчакда турган саёқлардан бирови фэйтон эшикчасини очиш ва бунинг эвазига сариқ чақа ишлаб олиш илинжида югуриб келди, лекин уни худди шу ниятда чопқиллаб келаётган бошқа бир саёқ итариб юборди. Улар

шафқатсизларча муштлашиб кетишди. Саёқлардан биттасининг ёнини олган икки аскар билан бошқа саёқни ҳимоя қила бошлаган чархчи гулханга гўё мой сепиб юборишди. Файтондан тушган хоним бир зумдаёқ юмалашиб ётган, бир-бирларига аёвсиз мушт тушираётган, бир-бирларини калтаклар билан савалаётган оломон орасига кириб қолди. Холмс хонимни ҳимоя қилиш учун ўзини тўс-тўполонга урди. Бироқ, у аёлга яқинлашган пайт бирдан қичқириб юборди. Юзлари қип-қизил қонга бўялганча гурс этиб йиқилди. У йиқилиши билан аскарлар – бир томонга, қаланғи-қасанғилар бошқа томонга тумтарақай бўлиб қочишди. Ур-йиқитда иштирок этмаган бир нечта кишилар хоним билан ярадорга ёрдам кўрсатиш учун шошилишди. Ирэн Адлер (мен уни ҳамон эски номи билан атайман) зинапояга югуриб чиқди-да, унинг юқорисидаги майдончада тўхтаб, кўчани кўздан кечира бошлади; унинг офатижон қадди-қомати меҳмонхонадан тушаётган шуълада яққол кўзга ташланиб турарди.

– Шўрлик жентльмен оғир яраланибдими? – деб сўради у.

– У ўлиб қолибди, – деб жавоб қайтаришди бир неча киши.

– Йўқ, хайрият, у ҳали тирик экан! – деб қичқирди кимдир. – Лекин уни касалхонага олиб боргунингизча – йўлдаёқ жон таслим қилади.

– Кўрқмас инсон экан! – деди қандайдир аёл. – Агар у бўлмаганда анавилар хонимнинг ҳамёнини ҳам, соатини ҳам тортиб олишарди. Уларни бутун бошли шайкаси бор, жуда хавфли. Вой, у нафас ола бошлади!

– Уни кўчада қолдириб бўлмайди... Хоним, уни уйингизга олиб киришимизга рухсат берасизми?

– Албатта! Меҳмонхонага олиб киринглар. У ерда диван бор. Марҳамат, бу ёққа!

Холмсни кўлларида намоишкорона кўтаришганча аста-секин Брайони-ложга олиб киришди-да, меҳмонхонага ётқизиб кўйишди. Мен эсам деразага яқинроқ жойда бўлаётган воқеаларни зимдан кузата бошладим. Лампалар ёқиб кўйилган эди; дераза пардалари туширилмагани учун мен диванда ётган Холмсни яққол кўриб турардим. Найрангбозлик қилаётгани сабабли унинг виждони қийналармиди ёки йўқми, билмадим-у, лекин мен бу ёқимтой аёлни ярадор теварагида гиргиттон бўлаётганини кўриб турган дамларимда ўзимдан ўзим шу қадар уялиб кетдимки, қани энди шу тобда ер ёрилсаю ернинг остига кириб кетсам! Шунга қарамай, мен Холмснинг топшириғини бажармасам ҳам виждонимга хиёнат қилган бўлардим. Юрагим увишиб, пальтомнинг остидан тутатқи ракетани чиқардим. «Охир-оқибатда биз унга ҳеч қандай зиён етказмайпмиз-ку, фақат уни бошқа бир одамга зиён етказишига халақит бераяпмиз, холос», деб ўзимга таскин бердим.

Холмс астагина дивандан кўзғалди ва кўрдимки, у худди нафаси бўғаётган киши сингари мажолсизгина қадам ташлаяпти. Хизматкор аёл дераза ёнига югуриб келди-да, уни очиб юборди. Айни шу чоқ Холмс кўлини юқори кўтарди; мен мана шу ишорага биноан ракетани хонага қаратиб ирғитдим: «Ёнғин!» – деб қичқирдим. Бирпасда хонани куюқ тутун қоплади ва очиқ деразадан ташқарига ўрлай бошлади. Мен одамларнинг меҳмонхонада елиб-югураётганини кўриб қолдим; бир оздан сўнг бу ёлғондакам ваҳима эканига кимларнидир ишонтирмоқчи бўлаётган Холмснинг гап-сўзлари қулоғимга чалинди.

Мен оломон орасидан ёриб ўтдим-да, кўчанинг бурилиш жойига бориб олдим. Бахтимга, ўн дақиқа-

дан кейин Холмс мени қувиб етди ва аста кўлтиғимдан кўлини ўтказди: биз шиддатли воқеалар рўй бераётган масканни тарк этдик. Бир қанча пайт у жадаллаб юрди ва Эжверродга олиб чиқадиган сокин кўчага бурилгунимизга қадар лом-мим демади.

– Доктор, сиз ҳамма ишни жуда абжирлик билан адо этдингиз, – деб таъкидлади Холмс. – Қойил қилдингиз. Ҳаммаси жойида.

– Суратни кўлга киритдингизми?

– Мен уни қаерга яширилганини билиб олдим.

– Қандай қилиб?

– Аввал каромат қилганимдай, уни менга Ирэннинг ўзи кўрсатди.

– Мен барибир ҳеч нарсага тушунмаяпман.

– Мен эсам, бор гапни айтяпман, – деди у кулиб. – Ҳаммаси оддийгина рўй берди. Ҳойнаҳой сиз фаҳмлаган бўлсангиз керак – кўчадаги барча бекорчиҳўжалар менинг ҳамтовоқларим эди. Мен уларни ёллаб кўйган эдим.

– Ўзим ҳам шундай бўлса керак деб ўйловдим.

– Менинг кўлимда оз-моз қизил бўёқ бор эди. Урйиқит бошланган чоқда мен олға ташландим, йиқилиб тушдим, кўлимни юзимга суртдим ва қонга бўялган ҳолда гавдаландим... Эски усул.

– Буни ўзим ҳам пайқаган эдим...

– Улар мени уйга олиб киришди. Ирэн Адлер каминани қабул қилишга мажбур бўлди. Бошқа иложи ҳам йўқ эди-да. Мен меҳмонхонада пайдо бўлиб қолдим, аслида, ҳамма гумоним ана шу хонада эди. Сурат шу яқин орада бўлиши керак: ё меҳмонхонада ёки ётоқхонада. Мен айнан қаерда эканини аниқлашга қатъий қарор қилдим. Мени юмшоқ ўринга ётқизиб кўйишди, мен бўлсам худди нафасим қисаётгандай хунар кўрсата бошладим. Улар деразани ланг очиб кўйишга мажбур бўлишди; сиз бўлсангиз ўз ишин-

гизни бажариш учун қулай имкониятга эга бўлдингиз.

– Хўш, бунинг эвазига сиз нимага эришдингиз?

– Кўп нарсага. Аёл зоти уйдан ёнғин чиққанини ўйласа, у беихтиёр ўзи учун энг азиз нарсани сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Бу энг кучли ички туртки; мен ундан бир неча марта фойдаланганман. Дорлингтон машмашаси чоғида ҳамда Арнсвор саройи билан боғлиқ ишларда ҳам шу усулни қўллаганман. Эрга теккан жувон – боласини, эрсиз қизлар эса қимматбаҳо тақинчоқлари солинган қутичани асрайдилар. Энди мен аниқ биламанки, бизнинг хоним учун уйида биз излаётган нарсадан бошқа қимматлироқ ҳеч вақо йўқ. У айнан ўша нарсани асраб қолиш учун жон ҳалпида ташланди. Ёнғин ваҳимаси жуда уддабуронлик билан уюштирилди. Темир асабларни титратишга тутун билан бақир-чақирлар кифоя қилди. Ирэн худди мен кутганимдай талвасага тушиб қолди. Сурат кўнғироқнинг боғичи тепасидаги нари-бери суриладиган тахта ортида – махфий жойда сақланар экан. Ирэн бир зумдаёқ ўша ерда пайдо бўлиб қолди: ҳатто суратнинг ярмини ташқарига чиқаришга ҳам улгурди, мен унинг бир четини кўрдим. Фақат бу ёлғондакам ваҳима, деганимдан кейингина Ирэн суратни қайтариб жойига тиқиб қўйди, ракетага кўз қирини ташлади-да, хонадан югуриб чиқиб кетди, шундан сўнг мен уни кўрмадим. Мен ўрнимдан турдим узра сўраб, уйдан жуфтани ростладим. Суратни дарҳол олмоқчи эдим, лекин хонага аравакаш кириб келиб, мени синчиклаб кузата бошлади. Шундай қилиб, ниятимни ҳозир амалга оширолмаслигимни англадим – буни кейинги сафарга қолдирдим. Шошқалоқлик панд бериб қўйиши мумкин.

– Энди нима бўлади? – деб сўрадим.

– Сирасини айтганда, бизнинг қидирув ишларимиз тугалланди. Эртага биз – қирол иккаламиз Ирэн Адлер ҳузурига борамиз. Агар бизга ҳамроҳ бўлишни истасангиз, сиз ҳам юринг. Бизга, меҳмонхонада кутиб турунглари, дейишади, лекин меҳмонларнинг истиқболига чиққан хоним на бизни, на суратни топа олмаса ажаб эмас. Балки, уни яширинган жойидан ўз қўллари билан суғуриб олиш жаноби олийларига кўнгилли туюлар.

– Сизлар у ёққа қачон жўнайсизлар?

– Эрталаб соат саккизда. Хоним ҳали иссиқ ўринда чўзилиб ётган бўлади – биз бемалол ҳаракат қилишимиз мумкин. Бундан ташқари, жадал суръатда ишни битиришимиз лозим, чунки кечаги никоҳ унинг турмуш тарзини, одатларини тубдан ўзгартириб юбориши эҳтимолдан холи эмас. Мен ҳозир қиролга зудлик билан телеграмма жўнатишим керак.

Биз Бейкер-стритгача гаплашиб бордик-да, уйимиз остонасига етганда тўхтадик. Холмс чўнтақларини пайпаслаб калитни қидира бошлади. Шу пайт қандайдир йўловчи:

– Хайрли кеч, мистер Шерлок Холмс! – деди. Йўлкада бир неча киши уймалашиб туришарди, аммо биз билан саломлашган кимса, афтидан, ёнимиздан ўтиб кетаётган узун пальтоли, келишган йигитча эди.

– Мен қаердадир бу товушни аввал ҳам эшитганман, – деди Холмс, ғира-шира ёритилган кўчага назар ташлар экан. – Лекин унинг кимлигини сира эслолмаяпман, жин урсин!

III

Мен шу кеча Бейкер-стритда ётиб қолдим. Эрталаб хонага Богеми қироли шитоб билан кириб кел-

ган чокда биз қаҳвага қотган нон ботириб еб ўтирган эдик.

– Сиз ҳақиқатдан ҳам суратни қўлга киритдингизми? – деб хитоб қилди у Шерлок Холмснинг елкаларидан кучиб. Сўнг қувонч билан юзларига тикилди.

– Ҳозирча қўлга киритганим йўқ.

– Лекин сиз уни қўлга киритишдан умидвормисиз?

– Умидворман.

– Ундай бўлса, кетдик! Мен энди ортиқ кутолмайман, ёниб кетяпман!

– Бизга файтон керак.

– Менинг файтоним кўчада турибди.

– Бу ишимизни анча енгиллаштиради.

Биз пастга тушдик-да, яна Брайони-лож томон жўнадик.

– Ирэн Адлер турмушга чиқди, – деди Холмс.

– Турмушга чиқди? Қачон?

– Кеча.

– Кимга тегди?

– Инглиз адвокатига, унинг номи Нортон.

– Лекин, албатта, Ирэн уни яхши кўрмаса керак-а?

– Умид қиламанки, яхши кўради.

– Сиз нега умид қиляпсиз?

– Негаки, жаноби олийлари, бу ҳол сизни келажакдаги барча кўнгилсизликлардан асрайди. Агарда хоним ўз эрини яхши кўрса, демак у жаноби олийларини яхши кўрмайди, шундан кейин унда жаноби олийларининг режаларига халақит беришга арзигулик ҳеч қандай асос қолмайди.

– Тўғри, тўғрику-я. Шундай бўлса ҳам... Эҳ, мен уни менга муносиб асилзода оиладан бўлишини жуда-жуда истардим! У беназир қиролича бўларди!

У маъюс тортиб қолди, то Серпантайн кўчасига кириб боргунимизча миқ этмади.

Брайони-лож вилласининг эшиклари очик экан, зинапояда кексароқ бир аёл турарди. Файтондан тушаётган пайтимизда у бизга худди мазахлаётгандай тикилиб қолди.

– Мистер Шерлок Холмсмисиз? – деб сўради у.

– Ҳа, мен Шерлок Холмсман, – деб жавоб берди дўстим унга ҳайратланиб қараганча.

– Ана, ўзи экан! Менинг бекам, ҳойнаҳой, сизнинг келишингизни билгандай каминани огоҳлантириб қўйган эди. У бугун эрталаб, соат бешдан ўн беш дақиқа ўтганда, эри билан биргаликда Черинг-крос вокзалидан қитъага жўнаб кетди.

– Нима?! – Шерлок Холмс довдираб орқасига чекинди. Кутилмаган зарбадан унинг ранги ўчиб кетди, дили сиёҳ бўлди. – Сиз уни Англиядан чиқиб кетди демоқчимисиз?

– Ҳа. Бутунлай.

– Қоғозлар-чи? – деб сўради қирол ҳирқираб. – Ҳаммаси барбод бўлди-ку!

– Кўрамиз! – Холмс хизматкор аёл ёнидан жадал юриб ўтди-да, меҳмонхонага ўзини урди.

Қирол иккаламиз унинг орқасидан кирдик. Хонадаги барча мебеллар тартибсиз равишда у ёқдан бу ёққа сурилган эди, тахта токчалар бўм-бўш, ғаладонлар очилиб ётибди – равшанки, бека қочиб кетишдан аввал ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилиб юборган эди.

Холмс қўнғироқ боғичига ёпишди, деворга қалган кичкина тахтани ўрнидан сурди ва махфий ковакка қўлини тикди-да, у ердан сурат билан битта хатни суғуриб олди. Бу Ирэн Адлернинг тунги қўйлакда тушган сурати эди. Хатнинг устига эса: «Мистер Шерлок Холмсга. У келган пайтда қўлига топширилсин», деб ёзилган эди.

Дўстим дарҳол конвертни йиртди ва биз уч киши-лашиб хатни ўқий бошладик. Хатга ўтган кечанинг числоси кўйилган бўлиб унда куйидагилар ёзилган эди:

«Қадрдоним мистер Шерлок Холмс, сиз ҳақиқатан ҳам ажойиб томоша кўрсатдингиз. Дастлабки пайтлари мен сизга чиппа-чин ишонган эдим. Ёнғин васвасасига қадар менда ҳеч қандай шубҳа уйғонмади. Лекин кейин, яъни ўз сирымни фош этиб кўйган пайтимда фикр-мулоҳаза юритишдан бошқа иложим қолмади. Бир неча ой муқаддам, агар қирол жосуслар хизматидан фойдаланишга аҳд қилса, у албатта сизга мурожаат этажаги ҳақида мени огоҳлантиришган эди. Менга адресингизни беришди. Шунга қарамай, сиз мендан ўзингиз билишни истаган сирни билиб олдингиз. Мен қанчалик бадгумон бўлишимдан қатъи назар, мушфиқ, меҳрибон, мўйсафид руҳоний хусусида ёмон фикрларга боришни ўзимга эп кўрмадим... Бироқ, ўзингиз ҳам биласизки, мен ҳам актриса бўлганман. Эркакларнинг костюмини кийиб саҳнага чиқиш мен учун янгилик эмас. Мен тез-тез эркакларнинг уст-бошидан фойдаланиб тураман, эркакча кийиниб олсам, ўзимни эмин-эркин ҳис этаман. Мен аравакаш Жонни сизни назорат қилиб туриш учун юбордим-да, ўзим юқорига чопиб чиқиб сайрбоп эркакча уст-бошимни кийиб пастга тушдим. Сиз айнаи ўша пайтда кўчага чиқиб кетаётган экансиз. Сизнинг изингиздан остонангизгача кузатиб бордим ва менга ҳақиқатдан ҳам машҳур Шерлок Холмс қизиқиб қолганига ишонч ҳосил қилдим. Сўнгра хийла эҳтиётсизлик билан сизга хайрли кеч тиладиму Темплга, эримнинг ҳузурига жўнадик.

Бизни шунчалик қудратли рақиб таъқиб этаётган бўлса, қутулмоқнинг энг яхши йўли – қочмоқликдир деган қарорга келдик. Ана энди сиз эртага

қадам ранжида қиласизу, бўм-бўш уйга дуч келасиз. Сурат хусусида сизнинг миждозингиз хотирини жам қилсин; мен ундан ҳам афзалроқ бўлган инсонни яхши кўраман. Ўша инсон мени ҳам яхши кўради. Қирол ўзининг ғамини еб нимаки қилмоқчи бўлса, ҳаммасини қилаверсин: бир пайтлар хўб ёмонлик қилган кишидан асло хавфсирамасин. Фақат ўзимнинг хавфсизлигим учун, кўлимда қалқоним қолиши учун, келажакда қирол томонидан уюштириладиган ҳар қандай тажовузлардан ўзимни асрашим учун мен бу суратни сақлаб кўяман. Мен бу ерда бошқасини қолдиряпман. Эҳтимол, шуни у асраб кўйса кўнгли ором олар. Қадрдоним мистер Шерлок Холмс, мен ҳамиша сизга содиқ бўлиб қоламан, деб Ирэн Адлер, туғуруқ фамилиям Адлер».

– Ў, қанақа аёл-а, қанақа аёл! – деб хитоб қилди Богеми қироли, уч кишилашиб хатни ўқиб чиқишимиз биланоқ. – Мен сизга у бениҳоя топқир, ақлли, эҳтиёткор демаганмидим? Ахир у қойилмақом қиролича бўлмасмиди? Эҳ, агар унинг мартабаси менга лойиқ бўлганда борми...

– Мен бу хонимни яқиндан билганимдан сўнг англадимки, ораларингда ҳақиқатдан ҳам жуда катта тафовут бор экан, – деди Холмс совуқ оҳангда. – Афсуски, жаноби олийлари топшириқларини муваффақиятли якунлай олмадим.

– Аксинча, қадрли сэр! – деб хитоб қилди қирол. – Бундан аълороқ бўлиши мумкин эмас. Мен билманки, у қиз доимо сўзининг устидан чиқади. Энди суратнинг менга зиёни тегмайди – гўё ёқиб юборилгандай.

– Мен жаноби олийларидан бундай гапларни эшитаётганимдан хурсандман.

– Мен эсам, сиздан қарздорман. Марҳамат, айтинг, сизни қандай тақдирласам бўлади? Мана бу узукни...

У бармоғидаги зумрад кўзли узукни ечди-да, уни Холмснинг кафтига қўйди.

– Жаноби олийларида мен учун бундан ҳам қимматлироқ бойлик бор, – деди Холмс.

– Сиз фақат айтсангиз кифоя.

– Бу – сурат.

Қирол унга ҳайратланиб назар ташлади.

– Ирэнникими?! – деб сўради у тўлқинланиб. – Марҳамат, агар у сизга керак бўлса – олинг, буюрсин!

– Миннатдорман, жаноби олийлари. Мана энди орамиз очик, бир-биримиздан қарзимиз қолмади. Мен сизга яхши кунлар тилайман.

Холмс таъзим бажо келтирди-да, қиролнинг унга узатилган қўлини сиқмасдан – унга эътибор бермасдан мен билан бирга уйига жўнади.

Богеми қироллигида мисли кўрилмаган маш-маша бошланиб кетаёзгани, мистер Шерлок Холмснинг устамонлик билан тузилган режалари аёл зотининг ақл-заковати туфайли чиппакка чиқарилгани ҳақидаги ҳикоя ана шундан иборат. Холмс доимо аёлларни «сочи узун – ақли калта» деб масхаралаб юрарди, кейинги пайтлари мен ундан бундай таҳқиромуз сўзларни эшитмай қўйдим. У қачон Ирэн Адлер хусусида гап бошласа ёки унинг суратини эслаб қолса, албатта: «Бу Аёл», деб қўяди тантанали оҳангда. Бу ибора Холмс талаффузида гўё ун-вон мисоли жарангдор эшитилади.

Набижон Боқий таржимаси

ЛАБИ ТИРТИҚ ОДАМ

Айза Уитни афюн чекишга ўрганиб қолди. У коллеждалигидаёқ де Куинсининг¹ афюн чекувчи одамнинг тушлари ва ҳисларини тасвир қилувчи китобини ўқиб, ўша ёзувчи бошидан кечирган ҳодисаларни кечириш учун тамакисига афюн аралаштириб чека бошлаган эди. Кўплар қатори у ҳам чекишга ўрганиш ташлашдан кўра қийинроқ эканини тез орада пайқади. Узоқ йиллар чекиб юраркан, унга ҳамма дўстлари ачиниб, ваҳимлари келди. Унинг сарғиш, салқиган юзи, қорачиқлари кичрайган кўзлари, осилган қовоқлари, креслода ётган ожиз гавдаси, хуллас, адоий тамом бўлган одам ҳамон кўз ўнгимда турибди.

1889 йилнинг июнида бир куни кечқурун айни одамни эсноқ босиб ўқтин-ўқтин соатга қарай бошлайдиган вақтда квартирамнинг қўнғироғи чалиниб қолди. Мен креслодан қаддимни кўтардим, хотиним эса тикаётган ишини тиззасига қўйиб, норозилик билан ижирғанди.

– Бирор мижоз келди! – деди у. – Касал кўргани борадиган бўлдинг-да яна.

Мен хўрсиниб қўйдим, чунки кун-узун кун оғир ишдан ҳориб-чарчаб яқингинада келган эдим уйга.

Биз эшик очилиб, йўлакдан кимнингдир шошганча юриб келаётганини эшитдик. Хонамизнинг эшиги очилиб, қора кўйлак кийган, юзига қора тўр тутган хоним кириб келди.

– Бемаҳалда кириб келганим учун кечиринглар,

¹ Томас де Куинси (1785 - 1859) - инглиз ёзувчиси, «Афюн истеъмол қилган бир инглизнинг тавбаси» деган машҳур китоб муаллифи.

– деб гап бошлади-ю, ўзини тутолмай, бирдан хотинимга ташланди-да, уни қучоқлаб елкасига бош қўйганча хўнграб йиғлаб юборди – Бошимга катта кулфат тушди! – деб хитоб қилди у. – Жуда ёрдамга муҳтожман!

– Ия, бу Кэт Уитни-ку, – деди хотиним, унинг тўри-ни кўтариб. – Ўтакамни ёриб юборай дединг-а, Кэт! Сен эканлигинг хаёлимга ҳам келмабди.

– Сенга арз қилгани келдим. Бошимни қаёққа уришни билмай қолдим.

Бу одат ҳукмидаги нарса эди. Бошларига кулфат тушган одамлар нажот истаб маякка қараб учган қушлардек ғизиллаб хотинимнинг олдига келишарди.

– Ажаб қилибсан! Жойлашиброқ ўтир, вино билан сувдан ичиб, нима бўлганини гапириб бер. Ё Жеймсга айтайми, кириб ётсинми?

– Вой, йўқ, йўқ! Доктордан ҳам маслаҳат ва ёрдам олмоқчиман. Айзани айтмоқчиман... Уйдан чиқиб кетганига роппа-роса икки кун бўлди. Ундан жуда хавотир оляпман.

У биз билан бахтсиз эри ҳақида энди суҳбатлашаётгани йўқ – мен билан доктор сифатида, хотиним билан эса ўзининг қадрдон мактабдош дугонаси сифатида суҳбатлашарди. Биз унга имконимиз бори-ча тасалли берардик. Эри қаердалигини биладимиз? Уни бориб уйига олиб келса бўлармикин?

Шундай қилиш мумкин экан. У эрининг сўнгги вақтларда одатда афюнни Ситининг шарқида жойлашган кўчалардан биридаги бузуқхонада чекиб юришини биларкан. Шу вақтгача у эртадан кечгача ишрат қиларкан, бутунлай ҳолдан тойиб, тинка-мадори қуриб кечқуран уйига қайтиб келаркан, бу гал эса қирқ саккиз соатдан бери дараги йўқ эмиш, албатта ҳозир ўша ерда турли-туман шубҳа-

ли кимсалар орасида заҳар ютиб, ёки ухлаб ётган бўлиши мумкинмиш. Хотин эрининг Эппер-Суондемлендаги худди ўша «Олтин ёмби»да эканлигига амин эди. У нима қила олиши мумкин? Тортинчоқ, журъатсиз, ёшгина жувон қандай қилиб шундай жойга кириб боради ва эрини безориларнинг орасидан юлиб олиб чиқа олади? У мен билан бирга борса бўлмасмикин? Дарвоқе, бориб нима қилади? Мен Айза Уитнини даволаганман, доктор сифатида унга сўзим ўтиши мумкин. Хотинининг иштирокисиз ишни осон ҳал қилишимга амин эдим. Унга, агар эрингиз дарҳақиқат «Олтин ёмби»да бўлса, икки соат ичида уни кэбга ўтқазиб уйингизга жўнатаман, деб ваъда бердим.

Ўн дақиқадан сўнг шинамгина меҳмонхонамизни тарк этиб, экипажда шарққа қараб ғизиллаб кетмоқда эдим. Олдинда одатдан ташқари ғалати бир иш турганини билардим, аслида эса у мен кутгандан кўра ҳам ғалатироқ бўлиб чиқди.

Аввал бошда ҳаммаси ажабтовургина эди. Эппер-Суондемлен – дарёнинг чап қирғоғи бўйлаб то Лондон кўпригигача бориб туташган баланд-баланд кемасозлик корхоналари орқасида жойлашган ифлосгина тор кўча эди. Мен қидириб юрган бузукхона ифлос дўкон билан қовоқхона ўртасидаги ертўлада эди; бу ғордек қоронғи ковакка тик зинапоя олиб тушарди. Зинапоя босқичларининг ўртаси едирилиб, чуқур тушиб қолган – ундан шу қадар кўпдан-кўп маст оёқлар тушиб-чиққан эди.

Кэб ҳайдовчига кутиб туришни буюриб, пастга тушдим. Эшик тепасида осилиб турган милт-милт ёнаётган керосин чироқ ёруғида эшик зулфинини қоқдим-да, қуюқ кўнғир дуд билан тўлган узун пастак хонага кириб бордим; девор бўйлаб муҳожирлар кемасидагига ўхшаб, ёғоч сўрилар чўзилиб

кетган эди.

Қоронғилик орасидан ғалати ақл бовар қилмайдиган ҳолатда ётган ҳаракатсиз гавдаларни аранг илғадим: елкалари букчайган, тиззалари кўтарилган, энгаклари қаққайиб, бошлари орқаларига ташланган. Гоҳ у ер, гоҳ бу ерда менга тикилаётган хира маст кўзларни кўрардим. Зулмат орасидан нуқтадеккина қизил чўғлар ланғиллаб қолар, улар кичкина металл найчалардаги заҳарнинг миқдори камайган сари ўчиб борар эди. Кўплари индамай ётар, баъзилари нималардир деб димоғида минғиллар, баъзилар эса гоҳ шавқ-завқ билан шошила-шошила, гоҳ бирдан жим бўлиб қолиб аломат бир тарзда ғўнғиллаганча суҳбатлашишар, аммо ҳеч ким суҳбатдошининг гапига қулоқ солмас – ҳар ким ўз ўйлари билангина банд эди. Йўлакнинг нариги бурчагидаги кўрада лахча чўғлар лангиллаб турибди, унинг олдидаги уч оёқли курсида новча бир чол тирсагини тиззаларига тираб, энгагини муштларига қўйганча қимир этмай чўққа тикилиб ўтирар эди.

Кириб боришим билан олдимга малайялик қора тўриқ бир одам югуриб келиб, менга найча билан бир улуш афюн узатди-да, сўридаги бўш жойни кўрсатди.

– Раҳмат, мен бу ерда қололмайман, – дедим. – Дўстим мистер Айза Уитни шу ерда экан. Мен у билан гаплашишим керак.

Ўнг томонимда нимадир ғимирлагандек бўлди, кимнингдир хитобини эшитдим, қоронғиликка разм солиб менга тикилиб турган рангсиз, маъюс ва аллақандай хурпайган Уитнини кўрдим.

– Ё раббий, бу Уотсон-ку! – деб қўйди у.

У мастлик оқибатида юз берадиган энг аянчли аҳволда эди.

– Ҳозир соат неча, Уотсон?

– Ўн бирга яқинлашиб қолди.

– Бугун нима кун?

– Жума, ўн тўққизинчи июнь.

– Наҳотки! Мен бўлсам, чоршанбадир, деб ўйлабман. Йўқ, бугун чоршанба, ҳазиллашдим денг. Одамнинг ўтакасини ёриб нима қиласиз-а!

У юзини кафтлари билан тўсиб, ўкраб юборди.

– Бугун жума деяпман-ку сизга. Сизни хотинингиз икки кундан бери кутяпти. Уялмайсизми шундай қилгани!

– Ҳали ҳам уяляпман. Назаримда, янглишаётганга ўхшайсиз, Уотсон. Бу ерга келганимга атиги бир неча соатгина бўлди. Учта трубка... тўртта трубка... қанчалигини унутдим! Сиз билан бирга уйга кетаман. Шўрликкинам Кэтнинг ташвиш тортишини истамайман. Менга кўлингизни беринг. Кэбингиз борми?

– Бор. Эшикда кутиб турибди.

– Ундай бўлса, ҳозироқ жўнайман. Аммо мен улардан қарздорман. Билинг-чи, қанча қарз эканман, Уотсон. Жуда ҳам бўшашиб, тинка-мадорим куриб кетди. Пул тўлашга ҳам чоғим келмайди.

Қатор ётиб ухлаётган одамларнинг орасидаги энсизгина ораликдан заҳарли бангнинг элитувчи ҳидларини ҳидламаслик учун нафасимни ичимга ютганча бузуқхона эгасини қидиргани йўл олдим. Қўра қаршисида ўтирган новча чолнинг олдига етганимда кимнингдир пиджагимдан тортаётганини сездим, шивирлаб айтилган шу сўзларни эшитдим:

– Менинг ёнимдан ўтиб кетиб, кейин ўгирилиб қаранг.

Бу сўзларини аниқ эшитдим. Уларни ёнимдаги чолгина айтган бўлиши мумкин эди. Бироқ у ҳамон шундай бир вазиятда ўтирардики, гўё ўз ўйлари билангина банддек, атрофидаги ҳеч нарсани сез-

маётгандек эди. Ёши анчага бориб қолган озгин, бужмайган бу одам букчайиб ўтирар; афюнли трубка мажолсиз бармоқларидан сирғалиб тушиб кетгандек тиззалари орасида турар эди. Олдинга икки қадам юриб, орқамга ўгирилдим. Ҳайратдан қичқириб юбормаслик учун бор матонатимни ишлатишга тўғри келди. У шундай бурилдики, юзини мендан бошқа ҳеч ким кўра олиши мумкин эмасди. Унинг елкаси ростланиб, ажинлари ёзилиб, хира кўзлари одатдагидек чақнай бошлади. Кўра олдида менинг ҳайратланганимдан кулганча Шерлок Холмснинг ўзгинаси ўтирарди. У ўғринча имо қилиб, мени олдига чақирди-да, яна лаби-лунжи осилган қалтироқ чолга айланди-кўйди.

– Холмс! – деб шивирладим мен. – Бу бузукхонада нима қилиб ўтирибсиз?

– Мумкин қадар секинроқ гапиринг, – деб шивирлади у, – қулоғим жуда яхши эшитади. Агар сиз эси оғиб қолган дўстингиздан халос бўлсангиз, сиз билан бир озгина суҳбатлашишга мушарраф бўлардим.

– Мени ташқарида кэб кутиб турибди.

– Бўлмаса ошнангизни ўша кэбда уйига жўната қолинг. Ундан хавотир олмасангиз ҳам бўлади, чунки биронта можаро чиқаришга чоғи келадиган кучи йўқ. Агар мени учратиб қолиб ёнимда қолганингизни ёзиб кучердан хотинингизга бир энликкина хат бериб юборсангиз яна яхши бўларди. Мени кўчада кутиб туринг, беш дақиқадан кейин чиқаман.

Шерлок Холмснинг сўзини ерда қолдириш маҳол: унинг талаблари ҳамиша шу қадар муайян, аниқ ва амирона оҳангда бўлади. Бундан ташқари мен, Уитнини кэбга ўтқазиб жўнатиб юборсам унинг олдидаги бурчимни адо этган бўламан, машҳур дўстимнинг кундалик фаолиятини ташкил этган ажойиб

саргузаштлардан бирида иштирок этишимга ҳеч қандай монелик қолмайди, деб ўйладим.

Шерлок Холмсга унинг тадқиқотларида ёрдам бериш мен учун энг олий бахт эди. Шу сабабли хотинимга бир энлиқкина хат ёзиб, Уитнининг қарзини тўлаб, уни кэбга ўтқазиб жўнатдим-да, яқин жойда сабр билан кута бошладим. Кэб бирпасда зулмат қўйнида ғойиб бўлди. Бир неча фурсатдан сўнг такадан чол чиқиб келди, мен кўча бўйлаб у билан ёнма-ён кета бошладим. Икки кварталча жойга у мадорсиз оёқларини сургаб босганча мункиллаб борди. Кейин шоша-пиша у ёқ-бу ёққа аланглаганча қаддини ростлади-да, қаҳ-қаҳлаб кулиб юборди. Қаршимда Шерлок Холмс турарди.

– Ҳойнаҳой сиз, Уотсон, – деди у, – мени афюн чекишга ружу қилиб қолган, деб ўйлаган бўлсангиз керак.

– Ростини айтсам, мен сизни бу ковакда кўриб дарҳақиқат таажжубланган эдим.

– Аслида бу ковакда сизни кўргач мен сиздан кўра ҳам кўпроқ ҳайратландим.

– Дўстимни қидириб юрган эдим.

– Мен бўлсам душманимни.

– Душманимни?

– Ҳа. Хулласи калом, Уотсон, ҳозир ғоятда қизиқ бир иш билан бандман, эси кирарли-чиқарли бўлиб қолган таряккашларнинг тутуриқсиз вайсашларидан бирор нарса билиб олишга умидвор эдим... Илгари бунга баъзан муяссар бўлардим. Агар ўша ковакда таниб қолишса, менинг ҳаётим сариқ чақага ҳам арзимас эди, чунки у ерда бир марта эмас, бир неча марта бўлганман, бузукҳона эгаси ярамас ласкар мендан ўч олишга қасам ичган. Авлиё Павел кemasозлик корхоналарининг муюши яқинидаги бу уйнинг орқасида шундай бир хуфия эшик борки, ой-

динсиз қоронғи кўчаларда ундан нималарни олиб чиқиб ташлашлари ҳақида кўпгина аломат воқеаларни айтиб бериши мумкин эди.

– Ўлик олиб чиқиб ташлашади денг?

– Ҳа, Уотсон, ўлик олиб чиқиб ташлашади. Агар сиз билан биз бу бузуқхонада ўлдирилган ҳар бир бахтсиз киши учун минг фунтдан пул олсак борми, аллақачон миллионер бўлиб кетардик. Бу дарс соҳилидаги энг мудҳиш тузоқ, бу тузоққа илинган Невилл Сент-Клер энди уйига қайтиб келмайди, деб қўрқаман. Аммо биз ҳам тузоқ қурамиз.

Шерлок Холмс икки бармоғини оғзига тиқиб қаттиқ хуштак чалди. Шу заҳотиёқ узоқдан шунга ўхшаган хуштак эшитилди, шундан сўнг эса биз ғилдиракларнинг гумбурлаши билан туёқ товушларини эшитдик.

– Хўш, Уотсон, – деди Холмс, қоронғиликдан икки фонари ёрқин шуъла сочиб турган бир отли аравача чиқиб келаркан, – мен билан борасизми?

– Агар сизга фойдам тегса...

– Содик ўртоқнинг ҳамиша фойдаси тегади. Менинг «Кедр»даги хонамда иккита каравот бор.

– «Кедр» дейсизми?

– Ҳа. Мистер Сент-Клернинг уйини шундай деб атайдилар. Бу чигални ечмагунимча унинг уйида яшайман.

– У қаерда?

– Ли яқинидаги Кент деган жойда. Етти миля йўл юришимиз керак.

– Ҳеч нарсага тушунмаяпман.

– Мутлақо табиий. Ҳозир ҳаммасини тушунтириб бераман, ўтиринг... Майли, Жон, сизга рухсат. Мана сизга ярим крон. Мени эртага соат ўн бирларда кутинг. Тизгинни менга беринг. Яхши қолинг.

У отга қамчи урди, биз қоронғи, бўм-бўш, поёнсиз

кўчалардан аравани елдириб кетдик ва ниҳоят қандайдир кенг кўприкка етиб бордик, унинг остидан лойқа дарё аста-секин оқар эди. Кўприкнинг нарёғида ҳам ғиштин уйли шундай кўчалар; бу кўчаларнинг сукунاتини полициячиларнинг бир маромдаги вазмин қадамлари ва бемаҳал дайдиб юрган ўйинқароқларнинг қўшиқ ҳамда қичқириқларигина бузиб турар эди.

Осмон бўйлаб қора булутлар аста-секин сузар, уларнинг ораларидан гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда хира юлдузлар милтиллаб кўринар эди. Холмс бошини қуйи солганча чуқур ўй суриб, индамай отни ҳайдаб борар, мен эса ёнида ўтирганимча унинг фикри нима билан банд эканлигини пайқашга тиришиб, ўйларини бўлишга журъат қилолмай борар адим. Бир неча миля йўл босиб, шаҳар атрофи боғлари доирасидан ўтаётганимизда у ниҳоят ҳушига келиб, тирпинди-да, трубкасини тутатди.

– Сиз жуда юраги кенг одамсиз, Уотсон, – деди у. – Шу салоҳиятингиз туфайли тенги йўқ ўртоқсиз. Бироқ менга ҳозир шундай одам керакки, токи хунук хаёллардан қутулиш учун у билан гаплашиб кетишим керак. Бу ёқимтойгина жажжи аёл мени остонада қарши олганида унга нима деб жавоб беришимга гарангман.

– Сиз менинг ҳеч нарсадан хабарим йўқлигини унутиб қўясиз.

– Биз то Лига етиб борганимизча сизга бор гапни айтиб беришга вақтим етади. Иш жўнгинадек кўринадим-ю, ҳолбуки мен унга қандай қилиб қўл уришни билмай турибман. Калаванинг учи кўп, аммо улардан биронтасини қатъият билан ушлаёлмаётиман. Мен сизга ҳаммасини гапириб бераман, Уотсон, балки сиз атрофимизни чулғаб турган бу зулматда

йилт этган зиё шуъласини учратиб қоларсиз.

– Гапиринг бўлмаса.

– Бир неча йил муқаддам – аниқроғи, 1884 йилнинг майида – Лида Невилл Сент-Клер деган жентльмен пайдо бўлади, чамаси у пулдор киши эди. У катта бир виллани ижарага олиб, унинг атрофида ажойиб боғ барпо қилади-да, тўраларча айш суриб яшай бошлайди. Бора-бора у кўшнилари билан танишиб, 1887 йилда ўша ердаги пиво пиширувчининг қизига уйланади, ҳозир ундан икки боласи бор. Унинг аниқ бир касби-кори йўқ, аммо кўпгина савдо-сотик ишларида иштирок этади. Одатда, ҳар куни эрталаб шаҳарга тушиб кетиб, у ердан 5:14 даги поезд билан қайтиб келади. Мистер Сент-Клер ҳозир ўттиз етти ёшда. У камтарона ҳаёт кечиради; бамаъни эр, меҳрибон ота, ҳамсуҳбат бўлган одамлар уни мақтайдилар. Яна шуни илова қилишим мумкинки, унинг атиги саксон саккиз фунту ўн шиллинг қарзи бор, банкдаги жорий ҳисобида эса икки юз йигирма фунт стерлинг пули бор. Бинобарин, пулдан қилинган деб тахмин қилишга ҳеч қандай асос йўқ.

Ўтган душанба куни мистер Невилл Сент-Клер шаҳарга одатдагидан кўра барвақтроқ жўнаб кетаётганида иккита муҳим иши борлигини, ўғлига бир қутича-кубик олиб келишини айтган. Тасодифан ўша душанбада у жўнаб кетиши билан салдан кейин хотини телеграмма олган, телеграммада Эберд кемачилик ширкатида унинг номига кичкина, аммо ғоятда қимматбаҳо совға олингани айтилган, хотин буни анчадан бери кутаётган экан. Агар сиз Лондонни яхши билсангиз, сизга маълумки, бу кемачилик ширкатининг идораси Фреено-стритда жойлашган бир қаноти сиз мени бугун кечқурун қидириб топган Эппер-Суондемленга келиб тақалган. Миссис Сент-Клер нонушта қилгач, шаҳарга тушган, баъзи

нарсалар харид қилган, ширкат идорасига кириб совғасини олган, соат тўрту ўттиз бешда Суондемлен бўйлаб вокзалга йўл олган. Шу еригача яхши тушуниб келаётган бўлсангиз керак, шундай эмасми?

– Албатта, бунинг ҳеч тушунмайдиган жойи йўқ.

– Агар ёдингизда бўлса, душанбада кун жуда исиб кетган эди, миссис Сент-Клер аста-аста юриб бораркан, атрофига аланглаб кэб қидириб кета бошлаган, чунки бу район унга сира ёқмабди. Шу тариқа Суондемлен бўйлаб кетаётиб у кўққисдан бировнинг қичқирганини эшитиб қолган, аллақандай бир уйнинг иккинчи қаватидаги деразадан қараб турган ерига кўзи тушиб, аъзойи бадани музлаб кетган, назарида эри уни имо-ишоралар билан чақиргандек бўлган. Дераза очиқ экан, у эрининг юзини аниқ кўрган, эрининг юзи ғоятда ҳаяжонлангандек туюлган. Эри унга иккала кўлини чўзиб, гўё биров уни зўрлаб деразадан тортиб олиб кетгандек бирданига ғойиб бўлиб қолган. Бироқ хотиннинг ўткир кўзи эри уйдан кийиб чиқиб кетган ўша қора сюртукда бўлса-да, ёқаси билан галстуги йўқлигини пайқаган. Эрининг бошига бирор фалокат тушганини фаҳмлаб, у зинапоядан пастга югуриб тушган (бу сиз мени кечқурун топган ўша бузуқхона жойлашган уй эди), олдинги хонадан ўтиб бориб, юқори қаватларга олиб чиқадиган зинапояга чиқмоқчи бўлган. Аммо зинапоя олдида мен сизга ҳозир айтиб берган ярамас ласкарга тўқнаш келиб қолган. Ласкар ёрдамчиси кўмагида уни кўчага олиб чиқиб ташлаган. Унинг даниялик бир ёрдамчиси бор. Даҳшатдан эсхонаси чиқиб кетган хотин кўча бўйлаб югурган, бахтига, Фресно-стритда инспектор бошчилигида айланиб юрган полициячиларни учратиб қолган.

Инспектор икки констебль билан миссис

Сент-Клернинг орқасидан эргашиб келган, уй эгасининг қаттиқ қаршилик кўрсатишига қарамай, улар хотин деразасидан эрини кўрган хонага кириб боришга муваффақ бўлишган. Аммо уни хонадан топишолмаган. Уша қаватда бадбашара бир майриқдан бошқа ҳеч кимни учратишолмабди. У майриқ ўша ерда яшаса керак. У ҳам, ласкар ҳам бу ерда бошқа ҳеч ким яшамайди, деб қаттиқ туриб олишибди. Улар ҳамма нарсани шу қадар қатъий инкор қилишибдики, инспектор, миссис Сент-Клер янглишмадимикан, деб гумон қила бошлаган экан ҳамки, хотин қичқириб юбориб столда турган кичикроқ тахта қутичага ташланибди-да, жон ҳолатда унинг қопқоғини очибди. Қутичадан болалар ўйнайдиган кубиклар тўкилибди. Бу эри шаҳардан олиб келишни ваъда қилган ўйинчоқ экан.

Бу топилдиқ топилиши билан майриқнинг бирдан хижолат бўлишидан инспектор ишнинг жиддийлигига қаноат ҳосил қилибди. Хоналарни синчиклаб тинтишибди, тинтув натижасида қабих бир жинойт очилибди.

Бу квартиранинг жиҳози албатта ғарибона. Олдинги хона меҳмонхона хизматини ўтайди, унинг ёнида чоғроққина ётоқхонаси жойлашган, унинг деразаси кемасозлик корхоналаридан бирининг эрқа томонига қараган. Кемасозлик корхоналари билан ётоқ деразаси ўртасида торгина канал бўлиб, у сув пасайганда қуриб қолади, сув кўтарилганда эса тўрт ярим фут баландликда сувга тўлади. Ётоқнинг деразаси сербар, пастдан очилади.

Кўздан кечириш вақтида дераза рафида қон излари топилган; шунингдек, ёғоч полда ҳам бир неча қон доғлари топилган. Олдинги хонадаги парда орқасидан мистер Невилл Сент-Клернинг ҳамма кийимларини топиб олишган. Унинг пиджагигина

топилмаган. Ботинкаси, пайпоғи, шляпаси, соати – ҳаммаси шу ерда экан.

Кийимида ҳеч қандай зўрлик асоратини кўришмаган. Аммо мистер Невилл Сент-Клернинг ўзи изсиз ғойиб бўлган. У деразадангина ғойиб бўлиши мумкин экан, дераза рафидаги машъум қонли доғлар унинг сувдан сузиб ўтиб жон сақлаб қолганига ишониш амримаҳол эканлигини яққол кўрсатиб турган, қолаверса, фожиа содир бўлган соатда сув сатҳи жуда баланд кўтарилган. Энди диққатимизни шубҳа остига олинаётган ярамасларга бурамиз. Ласкар ўтмиши қоронғи одам, аммо биз миссис Сент-Клерни хикоясидан биламизки, унинг эри деразада кўринганидан бир неча лаҳзадан сўнг ласкар пастда бўлган, бинобарин, уни жинойтнинг иштирокчисигина деб ҳисоблаш мумкин. У бу ишга даҳли борлигини мутлақо инкор этмоқда. Айтишига қараганда, у уйида истиқомат қилиб турадиган Хю Буннинг умуман нима билан шуғулланишидан мутлақо беҳабармиш. Ғойиб бўлган жентльменнинг кийми бу хонада пайдо бўлиши унинг учун бир жумбоқ эмиш.

Уй эгаси ласкар тўғрисида маълум бўлган ҳамма гап шу. Энди бузуқхона тепасидаги ккинчи қаватда яшайдиган, Невилл Сент-Клерни охирги марта кўрган киши эканлиги муқаррар бўлган тунд башара майриққа келайлик. Унинг оти Хю Бун, Ситида ўқтин-ўқтин бўлиб турадиган ҳар бир кимса ҳам унинг кўрқинчли афтини яхши билади. Унинг касби тиланчилик, дарвоқе, полиция қонун-қоидаларига чап бериш учун гугурт сотаётган киши қиёфасига кириб ўтиради.

Бир эмас, бир неча бор пайқаган бўлсангиз керак, Тред-Нидл-стритнинг чап томонида токчага ўхшаган жой бор. Бу токчада бир майиб чордана қуриб,

тиззаларига бир неча гугурт қути териб қўйганча ўтиради; уни кўрганларнинг раҳми келади, олдидаги тош кўчада ётган кир чарм кепкасига хайр-эхсон ёмғир бўлиб ёғилади. Мен уни жуда кўп кузатганман, аммо бир кунмас бир кун у билан жиноятчи сифатида танишишим мумкинлиги хаёлимга ҳам келмаган, бирпасда унинг анча-мунча пул ишлаб олишига ҳамиша таажжубланар эдим. Унинг қиёфаси шундай аломатки, олдидан ҳеч ким унга бир қарамай ўтиб кетолмайди.

Қизғиш-малла сочи, қуйи учи юқориги лабини иккига ажратиб турган мудҳиш тиртиқли, япасқи энгаги ва қора ўткир кўзлари – буларнинг ҳаммаси уни жўнгина тиланчилар тўдасидан ажратиб турарди. Олдидан ўтиб кетаётиб унга тегажоғлик қилмоқчи бўлган ҳар кимсани ўша заҳотиёқ аччиқ-аччиқ ҳазил гаплар билан узиб олади.

Шубҳали такяхонанинг юқори қаватида яшайдиган бу одам шундай... Биз қидираётган жентльмени ундан кейин ҳеч ким кўрмаган.

– Аммо у майриқ-ку, ахир! – дедим мен. – Бир ўзининг шундай бақувват, яғриндор йигитга қандай кучи етиши мумкин?

– Унинг оёғигина майиб, юрганида бир оз оқсоқланади, умуман эса басаломат полвон. Сиз, Уотсон, албатта медик сифатида биласизки, кишининг бир мучаси заиф бўлса, бунинг эвазига бошқа мучалари ғоятда бақувват бўлади.

– Марҳамат, ҳикоянгизни давом эттиринг.

– Деразадаги қонни кўргач, миссис Сент-Клер ҳушидан кетаёзган, уни полициячи ҳамроҳлигида уйга жўнатганлар, чунки бундан кейинги текширишда унинг иштирокига эҳтиёж бўлмаган. Бу ишни олиб боришни ўз зиммасига олган инспектор Бартон бузуқхонани бошдан-оёқ синчиклаб тинтиб

чиққан, аммо ҳеч қандай янги нарса тополмаган. Хато қилиб қўйишган: Бунни дастлабки дақиқадаёқ қамоққа олишмаган, бу билан бир зум дўсти ласкар билан бир-икки оғиз сўзлашиб олиш имконини берганлар. Бироқ бу хато тез орада тузатилган: Бунни ушлаб олиб, ён-верини тинтиганлар. Лекин тинтув унга қарши ҳеч қандай далиллар бермаган. Тўғри, кўйлагининг ўнг енгида қон излари топилган, у полициячиларга жимжилоғини кўрсатган, унинг тимоққа яқин жойи кесилган экан, дераза рафидаги қон ҳам шу ярадан томган бўлса керак, чунки бармоғимдан қон оқаётганида дераза олдида борган эдим, деган. У, мистер Сент-Клерни ҳеч қачон кўрган эмасман, деб тонган, ўша жентльменнинг кийими бу хонада пайдо бўлиб қолганлиги полиция учун қандай сир бўлса, мен учун ҳам шундай сир, деб туриб олган. Унга миссис Сент-Клернинг эрини унинг хонаси деразасидан кўрганини айтганларида, у, хотинга эси чиқиб кетганидан ёки хаёлида шундай кўринган бўлса керак, деган. Бунни полиция маҳкамасига олиб боришган. У бақириб-чақириб қаршилик билдирган. Инспектор канал тагидан қандай бўлмасин янги далиллар топиш мақсадида сувнинг қайтишини кутиб қолган. Дарҳақиқат, канал тагидаги ёпишқоқ балчиқдан юраклари пўкиллаб нарсани эмас, мутлақо бошқа нарсани топишган. Сув қайтгач, улар, Невилл Сент-Клерни эмас, Невилл Сент-Клернинг пиджагини топишган. Сиз нима деб ўйлайсиз, пиджагининг чўнтагидан нималар топишган?

– Тасаввур қилолмайман.

– Мен, сиз айтиб берасиз, деёлмайман ҳам. Ҳамма чўнтаклари пенни, ярим пенни пуллар билан тўла эмиш – тўрт юз йигирмата бир пеннилик, икки юз етмишта ярим пеннилик чақа чиқибди. Сув қайта-

ётганида пиджакни оқизиб кетмаганига таажжубланмаса ҳам бўлади. Жасад бўлса – бошқа гап эди. Уй билан кемасозлик корхоналари ўртасида сув жуда тез оқади. Сув жасадни дарёга оқизиб кетганига ишонса бўлади, айти бир вақтда эса оғир пиджак сув тагида қолиб кетган.

– Аммо, янглишмасам, қолган ҳамма кийимларини хонадан топишибди-ку. Наҳотки марҳумнинг устида пиджагигина бўлган бўлса?

– Йўқ, сэр, бунинг сабабларини топиш мумкин. Фараз қилайлик, Бун Невилл Сент-Клерни деразадан улоқтирган, бун ҳеч ким кўрмаган. Шундан кейин у нима қилиши мумкин эди? Табиийки, биринчи навбатда у ўзини фош қилиб қўйиши мумкин бўлган кийимдан қутулишга уринади. У пиджакни олиб, деразадан улоқтириб юбормоқчи бўлади-ю, аммо пиджак чўкмай сув юзида қалқиб сузиб юриши мумкинлигини эслаб қолади. У жуда шошиб қолади, чунки зинапоядаги тўполонни, Сент-Клер хотинининг, эримни олдига кираман, деб талаб қилаётганини эшитади, қолаверса, шериги ласкар уни полиция келиб қолганидан огоҳлантирган бўлса ҳам ажаб эмас. Бир дақиқа фурсатни ҳам қўлдан бериши мумкин эмас. У тиланчиликдан топганлари яшириб қўйилган хилват бурчакка ташланади, пиджакнинг чўнтакларига қўлига тушиб қолган чақаларни жойлайди. Шундан сўнг у пиджакни улоқтириб юборади, бошқа буюмларни ҳам улоқтириб юбормоқчи бўлади-ю, аммо зинапоядан одим товушларини эшитгач, полиция кириб келмасидан деразани ёпишга аранг улгуради.

– Бунга ақл бовар қилмайди.

– Бошқа фаразимиз бўлмагани учун бун хوماки гипотеза сифатида қабул қиламиз... Ҳали айтиб ўтганимдек, Бунни маҳкамага олиб келадилар. Унинг

ўтмиши асосан бенуқсон эди. Рост, кўп йиллар мобайнида касби тиланчи одам сифатидагина маълум бўлса-да, аммо тинч-осойишта яшар, бирон ножўя иш қилгани маълум эмас эди.

Айни пайтда бу иш мана шу аҳволда. Кўриб турибсизки, Невилл Сент-Клернинг бу такяхонада нима қилгани, у ерда унга нима бўлгани, ҳозир қаердалиги, ғойиб бўлишига Хю Буннинг қандай алоқаси борлиги ҳақидаги масалалар ҳамон ечилмай турибди. Эътироф этишим керакки, ўз фаолиятим давомида, биринчи қараганда бу қадар оддий кўришиб, аслида эса шунчалик мушкул бўлган ҳодисани эслаёлмайман.

Шерлок Холмс менга бу ажойиб воқеаларни батафсил сўзлаб бераркан, биз каттакон шаҳар қасабасидан ўтиб кетдик, охириги уйлар ортда қолди, икки томонидан қишлоқ четан деворлари чўзилиб кетган йўлдан борардик. Қишлоққа кириб борган пайтимизда унинг ҳикояси ҳам тамом бўлди. Унда-бунда деразалардан чироқлар милтиллаб кўринарди.

– Лига кириб боряпмиз, – деди ошнам. – Бу қисқагина сафаримиз давомида биз Англиянинг учта графлигида бўлдик: Миддлсексдан чиқиб, Серринг бир четини босиб ўтиб, Кентга кириб келдик. Дарахтлар орасидаги анави шуълаларни кўряпсизми? Бу «Кедр». У ерда чироқ олдида бир хотин ўтирибди, унинг динг қулоғи отимиз туёғининг дупурини аллақачон эшитган бўлса ҳам ажаб эмас.

– Бу ишни олиб бориш учун сиз нима сабабдан Бейкер-стритда эмас, бу ерда яшаяпсиз? – деб сўрадим мен.

– Шунинг учунки, кўп нарсаларни шу ерда текшириб аниқлашга тўғри келади... Миссис Сент-Клер илтифот билан менинг ихтиёримга икки хона

ажратиб берди, амин бўлишингиз мумкинки, у менинг қидиришларимда ёрдам берадиган дўстимга бажонидил меҳмондўстлик изҳор қилади. О, у билан учрашиш менга нақадар оғир, Уотсон, ҳозирча унга эри ҳақида бирон янги хабар айтишдан ожизман! Келдик, дирр!

Биз атрофи боғ билан ўралган каттакон вилла олдига келиб тўхтадик. Отни қаршимиздан югуриб чиққан отбоқарга топшириб, Холмс икковимиз шағал тўкилган торгина йўлкадан уйга қараб кетдик. Яқинлашишимиз билан эшик очилиб, остонада пушти шифон билан жимжимадор қилиб безатилган оқ тусли шоҳи кўйлак кийган малла сочли кичкинагина жувон пайдо бўлди, у бир кўли билан эшикни ушлаб турарди, иккинчи кўлини эса сабрсизлик билан кўтарди; олдинга энгашиб, лаблари очилиб бизга кўз узмай тикилар, бутун вазоҳат билан, нима янгилик топиб келдинглар, деяётгандек эди.

– Хўш? – деб баланд овоз билан сўради у.

Икки киши эканимизни кўргач, қувончдан қичқириб юборди. Аммо ўртоғим бош чайқаб кифтини қисгач, қичқириш фарёдга айланди.

– Бирон яхши гап топиб келдингизми?

– Йўқ.

– Хунукроқ гап-чи?

– Йўқ.

– Бунисига ҳам шукур. Кирсанглар-чи. Куни бўйи машаққат чеккансиз, чарчаган бўлсангиз керак.

– Бу менинг дўстим, доктор Уотсон. Кўпгина текширишларимда кўп фойдаси теккан, омадим ёр бўлиб, уни бу ерга олиб келишга муваффақ бўлдим, қидириш ишларимизда унинг ёрдамидан фойдаланмоқчиман.

– Хуш келибсиз, – деди жувон самимият билан кў-

лимни сиқаркан. – Уйимиз сизга файзсиз кўринмаса деб кўрқаман. Оиламиз бошига қандай ногаҳоний кулфат тушганини биласиз-ку...

– Хоним, – дедим мен, – мен йўл азобига кўникиб кетган истеъфодаги солдатман, хуллас калом, борди-ю солдат бўлмаган тақдиримда ҳам, мендан узр сўраб ўтиришингизнинг ҳеч ҳожати йўқ. Сизга ёки дўстимга бирор фойдам тегса ўзимни бахтли деб ҳисоблардим.

– Мистер Шерлок Холмс, – деди у. Яхна овқат тайёрлаб қўйилган ёп-ёруғ емакхонага олиб кираркан, – мен сизга очиқчасига бир неча савол бермоқчиман, илтимос қиламанки, сиз ҳам уларга тўғри, очиқча жавоб берсангиз.

– Марҳамат, хоним.

– Менинг ҳисларимдан андиша қилиб ўтирманг. Дод ҳам солмайман, ҳушимдан ҳам кетиб қолмайман. Фақат сизнинг ҳақиқий, чинакам фикрингизни билмоқчиман.

– Нима ҳақида?

– Невиллнинг тирик эканлигига кўнглингиз ишонадими?

Шерлок Холмс, афтидан, бу саволдан хижил бўлди.

– Очиғини айтаверинг, – такрорлади жувон, гиламда турганича Холмснинг юзига тикиларкан.

– Очиғини айтсам, хоним, ишонмайман.

– Сиз уни ўлган деб ўйлайсизми?

– Ҳа, шундай деб ўйлайман.

– Ўлдирилганми?

– Мен бундай демоқчимасман.

– У қайси куни ўлган?

– Душанба куни.

– У тақдирда, мистер Холмс, менга тушунтириб берсангиз, эримдан бугун мана бу хатни қандай қилиб олишим мумкин эди?

Шерлок Холмс худди электр токи ургандек

креслодан сапчиб турди.

– Нима-нима? – деб қичқириб юборди у.

– Ҳа, шу бугун.

Жувон қўлида бир варақ қоғоз ушлаганча жилмайиб турарди.

– Ўқиб кўрсам бўладими?

– Марҳамат.

У хатни жувоннинг қўлидан юлқиб олиб, столга ёзди-да, текислаб, диққат билан кўздан кечира бошлади. Мен креслодан туриб бориб, унинг елкаси оша қараб турдим. Маҳкамаларга хос оддийгина конверт, конвертга Гревзенд почтасининг штампели; штампелда – бугунги, ёки, тўғрироғи кечаги кун кўрсатилган, чунки вақт ярим кечадан оғган эди.

– Кўпол дастхат, – дея минғиллаб қўйди Холмс. Аминманки, бу дастхат эрингизники эмас, хоним.

– Ҳа, конвертдаги бегона дастхат, аммо ичидагиси эримнинг дастхати.

– Конверт устидагиларни ёзган одам сизнинг адресингизни суриштиришга мажбур бўлган.

– Буни қаёқдан биласиз?

– Кўриб турибсизки, конвертдаги ном рангининг тўқлиги билан ажралиб турибди, чунки унинг сиёҳи ўзи қуриган. Адреснинг ранги эса очроқ, чунки унга босма қоғоз босилган. Борди-ю, конверт устидаги ёзув бирдан ёзилиб унинг ҳаммасига босма қоғоз босилса, у тақдирда ҳамма сўзлар ҳам оч тусда бўларди. Бу одам конвертга аввал сизнинг номингизни ёзган, бир қанча вақт ўтгандан кейин эса тагига адресингизни ёзиб қўйган, бундан шу хулосага келиш мумкинки, адрес аввал унга маълум бўлган эмас. Албатта, бу арзимайдиган нарса, аммо менинг касбимда арзимайдиган нарсалардан кўра муҳимроқ нарса бўлмайди. Хатни бир кўриб берай-чи... Ҳа! Ичига бир нарса солинган экан.

– Ҳа, узук бор экан. Унинг муҳрли узуги.

– Бу эрингизнинг дастхати эканлигига аминми-сиз?

– Унинг дастхатларидан бири.

– Дастхатларидан бири?

– Шошилиб ёзадиган вақтидаги дастхати. Одатда, у бутунлай бошқача ёзади, аммо унинг бу дастхати ҳам менга яхши таниш.

– «Азизим, ташвишланма. Ҳаммаси яхшилик билан тугайди. Бир хато юз берди, буни тузатиш учун бир оз вақт керак бўлади. Сабр билан кут. Невилл»... Китобдан йиртиб олинган бир варақ қоғозга қалам билан ёзилган, қоғозда ҳеч қандай шартли белгилар ҳам йўқ. Ҳм!.. Бугун Гревзенддан бошмалдоғига бир нарса теккан одам жўнатган. Ҳм!.. Агар янглишмасам, конвертни елимлаган одам тамаки шимади... Сиз бу эрингизнинг дастхати эканлигига аминми-сиз, хоним?

– Аминман. Бу хатни Невилл ёзган.

– Хат шу бугун Гревзенддан жўнатилган. Нима ҳам дедик, миссис Сент-Клер, булутлар тарқалмоқда, зотан, мен хавф-хатар бартараф бўлди деб айтолмайман.

– Ҳар қалай, у тирик экан, мистер Холмс!

– Бу бизни чалғитиб нотўғри изга солиб юбориш учун ишлатилган маккорона қаллоблик бўлмаса бўлгани. Узукка ишониш амри маҳол. Узукни ундан тортиб олган бўлишлари мумкин.

– Аммо бу унинг ўз, ўз дастхати-ку!

– Дуруст. Борди-ю, хат душанба куни ёзилиб, бугунгина жўнатилган бўлса-чи?

– Шундай бўлиши ҳам эҳтимол.

– Бу муддат ичида кўп нарсалар содир бўлган бўлиши мумкин.

– О, мени қувончимдан маҳрум қилманг, мистер Холмс! Биламан, унга ҳеч нарса бўлган эмас. Биз у билан шу қадар яқинмизки, агар унинг бошига чин-

дан ҳам кулфат тушса, мен албатта сезган бўлардим. Ғойиб бўлишидан бир кун олдин у бехосдан бармоғини кесиб олди. Шу пайт мен емакхонада, у ётоқхонада эди, унга бир нарса бўлганини дарров сезиб олдига югуриб чиқдим. Менга шундай арзи-маган бир нарса ҳам таъсир қилса-ю, нахотки мени, унинг ўлганини билмай қолган, деб ўйласангиз!

– Мен кўпни кўрган тажрибали одамман, баъзан аёлларнинг бевосита зийрак туйғулари ҳар қандай мантиқий хулосалардан қимматлироқ бўлишини биламан. Бу хат ҳам, албатта, сизнинг ҳақ эканлигингизни тасдиқловчи муҳим шоҳид бўлиб турибди. Бироқ агар мистер Сент-Клер ҳаёт экан, агар у сизга хат ёзишга қодир экан, нима сабабдан ҳозир ёнингизда эмас.

– Билмадим. Бунга ақлим ҳам бовар қилмаяпти.

– Душанба куни жўнаб кетаётиб, сизни ҳеч нарса деб огоҳлантирганмиди?

– Йўқ.

– Сиз уни Суондем-ленда кўрганингизда жуда таажжубландингизми?

– Жуда.

– Дераза очиқмиди?

– Ҳа.

– Сизни деразадан туриб чақирishi мумкинмиди?

– Ҳа.

– Ҳолбуки, пайқашимча, у алланарса деб қичқириб юборибди-ку, шундайми?

– Ҳа.

– Сиз, у мени ёрдамга чақиряпти, деб ўйладингизми?

– Ҳа, у менга қўлларини силтади.

– Балки у кутилмаган нарсани кўрганидан қичқириб юборгандир. Сизни кўриб қолганидан таажжубланиб чапак чалиб юборгандир.

– Эҳтимол.

– Назарингизда уни деразадан тортқилаб олиб келишгандай бўлдимми?

– У бирданига ғойиб бўлиб қолди...

– У ўзини орқага ташлаган бўлиши мумкин. Сиз хонага ундан бошқа ҳеч кирганини кўрмадингизми?

– Ҳеч кимни. Аммо ўша бадбашара тиланчи Невиллнинг ўша ерда бўлганига иқрор бўлди-ку. Ласкар бўлса пастда, зинапоянинг олдида турарди.

– Жуда тўғри. Кўрган бўлсангиз, эрингиз одатдагидай кийинганмиди?

– Ёқаси ҳам, галстуги ҳам йўқ эди. Бўйнида ҳеч нарса йўқлигини аниқ кўрдим.

– У сиз билан Суондем-лен ҳақида ҳеч гаплашганмиди?

– Ҳеч қачон...

– Сиз унинг афюн чекишини кўрсатадиган бирон белгини кўрганмидингиз сира?

– Ҳеч қачон.

– Миннатдорман, миссис Сент-Клер. Бу мен тўлатўкис билмоқчи бўлган асосий нуқталар. Энди биз овқатланиб, кириб дам оламиз. Негаки, эртага кўп елиб-югурсак ажаб эмас.

Бизнинг ихтиёримизга иккита каравот қўйилган, кенг, қулай хона берилган эди, мен дарров ёта қолдим, чунки тунги оворагарчиликлар чарчатиб қўйган эди. Аммо Шерлок Холмс биронта ечилмаган масала бўлса уни ўйлаб, фактларни таққослаб, уларни турли нуқталардан кўздан кечириб то ҳал қилмагунча ёки ўзи янглиш йўлда турганига қаноат ҳосил қилмагунча бир неча кеча-кундузлаб, ҳатто ҳафта-лаб ухлаёлмас эди. Мен тез орада унинг тунги бўйи ухламай ўтириб чиқмоқчи эканини пайқадим. У пиджаги билан нимчасини ечди-да, кенг-ковул кўк халатини кийиб, каравот, кушетка ва креслолардаги ёстиқларни бир ерга уя бошлади. Бу ёстиқлардан

у ўзига шарқча диванга ўхшаган бир нарса ясади-да, унинг устига чиқиб, чордана қуриб ўтирди, олдига бир қути тамаки билан гугурт қўйиб олди. Чироқнинг хира ёруғида оғзидаги эски трубкасидан паға-паға мовий тутун таратиб шифтга фаромушгина кўз тикканча сассиз, ҳаракатсиз ўтирганини кўрдим, шуъла унинг бургут тақлид қиёфасини ёритиб турарди.

Мен уйқуга кетаётганимда қандай ўтирган бўлса, хонага эрталабки қуёш нури тушган пайтда унинг туйқусдан қичқириб юборишидан уйғониб кўзимни очарканман, у ҳамон ўшандай ўтирарди. Трубкаси ҳамон оғзида, тутун ҳамон буруқсиб кўтарилиб турар, хона тамаки дудига тўлган, кечқурун кўрганым бир қути тамакидан эса ҳеч нарса қолмаган.

– Уйғондингизми, Уотсон? – деб сўради у.

– Ҳа.

– Айланиб келишни хоҳлайсизми?

– Жоним билан.

– Бўлмаса кийининг. Ҳали уйдагиларнинг ҳаммаси уйқуда. Аммо отбоқарнинг қаерда ётишини билман, ҳозир бизга коляскани қўшиб беради.

Шундай деркан кулиб қўйди; кўзлари чарақлар, у мен кеча кўрган тунд кишига сира ҳам ўхшамас эди.

Кийинаётиб, соатга қарадим. Ҳали уйдагиларнинг ҳаммаси ухлаб ётганига таажжубланмаса ҳам бўлади: тўртдан йигирма беш дақиқа ўтган эди. Кийиниб бўлишим билан Холмс кириб, отбоқар отни қўшганини айтди.

– Мен ўзимнинг бир назариямни текшириб кўрмоқчиман, – деди у ботинкасини кияётиб. – Сиз, Уотсон, қаршингизда Европада яшаб турган энг буюк тентаклардан бирини кўриб турибсиз! Мен кўрсичқондек гумроҳ эканман. Мени шунақа бир тепиш керак эканки, бу ердан Черинг-кроссга бориб

тушишим керак экан! Аммо энди бу жумбоқнинг калитини топдим шекилли.

– Қани ўша калитингиз? – сўрадим жилмайиб.

– Ваннахонада, – деб жавоб берди Холмс. – Йўқ, ҳазиллашаётганим йўқ, – дея давом этдирди у гапини, менинг ишонқирамай қараб турганимни пайқаб. – Аллақачон ваннахонага кириб, уни олиб мана бу чамадончага яшириб қўйдим. Бориб кўрайлик-чи, дўстим, бу калит қулфга тўғри келармикин.

Биз мумкин қадар оҳиста қадам босишга ҳаракат қилиб, зинапоядан пастга тушдик. Ташқарида эрта-лабки қуёш ёрқин нур сочмоқда эди. Дарвоза олдида бизни коляска кутмоқда, отбақар эса қўшилган отнинг жиловидан тутиб турар эди. Биз экипажга чиқиб, Лондон йўли бўйлаб ғизиллаганча кетдик. Аҳён-аҳёнда пойтахтга сабзавот олиб бораётган аравалардан ўтиб кетардик, аммо атрофдаги боғлар жимжит – ҳамма ёқ сеҳрланган шаҳардагидек уйқуда.

– Баъзи жиҳатлардан олиб қараганда бу мутлақо бошқача иш, – деди Холмс, отни чоптираркан. – Иқрор бўлай, мен кўрсичқондек гумроҳ эканман, ақлнинг ҳеч кирмаганидан кеч киргани ҳам дуруст.

Биз шаҳарга Серри томондан кириб бордик. Деразаларда ҳозиргина уйғонган одамларнинг уйқули юзлари кўрина бошлади. Биз Ватерлоо кўприги орқали дарёдан ўтиб, ўнгдаги Веллингтон-стритга бурилиб, Бау-стритга бориб етдик. Шерлок Холмсни полиция бошқармасида яхши танир эдилар, биз яқинлашарканмиз, икки констебль уни қўлларини чаккаларига олиб бориб қутлашди. Улардан бири отнинг жиловини ушлади, иккинчиси эса бизни ичкарига бошлаб кирди.

– Навбатчи ким? – деб сўради Холмс.

– Инспектор Бредстрит, сэр.

Тоштахта ётқизилган йўлакдан қаршимизга

тўла-тўкис форма кийган, тўладан келган новча полициячи чиқиб келди.

– Ҳа, Бредстрит! Аҳволларингиз қалай? Мен сиз билан гаплашмоқчи эдим, Бредстрит.

– Марҳамат, мистер Холмс. Менинг хонамга кира қолинг.

Хона идорага ўхшарди: столда ёзувлар олиб бориладиган каттакон дафтар, деворда телефон. Инспектор столга ўтирди:

– Хизмат, мистер Холмс?

– Сиздан мистер Невилл Сент-Клернинг ғойиб бўлиши ҳақидаги ишга алоқаси бор тиланчи тўғрисида сўрамоқчи эдим.

– Уни қамоққа олиб, сўроқ қилиш учун бу ерга олиб келдик.

– Биламан. У шу ердами?

– Камерада.

– Тўполон қилаётгани йўқми?

– Йўқ, ўзини осойишта тутяпти. Аммо бу ярамас шу қадар кир-яғирки!

– Кир-яғир?

– Ҳа. Қўлини ювишга аранг кўндирдик, юзи бўлса мисгарнинг юзидек қоп-қора. Тергов тугасин-чи, турма ваннасига бир карра тушиши бор! Агар сиз уни бир кўрсангиз, менинг фикримга қўшилардингиз.

– Мен уни кўришни жуда истардим.

– Ростданми? Бу қийин иш эмас. Орқамдан юринг. Чамадончангизни шу ерда қолдиришингиз мумкин.

– Йўқ, уни ўзим билан олакетаман.

– Дуруст. Бу ёққа марҳамат қилинг.

У ёпиқ турган эшикни очиб, айланма зинапоядан бизни пастдаги деворлари оқланган йўлакка олиб тушди. Ўнг ва чап томонларда қатор-қатор кетган эшиклар.

– Унинг камераси – ўнгдан учинчиси, – деди инс-

пектор. – Мана шу ерда.

У эшикнинг юқори қисмидаги тахтачани оҳишта суриб, туйнукдан қаради.

– Ухлаб ётибди, – деди у. – Уни яхшилаб кўриб олишингиз мумкин.

Биз панжарадан мўраладик. Маҳбус аста-секин ва оғир нафас олганча қаттиқ ухларди. Унинг юзи бизга кўриниб турарди. Бу ўрта бўй бир эркак бўлиб, ҳамма гадойларга ўхшаб расво кийинган: жулдур пиджагининг йиртиқларидан рангдор кўйлагининг увадалари чиқиб турарди. У дарҳақиқат, ғоят кир-яғир, ҳаттоки юзини қоплаб турган қалин кир қатлами ҳам унинг бадбашара қиёфасини яширолмасди. Кўзи яқинидан энгагигача сербар чандиқ тушиб келган, устки лабидаги қийтиқ тиртиқдан учта тиши иржайиб кўриниб турибди. Бир тутам сап-сарик сочи пешанаси билан кўзларига тушиб турарди.

– Жуда чиройли-я, нима дедингиз? – деди инспектор.

– У ювиниши керак, – деб қўйди Холмс – Мен буни илгарироқ пайқаган эдим, шу сабабдан керакли асбобларни ола келганман.

У чамадончани очди-да, бизни ҳайратда қолдирди, ундан каттагина бир ишқалагич олди.

– Ҳе-ҳе, ҳазилкаш экансиз-ку! – деб кулиб юборди инспектор.

– Мумкин бўлса, бизга эшикни оҳишта очиб берсангиз, биз уни бирпасда ажабтовургина одам башара қилиб кўямиз.

– Хўп бўлади, – деди инспектор. – Бўлмаса у чиндан ҳам бизнинг турмамизга иснод келтиряпти.

Инспектор эшикни очди. Учаловимиз камерага шарпа чиқармай кирдик. Маҳбус қимирлаб қўйди-ю, лекин дарҳол яна ҳам қаттиқроқ ухлаб қолди. Холмс қумғоннинг олдига бориб, ишқалагичини

хўллади-да, маҳбуснинг юзига икки марта куч билан ишқалади.

– Сизларни Кент графлигидаги Ли қишлоғида яшайдиган мистер Невилл Сент-Клерга таништиришга рухсат этгайсизлар! – деб хитоб қилди Холмс.

Мен бунақа ҳодисани умрим бино бўлиб кўрмаган эдим. Маҳбуснинг юзи дарахтнинг пўстлоғи кўчиб тушгандек шилиниб тушди. Офтобда куйиш натижасида пайдо бўлган кўнғирлик йўқолди. Юзини ҳиялаб кесиб ўтган мудҳиш чандиқ ҳам, лабининг тиртиғи ҳам ғойиб бўлди. Тишларининг хунук иржайиб туриши ҳам барҳам эди. Холмснинг бир қўл ҳаракати билангина малла паҳмоқ сочлари ҳам йўқолди, қаршимизда сочлари қоп-қора, териси нозик, рангсиз, ғамгин, латиф бир киши пайдо бўлди-қолди, ҳали уйқуси тўла ёзилмаган бу одам кўзларини ишқаб бизга таажжуб билан тикилганча тўшакда ўтирарди. Кўққисдан у нималар содир бўлаётганини англаб қолди-ю, додлаганича бошини ёстиқ остига тикди.

– Ё раббий, – деб қичқириб юборди инспектор, – йўқолган одамнинг ўзгинаси-ку! Мен уни биламан, суратини кўрганман!

Маҳбус тақдирга тан беришга мажбур бўлган одамдек умидсиз бир қиёфада бизга ўгирилди.

– Бўлар иш бўлди! – деди у. – Сизлар мени бу ерда нега ушлаб турибсизлар?

– Мистер Невилл Сент-Клерни ўлдирганингиз учун... Туф-е! Энди сизни одам ўлдиришда айблаш мумкин эмас. Сизни ўзингиз ўзингизга суиқасд қилмоқчи бўлганингизда айблашлари мумкин, деди инспектор кулимсираб. Йигирма етти йилдан бери полицияда хизмат қиламан, аммо бунақа ҳодисани сира ҳам кўрган эмасман.

– Модомики, мен мистер Невилл Сент-Клер экан-

ман, демак жиноят содир бўлмаган, бинобарин, мен қонунга хилоф равишда қамоққа олинганман.

– Жиноят қилинмаган-у, аммо катта хатога йўл қўйилган, – деди Холмс. – Сиз хотинингизга сирингизни айтмай чакки қилгансиз.

– Гап хотинимда эмас, болаларимда, – деди қизишиб маҳбус. – Мен уларнинг оталаридан ор қилишларини истамаган эдим. Э раббий, қандай шармандалик! Энди нима қиламан?

Шерлок Холмс унинг ёнига, каравотга ўтириб, мулойимлик билан кифтига қоқиб қўйди.

– Агар сиз бу ишингизнинг судда кўрилишига йўл қўйсангиз, эл оғзига тушиб кетишдан қочолмайсиз, албатта, – деди у. – Борди-ю, агар сиз полицияни ҳеч қандай гуноҳингиз йўқлигига ишонтиролсангиз, унда газеталар ҳамма нарсадан беҳабар қоладилар. Инспектор Бредстрит сизнинг берган шоҳидликларингизни ёзиб олиб, уни тегишли маъмурларга топшириши мумкин, у тақдирда иш судгача бориб етмайди.

– О, сиздан ғоятда миннатдорман! – дея қичқириб юборди маҳбус. – Бадбахт сирим очилиб болаларимни иснодга қўймаслик учун мен қамоққа ҳам, ҳатто ўлим жазосига ҳам жон-жон деб рози бўлардим! Менинг саргузаштимни биринчи эшитаётган сизлар...

Отам Честерфилдда муаллим эди, у ерда тўлатўкис билим олдим. Ёшлигимда кўп саёҳат қилдим, сахнада ўйнадим, ниҳоят, Лондондаги кечки газеталардан бирининг мухбири бўлиб қолдим. Бир куни редакторимга пойтахтдаги тиланчилик ҳақида бир сидра очерклар зарур бўлиб қолди. Уларни мен ёзадиган бўлдим. Менинг ҳамма саргузаштларим худди шундан бошланди.

Очеркларим учун зарур бўладиган фактларни

топиш мақсадида тиланчиларга ўхшаб кийиниб га-
дойчилик қила бошладим. Артистлик вақтимдаёқ
грим қила билиш маҳоратим билан машхур эдим.
Энди шу маҳоратим иш бериб қолди. Мен афт-ба-
шарамни бўядим, одамларнинг кўпроқ раҳмларини
келтириш учун юзимга чандиқ чиздим, тери туси-
даги малҳам ёпиштириб лабимни тиртиқ қилиб бир
оз дўрттайтириб қўйдим. Кейин устимга жулдур
кийим, бошимга ясама соч кийиб Ситининг энг гав-
жум жойига ўлтириб олдим-да, гугурт сотиш баҳо-
насида хайр сўрай бошладим. Ўрнимдан қўзғалмай
етти соат ўтирдим, кечкурун уйга қайтиб келгач,
йигирма олти шиллингу тўрт пенс топганимни
кўриб ғоятда ҳайратландим.

Мен очеркларимни ёздим, бу воқеа эсимдан ҳам
чиқиб кетди. Аммо бир оз вақт ўтгандан кейин мен-
га вексел кўрсатишди. Унга биноан мен ошнам учун
йигирма беш фунт пул тўлашга кафил бўлган эдим.
Бу пулни қаёқдан олишга ақлим ҳам етмай турган
эди, бирдан миямга ажойиб бир фикр келиб қолди.
Олғудордан икки ҳафтача кутиб туришини илтимос
қилиб, ишхонамдан таътил олдим-да, уни Ситида
хайр сўраб ўтказдим. Ўн кун мобайнида зарур маб-
лағни тўплаб, қарзни тўладим. Энди ўзларингиз
ўйлаб кўринглар, афт-башарангга бўёқ чаплаб, ол-
дингга кепкангни ташлаб бошқа ҳеч иш қилмай ҳар
куни икки фунтдан пул топишинг мумкинлигини
билганингдан кейин шу икки фунт бадалига бир
ҳафта ишлашинг осонми?

Ғурурим билан бойлик орттиришга бўлган ҳир-
сим орасидаги кураш узоқ давом этди, аммо пулга
ўчлигим ниҳоят енгиб чиқди. Газетадаги ишимни
ташлаб, кун сайин вақтимни аллақачон кўз остига
олиб қўйган муюшда ўтказадиган бўлдим, ўзим-
нинг бадбашара қиёфам билан одамларнинг раҳми-

ни келтириб, чўнтакларимни эса чақа билан тўлдириб, кун сайин вақтимни ўзим аллақачон синашта бўлиб қолган жойда ўтказа бошладим.

Сиримдан биргина киши – Суондемлендаги мен бориб жойлашган разил бузуқхонанинг эгасигина воқиф эди. Ҳар куни эрталаб мен у ердан аянчли тиланчи қиёфасида чиқар, ҳар куни кечқурун у ерда башанг кийинган жанобга айланардим. Ласкарга берган хоналари учун сахийлик билан ҳақ тўлардим, чунки, унинг сиримни ҳар қандай шароитда ҳам ҳеч кимга айтмаслигига амин эдим.

Тез орада мен йирик маблағ жамғара бошладим. Лондонда йилига етти юз фунтдан пул топадиган биронта ҳам тиланчи бўлмаса керак, мен бўлсам ундан ҳам кўп топардим. Мен ўткинчиларнинг тасодифий танбеҳларига ҳазиломуз жавоб қайтариш маҳоратини эгаллаб, тез орада бутун Ситида донг чиқардим. Танга аралаш пенслар ёмғири сурункасига ёғилиб турарди. Икки фунтдан кам пул топган кунларимни муваффақиятсиз кунлар деб ҳисоблардим. Бойиганим сари турмушим ҳам маъмур бўлиб борарди. Шаҳар ташқарисидан ижарага уй олдим, уйландим, аммо менинг аслида нима иш билан шуғулланаётганимни ҳеч ким билмасди. Севикли хотиним мени Ситида унча-мунча ишлари бор, деб биларди. Аммо бу ишларнинг қандай ишлигидан унинг заррача ҳам хабари йўқ эди.

Ўтган душанба куни ишимни тамомлаб хонамда кийинаётиб деразадан мўраларканман, бирдан кўрқиб кетдим. Хотиним кўчанинг ўртасида менга тик қараб турибди. Ҳайратдан қичқириб юбордим, юзимни яшириш учун кўлларимни кўтардим, шеригим ласкарнинг олдига югуриб бориб, олдимга ҳеч кимни киргизмаслигини ёлвориб илтимос қилдим. Пастдан хотинимнинг овози келаётганини эшит-

дим, аммо унинг бу ёққа чиқиб келолмаслигини билардим. Дарҳол ечиниб тиланчиликда киядиган жулдур кийимларимни устимга илиб, ясама сочни кийдим-у, башарамга бўёқ чапладим. Бу қиёфада мени ҳатто хотиним ҳам таниёлмасди. Шундан кейин миямга, хонамни тинтиб қолишса унда кийимларим мени фош қилиб қўйиши мумкин, деган фикр келди. Мен деразани очдим, шошилиш устида тилинган бармоғимни уриб олдим (бармоғимни эрта-лаб ётоқхонада кесиб олган эдим), унинг кесилган жойидан яна чакиллаб қон тома бошлади. Кейин мен ҳозиргина гадой халтамдан олиб чўнтакларига чақаларни тўлатган пиджагимни олдим-да, уни деразадан улоқтирдим, у Темзада ғойиб бўлди. Қолган кийимларимни ҳам ўша ёққа улоқтирмоқчи бўлиб турган эдим, бу орада олдимга полициячилар бостириб киришди, бир неча дақиқадан сўнг мистер Невилл Сент-Клер сифатида фош қилиниш ўрнига унинг қотили сифатида қамоққа олиндим.

Бошқа айтадиган сўзим йўқ. Юзимдаги гримни сақлаш учун ювинишдан бош тортдим. Хотинимнинг мендан ғоятда ташвишланишини билганим учун полициячидан яшириқча бармоғимдаги узукни олиб, наридан бери ёзилган мактубча билан уни ласкарга бердим, мактубда хотинимга менга ҳеч қандай хавф-хатар таҳдид қилмаётганини айтдим.

– У ўша мактубингизни куни кеча олди, – деди Холмс.

– Ё раббий! Бир ҳафта азоб чекибди-да.

– Ласкарни полиция кузатмоқда эди, – деди инспектор Бредстрит, – афтидан, шунинг учун мактубни сездирмай жўнатолмаган. Чамаси, уни бузуқхонасининг доимий мижозларидан бўлган бирон матросга берган-у, униси бўлса, мактубни қутига ташлаш бир

неча кун мобайнида ёдидан кўтарилиб юрган.

– Аслида ҳам худди шундай бўлган, – тасдиқлади Холмс. – Аммо наҳотки сизни ҳеч қачон тиланчилик қилганингиз учун судга тортишмаган бўлса?

– Кўп марта тортишган. Аммо мен учун арзимаган штраф нима деган нарса!

– Бироқ, энди бу ҳунарни ташлашга тўғри келади, – деди Бредстрит. – Агар полиция бу ишни босди-босди қилиб юборишини истасангиз, унда Хю Бун ғойиб бўлиши керак.

– Мен бу борада ўз олдимда одам боласи қодир бўлган энг тантанали қасам билан онт ичдим.

– У тақдирда ҳаммаси унут бўлади, – деди Бредстрит. – Аммо, борди-ю, сизни пайқаб қолишса, биз унда ҳеч нарсани яшириб ўтирмаймиз... Бу ишни очганингиз учун сиздан ғоят миннатдормиз, мистер Холмс. Мен сизнинг бундай натижаларга қандай қилиб эришишингизни билишни истардим.

– Бу гал, – деб жавоб берди дўстим, – бешта ёстик устида ўтириб, ярим қадоқ тамакини чекиб тамомлашга тўғри келди... Назаримда, Уотсон, агар биз ҳозир Бейкер-стритга жўнасақ, худди нонуштага етиб борамиз.

Ваҳоб Рўзиматов таржимаси

ҚИЗИЛ ИПАК ШАРФ

Одатдагидек уйдан барвақт чиқиб суд биноти томон йўл оларкан, Перголез кўчаси бўйлаб ўзидан олдинроқда кетаётган кишининг қуюшқондан ташқари хатти-ҳаракатлари инспектор Ганимарнинг эътиборини тортди. Бу йўловчининг эгнидаги кийимлари жуда ночор, декабрь ойи бошланганига қарамасдан похол шляпани бошига бостириб кийиб олган. Ўттиз ёки қирқ метр юргач тўхтаётган, шимини тўғрилар, ботинкасининг ипини боғлар ё бўлмаса эгилиб ердан ниманидир оларди. Ва ҳар сафар бир бўлак апельсин пўчоғини яширинча йўлак четига қўяди. Балки бу ғалати одамнинг ўйлаб топган ўйини ёки болаларга хос эрмак бўлиб, ҳеч кимни қизиқтирмаслиги мумкин. Лекин Ганимар шунақа кузатувчан, зийрак, ҳамма нарсага эътибор берадиган, токи мантиқий жавоб топмагунча тинчимайдиган кишилар жумласидан. Шу боис Ганимар бу ажабтовур одамнинг изидан тушди. Нотаниш йўловчи Grane Argtee кўчасига бурилгач, йўлнинг нариги четидан бораётган болага сирли бир ишора қилганини пайқаб қолди инспектор. Йўловчи тўхтади ва шимининг пойчасини тўғрилади. Шу жойга бир бўлак апельсин пўчоғи билан белги қўйди. Худди шу лаҳзада йўлнинг нариги четидаги бола ўзи яқинлашган уй деворига бўр билан хоч расмини чизди ва уни айлана ичига олди. Улар шу тариқа йўлда давом этишди. Бир дақиқадан кейин яна тўхташди. Похол шляпа эгаси ердан игна тўғноғич топиб олди ва бу жойга ҳам бир бўлак пўчоғни яшириб қўйди, бола эса ўша ердаги уй деворига хоч чизиб, уни доира ичига олди.

«Юпитер ҳақиға қасам ичаман! – ўйлади инспектор ва унинг юзида шайтоний бир кулгу зухур этди. – Бу жуда қизиқ ва кўп нарса ваъда қилувчи ҳолат... Бу иккови нима қилмоқчи ўзи?»

Ғаройиб жуфтлик Фридланд ва Форбург – Сент-Оноре кўчаларидан ўтишди, лекин диққатга молик бир ҳолат рўй бермади. Вақти-вақти билан улар кўшалок белги кўйишар ва буни гўё беихтиёр бир ҳаракат билан бажарардилар. Шунга қарамай шляпали одам уй деворига хоч белгиси чизилганига ишонч ҳосил қилмагунча апельсин пўчоғи билан белги қолдирмасди. Бундан кўринадики, ғаройиб йўловчилар ўртасида қандайдир келишув бор, инспектор бунга қизиқиб қолди.

Бове майдончасида шляпали эркак ўйланганча бироз тўхтаб турди. Кейин хаёлида қандайдир айёрликни ўйлаб, шимининг пойчаларини икки марта кўтариб туширди. Шундан сўнг бола ички ишлар бошқармасини кўриқлаб турган соқчи рўпарасига ўтирди-да, иккита кичкина хоч шаклини чизди. Елисей саройига яқинлашганда улар ўша ҳолатни яна такрорлашди. Фақат йўлак бўйлаб у ёқдан бу ёққа юриб турган соқчи олдида энди иккита эмас, учта хоч чизиб қолдирилган эди.

– Жин урсин! – ғўлдиради Ганимар ҳаяжондан ранги бўзариб ва сирли найрангбозларнинг ҳаракатини кузатаркан азалий душмани Люпен унинг ёдига тушди.

– Жин урсин, булар ниманинг аломати ўзи?

Иккаласининг ҳам ёқасидан бўғиб олгиси келди. Лекин у етарлича ақлга эга бўлиб, чуқур ўйламасдан бир ишга қўл урмасди. Кейин нотаниш одам сигарет чекди, бола ҳам лабига сигарет қистириб, тутатиб олиш учун унинг олдига келди. Улар бир-икки оғиз гаплашиб олишди. Бола яшин тезлигида нимани-

дир унга оширди. Инспекторга бу револьвер бўлиб туюлди.

Кейин улар шошилганча Сюрен кўчаси бўйлаб кетишди. Инспектор уларнинг диққатини тортмаслик учун эҳтиёткорлик билан кузатиб бораркан, ҳалиги ғаройиб жуфтликнинг учинчи ва тўртинчи қаватларидан бошқа қаватлардаги деразалари ёғоч эшиклар билан беркитилган эски бино дарвозаси ортига ўтиб кетганларини кўриб қолди. Юқорига кўтарилиб очиқ турган эшикка кўзи тушди. Шовқинга бироз қулоқ тутиб тургач, нафасини ичига ютиб, эҳтиёткорлик билан ичкарига қадам кўяркан, стуллар билан полни уриб тақиллатаётган ҳалиги икковини кўрди. Шу лаҳза кўшни хонадан кимдир чиқиб келди. Бу 28-30 ёшлардаги кўринишидан русларга ўхшаш бакенбардли ва мўйловдор, кўзойнак тақиб олган киши эди. Эгнида смокинг.

– Хайрли тонг, Ганимар, – дўстона саломлашди у ва инспекторга сирли бўлиб туюлган одам билан болага қаради. – Раҳмат сизга дўстларим, муваффақиятли чиққан иш учун менинг табригимни қабул қилинглар. Мана сизга ваъда қилинган мукофот, – шу сўзларни айтаркан, уларнинг қўлига юз франкли битта банкнот тутқазди. Ғаройиб жуфтлик пулни олиб хонадан чиқди. Уларнинг ортидан эшик ёпилди.

– Узр, ёшулли, – кечирим сўради навқирон киши, – сиз билан гаплашмоқчи эдим... – Ганимарнинг таажжубланиб турганини кўриб сўздан тўхтади у. – Сиз нима гаплигини тушунмадингизми? Мен бўлсам, сизни ўта ақлли деб ҳисоблагандим! Сиз билан учрашиш ниятида эдим... Айтинг-чи, энди нима қилсам бўлади? – Йўқ, йўқ, ёшулли, янглишасиз. Агар сизга хат ёзганимда ёки кўнғироқ қилганимда, ҳеч шубҳасиз, олдимга келмасдингиз... Лекин сизни

олиб келиш учун бир полк аскар керак бўлди. Сиз билан ёлғиз учрашиш ниятида уларни жалб қилиб, апельсин пўчоғи ва деворларга чизилган хоч белгилари ёрдамида эътиборингизни тортишимга тўғри келди. Сиз ҳамон саросимадамисиз? Йўғ-е, мени танимадингизми? Мен – Люпенман... Арсен Люпен. Хотиранингизни титкилаб кўринг... Наҳотки, бу ном сизга ҳеч нарса англатмаётган бўлса?

– Ярамас малъун! – деди тишланганча Ганимар.

Арсен Люпеннинг пешонаси тиришди ва деди:

– Жаҳлингиз чиқаяптими? Ҳа, мен бунга кўзларингдан пайқаб турибман. Ўша Даггиваль иши туфайлида-а? Лекин бу суҳбатимизга соя солмаслиги керак эмасми? Авваллари сира бундай бўлмасди. Ишонтириб айтаманки, бундан кейин...

– Сен қабиҳ одамсан! – ғазаб сочди Ганимар.

– Мен эса қувончдаман! «Бу учрашувлар ёшулли Ганимарнинг ҳам қувончига сабаб бўлади», деб ўйлагандим. Ахир биз жуда узоқ вақт учрашмадик.

Ганимар ҳамон ўзини ўнглаб ололмаган ва саросималанганча атрофига алангларди, кейин Люпенга қаради, ўзини чимчилаб кўрди ва тушундики, тушида эмас, ўз душманини ҳушида кўриб турарди.

– Гапир, – деди у. – Вақтимни олма, бекор қолган вақтим йўқ.

– Бу жуда соз, – жавоб қилди Люпен. – Гаплашиб оламиз. Суҳбат учун бу ердан тинчроқ жойни тополмаган бўлардик. Бу қадимий уй герцог Ришельега қарашли. Герцогнинг ўзи бу ерда яшамайди, расом ва безакчи сифатида менга ташлаб кетган. Тинч жой. Мен собиқ вазир мсье Дебрейл номида юраман. Тушундингизми? Одамлар эътиборини тортишни хоҳламайман...

– Бу сафсаталарга мени ишонди деб ўйлайсизми? – унинг сўзини бўлди Ганимар.

- Жуда соз. Гапни қисқа қиламан. Сиз шошил-моқдасиз, мени кечиринг. Сизни узоқ ушлаб турмайман... Беш дақиқа ва тамом. Шундай қилиб бошладим... Сигарет чекасизми? Йўқми?

У столга ўтираркан бармоқлари билан уни черта туриб ҳикоясини бошлади:

- 17 октябрь 1599 йил. Кузнинг илиққина куни... Эшитяпсизми? Билмадим, Генрих IV ҳукмронлиги тўғрисида ва Понт-Неф қурилиши ҳақида сизга гапириб беришнинг ҳожати бормикан? Ўйлайманки, Франция тарихидан хабардор эмассиз, бу ҳикоям билан сизни чалғитаман, холос. Кеча тунда юк кемасида сузиб келаётган бир одам Понт-Неф кўприги остидан ўтаётиб чап соҳилдан нимадир сувга ташлаб юборилганини пайқаган. Ниманидир Сена дарёси тубига ташлаб юборишган. Кема бортидаги ит ўзини сувга отиб, дарёдан қандайдир тугунни кўтариб чиққан. Ҳалиги киши тугунни олган, итни сувдан чиқарган ва тугун ичида нима борлигини аниқлаш учун каютага кирган. Топилдиқ уни қизиқтариб қолган ва у менга одам юборган. Ўша куни эрталаб мен тугундаги сирли нарсага эга бўлдим ва баъзи бир нарсаларни аниқладим. Мана улар.

У стол устидаги газета бўлақларига ишора қилди. Ўша ерда катта шиша сиёҳдон бўлиб, унга боғлаб қўйилган бир бўлак шардуз кўриниб турарди. Шиша синиқлари, ғижимланган картон, латта бўлақлари ҳам бор. Ва ниҳоят, стол устида қизил рангдаги бир парча шоҳи матоҳ.

- Кўряпсизми, бизнинг топилдиғимизни, ёшлигимнинг дўсту ҳамроҳи, - деди Люпен. - Шубҳа йўқки, ит тугунни сувдан олиб чиқаётганда нарсаларнинг бир қисми тушиб қолган, акс ҳолда бу топишмоқни осонгина ечса бўларди. Аммо ўйлайманки, масаланинг тубига етиш учун шуларнинг

ўзи ҳам етарли. Фақат бунга сизнинг ақлингиз ва қобилиятингиз бўлса бас. Сизни қизиқтираяптими бу иш?

Ганимар ҳолатини ўзгартирмади. У масхараомуз сўзлар билан Люпен устига ташланишга тайёр эди, аммо ўзини босди.

– Шуниси аёнки, биз бир хил фикрлаймиз, – деди Люпен инспекторнинг сукутига эътибор бермай. – Мен мана бу нарсаларга таяниб, ўз фикримни қисқагина баён этмоқчиман. Кеча соат тўққиз билан ўн икки оралиғида ёш ва латофатли бир аёл пичоқ билан ярадор қилинган ва кўзойнакли ёш, ғоят келишган ҳамда спорт билан шуғулланадиган жаноб томонидан бўғиб ўлдирилган. Ана шу жаноб билан ҳалиги аёл емакхонада ўтириб, учта эклер еган ва қаҳва ичган.

Ганимар сигарета чекди ва Люпеннинг енгидан ушлади.

– А-ҳа, бу сизга ёқмади инспектор. Жиноят қидирув ишлари фақат полицияга тааллуқли, бошқалар учун бу имконсиз деб ўйлайсиз-да?! Тўғри эмас, азизим! Сиз, Люпен фақат алдашга қодир деб ўйлайсизми? Менинг хулосаларим жуда ҳайратомуз ва жуда оддий, – деди у ва стол устидаги нарсаларни навбат-ма-навбат қўлга олиб ҳикоясини давом эттирди.

– Айтганимдай, бу воқеа кеч соат тўққиздан кейин рўй берган. Мана, газетанинг кечки сони. Унинг тепасида эса «Кечки нашр» деб ёзилган. Мана бунга қаранг. Сарик қоғоз изларини кўрдингизми? Бу одатда обуначининг манзили ёзиладиган, нарса ўраш учун ишлатиладиган қоғоз бўлакчаси. Газетанинг кечки сони қоидага кўра, соат тўққиздаги почта билан келади. Мен: «келишган эркак» дегандим. Мана бу шиша синиғига қаранг, бу ерда бор-йўғи бир хил шиша. Демак, бу лорнет (дастали кўзой-

нак, изоҳ бизники), мана дастасининг изи ҳам бор. Юқори табақа кишиларидан бўлак ким лорнет олиб юради. Олифта кийинган эркак пишириқлар дўконига кирган. Картон бўлаклари пирожний қутисиники. Мана, эклер кремидан қолган излар ҳам бор.

Ана шу пакетни қўлтиқлаб олган бизнинг лорнетли ёш аслзодамиз қандайдир ажойиб бир хоним билан учрашади. Бу хонимнинг ажойиблиги шундаки, у алвонранг шарф ўраб юрарди. Аёл билан учрашгандан кейин – бизга ҳозирча номаълум сабабларга кўра – унга пичоқ уради ва сўнгра мана шу шарф билан бўғиб ўлдиради. Диққат билан қарасангиз, инспектор, шарфда қорамтир-қизғиш доғ борлигини кўрасиз. Мана бу жойига пичоқни артган, бу жойини қонли панжалар ғижимлаган. Жиноят содир этилгач, қотил изини йўқотишга уринган. У чўнтагидан газетани (дарвоқе, худди шу газетада от спорти ҳақидаги хабарлар босилади) ва ипни олади. Бу унинг спортга қизиқишини кўрсатмайдими? Кейин у шарфни қайчи билан қирқади. Шарфнинг иккинчи бўлаги мурданинг қўлида қолади. Шарфдаги қонли излар, ҳеч шубҳасиз, қурбон бўлган аёлники. Кейин уларни картон бўлагига ўрайди, ҳозир Сена тубида ётган пичоқни ҳам унинг ичига солади. Тугунчани ип билан боғлаб, кема ўтаётган пайтда сувга ташлаб юборади. Умуман, ҳаммаси – шу! Фу! Оғир иш. Нима дедингиз?

У ҳикояси қандай таассурот қолдирганини билиш учун Ганимарга қаради. Инспектор ҳамон жим эди.

Люпен кулди.

– Кўриб турибман, бу воқеа сизни ҳайратга сол-япти ва зардангизни қайнатяпти. Сиз: «Қандай шайтон чалиб Люпен қотилни ўзи топмасдан ва ундан катта пул ундирмасдан бу ишни менга тиқиштиряпти?» деб ўзингизга савол бераяпсиз. Ўринли са-

вол. Лекин, масаланинг битта «лекини» бор. Гап шундаки, менинг вақтим йўқроқ.

Ҳозирги пайтда ишим бошимдан ошиб-тошиб ётибди: Лондонда, кейин Лозанада кулфбузарлик рўй берган, Марселда ёш бола ўғирланган. Бунинг устига айна пайтда бир қизнинг ҳаёти ўлим хавфи остида турибди. Умуман, айтадилар-ку, бахтсизлик қўша-қўша юради деб. Шуларни ўйлаб: «Бу ишни қадрдон дўстим Ганимарга топширсам-ку бўлади, ҳаммасини у аниқ ва осонгина ҳал қилади. Қаранг, мен унга қандай ёрдам беряпман! Бу ишда Ганимар ўзининг нималарга қодирлигини намойиш этади!» дедим ўзимга-ўзим. Ва эрталаб соат саккизда йигитларни сафарбар этдим. Ва мана, сиз менинг хузуримда турибсиз!

Люпен ўрнидан турди, инспекторга яқинлашди ва деди:

– Бўлгани – шу. Энди сизга ҳаммаси маълум. Жасадни дарҳол топа оласиз. Тахминимча, у бирорта концерт залининг ўйинчиси ёки кўшиқчиси. Жиноятчи эса менинг тахминимча, дарёнинг чап соҳилида, Понт-Неф кўприги яқинида яшайди. Ва ниҳоят, сизга манави ашёлар. Улар сизнинг ихтиёрингизда. Ишни бошланг. Фақат мен мана бу бир бўлак шарфни олиб қоламан. Агар сизга унинг зарурати бўлса, жасад бўйнида қолган қисмини олиб келарсиз. Бугун 29 декабрь, соат 10. Роппа-роса тўрт ҳафта кутаман. Бемалол ишонаверинг, ҳеч қаёққа кетмайман. Қўрқманг, қасам ичиб айтаман-ки, булар ҳаммаси жиддий иш, ёшлигимнинг дўсти-ҳамроҳи. Ҳазил қилаётганим йўқ. Шаъним ҳақи, сўз берман.

Энди бораверинг. Ҳа, дарвоқе, агар ўша одамни қўлга олиш зарурати туғилса, огоҳ бўлинг, у чапақай.

Кўришгунча хайр, дўстим, омад сизга ёр бўлсин!

Инспектор хушини тўплаб олишга улгурмай, Люпен ортига ўгирилди ва хонадан чиқиб кетди. Инспектор унинг ортидан отилди ва англадики, эшик унга маълум бўлмаган қандайдир усул ёрдамида қулфланиб қолган эди. У уйдан чиққунича йигирма дақиқа ўтди. Арсен Люпенни қамоққа олиш тўғрисида энди ўйлаб ўтириш бефойда. Бунинг устига ҳозир қамоққа олишни истамасди ҳам. Люпен уни руҳлантириб юборди ва инспектор ўзининг собиқ душманига нисбатан янги бир ҳиссиёт туйди. Кўрқув, кўролмаслик, қойил қолиш ҳаммаси аралашиб кетганди. У ишига йўл олди ва йўл бўйи бўлиб ўтган воқеани мулоҳаза қилди. Қизил шарф воқеаси уни қизиқтириб қўйганди. Бу жуда қизиқ ва одатдан ташқаридаги воқеа бўлиб туюларди. Арсен Люпеннинг хулосалари қатъий мантиққа асослангани билан инспекторни қойил қолдирди.

– Йўқ, у ҳазиллашмаяпти, – деди ўзига-ўзи.

* * *

Ганимар Соҳилбўйи Орфеврдаги полиция маҳкамасига қадам қўйганида ҳам бўлиб ўтган воқеа тўғрисида ўйларди.

– Сиз шефни кўрдингизми? – сўради ундан инспекторлардан бири.

– Йўқ.

– Сизни йўқлаштирган эди.

– Шундайми?

– Яхшиси, унинг ҳузурига боринг.

– У қаерда ўзи?

– Берни кўчасида. У ерда тунда қотиллик рўй берган.

– Жабрланувчи ким экан?

– Аниғини билолмадим. Қанақадир қўшиқчи қиз?

– Вой, худойим-ей! – ғўлдиради Ганимар.

Ўлдирилган қиз санъат соҳасида дунёга танилган ва Женни Сафир деган саҳнавий ном олган кўшиқчи эди. У одатдаги уйларнинг бирида, иккинчи қаватдаги кичкина хонада яшарди. Полициячи катта инспекторни юқорига бошлаб чиқиб хонани кўрсатди. Икки хонали квартира аллақачон ҳукумат намояндалари ва мсье Дюдуи бошчилигидаги жиноят қидирув органи ходимлари билан тўла эди.

Ганимар хонани таажжуб ичра кўздан кечирди, кенг ва юмшоқ диван устида кўлига қизил шарф боғланган ёш аёлнинг жасади ётарди. Унинг кўк-сида пичоқ зарбидан қолган ва қони қотган иккита яра, юзида даҳшат ифодаси.

Хирург текширувни тамомлади ва деди:

– Биринчи хулоса аниқ. Унга икки марта пичоқ урилган, кейин шарф ёрдамида бўғилган. Ўлим бўғиш оқибатида рўй берган.

– О, худойим-а! – яна ғўлдираб кўйди Ганимар Арсен Люпеннинг гапларини эслаб.

– Лекин бўйнида бармоқ излари кўринмайди, – луқма ташлади изкуварлардан бири.

– Уни сочиқ ёки кўл рўмолча ёрдамида бўғган бўлиши ҳам мумкин, – тахминлади врач.

– Албатта, шундай бўлган, – бу фикрга кўшилди шеф ва кўшимча қилди: – ўша шарфдан фойдаланган бўлишлари ҳам мумкин. Кўраяпсизми, кўли шарфнинг бир бўлаги билан боғланган, иккинчи бўлаги уни бўғиш учун ишлатилган шекилли.

– Лекин нима учун шарфнинг фақат бир бўлаги қолган? – сўради магистрат аъзоси. – Иккинчи бўлаги қаерда?

– Иккинчи бўлагида қон излари қолган бўлса, қотил уни ўзи билан бирга олиб кетган. Қаранг, у шарфни қайчи билан шошилинич тарзда кесган.

– Ё, Парвардигор! – ғўлдиради Ганимар. – Люпен, ҳатто жиноят содир бўлган жойни кўрмасдан ҳам ҳаммасини билади.

– Жиноят нима учун рўй берган? – сўради магистрат аъзоси. – Бу ерда ҳамма нарса ағдар-тўнтар қилинган. Бу ҳақда сиз бирор фикр билдирмоқчи эмасмисиз, мсье Дюдуи.

– Мен хизматкор аёлнинг тушунтириш хатига асосланаман. Яхши кўшиқчи сифатида танилган бу қиз икки йил аввал Россиядан сарой аъёнларидан бири совға қилган ажойиб зумрад тошни олиб келган. Женни ҳеч қачон уни тақмаган бўлса-да, бундай совғадан жуда фахрланиб юрган. У ҳатто ўзига шу тошга уйқоч исм ҳам танлаган – Сафир. Агар биз жиноят ана шу зумрад туфайли рўй берган деб хулоса чиқарсак, ҳақиқатга яқин борган бўламиз.

– Хизматкор аёл бу тошнинг қаерда сақланишидан хабардор бўлганми?

– Йўқ, буни ҳеч ким билмаган. Хонадаги тартибсизликдан кўринадики, жиноячи тошнинг қаердалигидан хабарсиз бўлган.

– Хизматкор аёлни сўроқ қиламиз, – хулоса қилди магистрат аъзоси.

Мсье Дюдуи ўгирилиб қараб бош инспекторни кўриб қолди.

– Ҳорғин кўринасиз, Ганимар. Нима гап? Бировдан шубҳангиз борми?

– Йўқ, шеф.

– Афсус. Биз бу иш юзасидан шов-шув кўтарсак департаментда шуҳрат қозонган бўлардик. Бу энг ноёб жиноятлардан бири. Биз зудлик билан жиноятчини топишимиз зарур.

– Бу осон кечмайди, шеф.

– Топишимиз керак. Кулоқ солинг, Ганимар. Оқсоч аёлнинг айтишича, Женни Сафир ҳаётдан лаз-

зат олиб яшашни яхши кўрган. Бот-бот меҳмон қабул қилган. Ўша кеча у концерт залидан ўн бир яримда эркак киши билан қайтган. Ярим тунгача бирга бўлишган. «У аслзодалардан. Менга уйланиш ниятида», дер экан Женни. Аслзода одам деганлари ўта эҳтиёткор ва сезгир киши бўлган. Шунчалик эҳтиёткор эканки, дарвозабон олдидан ўтаётиб пальтосининг ёқасини кўтариб, шляпасининг четларини тушириб оларкан. У келишидан олдин Женни Сафир оқсоч аёлни жўнатиб юбораркан. Ана шу одамни қидиришимиз керак.

– Ундан бирор белги қолганми?

– Ҳеч нарса. Кўриниб турибдики, у ярамас жуда ақлли, жиноят қилишдан аввал уни роса пишиқтирадиган ва ҳеч қандай из қолдирмасликнинг йўлини биладиган одам. Уни қўлга олиш бизнинг муқаддас бурчимиз. Бу ишни сизга ишонаман, Ганимар.

– Наҳотки, менга шеф? – деди инспектор, – яхши, ўйлаб кўрамиз... Биз ўйлаб кўрамиз... Мен айтмоқчи эмасдим... Фақат...

У жуда ҳаяжонланарди. Бу ҳолат мсье Дюдуининг энсасини қотирди.

– Фақат, – давом этди Ганимар, – қасам ичиб айтаманки, шеф, мен қасам ичаманки...

– Нимага қасам ичасиз?

– Ҳеч нарсага... Биз ўйлаб кўрамиз, шеф... Ўйлаб кўрамиз...

Ганимар ёлғиз қоларкан, узоқ вақт ўзига келмади. Сўнгра шефига таъкидлаган ўша гапнинг давомини айтди.

– Фақат осмон ҳақи қасам ичаманки, уни қўлга олиш менинг вазифам эди, ахир бу ишнинг калитини ярамас Люпен менга тутқазганди. О, лекин бундай қилолмайман!

Ганимар Люпен томонидан таклиф этилган масалани ечишга узоқ бош қотирди.

Энди ҳаммаси унинг айтганини тасдиқлаб турибди, шунга қармай, Люпен далиллар бўшлиғидан қандай қилиб бу даражада аниқ хулоса чиқара олдийкин. Ҳар ҳолда агар Люпен ҳақ бўлса, ғалаба инспекторнинг кўлида.

Ганимар емакхонада шоша-пиша тамадди қилди-да, кўчага чиқди, аммо йўлда ажабланганча тўхтаб қолди. У Люпен томонидан алдаб олиб борилган ўша Сюрен кўчасидаги чоғроқ уйнинг дарвозаси олдида турарди. Бу ерга уни иродасидан ташқари қандайдир куч етаклаб келган эди. Сирнинг калити шу ерда, фақат шу ерда. Тахминлар ва эҳтимоллар аниқ ва ҳақиқатга шу қадар яқин ҳамда шу қадар ғаройибу беҳато эдики, худди бу ўзининг одатдаги хусусий ишига ўхшарди.

Инспектор барча шубҳаларга қўл силтаб уйга кирди-да, зина бўйлаб юқорига кўтарилди. Хона эшиги очиқ эди. Ҳалиги нарсалар жой-жойида турарди. Инспектор шошқин бир тарзда уларни чўнтагига тикди-ю, чиқиб кетди. Ўша лаҳзада инспектор қандайдир кўзга кўринмас куч таъсирида фикрлар, беихтиёр ҳаракат қилар, унга қаршилиқ кўрсата олмас ва унга бўйсунарди.

Понт-Неф кўприги яқинида яшайдиган номаълум кимсани қидиришдан аввал оқшом пайти ишлайдиган шираворлар дўконини топиш керак эди. Бу кўп вақтини олмади. Сен-Лазар вокзали яқинидаги қандолат дўқонида унга дарёдан топилган тугундагига ўхшаш картон қути беришди. Бунинг устига сотувчи қизлардан бири ўша оқшом мавсумий пальтосининг ёқасини кўтариб олган бир жаноб дўконга келганини ва унинг лорнети ҳам борлигини кўрганини айтиб берди.

– Мана, муаммонинг калити, – хаёлдан ўтказди инспектор, – демак, у лорнет олиб юради.

Кейин инспектор матбуот тарқатувчига газета бўлакчасини кўрсатди. У газета парчаси «Терф Иллюстре»дан олинганини аниқлаб берди.

Ганимар таҳририятга кириб, обуначилар рўйхатини сўради. Понт-Неф кўпригидан унча узоқ бўлмаган жойларда яшовчиларнинг номларини ёзиб оларкан, Люпеннинг сўзини эслаб, чап соҳилда яшовчиларни алоҳида белгилади. Шундан сўнг маҳкамага қайтиб, бир гуруҳ ходимларни чорлаб, уларга керакли кўрсатмалар берди. Ходимлардан энг сўнггиси кеч соат еттиларда хушхабар билан қайтди. Мсье Превалье исмли «Терф» газетасини олувчи киши Августчилар соҳилидаги квартирада яшаркан. Унинг эғнида мавсумий пальтоси бўлган, дарвозабоннинг хотинидан хат ва газетасини олиб чиқиб кетганича ярим тунда қайтган. Унинг лорнети ҳам бўлган. У ипподромнинг доимий мижози бўлиб, ўзининг оти ҳам бор экан. Отини гоҳида ўзи минар, гоҳида ижарага бераркан.

Қидирув узоқ чўзилмади, олинган маълумотлар эса Люпен айтган ҳикоянинг айнан ўзи бўлиб, изқуварлар берган маълумотлар эса Ганимарни ҳам чарчатди, ҳам зериктириб юборди. Шунча йил жиноят қидирув ишида ишлаб бунчалик аниқликка дуч келмаганди.

Бош инспектор мсье Дюдуи хузурига йўл олди.

– Ҳаммаси тайёр, шеф, рухсатнома берасизми?

– Нима?

– Қамоққа олиш учун ҳамма нарса тахт деяпман, шеф.

– Сиз Женни Сафирни ўлдирган кишининг исминини аниқладингизми?

– Ҳа.

– Қандай қилиб? Қай йўл билан? Тушунтиринг!

Ганимар бироз виждони қийналаётганини сезди, бироз хижолат тортди. Шунга қарамай давом этди.

– Мутлақо тасодиф, шеф. Сенага ташланган нарсалар воситасида қотилни топдик. Тасодифий бир ҳолат туфайли сувга ташлаб юборилган тугунчани топган киши уни менга олиб келган эди.

– Ким?

– Уни олиб келган киши нохуш ҳолат рўй беришидан чўчиб номини айтишни лозим кўрмади. Лекин сирнинг калити менинг қўлимда. Бу мен кутганимдан анча осон рўй берди.

Инспектор бўлиб ўтган воқеани сўзлаб берди.

– Сиз шундай ишни тасодиф дейсизми? – таъсирланиб гапирди мсье Дюдуи. – Яна буни осон кўчди дейсиз-а! Ахир бу сизнинг энг ёрқин ишингиз!

Ганимар ишни ниҳоясига етказишга отланди. Унинг одамлари Августчилар соҳили бўйидаги уйни ўраб олдилар. Уй эгаси у одамнинг егулик олиб келиш учун кетганини маълум қилди. Ганимарнинг одамлари кутиб туришди. Кеч соат тўққизларга яқин уй эгаси инспекторга пальто кийган баланд шляпали кишини кўрсатди. У соҳил бўйи томон тез-тез юриб келарди. Ганимар қатъият билан у томонга юрди.

– Билишимча, сиз мсье Превальесиз?

– Ҳа. Ўзингиз кимсиз?

– Сизни қўлга олиш учун менда...

У сўзини тугата олмади. Қоронғуликдан бир тўда одамлар чиқиб келишди. Мсье Превалье ўзини бинога урди-да, елкаси билан дўкон эшигига тақалди.

– Кетинг! – қичқирди у, – мен сизни танимайман!

Мсье Превалье ўнг қўлида оғир тросни маҳкам чангаллаб турар, чап қўли билан орқадаги эшикни

пайпасларди, унинг эшикни очмоқчи бўлаётгани аниқ эди.

Ганимар Превальенинг қандайдир яширин йўл орқали қочиб кетишидан кўрқиб, унга яқин борди.

– Бас қилинг, – қаршилик кўрсатишингиз бефойда, – деди Ганимар ва унинг кўлидаги тросга қараб Люпеннинг огоҳлантиришини эсалади: «жиноятчи чапақай». Ганимар бирдан ерга эгилди, Превалье чап кўли билан пистолетни кўтариб улгурмай унга ташланди ва мушти билан жағига зарба берди. Превалье ерга қулади. Ва кўп ўтмай ўзини қамокда кўрди.

Ганимар азалдан ўз ишининг маҳоратли устаси эди, аммо бу ишнинг тезкорлик билан очилиши унга шуҳрат келтирди.

Барча очилмаган жиноятлар ҳам дарҳол Превальенинг бўйнига илинди, газеталар эса бир-биридан ўтказиб Ганимарни мақтарди.

Бу иш катта шовқин-суронга сабаб бўлди. Энг аввало, Превальенинг аслида Томас Дреклиги маълум бўлди. Биргина шу фактнинг ўзи ҳайратланарли эди. Аммо унинг хонаси кўздан кечирилганда жиноятга доир ҳеч нарса топилмади. Орадан саккиз кун ўтгач ҳамма нарса ўзгариб кетди. Шу пайтгача сўроқларга жавоб беришни истамай жим турган Превалье, адвокатнинг маслаҳати билан тилга кирди ва ишончли алиби кўрсатди. Жиноят рўй берган пайтда у Фоли-Бержер театрида ўтирганлигини айтди. Ҳақиқатдан ҳам унинг костюми чўнтакларидан топилган чипта ва театр дастурида ўша оқшом санаси турарди.

– Алиби аввалдан ҳозирлаб қўйилган, – эътироз билдирди судья.

– Бунга исботланг, – талаб қилди Превалье.

Шунда уни гувоҳлар билан юзма-юз қилишди. Қандолат дўконида ишлайдиган қиз «танигандай-

ман» деди. Бержъе кўчасидаги дарвозабон ҳам Женни Сафир билан келадиган одам «шу деб ўйлагандим» деди, лекин ҳеч ким аниқ гап айтишга журъат қилолмади.

Тергов ишлари боши берк кўчага кириб қолганлиги сабабли судья Ганимарни чақириб олиб, унга рўй бераётган қийинчиликлар ҳақида гапирди.

– Бошқа имконим йўқ. Кўйилган айбни қувватлаб туrolмайман.

– Ўзингиз ўйланг, судья, агар Превалье гуноҳсиз бўлса нима сабабдан қўлга олинишига қаршилик кўрсатди?

– У қароқчилар ҳужум қилапти деб ўйлаган, айбланувчи шундай кўрсатув берапти. Шунингдек, у Женни Сафирни умрида кўрмаганлигини айтмоқда. Унинг эътирозларида ноўрин ҳеч нарса кўрмаймиз. Йўқолган сафирни, биз Превальенинг хонасидан изладик, аммо тополмадик.

– Бошқа бирор жойдадир, – қатъий турди Ганимар.

– Мумкин, аммо бу унинг айбдорлигига исбот бўлолмайди. Сизга айтиб қўйишим керак, мсье Ганимар. Қизил шарфнинг иккинчи бўлагини топиш керак. Қанча тез топилса шунча яхши.

– Иккинчи бўлагини?

– Ҳа. Агар қотил уни ушлаган бўлса, бармоқ излари қолган бўлиши керак.

Ганимар индамади. Неча кундирки, бу ишнинг охири «вой» бўлиши тўғрисида ўйларди. Шарфнинг иккинчи бўлагини топиш ва уни судьяга кўрсатиш керак, бошқа бирор далил йўқ. Агар далил келтира олмаса, Превалье озодликка чиқади ва Ганимар кулгига қолади. Бахтга қарши шарфнинг иккинчи бўлаги Люпенда. Уни қандай қилиб олиш керак?

Ганимар айблов ишини қайта бошдан кўриб чиқди, Превальенинг ҳаётига доир ҳамма нарсага аниқлик киритиш учун одам юборди. Аммо барчаси беҳуда эди.

28 декабрда судья уни одил суд саройи йўлагида тўхтатди:

– Хўш, мсье Ганимар. Қандай янгиликлар бор?

– Афсуски, ҳеч қандай.

– Унда мен ишни тўхтатаман.

– Яна бир кун сабр қилсангиз.

– Нима ўзгаради бу билан. Бизга шарфнинг иккинчи бўлаги керак. У сиздами?

– Мен уни эрта эрталаб оламан.

– Эрта?

– Ҳа, фақат менга унинг топилган бўлагини беринг. У сизда бўлиши керак?

– Сизнинг илтимосингизни қондирсам бирор ўзгариш бўладими?

– Агар шундай қилсангиз. Мен сизга бутун шарфни тақдим этардим.

– Жуда соз.

Ганимар судья билан унинг хонасига борди ва бир бўлак қизил шоҳи шарфга эга бўлди.

– Люпен панд бермаса эртагаёқ шарфнинг ҳар иккала бўлагини қўлингизга тутқазаман.

У Люпендан шубҳа қилмасди, фақат Люпен нима сабабдан уни учрашувга чорлади? Шарф унга нима учун керак эди? Шунини ўйлаб Ганимарнинг боши қотди.

Қизиқиш ва чидамсизликдан сабри тугаган Ганимар тонг отиши билан Люпен ҳузурига йўл олди. Бу пайтда унинг одамлари ўша мавзени ўраб олишган эди.

– Агар мен учинчи қаватнинг деразасида кўринсам ёки уй ичидан бир соат ичида чиқмасам уйга

бостириб кириб, у ердаги кишини қўлга оласизлар, деб топшириқ берди у одамларига.

Сўнгра чўнтагидаги пистолетини пайпаслаб қўйиб, уй томон юрди.

Ҳамма нарсанинг аввалгидек жой-жойида турганини кўриб Ганимарнинг ҳайрати ошди. Деразага бир кўз югуртириб олиб, хоналарни бир-бир қараб чиқди. Жон асари йўқ.

– Люпен қўрқибди, – дея ишончсизлик билан ғўлдиради у.

– Бемаъни гапларни гапирманг, – деган овоз эшитилди ортидан.

Инспектор чаққонлик билан ўгирилиб қараб, комбинзон кийиб олган кекса ишчини кўрди.

– Ҳаяжонланманг, – деди ишчи, – мен Люпенман. – Эрталабдан бери ишлаётган эдим, энди нонушта қилишим керак.

У ажабтовур жилмайиш билан Ганимарга қаради ва хитоб қилди:

– Ўз вақтида ҳозир бўлдингиз, ёшулли! Ҳаётингиз мен учун азиз. Сизни қанчалар севишимни биласиз-ку! Бу ҳақда фикрингиз қандай? Ҳаммаси ўйлаганимдек бўлиб чиқдими-а?! Бошланишидан менга маълум бўлган экан-да! Хўш, бундай ишларни қай даражада эплар эканман? Қандай сезгир ақл, Ганимар. Воқеа қай даражада тикланди! Қандай топқирлик! Ҳайратомуз даражада кўра билиш! Сизга шарф керакми?

– Ҳа, иккинчи бўлаги. У сиздами?

– Албатта. Икковини бирга қўйишингизни сўрайман.

Улар қизил матоҳнинг иккала бўлагини ёнма-ён қўйишди. Қирқимлар бири-бирига тўла мос эди, ранги тўғрисида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади.

– Бироқ, мен ўйлайманки, бу ерга фақат шарф учун келмагансиз, – деди Люпен, – сиз қон изларини кўрмоқчисиз. Дераза олдига борайлик, бу ер қоронғу, Ганимар.

Улар қўшни хонага ўтиб, дераза олдига боришди. Люпен шарфни дераза токчасига ёйиб қўйди.

– Қаранг, – деди у Ганимарга боши билан имо қилиб.

Инспектор шарф устига эгилди. Беш панжанинг изи аниқ кўриниб турарди. Рад этиб бўлмайдиган далил. Қотил Женни Сафирнинг шарфига из қолдирган эди.

– Бу чап қўлнинг изи, – деди Люпен. – Ёдингиздами, сизни огоҳлантирган эдим, мени жодугар деб ўйлашингизни истамайман.

Ганимар шоҳи матоҳ бўлагини дарҳол чўнтагига урди. Люпен маъқуллаб бош силкиди.

– Ҳаммаси жойида, ёшулли. Мени жуда мамнун этдингиз! Бу ерда ҳеч қанақа тузоқ йўқлигини кўриб турибсиз... Мен эски ошнам билан яқин бўлишни истагандим, холос. Лекин шарфнинг сиздаги бўлагига жуда қизиқяпман, уни диққат билан бир кўздан кечирсам... Кўрқманг... Ўзингизга қайтараман... Фақат бир дақиқага...

Люпен шарфнинг иккинчи бўлагини олиб кўздан кечири бошлади, Ганимар унинг минғирлашига қулоқ тутди:

– Бундай ишларни нақадар ҳайратомуз бажаришади аёллар! Сиз оқсоч аёл берган гувоҳликнинг бор жиҳатига эътибор қилдингизми? Женни Сафир ўзига қўйлак ва шляпа тикиб кийишни маҳорат билан бажарган. Кўриниб турибдики бу шарфни ҳам унинг ўзи тайёрлаган... Буни бирдан пайқадим. Мен ҳақиқатдан ҳам жуда қизиқувчанман, чўнтагингиз-

даги бўлакни диққат билан текшириб, унинг учида, пўпакларига яқин четида бечора қиз ўз кўли билан тикиб қўйган кичкина туморчани топган эдим. Бечора шу тумор бахт келтиришига ишонган. Бу таъсирланарли эмасми, Ганимар? Аммо кичкина туморча бизнинг хонимимизга унчалик фойда бермади.

Инспектор ҳайратланган кўйи Люпендан кўз узмай қараб турар, у эса давом этарди:

– Шунда мен ўз-ўзимга: «Полициянинг кўлидаги иккинчи бўлакни текшириб кўриш жуда қизиқ бўларди», деб ўйладим. Мендаги бўлагига туморча бор эди ва мен ўйладимки, «иккинчи бўлагига ҳам шунга ўхшаш нарсани яшириб қўйишнинг нимаси ёмон». Сиз нима деб ўйлайсиз, қадрдон дўстим? Масалан, сапфирга ўхшаш қимматбаҳо тош яширилган бўлса-я?

У сўзини тамомлаганда кўлида ложувард тош ялтираб кўринди.

– А-ҳа! Айтмаганмидим сизга, ёшликдаги қадрдон дўстим?

У бошини кўтариб инспекторнинг кўзларида ёввойи бир ифодани кўрди. Инспектор топилдиққа изтироб ичра қараб турарди.

– Ярамас, – ғулдиради инспектор, – ҳароми!

Юзма-юз туришарди улар.

– Уни менга беринг, – буюрди инспектор.

Люпен унга шарф бўлагини узатди.

– Ферузани ҳам, – қатъий талаб қилди инспектор.

– Ахмоқликни йиғиштиринг.

– Қайтариб беринг ёки...

– Нима ёки, тентак! – ҳайқирди Люпен. – Наҳотки, мени текиндан-текинга ёрдам беради, деб ўйлаган бўлсангиз?

– Дарҳол қайтариб беринг, – ўз сўзида туриб олди инспектор.

– Сиз нимани ҳам билардингиз, мен тўрт ҳафта давомида худди оҳудай эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилдим, сиз бўлсангиз... Кўйинг, ёшулли. Тошни сув тагида қолган деб ҳисобланг. Ўтирайлик! Сигаретга тобингиз қалай?

Ганимар ўзининг изкуварлари келишини кутиб Люпенга ғазаб билан қараб турарди. У турган хона ҳовли тарафда эди, шундай бўлса-да деразадан ўзини кўрсатишни ўйлади.

– Мен сизни тўнка деб ҳисоблаганда ҳақ эдим. Шарф кўлингизда эди, сиз бўлса уни пайпаслаб кўришни ҳам хаёлингизга келтирмагансиз. Қизгина нима учун бу шарфни ҳар доим боғлаб юргани тўғрисида ўзингизга савол бериб кўрмагансиз.

Люпен ортига ўгирилганидан фойдаланган Ганимар ўзини эшикка урди. Аммо эшик қулф эди. Люпен унинг ортидан хахолаб куларди.

– Бугун ҳам сизнинг фаҳмингиз етмади. Менга тузоқ кўйдингиз, мен бу ҳақда билиб қолишим мумкинлигини ўйлаб ҳам кўрмадингиз. Ҳатто эшикнинг қулфини текшириб ҳам кўрмай ичкарига кирдингиз. Энди ўзингизни нима деб ўйлайсиз?

– Нима деб ўйлайман? – қичқирди Ганимар пистолетини чиқариб Люпенга тўғриларкан. – Кўлингни кўтар! Мана мен нима деб ўйлайман!

Люпен елка қисди.

– Ҳеч ўзгармабсиз.

– Кўлингни кўтар!

– Уни чиқиндихонага ташлаб юборинг.

– Нима?

– Қария Катрин, сизнинг оқсочингиз, кўпдан бери менинг хизматимда. Сиз қаҳва ичаётганингизда у пистолетингиздан ўқларни олиб кўйганди.

Ганимар пистолетни чўнтагига соларкан, Люпенга ваҳшиёна назар билан қаради.

– Хўш, – деди саволомуз оҳангда Люпен инспекторнинг рўпарасида туриб.

Улар бир-бирларига анча вақт тикилиб қолишди.

Ганимар ўтмиш тажрибасидан билардики, Люпен билан олишиш ақлсизлик. Қўлидан ҳеч нарса келмаслигини ҳис этди инспектор.

– Сиз сари ҳам борайлик, – давом этди Люпен, Ганимарнинг жим турганига эътибор қилмай, – яхшиси, бу ишни ўз ҳолича қолдиринг. Ўйлаб кўринг, ёшликдаги дўстим. Агар шундай қилсангиз бу сизга шуҳрат келтиради. Хизматда давом этиш ва қариганингизда яхши яшаш имконини беради. Ўйлайманки, сиз бечора Люпенни қамамайсиз ва ундан зумрад тошни тортиб олмайсиз. Ахир Люпен ҳаётингизни асраб қолди... Ҳа, мсье! Бу қилган ишингиз сизнинг шунча яхшиликка билдирган миннатдорчилигингизми? Превальенинг чапақайлигини ким айтиб берди сизга? Мен сиздан рози эмасман, Ганимар.

Шу гапларни айтганча, Люпен хона бўйлаб кезинарди. Эшик яқинига бориб уни очди. Ва Ганимар англадики, у қочмоқчи. Дунёдаги ҳамма нарсани унутиб Ганимар унга ташланди, лекин қорнига берилган кучли зарбадан учиб бориб девор остига йиқилди. Ёпилган эшик ортидан Люпеннинг кулгуси эштилди.

* * *

Ганимар орадан йигирма дақиқа ўтиб, ўзининг одамлари билан учрашаркан, улардан бири шундай маълумот берди:

– Бундан биров аввал уйдан бир ишчи чиқди. Қўлимга хат туқазиб: «Бошлиққа бер» деди. «Қайси бошлиққа?» деб сўрагунимча ишчи кўздан йўқолди.

– Хатни беринг.

Ганимар хатни очди. Унда қалам билан шоша-пиша тирнаб ёзилган шундай сўзлар бор эди:

«Бу ҳаддан ташқари ишонувчанликка қарши огоҳлантириш, дўстим. Ҳар қандай гапга ишонавермаслик керак, агарда суҳбатдошингиз, ҳатто Арсен Люпен бўлса ҳам. Сизнинг биринчи қилган хатонгиз шуки, пистолетда ўқ йўқлигига ишондингиз. Иккинчиси, сиз қария Катрин мени сотибди деган хаёлга бориб, унинг садоқатига шубҳа қилдингиз. У эса жуда ростгўй ва тартиб-интизомли аёл. Бир кун келиб у билан танишишдан умидворман. Ҳозирча сизга садоқат билан,

Арсен Люпен».

Неъмат Арслон таржимаси

МУНДАРИЖА

<i>Жан Пол Сартр. Девор (Иброҳим Гафуров таржимаси).....</i>	<i>3</i>
<i>Агата Кристи. Тилсимли шахмат (Қодир Мирмухамедов таржимаси).....</i>	<i>33</i>
<i>Стивен Кинг. Гўштқиймалагич (Рустам Обид таржимаси).....</i>	<i>52</i>
<i>Стивен Кинг. Йўлоёқ (Рустам Обид таржимаси).....</i>	<i>89</i>
<i>Артур Конан Дойл. Изқуварнинг инқироzi (Набижон Боқий таржимаси).....</i>	<i>112</i>
<i>Артур Конан Дойл. Лаби тиртиқ одам (Ваҳоб Рўзиматов таржимаси).....</i>	<i>149</i>
<i>Морис Леблан. Қизил ипак шарф (Неъмат Арслон таржимаси).....</i>	<i>182</i>

Адабий-бадий нашр

ДУНЁ ЭЪТИРОФ ЭТГАН
ДЕТЕКТИВ ҲИКОЯЛАР

Муҳаррир

Холиса САИБОВА

Бадий муҳаррир

Насиба ЭРГАШЕВА

Компьютерда саҳифаловчи

Насиба ЭРГАШЕВА

Техник муҳаррир

Улуғбек УРУНОВ

Лицензия рақами: АІ № 310. 2017 йил 24.11да берилган.
Босишга 03.12.2018 й.да рухсат этилди.
Бичими 84x108 1\32.
Босма табағи 6,5. Шартли босма табағи 10,92.
Гарнитура «Cambria». Офсет қоғози.
Адади 2000 нусха. Буюртма № 48.
Баҳоси келишилган нарҳда.

«Навоий университети» нашриёт-матбаа ижодий уйида
тайёрланди ва чоп этилди.
100113. Тошкент, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй.

Мурोजаат учун телефонлар:

(94) 639-03-44

(97) 701-54-01

веб сайт: navoiy-umi.uz

e-mail: navoiyuniversiteti@mail.ru

ДУНЁ
ЭЪТИРОФ **ЭТГАН**

ДЕТЕКТИВ
ҲИКОЯЛАР



ISBN 978-9943-52-315-9



9 789943 523159
